



Элиф
ШАФАҚ

ИШҚА ОИД
40 қонда
{роман}

800 000 нусхада 40 тилда
нашр этилган БЕСТСЕЛЛЕР

18+

Э л и ф
Ш А Ф А Қ

И Ш К Қ А О И Д
40 Қ О И Д А
Роман

800 000 нусхада 40 тилда нашр этилган

БЕСТСЕЛЛЕР

MAJBURIY NUSXA

ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2019

821.512.133-4 (081)

84 (5 Турк) 6

Ш 99

Ш 99 **Шафақ, Элиф.**

Ишққа оид қирқ қоида [Матн]: *Роман / Э. Шафақ.*

– Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2019. – 288 б.

ISBN 978-9943-5672-0-7

Рус тилидан **Шаҳноза Қаҳҳорова** таржимаси

Нашр учун масъул:

Ғулом РАҲМОНОВ

Ушбу китоб бугунги кунда асарлари замонамиз бестселлерига айланишга улгурган, Туркия ва АҚШ ёзувчиси сифатида танилган Элиф Шафақ томонидан ёзилган. Унда ишқ туйғуси ва одамлар орасидаги ўзаро бир-бирини тушунишдай мураккаб руҳий муаммолар маҳорат билан ёритиб берилган. Шунингдек, Шарққа ва Ғарбга, ўтмишга ва ҳозирга оид мотивларнинг бирлашиб кетиши билан ўқувчи диққатини ўзига тортади.

Тақризчилар:

Шаҳноза МАДАЕВА, *фалсафа фанлари доктори, профессор*

Бердиқул ТҲЙЧИЕВ, *фалсафа фанлари доктори, профессор*

Дилбар ФАЙЗИХҲАЕВА, *фалсафа фанлари номзоди, доцент*

ISBN 978-9943-5672-0-7

© Э. Шафақ, 2019

© «MASHHUR-PRESS», 2019

МУҚАДДИМА

Дарёга тош отсангиз, у сувнинг қаерига ва қандай тушганини била олмайсиз. Жуда нари борса, сувнинг бети бироз жимирлаганини кўришингиз мумкин; балки оқим шовқини остидан келган заифгина шалоплашни эшитишингиз мумкиндир. Вассалом.

Тош кўлга отилса, натижаси анча кўринарли бўлади. Сокин сувнинг тинчи бузилиб кетади. Отилган тош бориб тушган жойдан тўлқинланиш бошланади, ойнадек сокин кўл юзи жимирлаб, мавж уриб кетади. Тўлқинлар қирғоққа қадар етиб келади ва анча вақтгача тинчланиш бўлмайди.

Тош дарёга отилса, дарё бунга пинагини ҳам бузмай, ўзининг баҳаловат оқимида давом этаверади. Лекин кўлга отилган тош уни буткул ўзгартириши мумкин.

Элла Рубинштейннинг қирқ йиллик ҳаёти ана шундай сокин кўлнинг сатҳи каби эди – у эртага нима бўлишини олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган одатлардан, майда-чуйда кундалик эҳтиёжлар ва уларни қондириш ташвишларидангина ташкил топган эди. Эҳтимол, кимгадир бундай ҳаёт жуда саёз (тор) ва зерикарли кўриниши мумкиндир, лекин бундай ҳаёт ўзининг жонига тегмаган эди. Кейинги йигирма йил мобайнида кечган ҳаётида унинг барча истак-хоҳишлари, барча муаммолари ва уларнинг ечимлари, ҳаттоки дугоналари ҳам – ҳамма-ҳаммаси турмушга чиққан аёлнинг ҳаёт тарзига мувофиқ тарзда шартланган эди. Эри Дэвид ўз ишининг устаси бўлган дантист (тиш шифокори) бўлиб, кўп ишлар ва топиш-тутиши яхшигина эди. Улар-

ни ўзаро телбаларча эҳтирос боғлаб турмаган эса-да, миссис Рубинштейн (Элла) йигирма йиллик биргаликда кечирилган узоқ турмушдан кейин бундан ортиғини кутиб бўлмаслигини ҳамиша тан олар эди. Ахир никоҳни эҳтирос эмас, балки ундан анча муҳим бўлган бошқа нарсалар – бир-бирларини тушуниш, ўзаро боғлиқлик, қадрлаш, кечиримли бўлиш кабилар сақлаб туради. Буларга нисбатан олганда севги иккинчи даражали бўлиб қолади. Эҳтирослар фақат романларда ёки кинофильмларда яхши кўринади.

Элланинг ҳаётида фарзандлари, коллеж талабаси бўлган фусункор катта қизи Жанет ҳамда ўсмир-эги-заклари Орли билан Ави энг биринчи ўринни эгаллашади. Оилада яна Спирит номли ўн икки ёшли тилларанг ретривер зотли ит ҳам яшайди, Элла у билан кўп йиллар мобайнида эрталаблари сайрга чиқиб келган ва ит унга қувноқ дўст бўлиб келган эди. Ҳозир Спирит қариб, оғир бўлиб қолган, қулоғи эшитмай қолган ва кўзи ҳам деярли кўрмайди. Унинг ҳаёти якунига етиб бораяпти, лекин Элла бу ҳақида ўйлашни истамайди.

Рубинштейнлар оиласи Массачусетс штатида, Нортгемптонда, қиролича Виктория давридан қолган, таъмирлашни талаб қиладиган, лекин чиройли катта уйда яшайдилар. Унда деразалари катта-катта бешта ётоқхона, учта ваннахона, учта машина сиғадиган гараж ва ҳаммасидан зўри боғдаги жакузи (бассейн ваннаси) эди.

Рубинштейнлар ўз ҳаётларини, автомобилларини, нафақаларини, банкдаги маблағларини, шунингдек, ўзлари яшаётган уйдан ташқари Бостондаги ҳашаматли квартираларини ва Родос оролидаги данғиллама уйларини ҳам суғурта қилган эдилар. Буларнинг ҳаммасига етиш Элла ва Дэвид учун осон бўлмаган эди. Уйда пиширилган пирогнинг иси келиб турадиган кенггина, яхши мебеллар билан жиҳозланган, катта

оилага мўлжалланган бу уй балки кимларгадир оддий бир нарса бўлиб кўринар. Лекин Рубинштейнлар учун бундай эмас эди. Улар учун буларнинг ҳаммаси рисоладагидай ҳаётнинг белгиси эди. Улар ўзларининг никоҳдаги ҳаётларини (турмушларини) бир-бирларига мувофиқлашган тарзда қурган ва ўзларининг барча, деярли барча истакларини амалга оширган эдилар.

Энг кейинги Валентин кунига (севишганлар байрамига) Дэвид Эллага юрак шаклидаги бриллиант шокиллари тақинчоқ совға қилганди. Ундаги карточкага «*Менинг ёқимтой Эллагга – ювош характерли, кенг феълли ва фаришта каби сабру тоқатли аёлга. Мени бўлганимча қабул қилганинг учун сенга раҳмат. Менинг хотиним бўлганинг учун сенга раҳмат. Сенинг Дэвидинг*» деган ёзув ёздирилган эди.

Элла Дэвидга айтмаса ҳамки, ушбу ёзувни ўқиғанида ўзи учун ёзиладиган некролог (таъзиянома)ни кўргандай бўлган эди. «Мен ўлганимда мана шундай ёзишар экан-да», деб ўйлаган эди у. Агар ҳаққоний бўлсалар, яна бир неча жумлани кўшишлари мумкин эди:

«Элла ўз ҳаётини эри ва фарзандларига парвона бўлиб яшаш билангина ўтказди ва ўз ҳолича яшаш нималигини унутди. У оқимга қарши сузадиганлардан бўлмаган эди. Ҳатто дамлайдиган қаҳвасининг навини алмаштириш ҳам унинг учун деярли қаҳрамонликдай бўлар эди».

Ва ҳеч ким, ҳатто Элланинг ўзи ҳам, нима учун 2008 йилнинг охирига келиб йигирма йиллик никоҳдан кейин, ажрашиш учун ариза берганини тушуна олмади.

Сабаби севги эди.

Улар (севишларидан олдин) бошқа-бошқа шаҳарларда яшаётган эдилар. Ҳаттоки бошқа қитъаларда эдилар. Уларни нафақат ораларидаги масофа ажратарди, уларнинг ўзлари ҳам худди тун билан кун каби жуда ҳар хил эдилар. Уларнинг ҳаётий принциплари шу да-

ражада турлича эдики, бир-бирларини яхши кўриш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларининг ёнларида туришга ҳам тоқат қила олмас даражада эдилар. Лекин бўлар иш бўлди. Ва бу шунчалар тез содир бўлдики, Элланнинг уни англаш ва ундан ҳимояланиш учун вақти ҳам бўлмади, агар севгидан ҳимояланиш мумкин бўлса, албатта.

Севги Элланнинг юрагига том маънода ёриб кирган эди – унинг сокин ҳаёт кўлига қаердандир тўсатдан ва ҳеч қандай такаллуфсиз отилган тош каби эди у.

Элла

2008 йил, 17 май, Нортгемптон.

Ошхона деразаси ортида баҳор қуёши нур сочиб турган тонгда қушлар баралла сайрашар эди. Кейинчалик Элла (ўз ҳаётида) содир бўлган бу ҳодисани хаёлан жуда кўп марта миридан-сиригача қайта тиклашга уринаркан, охир-оқибат бу унинг учун энди хотира бўлмай қолди ва уни давом этаётгандай ҳис этадиган бўлди.

Якшанба куни одатда биргаликда ва кечроқ қилинадиган нонуштага бутун оила аъзолари хурсандчилик билан йиғилиб, стол атрофига жойлашган эдилар. Эри ўз ликопчасига қовурилган товуқ оёғини солди. Ави пичоқ ва санчқини ўйнатар эди, унинг эгизак синглиси Орли эса – кунига 650 калориядан иборат – ўз парҳезини бузмаслик учун ютаётган ҳар битта луқумини санаб ўтирар эди. Яқинларидаги Маунт-Холиоок Коллежининг биринчи курсида ўқиётган Жанет нонга қаймоқли пишлоқ суртарди ва ўз хаёллари ғарқ бўлиб кетгандай кўринарди. Унинг ёнида қариндошларининг ўзи пиширган машҳур мармар торти билан сийлаш учун келган, кейин улар билан бирга нонушта қилишга қолган Эстер хола ўтирар эди. Элла бугунга жуда кўп ишларни

режалаштирган эди, шунга қарамай у столдан туришга шошмай ўтирарди. Кейинги пайтларда бутун оила йиғилиб, бир стол атрофида ўтирадиган ҳоллар унча кўп бўлмаётган эди ва Элла оилани бирлаштирадиган бундай қулай имкониятни бой бермаслик керак, деб ҳисобларди.

– Эстер, Элла сенга бир ажойиб янгилиги борлигини айтдимиз? – сўради дабдурустдан Дэвид. – У ўзига ажойиб иш топди.

Гарчи Элланинг инглиз адабиёти бўйича бакалаврлик даражаси бор ва ўқишни жуда яхши кўрса ҳамки, коллежни битирганидан кейин ишлари унча яхши юришмаган эди: аёллар журналларида нашр этиш учун ёзиладиган кичик-кичик мақолаларни таҳрир этиш, кам сонли китоб клублари билан ҳамкорлик қилиш ва онда-сонда маҳаллий газеталар учун рецензиялар ёзиб туришдан нарига ўта олмаган эди. Бир вақтлар эса Элла таниқли танқидчи бўлишни орзу қилган эди, кейин ҳаёт унга бошқа йўл танлаганини тан олди ва сон-саноксиз уй ишларига буткул ғарқ бўлиб кетган онага айланди.

Уч боланинг онаси, эрли хотин, ити ва уй хизматчиси бор аёл сифатида у бир он ҳам тиним билмас эди. Бахтига тирикчилик учун пул топиш ташвиши ҳам йўқ эди. Тўғри, Смит Коллежида у билан бирга ўқиган дугоналари Элла танлаган йўлни маъқулламас эдилар, лекин унинг ўзи уй ишлари билан астойдил шуғулланар ва эри билан биргаликда эришган барча нарсалар учун тақдиридан хурсанд эди. Боз устига китоб ўқишни ҳамон жуда севарди.

Аммо кейинги бир неча йил мобайнида Элланинг ҳаёти ўзгара бошлаган эди. Болалари улғая бошлаган ва оналарининг тинимсиз парваришига муҳтож эмасликларини англатишга урина бошлаган эдилар. Бўш вақти кўпайгани учун Элла энди иш топишга ҳаракат

қилса, тўғри бўлишини ўйлаб қолган эди. Дэвид хотинини қўллаб-қувватлади. Тўғриси, бу ҳақида қанча кўп гаплашилган бўлса ҳамки, у унчалик шошилмас, ишга таклифлар ҳам унча кўп тушмас эди. Таклиф тушиб, суҳбатдан ўтиш вақти келганда эса, иш берувчиларга ёшроқ ва тажрибалироқ кимдир керак экани маълум бўлар эди. Ўзининг рад этилишларидан саросимага тушган ва бироз кўрққан Элла иш қидиришдан воз кечиб қўя қолган ва бу ишларнинг ҳаммасини йиғиштириб, ўз ҳолига ташлаб қўйган эди.

Шунга қарамасдан 2008 йилнинг май ойида, ўзининг қирқ ёшга тўлишидан олдин у бирдан марказий ибораси (офиси) Бостонда жойлашган адабиёт агентлигидан таклиф олган эди. Аслида эса эри ўз клиентларидан бири воситасида, бу унинг жазманларидан бири бўлса ҳам ажабмас, унга шу ишни топиб берган эди.

– Э, йўқ, бу шунчаки, унча арзирли гап эмас, – тушунтира бошлади Эстер холага Элла. – Мен фақат адабиёт агенти учун ўқийман, холос, у ҳам бўлса, тўлиқ иш кунини қамрамайди.

Лекин Дэвид Элланинг ўз ишини камситишга уришига қатъиян йўл қўймади.

– Йўқ, бу таниқли агентлик, – уқтирди у хотинини қўзғатишга ҳаракат қилар экан ва бундан натижа чиқмаганидан кейин, ўзи тушунтиришда давом этди. – Бу бообрў иш, Эстер. Бошқа ассистентларни ҳам кўрсангиз эди! Ҳаммалари энг яхши коллежларни битиришган! Фақатгина Элла кўп йил уйда ўтириб қолган. Энди эса унинг ҳам тузуккина обрўси бўлади!

«Наҳотки эри юрагининг туб ерида унинг карьера қила олмаганида ўзини айбдор ҳисоблар экан?» деб ўйлади Элла. Ёки виждони уни ўз хотинига қилган хиёнатлари учун тинчлик бермаяптимикин? Унинг бу ишда нега бунчалик ташаббус кўрсатаётганининг сабабини у бошқача тушуна олмас эди.

– Мен буни дадиллик деб атайман. Биз онамиз билан фахрланамиз, – кулимсираб, ўз гапини якунлади Дэвид.

– У мақсадига етади. У ҳар доим шунақа бўлган, – деди Эстер хола ҳаяжон билан, наздида жияни ҳозирақ столдан турадигандай ва ўз қариндошларини бутунлай ташлаб чиқиб кетадигандай эди.

Ҳаммалари Эллага меҳрли нигоҳ билан қараб турардилар. Ҳатто Ави ҳам истехзоли гап қилишдан ўзини тийиб турарди, ўзининг ташқи қиёфасидан бошқаси хаёлига келтиролмайдиган Орли ҳам ўйлаб қолган эди. Элла бу онларни юқори баҳолади, лекин ажабланирлиси, бирдан авваллари ўзига нотаниш бўлган чексиз бўшлиқ борлигини ҳис этди. У стол атрофида бошланган бу суҳбат мавзусини кимдир ўзгартиришини истаб қолганди.

Элланинг катта қизи Жанет худди уни эшитгандай, тўсатдан гапга аралашди:

– Менда ҳам яхши янгилик бор.

Ҳамма ўгирилиб унга қаради...

– Биз Скотт билан турмуш қуришга аҳд қилдик, – эълон қилди Жанет. – О, нима демоқчи бўлаётганингизни тушуниб турибман! Биз ҳали ёшмиз, ҳали коллежни ҳам битирмаганмиз ва ҳоказолар. Лекин биз иккимиз ҳам ўзимизнинг бундай ўзгаришга тайёр ҳис этаётганимизни тушунишингиз керак.

Ошхонадаги стол атрофига оғир жимлик чўкди. Ҳозиргина ҳаммаларини бирлаштирган илиқлик ва меҳрибонлик туйғуси бир зумда ўчди. Орли билан Арли бир-бирларига ҳайрон нигоҳ ташлашди, Эстер хола эса олма шарбати солинган стаканни кўлида сиққанича тошдай қотди. Дэвид иштаҳаси хиппа бўғилган каби санчқисини қўйди ва оч рангли қўй кўзларини қисиб Жанетга шундай тикилиб қарадики, бурчакларида кулимсирагандаги каби чуқур ажинлар пайдо бўлди. Ле-

кин у кулмаётган эди. Юзи худди бир хўплам сиркани ичиб юборган каби бужмайиб кетган эди.

– Қойил-э! Мен бўлсам хурсанд бўласизлар, деб умид қилгандим, бунинг ўрнига муздеккина душ қабул қилгандек бўлдим, – деди чўзилибгина Жанет.

– Сен ҳозиргина турмушга чиқмоқчиман дединг, – деди Дэвид қизи айтган хабарни унга эслатгандай.

– Дада, биз бироз шошаётганимизни биламан, лекин кеча Скотт менга никоҳдан ўтишни таклиф қилди ва мен рози бўлдим.

– Лекин нима учун? – сўради Элла.

Элла Жанетнинг нигоҳидан ўзининг бутунлай бошқача савол берган бўлиши кераклигини англади.

– Чунки мен уни севсам керак, деб ўйлайман, – ёш болага тушунтиргандай ҳомийларча оҳангда жавоб берди Жанет.

– Азизам, мен нима учун бунчалик шошилишч, деб сўрамоқчи эдим? – тушунтирди Элла. – Сен ҳомиладор-мисан?

Эстер хола стулда тинмай қимирларди, ҳамма унинг хижолат чекаётганини ҳис этди. Бироздан кейин у чўнтагидан кислоталанишга қарши тавсия этилган таблеткасини олди ва чайнай бошлади.

– Мен тоға бўлар эканман, – ҳиринглади Ави.

Элла Жанетнинг қўлини ушлади ва уни майингина силади.

– Сен бизга тўғриси айтишинг мумкин. Сен ахир буни биласан, тўғрими? Нимаики содир бўлмасин, биз сенинг тарафингдамиз.

– Ойи, илтимос, бас қилинг, – деди уни кесиб Жанет, қўлини тортиб оларкан. – Ҳеч қандай ҳомиладорлик йўқ. Сиз мени гангитиб ташладингиз-ку!

– Мен сенга ёрдам бермоқчиман, холос, – босиқлик билан деди Элла, гарчи бу унча осон кечмаётган эса-да.

– Мени шу зайл хафа қилиб, ёрдам бермоқчимисиз? Биз Скотт билан фақатгина шу сабабдан турмуш қурмоқчи бўлишяпти, деб ўйлаётганингиз очиқ-ойдин кўриниб турипти! Каллангизга мен уни қаттиқ севганим учун бу йигитга турмушга чиқишни истаётганим ҳақидаги хаёл келмадими? Биз саккиз ойдан буён учрашиб юрибмиз.

Элла ўзини кинояли кулгудан тўхтата олмади:

– Ҳа, албатта, саккиз ой-а! Ва сен уни энди ўзингни беш бармоғингдай яхши билиб олдинг. Мана биз даданг билан йигирма йил бирга яшадик ва ҳалигача бир-биримизни унчалик тушунмадик. Саккиз ой – жиддий муносабатлар ўрнатиш учун жуда қисқа муддат!

– Худо дунёни олти кунда яратган, – орага суқилди Ави, лекин қариндошларининг совуқ қарашларини кўриб жим бўлди.

Дэвид орадаги таранг вазият тобора ўсиб бораётганини ҳис этаркан, катта қизидан кўзларини узмай ўтирарди.

– Жонгинам, – қовоғини уйганча деди у, – ойинг фақат учрашиб туриш бошқа, турмуш қуриб яшаш бутунлай бошқа нарсалар эканини айтмоқчи эди.

– Лекин, дада, биз бир умр учрашиб туришимиз керак, деб ўйламассиз ахир?

– Очиғини айтсам, – деди оғир хўрсиниб Элла, – биз сени бошқа биров билан топишишингни истардик. Жиддий муносабатлар қуриш учун иккинги ҳам жуда ёшлик қиласиз.

– Мен ҳозир нимани ўйлаб қолганимни сизга айтайми, ойи? – деди Жанет одатдаги қувноқ овозига сира ўхшамайдиган ғамгин овозда. – Сиз ўз қўрқувларингиз ҳақида гапиряпсиз, деб ўйлаб қолдим. Бироқ агар сиз жуда ёш турмушга чиққан ва ҳозирги менинг ёшимда мени тукқан бўлсангиз, бу менинг ҳам сиз каби хато иш қилаётганимни билдирмайди.

Элланинг юзи қизи гўё юзига тарсаки туширган-дай қизариб кетди. У ўзининг муддатдан олдин туғруқ билан тугаган оғир кўтарган ҳомиладорликни ҳамон унутмаган эди. Кейин эса бу боланинг парвариши шундай катта куч-қувват талаб қилган эдики, фақат олти йил ўтганидан кейингина у кейинги ҳомиладорликка журъат эта олган эди.

– Азизам, биз сени Скотт билан учрашаётганингни билганимизда сен учун хурсанд бўлгандик, – эҳтиёткорлик билан суҳбат тактикасини ўзгартирмоқчи бўлди Дэвид. – У яхши бола. Лекин университетни битирганингдан кейин сен қандай ўзгаришинг мумкин, буни олдиндан билиб бўладими? Ҳамма нарса ўзгариб кетиши мумкин.

Жанет гўё унинг бу гапини инобатга олгандай, оҳиста бош силкиб қўйди.

– Скотт яхудий бўлмагани учун шундай деяписизларми?

Қизининг сўзларига ишонмай, Дэвиднинг кўзлари чақчайиб кетди. У ҳамиша ўзининг эркин қарашлари билан ғурурланарди ва ирқчилик, динлар, жинслар орасидаги тенглик ва шу каби масалалар ҳақида гап кетганда ўзини доимо олиб қочар эди.

Лекин Жанет қатъиятли эди. Онасига ўгирилиб деди:

– Менинг кўзимга тик қараб айтинг-чи, агар Скотт Хорун исмли яхудий бўлганида ҳам, сизда худди шундай эътироз бўлармиди?

Жанетнинг овозида шунчалар катта алам ва киноя бор эдики, Элла ҳатто унинг юрагида нималар кечаётгани ҳақида ўйлашга ҳам қўрқарди.

– Жонгинам, гарчи бу сенга ёқмаса ҳам, сенга чин дилдан гапирай. Мен ёш бўлиш, севиш қанчалар ёқимли эканини биламан. Ишон, мен ҳам буни биламан. Лекин ўз доирангдан бўлмаган одамга турмушга чиқиш жуда хатарли. Биз сенинг ота-онанг сифатида сен тўғри

иш қилаётганингга ишонч ҳосил қилишни истаймиз, холос.

– Сизлар тўғри деб ҳисоблайдиган ишлар мен учун ҳам тўғри бўлади, деб ҳисоблайсизларми?

Бу саволдан Элла бир қадар хижолат тортди. У хўрсиниб қўйди ва худди боши қаттиқ оғриётгандай ўз пешонасини силади.

– Ойи, мен уни севаман. Сиз бунини биров бўлса ҳам тушунасинми? Сиз «севги» сўзи нимани билдиришини эсингиздан чиқариб қўймаганмисиз? Скоттни кўрган заҳотим, юрагим тез уриб кетади. Мен усиз яшай олмайман.

Элла қизининг туйғулари устидан кулишни истамас-да, беихтиёр кинояли товуш билан «ҳмм» деб юборди. Ўзига тушунарли бўлмаган аллақандай сабабларга кўра у қаттиқ асабийлашарди. У Жанет билан авваллари ҳам кўп марта жанжаллашиб туришарди, лекин бугун Элла одатдагидан анча жиддий, шу пайтгача ўзи учун нотаниш алланима билан тўқнаш келиб қолганини туйди.

– Ойи, сиз қачон бўлмасин севгини бошдан кечирганмисиз? – сўради Жанет, унинг гапириш оҳангида камситувчи ишора аниқ жаранглаб турарди.

– Бас қил! Осмонларда учиб юрганинг етарлидир, ерга туш энди. Сен ҳаддан зиёд... – Элла керакли сўз ахтарган каби деразага қаради. – Сен ҳаддан зиёд романтиксан, – деди ниҳоят тўғри сўзни топиб.

– Бунинг нимаси ёмон экан? – хафа бўлиб сўради Жанет.

«Чиндан ҳам, романтик бўлишнинг нимаси ёмон? – хаёлан қизининг гапини маъқуллади Элла. – Бу нима учун бирдан менинг ғашимни келтириб қолди?» Ўз хаёлларида пайдо бўлган саволларга жавоб беришга ожиз қолган Элла ҳамон бўш келмасдан ўз гапида турарди:

– Азизам, қулоқ сол, сен қайси асрда яшаётганингни биласанми? Сен ҳозирги аёллар ўзлари севган эр-какка турмушга чиқмаслигини бу ёшгина бошчангга қуйиб олгин. Турмуш қуриш вақти-соати келганида улар яхши ота бўладиган ва ҳаётда ишончли жуфт бўла оладиган эркакларни танлайдилар. Севги ёқимли туйғу, лекин у келади ва кетади ҳам.

Шу гапни айтиб бўлгач, Элла эрига ўгирилди. Эри худди сув ичида ҳаракатланаётгандай секинлик билан бармоқларини ўзаро чирмаштирди ва худди биринчи марта кўраётган каби хотинига қараб қолди.

– Сиз нима учун бундай деяётганингни мен тушунаман, – деди Жанет. – Сизни менинг бахтимга ва ёшлигимга рашкингиз келяпти. Сиз мени бир бебахт уй бекасига айлантиришни хоҳлайсиз. Ойи, сиз мени ўзингизга ўхшашимни истайсиз.

Элла қорни остида ғалати оғриқ турганини ҳис этди. Наҳотки у бахтсиз уй бекаси бўлса? Никоҳ қопқонига тушиб қолган ўрта ёшли бир онахонманми? Наҳотки фарзандлари уни шундай қабул қилаётирлар? Эри ҳамми? Дўстлар, қўни-қўшнилари-чи? У туйқусдан ҳамма унга яширинча ачинаётганини ҳис этди ва бу ҳиссиёт шунчалар кескин эдики, Элланинг ҳатто нафаси қайтиб кетаёзди.

– Сен ойингдан кечирим сўрашинг керак, – деди Дэвид хўмрайганча қизи томонга ўгирилиб қараб.

– Майли. Кечирим сўрашнинг кераги йўқ, – деди Элла ғамгинлик билан.

Жанет онасига зимдан масхараомуз нигоҳ ташлади, стулини ортга сурди, салфеткани столга отди ва ошхонадан чиқиб кетди. Орли ва Ави ҳам, балки уни қўллаганлари учунми ёки катталарнинг гапларидан зеркиб кетганлари учунми, шу заҳоти опалари кетидан эргашишди. Эстер хола эса охирги таблеткасини чайнарган, ноаниқ алланималарни валдирарди.

Дэвид билан Элла орага чўккан хатарли тарангликни ҳис этганча стол атрофида ўтирардилар. Элла ўзини беҳузур ҳис этарди: у бу таранглик энди Жанет билан боғлиқ эмаслигини сезиб турарди.

Дэвид яқинда столга ташлаган санчқисини қўлига олиб, уни зўраки диққат билан томоша қила бошлади.

– Сен севган одамингга турмушга чиқмаган экансан, деб хулоса чиқаришим керакми мен энди?

– О, илтимос, қўй, мен мутлақо буни назарда тутмадим.

– Унда нимани назарда тутдинг? – кўзини санчқидан узмаганча сўради Дэвид. – Менга турмушга чиқишингни сўраганимда, мени севганинг учун розилик берганингни ҳис этгандай бўлган эдим.

– Сени севардим... ўшанда, – деб юборда Элла вақтида ўзини тўхтата олмай қолиб.

– Ва қачондан бошлаб мени севмай қўйдинг? – совуққонлик билан сўрашда давом этди Дэвид.

Элла худди биринчи марта кўраётгандай эрига ҳайрон бўлиб қаради. Мен уни қачондан бошлаб севмай қолдим? У ҳеч қачон ўзига-ўзи бундай саволни бермаганди. У жавоб беришни истарди, лекин керакли сўзларни топа олмас эди. Элла ўзи ва эри болалар ҳақида эмас, кўпроқ ўзаро муносабатлари ҳақида ташвиш чекишлари кераклигини юрагининг туб-тубида англаб турарди, бунинг ўрнига улар ҳамиша ўзлари учун осон бўлган ишни қилиб келишган – ўз ҳаётларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган эди. Мутаассиб ҳаёт ўз гирдобига тортиб олган эди.

Элла ўз табиатининг бир қисмига айланиб бўлган, ўзининг одатдаги ҳолатига айланган ҳасратни тийиб тура олмай, йиғлаб юборди. Дэвид аламдийда кўриниш олиб юзини ўгирди. Иккаласи ҳам бундай йиғидан нафратланишарди. Дэвид Элланинг йиғисига қандай нафрат билан қараса, Элла ҳам унинг олдида

йиғлашдан шундай нафратланарди. Бахтларига телефон қўнғироғи жиринглаб қолиб, иккисини ҳам кейинги савол-жавоблардан тўхтатиб қолди.

Трубкани Дэвид олди:

– Салом... Ҳа, у ёнимда. Ҳозир, шошмай туринг.

Элла ўзини тутиб олишга ҳаракат қилиб трубкани олди ва худди кайфияти зўр одам каби гаплаша бошлади:

– Ҳа. Бу менман.

– Салом. Мен Мишелман. Дам олиш куни безовта қилаётганим учун иккингиздан ҳам узр сўрайман, – сайраб кетди ёшгина аёл овози. – Лекин кеча Стив мендан сиз билан боғланишимни илтимос қилган эди, менинг эсимдан чиқиб кетган экан. Сиз қўлёзма устида ишлашни бошладингизми?

– Э... – нафасини ростлади. Элла, ўз хизмат бурчи борлиги унинг эсига эндигина тушган эди.

Адабиёт агентлиги томонидан унга берилган биринчи топшириқ бир европалик номаълум ёзувчининг асарини ўқиб чиқиш, ундан кейин жуда муфассал ҳисобот ёзишдан иборат эди.

– Унга айтинг, хотиржам бўлсин. Мен ўқишни бошладим, – деди ёлғон гапириб Элла. У биринчи вазифадаёқ Мишелнинг ҳафсаласини пир қилишни сира истамас эди.

– Жуда соз. Сизга ёқяптими?

– Элла фикрларини йиғиб олишга ҳаракат қилиб, бироз жим қолди. У ҳали қўлёзмани қўлига ҳам олмаган, унинг марказида «Ислом дунёсининг Шекспири» ҳисобланувчи машҳур мистик-шоир Румий образи турган тарихий роман эканини биларди, холос. (Бунда гап «Девон» лирик фалсафий трактатининг, сўфизм таълимоти асосий ғояларини қамраб олинган «Маънавий маснавий» поэмаларининг муаллифи бўлган таниқли сўфий-шоир Жалолиддин Румий (1207–1273) ҳақида кетмоқда).

– У... жуда мистик кўриняпти, – деди мавзуни тезроқ ёпиш учун овозига ҳазиломуз оҳанг бериб.

– Тўғри, – деди у шашти тушган овозда. – Менга қаранг. Балки ҳисобот ёзишингиз учун сизга биз ўйлаганимиздан кўпроқ вақт керакмикин...

Шу пайт Мишелнинг овози ғойиб бўлиб, бошқа нонаниқ овозлар эшитила бошлади.

Элла Мишелнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча иш қилаётганини – электрон почтани текшираётганини, ўз ҳаммуаллифларидан бирининг ҳисоботини ўқиётганини, сэндвич еяётганини, тирноқларини силлиқлаётганини ва шуларни қилатуриб, телефонда ҳам гаплашаётганини – кўз олдига келтирди.

– Эшитаяпсизми? – сўради Мишел бир дақиқадан кейин.

– Ҳа, ҳа.

– Яхши. Билсангиз эди, менинг уйим нақд жинни-хонанинг ўзи. Мен чиқиб кетаяпман. Шунчаки эсингизда турсин, сизни уч ҳафта вақтингиз бор.

– Эсимда, – шартта кесди Элла, ўзига ишонган одамдай кўрсатишни истар эди у. – Улгураман.

Аслида эса Элланинг ўзида қўлёзмани баҳолашга хоҳиши бор ёки йўқлигига унчалик ишонч йўқ эди. Бошида у шошилган ва ўзига ишонган эди. Номаълум муаллифнинг нашр этилмаган романини биринчи бўлиб ўқиш, гарчи муаллиф тақдирида унча катта бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда муайян роль ўйнаши мумкинлиги ҳақидаги фикр уни ҳаяжонлантирган эди. Энди эса диққатини ўз ҳаётидан шунчалик узоқ бўлган сўфизмга ва узоқ ўн учинчи асрга бура олишига шубҳаланарди.

Мишел унинг шубҳасини сезгандай эди.

– Сизни нимадир безовта қилаяптими? – сўради у.
– Жавоб бўлмагач, қатъиятлироқ сўради. – Сиз менга очиғини айтишингиз мумкин.

Бироз жим турганидан кейин, Элла Мишелга тўғриси айтишга қарор қилди:

– Шунчаки мен тарихий романга диққатимни тўплай олишимга унчалик ишона олмаяпман. Румий ва шунга оид нарсалар мен учун қизиқарли, лекин улар менга буткул нотаниш. Балки менга бошқа бирон нарсани – оддийроқ романни берарсиз.

– Ишга ғалати ёндошиш, – тўнғиллади Мишел. – Сиз тасаввур эта оладиган муҳитга оид китоблар билан ишлаш осонроқ, деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап! Шу штатда яшаётганингиз учун фақат Массачусетсга оид кўлёмаларни ўқишингиз керак экан-да.

– Мен буни назарда тутмагандим... – деди Элла ва шу заҳоти бугун бу иборани жуда кўп ишлатганини англади. У эрим бунга эътибор бермадимикин, дея эрига ўғирилди, лекин Дэвиднинг юзидан ҳеч нимани англаб бўлмади.

– Биз одатда ўз ҳаётимизга сира алоқаси бўлмаган китобларни ўқиймиз. Ишимиз шундай. Бу ҳафта менга аввал Техронда ишратхона эгаси бўлган ва мамлакатдан қочишга мажбур бўлган эронлик аёлнинг китобини ўқишимга тўғри келди. Унга ёзган китобингни Эрон агентлигига юбор, дейишим керакмиди?

– Йўқ, албатта, – ғўлдиради Элла ўзини аҳмоқона ва шунинг билан бирга айбдор ҳис этаркан.

– Ҳақиқий адабиётнинг кучи одамларни ва континентларни бирлаштира олишида эмасми?

– Ҳа, тўғри айтдингиз. Менинг гапларимни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Менинг ҳисоботим келишилган муддатда столингиз устида бўлади, – деди Элла, ўзига аҳмоқ бир таъвиядай қараган Мишелдан ҳам, бунга йўл кўйиб берган ўзидан ҳам нафратланаркан.

– Жуда соз, шундай бўлсин, – чўзиб деди Мишел. – Мени тўғри тушунинг, лекин ўрнингизни эгаллашни хоҳлайдиган ўнлаб оламлар ҳам борлигини унутма-

сангиз яхшироқ бўларди. Айтмоқчи, улардан кўплари сиздан икки баробар ёш ҳам. Уларнинг афзаллиги бор, деб ўйлайман.

Элла телефон трубкасини жойига қўйиб қараганида Дэвид уни диққат билан кузатаётганини кўрди. Афтидан у ўзаро муносабатларини аниқлашни келган жойидан давом этишини кутаётган эди.

Кейин, кечга яқин, Элла уйга кираверишдаги айвонда ўзи яхши кўрган тебранувчи ўриндиқда ўтирар ва Нортгемптон осмонида тўқ сарғиш-қизғиш нурланиб ботаётган қуёшни кузатарди. Осмон қўл чўзиб, тегса бўладиган даражада яқин кўринарди. Элланинг фикру хаёли яна одатдаги йўналишга тушди: Орли тузук овқатланмаяпти. Авининг баҳолари унча яхши эмас. Спирит қувватсизланиб бораяпти. Жанетнинг никоҳ ҳақидаги режаси, Дэвиднинг яширин ишқий юришлари, севги туйғусининг йўқлиги... Элла кундалик ҳаётидаги мана шу кўнгилсизликларнинг барчасини фикран кўздан кечириб, миясидаги тегишли ғаладонларга жойлади ва кейинроқ очиш учун яхшилаб беркитди.

Шундан кейин конвертдан қўлёзмани олди ва худди вазнини ўлчаётгандай кафтларида бироз ушлаб турди. Муаллиф роман номини конверт устига кўк рангли сиёҳда «Ширин шаккоклик» деб ёзган эди.

Агентликдагилар Эллага муаллиф ҳақида ҳеч ким ҳеч нима билмаслигини – бу Голландияда яшовчи қандайдир А.З. Захара эканини айтишган эди. Қўлёзма агентликка Амстердамдан жўнатилган, конверт ичида яна устки томони турли – пушти, сариқ, қизил рангли лолаларнинг суврати туширилган почта карточкаси ҳам бор эди. Карточканинг орқа томонига эса чиройли дастхат билан қуйидаги сатрлар ёзилган эди:

Қадрли сэр /мадам!

Сизга Амстердамдан салом йўллайман. Мен Сизга юбораётган тарихий воқеа Кичик Осиедаги Конья

шаҳрида содир бўлган. Лекин шахсан мен унинг ҳозир учун ҳам, барча мамлакатлар, маданиятлар ва асрлар учун ҳам долзарб эканига ишонаман.

Умид қиламанки, ўз даврининг жуда буюк шоири ва ислом руҳиятининг йўлбошчиси сифатида ҳурматга сазовор бўлган Румийни бутун ҳаёти турли жанжаллар ва можаролар билан тўла табризлик дарвиш Шамс билан боғлаган ҳайратланарли ришталар ҳақидаги бу тарихий ва мистик роман, «Ширин шаккоклик»ни ўқиб чиқишга вақтингиз топилди.

Ҳамиша муҳаббат Сизга ёр бўлсин ва Сизни ҳамиша муҳаббат қуршаб турсин.

А.З. Заҳара

Элла айнан мана шу сатрлар адабиёт агентлигини қизиқтириб қўйганини англади. Лекин ҳаваскор-ёзувчининг қўлёмасини ўқишга Стивнинг вақти йўқ эди, шунинг учун уни ўз ўринбосари Мишелга берган, Мишел эса ўз навбатида уни янги ассистент (Элла)га берган эди. «Ширин шаккоклик» шу зайлда Элланинг қўлига келиб тушган эди.

Элла у вақтда бу китоб унинг нафақат биринчи иши бўлишини, балки ўзининг бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Захаранинг қўлёмаси унинг тақдирини ўзгартириб юборишини тасаввур этмаган эди.

Элла биринчи бетни очди. Муаллиф ҳақидаги маълумотномани ўқиди:

«А.З. Заҳара олам бўйлаб саёҳатга чиқмаган вақтларида Амстердамда ўз китоблари, мушуклари ва тошбақалари қуршовида яшайди». «Ширин шаккоклик» – Захаранинг биринчи романи ва бу охиригиси бўлиши ҳам мумкин. Зотан унинг ёзувчи касбини эгаллаш нияти йўқ ва бу китоб унинг буюк файласуф, мутасаввиф ва шоир Румий ва унинг қуёши (Бунда «Шамс» исми-

нинг луғавий маъноси «қуёш» эканига ҳам, Шамс Табризийнинг Румий ҳаётида ўйнаган ролига ҳам ишора жо бўлган) Шамс Табризийга бўлган фавқулоддаги мафтунлиги ва муҳаббати ҳосиласидир.

Элланинг кўзи қуйироқда турган, унга ҳайратомуз даражада жуда таниш туюлган қуйидаги сатрларга тушди: «Баъзиларнинг фикрлари акси ўлароқ, севги (ишқ) фақат кутилмаганда келадиган ва тез кетадиган ширин туйғугина эмас».

Ўқиган нарсаси шу бугун эрталаб нонушта вақтида ўзининг катта қизига айтган гапига шунчалар зид эдики, Элланинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. У бир зум қотиб қолди, кейин ғалати мистик туйғудан сесканиб кетди: қандайдир бир куч ёки ўзи боғланиб қолган бу муаллиф, у ким бўлса ҳамки, назарида уни кузатаётгандай эди. Балки китобни у биринчи бўлиб ким ўқишини олдиндан билиб ёзгандай эди. Романни ёзганида уни кўзда тутгандай эди. Аллақандай тушунарсиз сабабга кўра Эллани безовталиқ ва ҳаяжон қамраб олди.

«Жуда кўп кўрсаткичларга кўра, йигирма биринчи аср ўн учинчи асрдан унча катта фарқ қилмайди. Ҳар иккисининг ҳам тарихига динлараро мисли кўрилмаган нифоқлар, маданиятлараро тушунмовчиликлар, ҳимояланмаганлик ва нариги дунёдан кўрқув ҳислари бирдай хосдир. Бундай вақтларда ишқ туйғуси одамларга ҳар қачонгидан кўпроқ керак».

Бирдан салқин ва кучли шамол туриб, эшик олди-га дарахтларнинг тўкилган япроқларини сочи. Қуёш горизонт ортига ўтган ва теваарак-атроф зерикарли ва ғамнок бўлиб қолди.

«Ишқ ҳаётнинг моҳияти ва мақсадидир. Румий бизга эслатганидай, у ҳаммани, ҳатто ундан ўзини сақловчиларни ҳам, «романтик» сўзига салбий маъно берувчиларни ҳам забт этади».

Элла бу сатрларни ўқир экан: «Эртами ёки кечми ишқ ҳаммани, ҳатто Нортгемптондаги Элла Рубинштейн номли ўрта яшар уй бекасини ҳам забт этади» дея ўқигандай бўлди.

Унинг ички туйғуси қўлёмани ўқишдан тўхташга, Мишелга қўнғироқ қилиб, бу роман ҳақида ёзмаслигини айтишга ундар эди. Бунинг ўрнига Элла оғир хўрсиниб қўйди, кейинги саҳифани очди ва ўқий бошлади.

А.З. Захара

«ШИРИН ШАККОКЛИК»

Роман

Сўфийлар Қуръоннинг биринчи – «Ал Фотиҳа» сурасига ва унинг биринчи «Бисми Аллаҳи Ар-Раҳмони Ар-Раҳим» (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман) оятига жо бўлган сир ҳақида гапирадилар.

Ва Бисмиллоҳнинг моҳияти «ба» ҳарфидир.

Ва «ба» ҳарфи остида нуқта бордир.

Бутун коинот мана шу «ба» ҳарфи остидаги нуқтададир.

«Маснавийлар «Б» ҳарфидан бошланади.

Романнинг ҳар бир боби ҳам шундай бошланган...

СЎЗБОШИ

Диний зиддиятлар, сиёсий баҳслар ва ҳокимият учун олиб борилган тинимсиз курашлар туфайли ўн учинчи асрда Анатолияда аҳвол жуда суронли эди. Ғарбда салибчилар Иерусалимга кетаётиб, Константинополни (Римнинг шарқий империяси – Византиянинг пойтахти бўлган ҳозирги Истанбулни) босиб олган ва талон-торож қилган эдилар, бу эса Византия империясининг инқирозга юз тутишига олиб келган эди. Шарқдан эса ҳарбий даҳо Чингизхон бошчилигидаги қўшин жадал олға силжиб келаётган эди. Марказда эса, Византия ўзининг йўқотган куч-қудратини қайта тиклашга уринаётган чоғида, турк қабилалари ўзаро жанг қилишарди. Бу христианлар христианлар билан, христианлар мусулмонлар билан, мусулмонлар мусулмонлар билан жанг олиб бораётган бемисл хаос (бошбошдоқлик, тартибсизлик) даври эди. Қаёққа қараманг, ҳаммаёқдан нафрат ва азобу уқубат, боз устига келажак ваҳимаси ҳам уфуриб турарди.

Мана шу хаоснинг марказида таниқли ислом уламоси Жалолиддин Румий яшар эди. Уни Мавлоно – «Устоз» деб атар эдилар, чунки Коньянинг ўзида ва ундан ташқарида унинг минглаб шогирдлари бор эди ва барча мусулмонлар уни ўзларининг йўлчи юлдузлари деб ҳисоблар эдилар.

1244 йил Румий ўзининг ғайриоддий хулқу атвори ва ношаръий нутқлари билан ажралиб турадиган, дарбадар дарвиш – Шамс билан учрашади. Бу учрашув ҳар иккисининг ҳам ҳаётини ўзгартириб юборади. Айни пайтда бу учрашув, сўфийлар икки уммоннинг бирлашувига қиёс этган, мустаҳкам ва ҳайратланарли дўстликнинг бошланишига ҳам олиб келади. Бу ғалати

инсон билан танишгач, Румий ўз таълимотининг бош йўналишидан четлашиб, эҳтиросли суфий шоирга, ишқ тарғиботчисига ва дарвишлар экстатик ҳолга олиб келувчи рақс услубининг яратувчисига айланади. Омма онгига фанатизм (мутаассиблик) ўта сингдирилган ва шу билан боғлиқ зиддиятлар ва тўқнашувлар даврида Румий барча инсонларни бир-биридан (эътиқоди бўйича) ажратмайдиган ялпи умумий маънавиятни ёқлаб чиқди. Ўша вақтда ҳам ҳозирги кунлардагидай, эътиқоди бошқа одамларга қарши ташқи жангни жиҳод деб ҳисоблайдиган кўпчиликнинг қарашларига қарши ўлароқ, Румий инсонни ўз сохта «мен»ига, ўз нафсига қарши ички жанг олиб бориши ва ғалабасига олиб келадиган жиҳодни ҳимоя қилди.

Бу ғояларни ёқловчилар унча кўп эмас эди, шунингдек ҳамма ҳам ўз қалбини ишқ учун оча олмас эди. Шамс билан Румий ораларидаги маънавий боғланиш турли ғийбатлар, эгри қарашлар ва хужумлар манбаига айланди. Уларни тушунишмас, уларга ҳасад қилишар, балчиққа булар эдилар ва охир-оқибат энг яқин кишилари уларга хиёнат қилишди. Биринчи учрашувларидан кейин уч йил ўтгач, улар фожиали тарзда бир-бирлари билан ажрашдилар.

Лекин бу тугалланган воқеа эмас.

Аслида бу тарихнинг ниҳояси йўқ. Ва ҳозир, саккиз асрдан кейин ҳам, Шамс ва Румий руҳлари ҳамон тирик ва ораларимизда уфуриб турибди.

Қотил

1252 йил, ноябрь. Александрия.

Бечора мурда ётипти. Устида қалин сув қатлами. Лекин кўрар кўзлари чарақлаб турипти, бамисоли, қаёққа бормайин, осмонлардан туриб мени даҳшат билан кузатиб юрган икки қора юлдуз каби. Мен энди Алек-

сандриядаман ва яна саёҳат қилсам мени арралаётган бу хотиралардан, қулоқларимга эшитилиб турган бу инграшдан, сўйилган одамнинг сўнгги нафаси чиқишидан олдин айтган, унинг охирги калимаси «кечир» деган видолашув ҳайқириғидан қутуламан, деб умид қиламан.

Бировни ўлдирсанг, у одамдан нимадир ўзингга ўтади – унинг охирги нафаси, охирги қилган ҳаракати. Мен буни қурбон бўлган одамнинг «тавқи лаънати» дейман. Ўша «нарса» сенга ёпишиб олади, терингнинг остига, юрагингга киради ва ичингда яшайди. Мени кўчада кўраётган одамлар бу ҳақида билишмайди ва лекин мен ўзим ўлдирган барча одамлардан нималарнидир ўз ичимда сақлаб юраман. Уларни мен худди кўринмас маржон каби бўйнимга осиб юраман, уларнинг менинг вужудимга оғир тегинишларини ҳис этиб тураман. Гарчи ёқимсиз эса-да, мен бу юк билан яшашга ўрганиб қолганман ва буни ўз ишимнинг бир қисми деб ҳисоблайман. Кобил Ҳобилни ўлдирганидан буён ҳар битта қотилда унинг ўлдирган одами нафас олади. Мен учун бу янгилик эмас. Мен бундан ҳатто хафа бўлмайман. Хафа бўлмай қолганман. Лекин нега мен бу охирги қатлдан кейин сира ўзимга кела олмаяпман?

Бу сафар ҳаммаси бошқача бўлди, аввалбошдан ҳаммаси нотўғри кетди. Масалан, мен бу ишни қандай олган эдим? Ёки, тўғрироғи, бу иш мени қандай топган эди? 1248 йил эрта баҳорида мен Коньядаги ишратхонанинг эгаси бўлган, жаҳлдор эркакшода аёлнинг хизматида эдим. Фоҳишаларни итоатда сақлаш ва ўзини тўғри тутишни истамайдиган ташриф буюрувчиларни тийиб қўйиш менинг хизмат вазифамга кирар эди.

Ўша кунни худди кечагина бўлгандай эслайман. Менга Худони излаш истагида ишратхонадан қочиб кетган фоҳишани топиб келиш буюрилган эди. Бу каби жононалар менинг юрагимни кўп марта вайрон қи-

лишган, шунинг учун жаҳлим чиқиб, уни тутиб олиб, юзини биронта эркак ҳатто қарагиси келмайдиган қилиб, дабдаласини чиқармоқчи бўлиб турган эдим. Бу аҳмоқ хотинни энди қўлга киритай деб турганимда бирдан уйим остонасида сирли хат пайдо бўлди. Саводсиз бўлганим учун уни мадрасада ўқийдиган талабага олиб бориб, унга пул бериб ўқитдим.

Хат муаллифи яширин (аноним) эди, «Бир нечта чин эътиқод эгалари» деган имзо қўйилган эди.

«Бизга сенинг қаердан келганинг ва аввал нима билан шуғулланганинг ишончли манбадан маълум. Сен Қотиллар жамоасининг аъзоси бўлгансан! (Қотиллар ёки Ассасианлар жамоаси (1096–1252) – салибчиларни ўлдириш учун диний ва сиёсий арбоб Ҳасан Ибн Саббоҳ томонидан тузилган фанатик-мусулмонлар жамоаси). Бизга шунингдек, Ҳасан Ибн Саббоҳнинг ўлиmidан кейин ва жамоангиз раҳбарлари турмага қамалганидан кейин жамоанинг мавқеи ўзгаргани ҳам маълум. Сен Коньяга жазодан қочиб келгансан, шундан буён яшириниб юрибсан». Ва хатдан уларга бир иш юзасидан менинг хизматим шошилиш керак бўлиб қолганини билдим. Шунингдек, менга бу иш учун катта ҳақ тўлаши ваъда қилинган ва агар мен рози бўлсам, қоронғу тушганда шаҳардаги маълум қовоқхонага боришим кераклиги айтилган эди. У ерга киргач, мен деразага энг яқин стол ёнига, эшикка орқа ўгириб, фақат полни кўриш мумкин бўлган ҳолда бошимни эгиб ўтиришим керак эди. Шундан кейин бир ёки бир неча одам менинг ёнимга келиб ўтиради ва мен билан узил-кесил битимга келади. Мен улардан ҳамма керакли маълумотни оламан. Улар ёнимга келаётганларида ҳам, суҳбат вақтида ҳам, кетаётганларида ҳам мен бошимни кўтармаслигим ва уларнинг бетларига қарамаслигим керак эди.

Ғалати мактуб эди у. Аммо мен шу пайтгача буюртмачиларнинг инжиқликларига ўрганиб кетган эдим.

Кўп йиллар мобайнида турли одамлар мени ишга ёллаган ва кўпчилиги ўз исмларининг сир сақланишини истар эдилар. Ўз тажрибамдан билар эдимки, буюртмачи ўз исмини қанчалик қаттиқ яширса, у қурбон этилувчига шунча яқин бўлиб чиқарди. Лекин менинг бу билан ишим бўлмаган. Менинг ишим ўлдириш. Аламут (Аламут – жойнинг номи, маъноси: бургут уяси. Қотиллар жамоасининг қалъаси)дан кетгач, мен ўзим учун шундай ҳаётни танлаган эдим.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЕР

Бундаги барча нарсалар қаттиқ, ўзига шимувчи ва қўзғалмасдир.

Шамс

1242 йилнинг март ойи, Самарқандга яқин шаҳарчадаги карвонсарой.

Олдимдаги усти ёриқ ёғоч хонтахта устида катта мум шамлар нотекис ёниб турипти. Бугун кечкурун менга намоён бўлган манзара одатдагидан равшанроқ эди.

Мен катта уйни ва сариқ атиргуллар очилиб турган ҳовлини кўрдим, ҳовли ўртасида дунёда энг салқин сувли қудуқ бор эди. Сокин август кечаси эди, осмонда тўлин ой нур сочарди. Яқин атрофда тунги йиртқичлар қичқиришар ва увилларди.

Бироздан сўнг уйдан ўрта ёшлардаги хушсурат, елкалари кенг ва чуқурроқ жойлашган оч қўнғирранг кўзли киши чиқди. У менга қаради. Унинг чеҳрасида ваҳима, кўзларида қайғу бор эди.

– Шамс, Шамс, сен қаердасан ?! – қичқирди у гоҳ ўннга, гоҳ чапга ўгириларкан.

Шу пайт кучли шамол турди, ой ҳам, худди кейин нима бўлганини кўргиси келмагандай, булутлар ортига беркинди. Бойқушлар жим бўлиб қолишди, кўрсичқонлар яширинишди, ҳатто уй ичида ўчоқларда ёнаётган ўтинлар ҳам чирсилламай қолди. Ер юзига қилт этмас оғир жимлик чўқди.

У киши секин-аста қудуққа яқинлашди, энгашди ва ичига қаради.

– Шамс, азизим, Сен шу ердамисан? – шивирлади у. Мен жавоб бермоқчи бўлиб оғзимни очдим, лекин лабаримдан бирон овоз ҳам чиқмади.

Киши қудуқ ёнида тик турди ва яна унга қаради. Аввалига у қоп-қора сувдан бошқа ҳеч нимани кўрмади. Кейин сувнинг жимирлаши остида, энг чуқурда менинг қўлларим қимирлаётганини кўрди. Кейин мисоли икки қора тош каби ялтираган, залворли қора булутлар ортидан чиққан ойга қараб турган кўзларимни пайқади. Менинг кўзларим фалаклардан тушунтириш кутаётгандай ойга тикиларди.

Киши тиз чўкди, у кўкракларига урар ва йиғлар эди.

– Уни ўлдирибдилар! Менинг Шамсимни ўлдирибдилар! – бўридай увиллаб юборди у.

Шу пайт буталарнинг ортидан тезлик билан ўтиб кетган соя кўринди ва у худди ёввойи мушук каби чаққонлик билан боғ деворидан сакраб чиқиб кетди. Лекин у киши қотилга эътибор бермади. Ногаҳон ёпирилган бу мусибат остида у бор овозида, то синиб чилчил бўлган стакан овозидай зириллаб қолмагунича қичқирар ва наъра тортарди.

– Ҳой, сен, жиннига ўхшаб бақиршни бас қил.

– ...

– Жим бўл, бўлмаса мен сени ташқарига судраб чиқиб улоқтираман!

– ...

– Овозингни ўчир, дедим! Эшитдингми? Ўчир!

Овоз таҳдидли эди. Шунга қарамай, мен ўзимга намоён бўлган манзара ичида яна бироз муддат қолишни истаб, ўзимни эшитмаганга солдим. Ўз ўлимим тафсилотини кўпроқ билишни истардим.

Шунингдек, ўша ғамгин нигоҳли эркакни тузук-

роқ кўриб олишни ҳам истардим. Ким ўзи у? Мен билан қандай алоқаси бор? Ва нима учун у август тунида мени бунчалар ўртаниб изламоқда?

Аммо мени яна кўргунимча бошқа ўлчамдаги кимдир кўлимни тортқилаётган ва катта куч билан шундай силкита бошлаган эдики, ҳатто тишларим қаттиқ тақиллаб кетди. У мени бу дунёга тортиб олди.

Мен истамасдан, секин кўзларимни очдим ва ёнимда турган кишини кўрдим. Бу оқарган соқолли ва учлари тепага буралган мўйлабли, гавдали, баландбўй киши эди. Бу карвонсаройнинг эгаси эди. Ва ўша заҳоти икки нарсага эътибор бердим. Бу киши одатда ўзаро сўкишиб кетадиган ва жанжалга мойил одамларни тафтидан тушириб юарди. Ҳозир у жуда дарғазаб эди.

– Мендан нима истайсиз? – сўрадим ундан. – Нима учун кўлимни тортқилаяпсиз?

– Нимани истайманми? – жаҳл билан бақирди у. – Сен бақиришдан тўхташингни истайман, тўхташингни. Сен барча ижарачиларимни эсидан оғдирасан-ку бу туришда.

– Мен бақирдимми? – сўрадим, унинг кучли чангалидан чиқишга уринар эканман.

– Бўлмаса-чи! Сен панжалари орасига тикон кириб кетган айиқ каби бўқирдинг. Нима бўлди сенга? Овқат устида ухлаб қолганмидинг? Босинқирадингни?

Бу изоҳ қабул қилса бўладиган ягона изоҳ эканини ва агар тасдиқласам, карвонсарой эгаси қониқиш ҳосил қилиши ва мени ўз ҳолимга қўйишини тушуниб турардим. Лекин мени ёлғон гапиргим келмас эди.

– Йўқ, биродар, мен ноқулай ухлаб қолиб, босинқираганим йўқ. Мен сира ухламайман.

– Бўлмаса, нима учун бақирдинг? – сўроқ қилишда давом этди карвонсарой эгаси.

– Менга воқеалар манзараси кўринди. Бу сира туш эмас.

У менга ҳайрон бўлиб қаради-да, кейин мўйловининг учларини шима бошлади.

Шундан кейин деди:

– Сиз, дарвишлар, худди хужрадаги каламушларга ўхшаган, телба одамларсиз. Кун бўйи оч юрасиз ва дуолар ўқийсиз, боз устига қизиб турган куёш тафти остида юрасиз. Нималардир кўринган бўлса бордир, офтобда миянгнинг жизғанаги чиққан бўлса керак.

Мен кулимсирадим. Балки у ҳақли ҳамдир. Айтадилар-ку, ақлдан озиш билан ўзингдаги Худони топиш орасидаги масофа жуда қисқа деб.

Шу пайт қовурилган эчки гўшти, қуритилган тузланган балиқ, турли дориворлар қўшиб пиширилган қўй гўшти, кулча нонлар, турк нўхати ва қўй гўштининг думбасида пиширилган нўхатли ва ясмиқли шўрвалар солинган катта патнисларни кўтарган икки хизматчи олдимиздан ўтиб қолишди. Улар пиёз, саримсоқпиёз ва дориворларнинг ҳиди бутун меҳмонхонани тутиб кетган овқатларни одамларга тарқатиб юришарди.

Улар ёнимда тўхтаганларида мен буғи чиқиб турган бир коса ёвғон шўрва ва озроқ қора нон олдим.

– Овқатга тўлаш учун пулинг борми? – сўради карвонсарой эгаси ҳомийларча овоз билан.

– Йўқ, – дедим мен. – Лекин агар рози бўлсанг, эвазига бир нарса беришим мумкин. Сен менга емиш ва бошпана берасан, мен эса сен кўрган тушлар таъбирини айтиб бераман.

У икки қўлини белига қўйиб тўнғиллади:

– Ўзинг мен ҳеч қачон туш кўрмайман, дединг-ку.

– Тўғри, ўзим туш кўрмайман, лекин бошқалар кўрган тушлар таъбирини айта оламан.

– Ўзи сени ҳайдаб чиқаришим керак эди. Ҳамма дарвишлар жинни бўлади, деган эдим-ку, – деди карвонсарой хўжайини ҳар сўзини жаҳл билан чертиб гапирар экан. – Менинг сенга маслаҳатим: ёшинг не-

чадалигини билмайману, лекин сен бутун умрингга етарли дуою фотиҳалар қилдинг. Энди ўзингга яхши бир хотин топиб уйлан ва дунёда дарбадар кезишни бас қил. У сенга болалар туғиб беради. Шунда сен бир ерда қўним топасан. Ҳаммаёқ ғам-ғуссага тўлиб ётган бу дунёни кезишда нима маъно бор? Менга ишонавер. Ҳеч қаердан бирон янгилик топа олмайсан. Меникига турли томонлардан турли одамлар келиб кетишади. Озроқ шароб ичиб олсалар, бас, ўша бир хил нарсалар ҳақида гапира бошлайдилар. Одамлар ҳамма ёқда бир хил. Ўша овқат, ўша сув, ўша ахлат.

– Мен булардан ҳеч бирини изламаяпман. Мен Худо изловчиман. Ҳақни излаяпман.

– У ҳолда сен Уни нотўғри жойдан излаяпсан, – деди кутилмаганда ғамгин бўлиб қолган хўжайин. – Бизнинг ерларга Худо назар солмайди! Бизга Унинг қачон бўлмасин бу ерларга қайтиши ҳам даргумон.

– Буни эшитар эканман, менинг юрагим увишиб кетди.

– Худо ҳақида ёмон гапириш, одамнинг ўзи ҳақида ёмон гапириши билан баробар, – дедим мен.

Карвонсарой эгаси масхараомуз ғалати илжайди. Мен унинг юзида алам исён ва болаларга хос аразга ўхшаш нимадир борлигини кўрдим.

– Ахир Худо мен сизларга бўйнингиздаги қон томирингиздан ҳам яқинроқман демаганми? – сўрадим мен. – Худо узоқ осмонларда эмас. У ҳар биримизнинг ўз ичимизда. Шунинг учун У бизларни ҳеч қачон тарк этмайди.

– Лекин У бизни ташлаб қўяди ҳам, – деди хўжайин совуқ ва кишининг жиғига тегадиган нигоҳ билан қараркан. – Биз азоб чекаётганимизни кўриб туриб ҳам пинагини бузмаса, Унинг борлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

– Биродар, энг биринчи қоида шудир, – дедим мен унинг арзу эътирозига жавобан. – Биз Худони ўзимиз-

нинг айнан аксланишимиз деб биламиз. Агар Худо бизга ҳаддан зиёд кўп кўрқув ва айбдорлик ҳақидаги фикрларни юклаётган экан, бу бизнинг ўзимизда кўрқув ва айбдорлик жуда кўплигини билдиради. Агар Худо бизга меҳр ва юпанч берапти, деб ўйласак, бу биз ўзимиз меҳр ва юпанч улашмоққа тайёрлигимизни билдиради.

Хўжайин шошиб эътироз билдирганига қарамай, у менинг гапларимдан ҳайрон бўлганини тушундим.

– Бундан чиқадики, Худонинг сўзларидан бошқа ҳаммаси ўзимизнинг тасаввуримизда туғилар экан-да? Тушунмадим.

Лекин мен унга жавоб беришга улгурмадим, чунки меҳмонхонанинг нариги томонидан қаттиқ жанжал овозлари кела бошлади...

Биз ўгирилиб қараганимизда у томонда кўриниши унча яхши бўлмаган икки кишини кўрдик. Улар ғирт маст эдилар, сўкинишар ва меҳмонхонадагиларнинг тинчини бузаётган эдилар. Бошқаларнинг идишларидаги гўшт бўлақларни олиб ейишар, қадаҳларидаги майни ичишар, унга қаршилиқ кўрсатишга уринганларни эса масхара қилиб безбетларча кулар эдилар.

– Бунга чек қўйиш пайти келди, шекилли, нима дейсан? – деди карвонсарой эгаси лабларини қисиб гапираркан.

У бир зумда нариги томонда пайдо бўлди, пиёнисталардан бирини маҳкам тутиб, столдан турғазди ва юзига шапалоқ тортди. У буни кутмагани учун худди бўш қопдай столдан полга ағдарилиб тушди.

Иккинчи пиёниста бақувватроқ чиқди. Роса қаршилиқ кўрсатди, лекин кўп ўтмай у ҳам тинчиди. У бу мижозининг кўкрагига туширди, кейин панжасини оғир этиги билан қаттиқ бостириб турди. Суякларнинг синган товуши чиқди.

– Тўхта! – бақирдим мен. – Ўлдириб қўясан. Шуни хоҳлайсанми?

Мен сўфий сифатида инсон ҳаётини ҳимоя қилишга онт ичганман. Бу дунёда бўлар-бўлмасга (бесабаб) ҳам муштлашиб кетишга тайёр турадиган одамлар кўп; бошқалари эса бунга сабаблари бор одамлар. Лекин сўфий, сабабли бўлса ҳамки, муштлаша олмайди. Менинг ҳам зўравонликка қарши зўравонлик билан жавоб беришга ҳаққим йўқ. Лекин хўжайинга ташлаиб, уни тўхтатишим мумкин.

– Нарӣ тур, дарвиш, бўлмаса, миянгни қоқиб оламан! – бақирди хўжайин; лекин иккимиз ҳам унинг бундай қилмаслигини билардик.

Бир дақиқадан кейин хизматчилар иккала пиёнистани ўрнидан турғазиди, улардан бирининг бармоқлари синган, иккинчисининг эса бурни синган эди; ер ҳам, иккаласининг усти-боши ҳам роса қонга беланган эди. Меҳмонхонанинг бу катта хонасига кўрқинчли жимлик чўкди. Шу тариқа ижарачиларга кўрқинч ҳиссини сингдирганидан ғурурланган хўжайин менга кўз қирини ташлади. У яна гапира бошлаганида бу гаплар бутун меҳмонхонадагилар учун ҳам мўлжаллаб айтилаётгандай эди ва овозида ғурур жаранглар эди:

– Агар билсанг, дарвиш, менда ҳар доим бундай бўлмайди. Мен муштлашишни хуш кўрмайман, лекин гоҳо шундай қилишга тўғри келади. Худо ўзининг оддий бандаларини унутган чоғда адолатни ўз қўлларимиз билан ҳимоя қилишимиз ҳам керак бўлади. Сен қачон У билан гаплашсанг, Унга шуни шама қилгин: агар У ўзининг қўйдаи ювош бандаларини ҳимоясиз қолдирса, улар ҳам кимдир келиб, сўйиб кетишларини кутиб ўтирмас эканлар, деб айт. Улар ўзлари бўрига айланар эканлар дегин.

Мен елкаларимни қисдим-да эшик томонга йўналдим.

– Сен хато қиляяпсан, – дедим унга.

– Нимаси хато бунинг? Қўй бўлиб, энди бўрига айланганимми?

– Йўқ, гап бунда эмас. Сен чиндан ҳам бўрига айлангансан. Лекин қилаётган ишингни адолат деб атаб хато қилаяпсан.

– Шошма, мен ҳали сен билан гаплашиб бўлмадим! – бақирди у ортимдан.

Сен мендан қарздорсан. Овқатинг ва ётар жойинг ҳақи учун тушларим таъбирини айтиб беришни ваъда қилган эдинг.

– Мен бундан ортиқроғини қиламан, – таклиф қилдим мен. – Кафтингга қараб туриб, билганларимни айтиб бераман.

Мен ортга ўгирилдим ва меҳмонхона эгасининг чақнаб турган кўзларига тик қараганча, у томонга тикка юриб келдим.

У ишонқирамай, беихтиёр ўзини четга олди. Шунга қарамасдан ўнг қўлидан тутдим ва кафтини тепага қаратиб очдим, у мени итариб ташламади. Кафтидаги – чуқур, нотекис, тақвосиз ҳаётдан дарак берувчи чизиқларни ўргана бошладим. Секин-аста унинг аурасидаги зангга яқин жигаррангни ва деярли кулрангга яқин оч ҳаворангларни илғай бошладим. Унинг руҳий қуввати анча камайган ва заифлашиб қолган, ташқи дунё билан курашишга бошқа кучи етмай қолаётгандай эди. Бу одам ўз ички дунёсида мисоли қуриб қолган ўсимлик каби нотирик эди.

Ички дунёсини бой бергач, у жисмоний кучини икки баробар оширган, бундан кўп фойдалана бошлаган эди.

Шу тобда менинг юрагим тез-тез ура бошлади, чунки ниманидир кўра бошлаган эдим. Манзара тобора ойдинлаша борар эди.

Қизғиш-қўнғир сочли ва ялангоёқларининг териси остига нақш (татуировка) чизилган, елкасига гулдор шол рўмол ташлаб олган ёш аёл.

– Сен севгилингдан жудо бўлгансан, – дедим мен ва унинг чап қўлини олдим.

Кўкраклари сутга тўлган, қорни эса шундай тараңки, яна бироз катталашса – ёрилиб кетгудай. У ёнаётган кулба ичида бўлган. Атрофда кумуш югуртирилган эгарлар билан эгарланган отларни минган жангчилар. Ёнаётган одам гўшти ҳиди келаётган оғир ҳаво. Отлиқларнинг бурунлари кенг ва ясси, бўйинлари калта ва йўғон, юраклари эса тошдан қаттиқ. Чингизхоннинг қудратли кўшини.

– Сен бирйўла икки севимли одамингдан жудо бўлибсан, – гапимни тузатдим мен. – Хотининг биринчи болангга юкли бўлган экан.

Карвонсарой эгаси ўзининг чарм этигидан кўзларини узмаган ҳолда, қошларини қаншарида туташтирди, кейин лабларини қаттиқ қимтиди, юзи маъносиз тус олди. Шу бир дақиқа ичида у кўп йилларга қариб қолгандай эди.

– Ҳозир айтадиган гапларим балки сени юпатмаса ҳам керак, лекин сен буларни билишинг керак деб ўйлайман, – дедим мен. – У оловдан ҳам, тутундан ҳам ўлмаган. Шифтдаги тахта бошига тушиб кетган. У шу заҳоти, оғриқни ҳис этмаёқ ўлган. Сен ҳамиша уни қаттиқ азоб чеккан деб ўйлаб келгансан, аслида эса бундай бўлмаган.

Хўжайин бамисоли кўринмас оғир юк остида қолгандай букчайди.

– Сен қандай билдинг? – ғижирлаб сўради у.

Мен унинг бу саволига жавоб бериб ўтирмадим.

– Сен уни урф-одатга кўра дафн қила олмаганинг учун ўзингни айблаб келгансан. Сен ҳамон тушларингда унинг кўмилган чуқурдан эмаклаб чиқаётганини кўрасан. Булар тафаккуринг ўйинлари. Аслида эса хотининг ва ўғлингни аҳволи ёмон эмас, улар нур пар-

чалари каби абадият бағрида саёҳат қилиб юришипти. – Кейин ҳар бир сўзимни чертиб-чертиб шуни ҳам қўшиб қўйдим. – Сен энди қайтадан қўйга айланишинг мумкин, чунки сенинг қалбинг ўзи шундай.

Менинг гапларимни эшитиб бўлгач, хўжайин қўлини товада куйдириб олгандек, шошилинич тортиб олди.

– Дарвиш, сен менга ёқмадинг. Бугунча бу ерда қоласан, лекин эртага мен сенинг қорангни ҳам кўрмай. Сени кўрарга кўзим йўқ.

Ҳамиша шундай бўлади. Ҳақиқатни айтсанг, сени ёмон кўришади. Ишқ ҳақида қанча кўп гапирсанг, сендан шунча қаттиқ нафратланишади...

Элла

2008 йил, 8 май, Нортгемптон.

Дэвид ва Жанет билан бўлиб ўтган жанжалларидан кейин Элла ўзини суви сиқиб олинган лимондай ҳис этди, бир муддатга «Ширин шаккоклик»ни нари сурди. Назарида қаттиқ биқирлаб (жўш уриб) турган қозоннинг қопқоғи бироз очилган-у, ундан буғ билан бирга жанжал ва ранжу аламлар эркинликка ёриб чиқаётгандай эди. Бахтга қарши, қопқоқни унинг ўзи суриб қўйган – Скоттга телефон қилиб, ундан қизини ўз ҳолига қўйишини илтимос қилган эди.

Элла кейинроқ ўзининг телефонда Скоттга айтган гаплари учун қаттиқ афсусланди. Лекин май ойининг ўша кунида Элла тўғри иш қилаётганига шунчалар амин эдики, ҳатто ўзининг бу аралашуви қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бир дақиқа бўлса ҳам хаёлига келтирмаган эди.

– Салом, Скотт. Мен Элламан, Жанетнинг ойиси. – Элла худди қизининг дўстига ҳар куни телефон қилиб юргандай қувноқ оҳангда гапиришга ҳаракат қилди. – Сен бир дақиқага бўшмисан?

– Миссис Рубинштейн, бемалол, нима хизмат? – сустигина оҳангда, лекин одоб сақлаган ҳолда деди Скотт.

Элла яна ҳам кучлироқ одоб сақлаган ҳолда шахсан унга қарши ҳеч нима йўқлигини, лекин уйланиш учун у ҳали жуда ёшлигини ва ҳаётни жуда кам билишини айтди; вақти келиб буни унинг ўзи ҳам тушунишини ва ҳатто ўз вақтида огоҳлантиргани учун ундан миннатдор бўлишини айтди. Кейин яна никоҳни эсдан чиқаришини ва бу суҳбатни ҳеч кимга айтмаслигини илтимос қилди.

Орага сукунат чўқди.

– Миссис Рубинштейн, – деди ниҳоят Скотт тилга кириб. – Биз Жанет билар бир-биримизни севамиз. Буни тушунсангиз керак.

Яна севги ҳақида гапиради-я! Наҳотки одамлар севги туфайли бошқа ҳамма нарсага кўз юмиш мумкин, деб ўйлайдиган даражада содда бўлишса?!

Элла буни унга айтмади.

– Мен сенинг туйғуларингни тушунаман, – деди у. – Менга ишон, тушунаман. Лекин сен ҳали ёшсан, олдинда эса узун ҳаёт турипти. Ким билсин, балки эртага бошқа қизни севиб қоларсан?

– Миссис Рубинштейн, мен қўполлик қилмоқчи эмасман, лекин сизнингча, бу ҳаммага ҳам, жумладан, сизнинг ўзингизга ҳам тааллуқли эмасми? Ким билсин? Балки эртага сиз ҳам бошқа бир эркакни севиб қолишингиз мумкиндир.

Элла кинояли кулиб юборди ва бу кулгу кутганидан баландроқ чиқди.

– Мен турмушга чиққан катта ёшли аёлман. Мен аллақачон ўз танловимни қилиб бўлганман. Ва эрим ҳам шундай. Мен айни шу ҳақида гапираяпман. Никоҳ – жиддий иш ва унга катта эҳтиёткорлик билан қадам қўйилади.

– Сизнингча, мен бир кун келиб бошқа қизни севиб қолишим мумкин бўлгани учун, қизингизни севсам ҳам, унга уйланмаслигим керакми? – сўради Скотт.

Суҳбат ҳеч қандай натижа бермади, иккисининг ҳам таъби тирриқ, ҳафсаласи пир бўлди. Гап ниҳоят ту-гагач, Элла ошхонага кирди ва ўз юмушларига уринди, кайфияти ёмон бўлганда у ҳамиша шундай қиларди. Овқат пиширишга киришар эди.

Ярим соатлардан кейин Эллага эри телефон қилди:

– Сен Скоттга телефон қилиб, қизимизга уйланма, дебсанми, мен бунга сира ишона олмаяпман. Ундай қилмадим, деб айт.

Элла оғир хўрсинди:

– Гап-сўзлар бунча тез тарқалмаса! Азизим, мен сизга тушунтириб бераман.

– Тушунтиришга ҳожат йўқ. Сен нотўғри қилган-сан. Скотт ҳаммасини Жанетга айтган ва қизинг қат-тиқ хафа. У бир неча кун дугоналариникида яшамоқчи. Ҳозир эса сени кўришни истамаяпти, – Дэвид бирпас жим қолди. – Ва мен бунинг учун уни айблай олмайман ҳам.

Кечки овқатга нафақат Жанет келмади. Дэвид ҳам Эллага хабар юбориб, шошилинич иши чиқиб қолганини айтди. Қанақа шошилинич ишлигини эса айтмади.

Тушунтириш унинг одатида йўқ эди. У бошқа аёл-лар билан ўйнашиши, бирга бўлиши ҳам мумкин эди ва лекин кечқуран, албатта, қайтар ва уйда овқатланарди. Ораларидаги жанжал қанча чуқур бўлмасин, Элла ҳамиша кечки овқатни тайёрлар ва Дэвид уни хурсандчилик ва миннатдорлик билан ер, ликопчасига нима солиб берса, ҳаммасини еб қўярди. У ҳеч қачон раҳмат дейишни эсидан чиқармас эди ва бу чин юракдан ай-тилган миннатдорликни Элла хиёнат учун узр сифа-тида қабул қилар эди. Ва уни кечирарди. Ҳамиша кечи-рарди.

Бу сафар эри чегарадан чиқди, лекин бунинг учун Элла ўзини койиди. Ҳар доимгидек, «айбдор» Элла Рубинштейннинг иккинчи исми эди.

Эгизаклари билан столга ўтиргач, ундаги айбдорлик ҳиссининг ўрнини ғамгинлик эгаллади. Ташқаридан қараганда Элла доимгидай ғамхўр она бўлиб кўринаётган эса-да, лекин ичида туғён ураётган танглик тўлқинини ҳис этаётган, оғзига эса бирдан сафронинг аччиқ таъми келган эди.

Кечки овқатдан кейин у ошхонадаги стол ёнида бошланган жимжитлик ичидаги қандайдир оғирликни ҳис этган ҳолда яна узоқ ўтирди. Шунда унга бирдан ҳамиша ўзи тайёрлайдиган овқатлар ва умуман бутун бажарадиган уй юмушлари мияни ўтмаслаштирадиган даражада зерикарли бўлиб кўринди. Элла ўзига ачиниб кетди. У ўз умрини тўғри сарфлай олмаганидан ўзига ачиниб кетди, ахир у аллақачон қирқ ёшга кирган эди. Юраги меҳр-муҳаббатга тўла эди, лекин бу кимга керак?

Элла фикран «Ширин шаккоклик»ка қайтди, Шамс Табризийнинг характери уни ҳайратга солган эди.

«Шундай бир инсонга рўпара келсам яхши бўлармиди, – фикран ҳазил қилди у. – Бундай инсон билан бир кун ҳам зерикиш бўлмас эди!»

Шу дам Элла хаёлан ўз рўпарасида баланд бўйли, чарм шим кийган, мотоциклистлар курткасида, қора сочлари елкасигача тушган, юз ифодалари жиддий сирли эркакни кўрди; у рулида қизил шокила осилган қизил рангли «харли-дэвидсон» (маркали) мотоциклда эди. Элла унга табассум қилди. Келишган норғул сўфий чўл йўли бўйлаб мотоциклида тез юрарди. Шундай йигит билан автостопда саёҳат қилиш ёмон бўлмас эди!

Қизиқ, Шамс унинг кафтини ўқий олган бўлармиди? Балки у Элланинг хаёллари нима учун вақти-вақти билан бунчалар қоронғулашиб кетишини тушунтириб бера олармиди? Ёки шундай катта ва меҳр-муҳаббат-

ли оиласи бўла туриб ҳам, у нима учун ўзини бунчалар ёлғиз ҳис этишини тушунтира олар? Ва менинг ауранинг ранги қандайлигини айтар? Бу ранглар қанчалар ёрқин? Ва умуман кейинги пайтлар ҳаётимда бирон ярақлаган (нурли) нарса бўлдимми ўзи? Ёки кейингидан бошқа даврда-чи?..

Айни ўшанда, ошхонадаги стол ёнида ўтирганида, Элла ўзи айтган баландпарвоз гапларига, ўзини руҳан тетик тутишга уринишларига қарамасдан, қалбининг энг теран ерида ҳамон севги орзуси борлигини англаган эди.

Шамс

1242 йил, март, Самарқандга яқин шаҳарчадаги карвонсарой.

Карвонсаройнинг юқори қаватида ўндан ортиқ чарчаган йўловчилар уйқуга ғарқ бўлиб ётишипти. Мен тер ва моғор иси келиб турган ўроғлиқ ўрин-кўрпаларим турган жойга етиб боришим учун аллакимларнинг қўл ё оёқларидан сакраб ўтишимга тўғри келди. Қоронғуда ётар эканман, хаёлимда кун бўйи содир бўлган ҳодисаларни баҳолар, улар орасида илоҳий ишора бўлиши мумкин бўлган ҳеч нимани шошқалоқлик ёки жаҳолат туфайли ўтказиб юбормадиммикин, дея бирма-бир кўздан кечирардим.

Менга болалигимдаёқ турли ҳодисалар намоён бўлган ва мен овозлар ҳам эшитар эдим. Мен ҳамиша Худо билан гаплашардим ва У ҳам мени жавобсиз қолдирмас эди. Гоҳи осонгина юқорига, еттинчи осмонга кўтарилардим. Гоҳида эса баҳайбат эманлар ва ер ҳиди келиб турган жойлар орасига яширинган қандайдир чуқур чоҳга қулаб тушардим. Шундай вақтларда менинг иштаҳам йўқолар ва кўп кунлар таом емай юра олардим. Мени ҳеч нима кўрқита олмас эди ва кейинчалик ўзим кўрган нарсаларни бошқаларга ҳуда-беҳу-

дага айтавермайдиган бўлдим. Одамлар одатда ўзлари тушунмайдиган нарсаларга бепарво муносабатда бўладилар. Ва мен энг олдин айна шуни эсимда сақлаб қолдим.

Менга намоён бўлган нарсаларни нотўғри талқин этган биринчи одам отам эдилар. Мен ўз ҳимоячи-фариштамни ҳар куни кўра бошлаганимда ўн бир ёшга тўлган эдим, лекин соддалигимдан ҳаммада шундай бўлади, деб ўйлаган эдим. Бир куни отам мени келгусида дурадгор бўлишимни истаб, қарағайдан сандиқ яшашни ўргатаётганларида, мен унга ўз ҳимоячи-фариштам ҳақида айтгандим.

– Сен хаёлотга кўп бериласан, ўғлим, – деган эди у қуруққина қилиб. – Бу хаёлларингни ҳаммага айтаверма. Қўни-қўшнилар эътиборини ўзингга тортишнинг ҳеч кераги йўқ.

Гап шундаки, бир неча кун олдин қўшниларимиз менинг ота-онамга ўзимни ғалати тутишимни, бу уларнинг болаларини қўрқитаётганини айтиб, шикоят қилишган эди.

– Мен сени тушунмайман. Нима учун ўз ота-онангга ўхшаб юришни истамайсан? – Ҳамма болалар ўз ота-оналарига ўхшайдилар-ку. Ахар сенинг биздан фарқинг йўқ.

Ўшанда мен гарчи ота-онамни яхши кўрсам ҳам ва улар мени яхши кўрсалар ҳам, биз мутлақо ҳар хил эканимизни тушунган эдим.

– Ота, бошқа болаларингиздан фарқли ўлароқ мен бошқа тухумдан чиққандекман. Мен худди товуқ тухум босаётганда, товуқ тухумлари орасига солиб қўйилган ўрдак тухумидан чиққан кабиман. Мен бир товуқхонада бутун умрини ўтказадиган уй қуши эмасман. Сиз сувдан қўрқасиз, менга эса сув қувват беради. Сиздан фарқим шуки, мен сузишни биламан ва сузаман ҳам. Уммон – менинг уйим. Агар мен билан бўла олсангиз,

бирга сузайлик. Акс ҳолда менга халал берманг ва товукхонангизда қолаверинг.

Отамнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди, кейин мендан четлашаётгандай кўзларини қисди.

– Сен ҳозир ўз отанг билан шундай гаплашсанг, – деди у ғамгин оҳангда, – катта бўлганингда, душманларинг билан қандай гаплашасан?

Катта бўлган сарим, турли ҳодисалар кўз ўнгимда намоён бўлишдан тўхтамас ва бу ота-онам дилларини вайрон қилар эди. Аксинча, улар кўпайиб борар, таъсир кучлари ортиб борар эди. Мен ота-онам қайғуга ботаётганини тушунар, ўзимни айбдор ҳис этар, аммо кўраётганларимни қандай тўхтатишни билмас эдим. Билган тақдиримда ҳам, балки тўхтатмас эдим. Шундан кейин уйдан бутунлай кетдим. Шундан буён «Шамс» сўзи менинг тилимдаги энг ширин, энг ёқимли, энг азиз сўзга айланди. Болалигимдан хотира бўлиб фақат учта ҳид қолди: кесилган дарахт ҳиди, кўкнор уруғи суртиб ёпилган ноннинг ҳиди ва ердаги юрганда ғирчиллайдиган юпқа қор ҳиди.

Шундан буён мен дарбадар кезувчи дарвишман, ҳеч ерда бир кундан ортиқ тунамайман, ҳеч қачон бир идишдан икки марта овқат емайман ва ҳар куни атрофимда ҳар хил одамларнинг юзларини кўраман. Оч қолмаслик учун, одамларнинг тушлари таъбирини айтиб, уч-тўрт танга пул топаман. Шу алфозда мен Шарқу Ғарбни кезиб Худони излаб юраман. Мен яшашга арзирли ҳаётни излайман ва билишга арзирли илмни излайман. Ва ҳеч ерда кўним топа олмайман, дайдиганим-дайдиган.

Саёҳатларим мобайнида кўп йўлларни босиб ўтдим, барчага маълум савдо-сотик йўлларида тортиб, то кўп кунлар одам оёқ босмайдиган ерларга қадар. Қора денгиз бўйларида тортиб Эронга қадар, Осиёнинг бепоён чўлларида тортиб Арабистон кум уюм-

ларига қадар. Мен қалин ўрмонларни, ям-яшил яйловларни ва бўз ерларни кездим; карвонсаройларда ва меҳмонхоналарда бўлдим; эски кутубхоналарда олимлар билан суҳбатлашдим; мактабларда ёш болаларни ўқитаётган устозларга қулоқ солдим; мадрасалардаги талабалар билан тафсир хусусида олиб борилаётган баҳсларда қатнашдим; ибодатхоналарни, монастырларни ва муқаддас жойларни зиёрат қилдим; ғорда яшаётган таркидунёчилар билан бирга уларнинг ғорларида муроқабалар қилдим; дарвишлар билан бирга зикр тушдим; донишмандлар билан бирга рўза тутдим ва бидъат аҳли билан тановул қилдим; ой тўлган кунда шомонлар билан рақс тушдим. Мен барча дин, барча ёш ва барча касб кишилари билан бирга бўлдим; бахтсизликлар ва мўъжизаларни кузатдим.

Мен қашшоқ қишлоқларни, ёндирилган, қоп-қора экинзорларни, талон-торож этилган, қон дарё бўлиб оққан ва биронта тирик эркак ёки ўн ёшдан катта бола қолмаган шаҳарларни кўрдим. Мен энг яхшини ҳам, энг ёмонни ҳам кўрдим. Ва энди мени ҳеч нима ҳайрон қила олмайди.

Шу синовларнинг барчасидан ўтгач, мен ҳеч қайси китобда ёзилмаган нарса ҳақида ёзишга жазм этдим, зеро бу нарса менинг қалбимда туғилди.

Бу мен «Дарбадар кезган мусулмон-суфийларнинг асосий ғоялари» деб атаган ғоялар рўйхати эди. Мен учун улар худди табиат қонунлари каби ҳамма жабҳаларга тааллуқли, ишончли ва ўзгармас ғоялар эди. Булар «Ишққа оид 40 қоида» бўлиб, улар фақат ишқ орқали ҳаётга қўлланиши мумкин эди. Қоидалардан бирида шундай дейилади: «Ҳаққа олиб борувчи йўлни топиш бошнинг эмас, юракнинг иши. Юрак сенга йўлбошчи бўлиши керак! Бош эмас. Нафсни юрак ёрдамидагина енгиш мумкин. Шунда ўз Ҳақиқий «Мен»ингни топасан ва натижада Худони топасан».

Бу қоидаларни аниқлаш учун менга кўп йиллар керак бўлган эди. Шу ишни якунлагач, ўз ҳаётимнинг якуний босқичига етганимни англадим. Лекин ўлим мени хафа қилмаётган эди, чунки ўлим ҳамма нарса-нинг якуни эмаслигини билар эдим – мен ўзимдан мерос қолдира олмаётганимдан хафа эдим. Юрагимда айтилиши керак бўлган жуда кўп нарса тўпланиб ётар эди. Мен ўз илмим ва ғояларимни устоз билан эмас, шогирд билан ҳам эмас, бошқа бир инсон билан бўли-шишни истар эдим. Ўзимга тенг келадиган инсонни – суҳбатдошни излардим.

– Ё, Тангрим, – шивирлар эдим мен қоп-қоронғу зах хонада ётар эканман, – бутун умр дунё кезиб Сенинг йў-лингга юрдим. Мен ҳар қандай инсонни худди очик китоб, жонли Қуръон каби каби ўқийдиган бўлдим. Мен бошқа кўплаб илм аҳллари каби фил суяқлари устига қурилган қалъаларда яшамадим, ўз вақтимни бошқалар билан – жамиятдан четлаштирилган, қочқиндаги ва қувғиндагилар билан ўтказишни афзал деб билдим. Энди эса бардошим тугади. Сенинг ҳикматларингни тўғри йўлдаги инсонга узатмоғим учун менга ёрдам бер. Шундан кейин Ўзинг мени нима қилсанг қил.

Шу пайт хона худди кундузгидай ёришиб кетди. Ҳаво худди хонанинг барча ойналар кенг очиб қўйилгандай тоза ҳавога тўлди, шамол эсиб узоқлардаги боғлардан лола ва ясмин гулларининг ифорини уфурди.

– Бағдодга бор, – ҳимоячи-фариштамнинг овози эшитилди менга.

– Бағдодда нима бўлади? – сўрадим мен.

– Сен суҳбатдош сўраб илтижо қилдинг, суҳбатдошни топасан. Бағдодда устозни учратасан ва у сенга қаёққа боришинг кераклигини айтади.

Менинг кўзларимдан миннатдорлик ёшлари оқди. Мен энди аёнликда кўринган инсон ўз суҳбатдошим, руҳий биродарим эканини билиб олган эдим. Биз эртами ё кеч учрашишимиз тақдир қилинган эди. Энди мен бу инсоннинг оч кўнғирранг меҳрли кўзлари нима учун ҳамиша ғамга тўлиқлиги сабабини била оламан ва нима учун мени баҳор тунида ўлдиришлари сабабини била оламан.

Элла

2008 йил, 19 май, Нортгемптон.

Элла уй юмушлари кутаётганини эслаб, «Ширин шаккоклик» қўлёзмасининг келган бетини белгилади-да, ёпди ва столдан бошқа ёққа олиб қўйди. Лекин роман муаллифи уни қизиқтириб қўйган эди ва Интернетга кириб А.З. Захарани излади. Бу шунчаки оддий қизиқиш эди. Қизиғи шундаки, у ерда ёзувчининг ўз блоги бор экан. Унинг варақлари сафсарранг ва ферузаранглар билан қопланган бўлиб, тепасида узун оқ либос кийган эркак оҳиста айланар эди. Илгари айланувчи дарвишларни сира кўрмаган Элла тасвирга узоқ қараб қолди. Блог «Ҳаёт» деб аталмиш тухум пўчоғи» деб номланган эди. Пастда худди шундай сарлавҳали шеър ҳам бор эди:

Биз бир кун сен билан суҳбат қурурмиз!

Ва бир кун сен билан бўлурмиз бирга!

Ахир дилимизда жуда яқинмиз,

Гарчи кўринишда бўлсак-да бошқа.

Блогда дунёнинг турли мамлакатларидан юборилган хабарлар кўп эди. Ҳар бир хабар остига унинг қаердан юборилгани ҳақида бир неча сўз ёзилган. Бунда уч нарса унинг диққатини ўзига тортди. Биринчиси: А.З. Захаранинг биринчи «А» ҳарфи Азизни билдириши.

Иккинчиси: Азиз ўзини сўфий ҳисоблаши. Учинчиси: у ҳозир Гватемаланинг қаеридадир саёҳатда экани эди.

Бошқа бўлимга борилган жойлардан олинган фотосуратлар кўйилган эди. Булардан кўпи турли ирқ ва миллат кишиларининг портретлари эди. Одамлар бир-бирларидан қанчалик фарқ қилмасинлар, уларни бирлаштирувчи бир умумият бор эди: ҳар бирида нимадир етишмас эди. Баъзиларининг кийимида бирон деталь, масалан, зирак, туфли, тугмача етишмас эди; бошқаларида тиш, бармоқ, оёқ каби муҳимроқ нарсалар йўқ эди. Элла фотографиялар остидаги ёзувни ўқиди:

«Бизнинг қаерда яшаётганимизнинг аҳамияти йўқ, ҳаммамиз ҳам ич-ичимиздан ўз ноқислигимизни, бизга нимадир етишмаслигини ҳис этамиз, гўё нимамиздир йўқотгандаймиз ва уни топишимиз керак. Бу нима эканини кўпчилигимиз ҳеч қачон била олмаймиз. Била олган озчилик эса уни излашни бошлайди».

Элла бу ёзувларни диққат билан ўқиди, ҳар битта расми, Азизнинг бирон изоҳини ўтказиб юбормасдан кўриб чиқди. Пастда электрон манзил берилган эди – azizZahara@gmail.com. У манзилни қоғозга кўчириб олди, кейин Румийнинг куйидаги шеърий сатрларини кўриб қолди:

Ишқ изла оламзот, излагил ишқни! Ишқ тотин туймасдан ёруғ дунёда яшашнинг қадру қиммати йўқ – тушунгил бунни.

Элла шеърни ўқиди-ю, шу заҳоти ялт этиб миясига ғалати фикр келди: Азиз З. Захаранинг бутун блоги – ундаги фотографиялар, изоҳлар, цитаталар ва шеърлар – буларнинг ҳаммаси фақатгина унга (Эллага) мўлжаллангандай туюлиб кетди.

Кейинроқ у қаттиқ чарчоқни ва ўзидан норизолик ҳиссини туйган ҳолда дераза ёнида ўтирарди. Қуёш ботмоқда эди, ошхонани духовкада пишаётган ёнғоқ-

ли, шоколадли пирожний иси тутиб кетган эди. «Ширин шаккоклик» кўлёмаси столда очилганча ётар, лекин Элла фикрлар ортидан шунчалар эргашиб кетган эдики, диққатини китобга тўплай олмай қолган эди. Дабдурустдан миясига мен ҳам ҳаётнинг асосий қоидалари тўғрисида бирон нима ёзсам бўлар экан, деган фикр келиб қолди. Кейин уни балки «Кундалик рўзғор ташвишларига бўғзигача ботган уй бекасининг қирқ қоидаси» деб атаса бўлар?

– Биринчи қоида, – тўнғиллади у. – Севги орзусига чек қўйиш керак! Турмуш қурган қирқ яшар аёл ҳаётида бундан анча муҳим бўлган нарсалар бор.

Ва бу ҳазили унга ўша анча муҳим нарсаларни эсига солди. У бошқа чидай олмай, қизига телефон қилди. Лекин қизига эмас, автожавоб берувчи аппаратга гапиришига тўғри келди.

– Жанет, азизам, мен Скоттга телефон қилганим нотўғри бўлганини тушундим. Лекин мен буни сира ёмон хаёлда қилмадим, шунчаки аниқ ишонч ҳосил қилмоқчи эдим, холос...

Элла бирпас жим қолди, айтадиган гапларини олдиндан тайёрлаб қўймаганига афсусланди. Автожавоб берувчининг шовқини унинг асабига тегарди.

– Жанет, мени кечир. Мен асли шундай ажойиб оилам борлиги учун хурсанд бўлишим кераклигини билман. Лекин... агар билсанг... мен жуда бахтсизман...

Шиқ этган овоз эшитилди. Автожавоб берувчи ўчган эди. Беихтиёр оғзидан чиқиб кетган охирги сўзларидан юраги қаттиқ қисилди. Нима бўлди, мени жин урдими? Ахир унинг миясига ҳеч қачон мен бахтсизман, деган фикр келмаган эди-ку! Наҳотки инсон ўзининг эзилиб юрганини ўзи билмаса? Энг ажабланарлиси, шу гапни айтганидан заррача афсусланмади ҳам.

Элланинг кўзи Азиз З. Захаранинг электрон манзили ёзилган қоғозга тушди. Манзил жуда оддий эди,

бу уни гўё ниманидир ёзишга чорлаётгандай эди. Элла узоқ ўйлаб ўтирмасдан компьютер олдига ўтирди ва хат ёза бошлади:

Қадрли Азиз З. Заҳара!

Менинг исмим Элла ва мен адабиёт агентлигининг топшириғи билан Сизнинг «Ширин шаккоклик» романингизни ўқияпман. Ҳозирча унинг фақатгина бир неча варағини ўқишга улгурган эсам-да, у менга жуда ёққанини тан оламан. Босснинг бу борадаги қараши қандай бўлишидан қатъи назар, менинг шахсий фикрим шу. Сиз билан битим тузиш ё тузмаслик масаласида у буни назарга олади, дея олмайман ҳам.

Назаримда, Сиз ҳаётнинг маъноси ишқда эканига ва бошқа ҳамма нарсалар катта аҳамиятга эга эмаслигига ишонасиз. Афсуски, мен бу фикрингизга унча қўшила олмайман. Лекин Сизга ёзаётганимнинг сабаби бу эмас.

Мен Сизнинг «Ширин шаккоклик» романингизни ўқишим ажабланарли тарзда ўз ҳаётимда содир бўлган кутилмаган бир ҳодиса билан бир вақтга тўғри келиб қолгани учун ёзмоқдаман. Ҳозир мен катта қизимни жуда эрта турмуш қуриш керак эмаслигига ишонтиришга уринаётган эдим. Кунни кеча мен унинг йигитидан улар бу режаларидан қайтишларини илтимос қилдим. Энди эса қизим мендан нафратланаяпти ва мен билан гаплашмаяпти ҳам. Менимча, қизим Сиз билан ҳамфикр бўлса керак, чунки иккингизнинг ҳам севгига бўлган қарашларингиз бир хил.

Сизга ўз муаммоларим юкини ортганим учун узр сўрайман. Мен буни истамаган эдим. Блогингизда ҳозирда Сиз Гватемалада эканингиз айтилган экан. Дунё бўйлаб саёҳат қилиш ажойиб бўлса керак. Агар Сиз мабодо Бостонга ҳам келиб қолсангиз, балки учрашиб, бир финжон қаҳва ичиш чоғида суҳбатлаша олармиз.

Сизга барча эзгуликларни тилаган ҳолда

Элла.

Элла ўзининг шинам сокин ошхонасида ўтирган ҳолда, яқин орада ҳам, олис келажакда ҳам учратиши мумкинлиги сира кутилмаган, номаълум бир инсонга бу хатни қандай ёзиб юборганини ўзи ҳам англамай қолди.

Устоз

1242 йил, апрель, Бағдод.

Шамс Табризийнинг келгани Бағдодда билинмади, ammo мен унинг дарбадар дарвишларнинг ночоргина қўналғасида биринчи марта пайдо бўлган кунни сира эсимдан чиқармайман. Ўша куни биз эътиборли меҳмонларни кутаётгандик. Қозикалон ўз яқинлари билан бизникига ташриф буюрган эди; мен унинг ташрифи оддий дўстлик изҳоридан каттароқ бўлса керак, деган фикрда эдим. Сўфизмга салбий муносабатда экани маълум бу қози бизни, шунингдек, ўзига тегишли бу минтақадаги барча сўфийларни ўз назорати остидан четда эмаслигимизни менга эслатмоқчи бўлиб келган эди.

У кенг юзли, қорни осилган ва калта бармоқларига қўша-қўша узуклар тақиб олган эди. Қозига овқатдан парҳез қилиш жоиз эди, лекин ҳеч ким, ҳатто ўз табиблари ҳам бу ҳақида унга оғиз оча олмаган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Бизнинг томонларда обрўси катта эди. Ундаги иззатталаблик ва ҳукмдорлик майлининг кучлилиги элга дoston бўлган эди. Таниқли имомлар оиласига мансуб бу киши учун бир қалам тортиш билан истаган кишисини дор остига равона қилиш ёки худди шу зайлда жинойтчини кечириб, зиндондан чиқариб юбориш чўт эмас эди. У ҳамиша кимхобдан ва бошқа қимматбаҳо матолардан тикилган кийимлар кийиб юрар ва ўз ҳукмдорлигига ишончи катта эди. Менга унинг ўзига бино қўйганлиги ёқмас эди, лекин

жамоамиз тинчини кўзлаб бу ҳокимият вакили билан яхши муносабатда бўлишга уринар эдим.

– Биз дунёдаги энг бадавлат шаҳарда истиқомат қилмоқдамиз, – дер эди қози оғзига анжир соларкан. – Бугун Бағдод мўғуллардан қочган қочоқлар билан тўлиб кетди. Биз уларга бошпана бераяпмиз. Бугун Бағдод дунёнинг марказига айланди, шундайми, Бобо Замин?

– Бу шаҳар ҳақиқий хазина, – эҳтиёткорлик билан дедим мен. – Лекин шаҳарлар ҳам бандаларга ўхшаши-ни эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Улар ҳам туғилишади, болалик ва ёшлик даврларини бошдан кечир-ишади, кейин кексайишади ва охири қазо қилишади.

Ҳозир Бағдоднинг айна ёшлик чоғи. Гарчи биз ҳозир халифа Хорун ар-Рашид давридагидек бой бўлмасак-да, шаҳримиз савдо-сотик, санъат ва шеърят маркази эканидан фахрлансак арзийди. Бироқ минг йилдан кейин Бағдод қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Ҳаммаси ўзгариб кетиши мумкин.

– Бу тушкунлик қаёқдан келди? – Қози бош чайқади ва бошқа идишдаги хурмога қўл чўзди. – Аббосийлар ҳукмдорлиги абадий қолади ва биз ҳамиша гуллаб-яшнаимиз. Агар хоин ва бузғунчилар ўрнатилган тартиботни бузишга ҳаракат қилишмаса, албатта. Ўзларини мусулмон деб атайдиган, аммо кофирлардан ҳам бадтар хавfli кимсалар бор. Зеро, динимизни нотўғри талқин этишдан кўра хавфлироқ ҳеч нима йўқ.

Мен унга жавоб бермасликни лозим топдим. Қози исломни сўфиёна ва қисман индивидуалистик талқин этганларни бузғунчилар деб ҳисоблаши маълум эди. У бизни дин Қонунлари (Ақидалар)га ва маросимларга беписандликда ва шунинг туфайли, ўзи каби ҳокимиятнинг бошқа вакилларини ҳам ҳурмат қилмасликда айблар эди. Гоҳо менга у барча сўфийларни Бағдоддан ҳайдаб чиқаришга тайёр тургандай туюларди.

– Сизнинг биродарларингиз безарардирлар ва лекин барча сўфийлар Қонунга қатъий бўйсунадилар деб бўладими? – сўради қози соқолини силаркан.

Унга қандай жавоб бериш мумкин? Худога шукурки, аини шу пайт эшик тақиллаб қолди. Малласоч хизматчи ёнимга келиб қулоғимга бир дарбадар дарвиш меҳмон бўлиб келганини, у мен билан, албатта, боғланиши кераклигини ва бошқа ҳеч ким билан гаплашмоқчи эмаслигини таъкидлаётганини айтди.

Бундай ҳолларда мен одатда меҳмон кутиб туришини ва токи келган одамларни кузатмагунимча уни холи бир хонага олиб киришларини ва овқатлантиришларини сўраган бўлар эдим. Лекин ҳозир қози мени ноқулай аҳволга солиб қўйгани учун, бу дарбадар дарвишни ёнимизга таклиф этсам ёмон бўлмаса керак: балки у турли мамлакатларда кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб, вазиятдаги тарангликни юмшатар, деб ўйлаб қолдим. Шу ўй билан меҳмонни ёнимизга таклиф этишларини сўрадим.

Бир неча дақиқадан сўнг эшик яна очилиб, бошдан-оёқ қора кийим кийган одам кириб келди. Озғин, ҳолдан тойган, ёши нечадалигини билиб бўлмайдиган бу одам дарҳол диққатимни ўзига тортди. Қирра бурунли, ичкарироқ ботган қора кўзли ва қора қошли, пешонасига қалин жингалак сочлари тушиб турарди. Қайтарма ёқасига қалпоқ қўшиб тикилган узун плащ ва қўй терисидан тикилган этик кийган эди. Бўйнида бир неча тумор осилиб турарди. Қўлида ёғоч косасини – дарбадар дарвишларнинг хайр-эҳсон солинадиган идишини ушлаб турарди – бу иззатпарастлик ва кибрнинг енгиб ўтилганлиги мажози эди. Менга унинг қози ва унинг ҳамроҳларига унча эътибор бермагани дарҳол равшан бўлди. Унинг ўзини дайди ёки гадой сифатида қабул қилишлари мумкинлигининг ҳам унга фарқи йўқдай эди.

Мен кириш ва ўзини танитиш учун рухсат беришларини кутиб, эшик олдида турганини кўрганимда ёқ унинг бошқа дарвишларга ўхшамаслигини дарров илғадим. Бу унинг кўзларида, хатти-ҳаракатларида, бутун қиёфасида кўриниб турарди. У кичкина ва заиф бир зарра бўлиб кўрингани билан, бамисоли қудратли эман дарахти уруғини ўз ичига олган меваси каби эди.

– Хуш келибсан, дарвиш, – дедим мен ва қўлим билан рўпарамдаги кўрпачадан жой кўрсатдим.

Дарвиш ҳамма билан саломлашиб, атрофдаги барча одамларга эътибор билан ва ҳеч нарсани назаридан четда қолдирмаган ҳолда ўтирди. Кейин унинг нигоҳи қозида тўхтади. Назаримда, улар бир дақиқадан кам бўлмаган вақт мобайнида бирон бир сўз айтмаган ҳолда, бир-бирларидан кўз узмай қолишди. Улар – ижтимоий пиллапоянинг буткул қарама-қарши томонларида турган бу кишилар – бир-бирлари ҳақларида нималарни ўйлаётганлари мен учун жуда қизиқ эди.

Мен дарвишни илиқ эчки сутидан ичишга, ширин анжир ва хурмодан тановул қилишга таклиф этдим, лекин у буларни одоб билан рад этди. Исмини сўраганимда исми Шамс Табризий эканини ва у Худо излаб кезган дарбадар дарвиш эканини айтди.

– Хўш, топдингми Уни? – сўрадим мен.

Дарвишнинг юзига соя тушгандай бўлди; у бош ирғитди.

– Албатта, У ҳамиша ва ҳамма ёқда мен билан бирга.

Қози одоб сақлашни хаёлига ҳам келтирмасдан, хингиллаб кулди:

– Нима учун сиз дарвишлар ўз ҳаётингизни бу қадар мураккаблаштириб юборасиз, шуни ҳеч қачон тушунмаганман. Ҳамон Худо ҳамиша ва ҳамма ёқда сен билан бирга экан, нима учун дунё кезиб Уни излаб юрасан?

Шамс бир зум бошини қуйи солди ва бир неча дақиқа жавоб қилмади. Кейин бошини кўтарди. Унинг чеҳраси сокин, овози бир текис эди:

– Чунки Уни фақат излаганлар топа оладилар.

– Бу сўз ўйини, – масхараомуз кулди қози. – Сен бизни бир умр бир ерда яшаб келаётганимиз учун Худони топа олмайсизлар, демоқчимисан? Бўлмаган гап. Ҳамма сенга ўхшаб жулдур кийимлар кийиб, дарбадар юриши шарт эканда.

Кулгу овозлари келди: одамлар шу зайл ўзларининг қози билан ҳамфикр эканликларини билдирардилар. Бу бахтсиз, заиф, ҳукмронлик лавозимидаги одамларга ёқишни истайдиган кишилар кулгуси эди. Мен алланечук бўлиб кетдим. Қози билан дарвишни бирга учраштириб, хато қилиб қўйганим равшан эди.

Шамс қозига дейди:

– Назаримда, сиз мени тўғри тушунмадингиз. Мен инсон туғилган шаҳрида Худони топа олмайди, деганим йўқ. Худони қаерда бўлманг, ўша ерда топиш мумкин, – давом этди дарвиш. – Бирон марта ҳам ўз уйидан кетмаган, шунга қарамай, Худони топган инсонлар ҳам бор.

– Тўғри! – қувонч билан хитоб қилди қози, лекин унинг хурсандлиги узоққа бормади.

Дарвиш гапида давом этди:

– Мен ҳозир сиз кийиб юрганингиздек, кимхоб ва ипак матолардан тикилган либослар кийиш ва қимматбаҳо тақинчоқлар тақиш билан киши Худони топа олмаслигини назарда тутган эдим, қозикалон.

Хонага оғир сукунат чўкди. Ҳамманинг нафаси ичида эди.

– Сени дарвиш десам, тилинг ҳаддан зиёд ўтқир-ку, – деди ниҳоят қози.

– Агар бурч тақозо этса, бутун дунё ҳиқилдоғимдан олиб, жим бўлишга мажбур этмоқчи бўлса ҳам, айтишим керак бўлган нарсани айтаман.

Қози қовоғини уйди, кейин худди мурасага келган каби елкаларини қисди.

– Борингки, – шундай бўла қолсин, – деди у. – Майли, бизга сен кабилар ҳам керак. Сен келишингдан салгина олдин биз айнан шаҳримизнинг нақадар гўзаллиги ҳақида гаплашаётгандик. Сен кўп жойларни кўрган бўлсанг керак. Айт-чи, дунёда Бағдоддан гўзалроқ шаҳар борми?

Ўтирганларга бир-бир қараб чиқаркан, Шамс овозини баландлатмай деди:

– Сўзсиз, Бағдод – буюк шаҳар, лекин дунёвий гўзалликнинг умри қисқа бўлади. Шаҳарлар унда яшовчи инсонларнинг қалблари туфайли равнақ топади. Агар бу қалбларда Ҳаққа ишонч йўқолган бўлса, шаҳарлар ҳам таназулга учрайди. Ҳамиша шундай бўлади.

Мен ўзимни тута олмай бош ирғидим. Шамс Табризий менга ўгирилди ва мен унинг кўзларида дўстона ҳамфикрликни кўрдим. У менга қараб тураркан, назаримда, қуёшнинг илиқ нурлари теккандай бўлди. Шунда мен унинг исми жисмига монанд эканини англадим. Бу инсондан ҳаётий қувват таралиб турарди. У чиндан ҳам Шамс – «қуёш» эди.

Лекин қози бундай фикрда эмас эди:

– Сиз, сўфийлар, ҳамма нарсани ҳаддан зиёд мураккаблаштирасиз. Худди шоирлар ва файласуфлар каби. Шунча гапнинг нима кераги бор? Одамларнинг эҳтиёжлари жуда оддий. Йўлбошчилар уларнинг шу оддий эҳтиёжлари қондирилишини ва ҳеч ким тўғри йўлдан оғмаслигини назорат қилиб турсалар бўлди. Бунинг учун эса улар қонунлар (шариат)га оғишмай амал қилишлари етарли.

– Қонун, мисоли шам, – жавоб қилди Шамс Табризий, – у ёритади. Лекин биз қоронғуда шам ёруғида фақат бир ердан бошқа ерга ўтишимиз мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Агар биз бор эътиборимиз

ни фақат шамга қаратиб, аслида қаёққа кетаётганимизни (йўлни) унутсак, яхши бўладими?

Қозининг башараси буришиб кетди. Қиёфаси тунд эди. Мен кўрқиб кетдим. Иши одамларни сўроқ қилиш ва жазолаш бўлган қози билан Ақоид борасида бундай гап талашиш дарё оқимининг хавfli жойига бориб қолишидай гап эди. Шамс буни билармикин?

Дарвишни бу ердан олиб чиқиб кетиш учун баҳона излар эканман, унинг овозини эшитдим:

- Ҳамма учун умумий бўлган бир қонун бор.
- Бу қандай қонун? – гумонсираб сўради қози.

Шамс гавдасини тик қилди, нигоҳини кўринмас бир китобга қаратгандай эди ва деди:

– Ҳар бир инсон Муқаддас Қуръонни ўз лаёқатида ва моҳиятга кира олиши даражасида тушуна олади. Бунда тўрт даража бор. Биринчиси, ташқи даража ва кўпчилик шу даража билан қаноатланади. Иккинчиси, ички даража. Учинчиси, ичкининг ичкиси. Тўртинчиси эса шудай чуқурки, уни сўзлар воситаси ила ифодалаб бўлмайди, шунинг учун уни тафсирлаб ҳам бўлмайди, тафсирланмаганича қолади.

Бутун эътиборни шариатга қаратган уламолар, – кўзлари ялтираб давом этди Шамс, – ташқи маъноларни билишади. Сўфийлар ички маъноларини биладилар. Авлиёлар ичкининг ичкисини биладилар. Тўртинчисини эса, фақат Худога яқин турувчи пайғамбарлар биладилар.

– Сен оддий сўфий Қуръонни илоҳиётчи олимдан чуқурроқ тушунди, демоқчимисан? – сўради қози бармоқлари билан пиёлани чертар экан.

Дарвишнинг лаблари билинар-билинемас кинояли жилмайишга бурилди ва жавоб қилмади.

– Эҳтиёт бўл, биродар, – деди қози. – Сен айтган гап билан яширин ширк орасида масофа жуда яқин.

Унинг сўзларида таҳдид бор эди, дарвиш буни илғамаганга солди.

– Очиқ ширк нима ўзи? – савол берди у. Жавоб бўлмагач, оғир хўрсинди. – Рухсатингиз билан бир ривоятни айтиб берай.

Бир куни Мусо пайғамбар ёлғиз ўзи тоғу тошларда кетаётиб бир чўпонга дуч келипти. Чўпон қўлларини осмонга кўтариб, Худога нола қиларди: «Эй Художон, Сен қаердасан, кел, сочларингни битдан тозалай, кулоқларингни тозалаб қўйай, сенга чориқ тикиб берай ва наинки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам сенга қурбон бўлсин. Қаердасан, бориб, дастёринг бўлсам, сут, қаймоқларим билан қорнингни тўйдирсам, бошинг оғриси, силаб-сийпасам, юз-кўзингдан ўпсам. Оёқларингни уқаласам...»

Буларни эшитган Мусо чўпонни койиб кетипти: «Эй, гумроҳ, тўхта! Сен нималар деяпсан ўзи? Ахир Худо чориқ ҳам, тўн ҳам киймайди, емайди ҳам, ичмайди ҳам, Уни нега ўзингга ўхшатасан. У Қуёш мисоли, сен эса мисоли бир чивинсин...» Чўпон бу гапларни эшитиб хижолатдан уялиб, қаттиқ хафа бўлганча жим қолипти. Кейин Мусо унга бир нечта дуони ўргатиб, қайтиб кетипти.

Ўша куни кечаси Мусо овоз эшитипти. Бу Парвардигори оламнинг овози эди.

«Эй Мусо, сен нима қилиб қўйдинг? Сен чўпонни мен учун нақадар қадрли эканини билмасдан уни койиндинг. У балки қоидага мувофиқ дуо қила олмагандир ҳам, лекин у оташин сўзлаётган эди. Унинг қалби, ниётлари тоза эди. Балки унинг сўзлари сенинг кулоқларингга шаккоклик бўлиб эшитилгандир, лекин Мен учун улар ширин шаккоклик эди».

Мусо (а.с.) ўзи хато қилиб қўйганини дарҳол тушунди. Эртаси эрта билан туриб, тоққа, чўпон билан учрашган ерига борди. Уни топди. Бу сафар чўпон у айтгандай дуо ўқирди. У эҳтироссизгина қилиб, тушунарсиз жумлаларни валдирарди. Қилган ишидан

афсусланган Мусо (а.с.) чўпонни елкасидан қоқипти ва депти: «Дўстим, мен сенга ноҳақлик қилибман. Илтимос, мени кечир. Сен ўзинг билганингдай дуо қил. Худо учун асосийси шу».

Буни эшитиб, чўпон енгил тортипти. Аммо у аввалги ўз дуосига қайтмапти. Лекин Мусо ўргатган дуо ҳам унга маъқул кўринмапти. У Худо билан гаплашмоқнинг бошқа усулини топибди. Чунки Худога беғубор ишқи ёққанидан энди ўзининг аввалги ширин шаккоклиги даражасидан юқорироқ поғонага кўтарилган эди.

– Бундан кўринадики, одамлар Худо билан қандай гаплашишларига қараб ҳукм чиқариш керак эмас экан, – ривоятдан хулоса чиқарди Шамс. – Ҳар бир инсоннинг ўз йўли ва ўз дуоси бор. Худо биз ҳақимизда айтган сўзларимизга қараб ҳукм чиқармайди. У бизнинг қалбимизга теран назар солади. Қонун-қоидалар (ақидалар) асосий эмас, асосийси, бизнинг қанчалар софлигимиз.

Қозига зимдан назар солар эканман, унинг сокин ва ўзига ишонч билан ўтириши ниқоб эканини, бу ниқоб остига ғазаб яширинганини тушундим. Айни чоғда, ақлли одам сифатида у ўзининг ноқулай вазиятга тушиб қолганини тушунар эди. Қоидага кўра дарвишни кўполлиги учун жазолаш керак эди, лекин у ҳолда бу оддий дарвишнинг қозикалонга қарши гапиришга журъат қилгани ҳаммага маълум бўлиб қолар эди. Шунинг учун ўзини гўё бу ривоятга алоқаси йўқдай, бе-парво тутиши афзалроқ эди.

Күёш бота бошлаган эди. Қози, уни муҳим ишлар кутиб турганини айтиб, ўрнидан турди. Менга бош ирғитиб ва Шамс Табризийга совуқ қараш қилиб, хонадан чиқди. Унинг мулозимлари кетидан эргашдилар.

– Қози сени ёмон кўриб қолди, деб кўрқаман, – дедим мен дарвиш билан ёлғиз қолганимизда.

Шамс сочларини юзидан олиб ташлади ва жилмайиб кўйди:

– О, ҳечқиси йўқ. Мен одамларга камдан-кам ёқман. Бунга ўрганиб қолганман.

Мени кўрқув босди. Бундай меҳмонлар бизда унча кўп учрамаслигини англаб турардим.

– Сени Бағдодга нима етаклаб келди, дарвиш?

Мен унинг жавобини жуда билгим келарди, лекин, шуниси қизиқки, уни эшитишдан кўрқар эдим ҳам.

Элла

2008 йил, 20 май, Нортгемптон.

Дэвид уйга қайтмаган ўша тунда Элла тушида қорин рақсига тушаётган ялим яланғоч аёлларни ва дарвишларни кўрди; у йўл бўйидаги карвонсаройда овқатланаётган жангари аскарларни ҳам кўрди; уларга гўшт солиб пиширилган сомсалар ва турли ширинликлар солинган ликоплар кетма-кет ташиб келтирилди эди.

Кейин Элла ўзини кўрди. У аллақандай бегона мамлакатда гоҳ ғала-ғовур бозорда, гоҳ қандайдир кўрғонда кимнидир излар эди. Унинг атрофида кўп одамлар аста ҳаракатланар эдилар, улар ҳам аллақандай эшитилмас мусиқа оҳанги остида рақс тушар эдилар гўё. Элла алланима сўрамоқчи бўлиб, узун мўйлабли семиз кишини тўхтатди, лекин нима сўрамоқчи бўлганини эсидан чиқариб қўйган эди. У киши тушунмай унга қараб қўйди ва нари кетди. Кейин у яна кимлар биландир гаплашмоқчи бўлди, лекин ҳеч ким унга жавоб бермас эди. У аввалига маҳаллий тилни билмаганим учун мени тушунишмаётгандир, деб ўйлади. Лекин кейин кўлини оғзига олиб боргач, даҳшат билан ўзининг оғзи йўқлигини билди. Саросимага тушиб, ўзининг қанчалик ўзгарганини кўриш ва тушуниш учун ҳамма ёққа

қараб кўзгу излай бошлади, лекин ҳеч қаерда кўзгу йўқ эди. Кейин Элла йиғлаб юборди ва ғалати товушлардан уйғониб кетди.

У кўзларини очганида, Спирит (ити) зўр бериб орқа эшикни тирмалаётганини кўрди. Бирон ҳайвон пилла-пояга чиққан бўлса керак. Ит айниқса сассиқкўзанларни ёмон кўрарди. Ўтган йил қишда улардан бири билан тўқнашиб қолганини ҳалигача эсидан чиқармаган бўлса керак. Ўшанда Элла бир неча ҳафта унга ўрнашиб қолган сассиқ ҳидни кетказиш учун итни чўмилтирган бўлса ҳам, куйган резинканикига ўхшаган бу ҳид сира кетмаган эди.

Элла деворда осилиб турган соатга қаради. Ўн беш минут кам уч. Дэвид ҳамон қайтмаган эди ва балки ҳеч қачон қайтмас. Жанет кўнғироқ қилмади. Қаттиқ умидсизликка тушган Элла унинг қачондир кўнғироқ қилишидан гумонда эди. Эри ва қизи ундан юз ўгирганларидан даҳшатга тушган ҳолда Элла музхона эшигини очди ва бир неча дақиқа у ердаги масаллиқларга кўз югуртирди. Ванилли-олчали музқаймоқ егиси келар эди, лекин семиришдан кўрқиб, нафсини тийди, музхона эшигини кескин ёпиб нари кетди.

Қизил виноли шишани очди. Бу енгил, унга ёқадиган аччиқ-чучук таъмлар аралашган, яхши вино эди. Фақат иккинчи қадахни тўлдираётганида Элла Дэвиднинг қимматбаҳо «Шато Марго 1996» бордосини очиши ҳам мумкинлигини ўйлаб қолди. Нима қилишини билмай, нохушлик билан шишага қараб қолди.

Кун бўйи чарчаган ва юрган йўлида уйқуси келиб турган Элла электрон почтасига ҳам бир назар солиб қўймоқчи бўлди. Ўндан ортиқ кераксиз хабарлар орасида Мишелнинг қўлёмани ўқиш бўйича ишлар қандайлиги ҳақидаги саволи ва Азиз З. Захарадан келган хат бор эди.

Азизам Элла (Сизни шундай аташимга рухсат этсангиз, албатта)!

Хатингиз менга Гватемаланинг Моностенанго, деб аталган қишлоғидалигимда етиб келди. Бу одамлар ҳамон майя календарига риоя этиб келаётган камдан-кам жойлардан бири. Мен қўнган меҳмонхонанинг нақ рўпарасида хилма-хил ранглардаги юзлаб мато парчалари билан безанган хоҳиш-истаклар дарахти кўриниб турипти. Уни бу ерда чилпарчин бўлган (парчаланган юраклар) дарахти деб аташади. Юраклари чил-чил бўлган одамлар, синган юракларига шифо истаб, илтижо қилган ҳолда мато бўлагига ўз исмларини ёзишади ва дарахт шохларига осиб қўйишади.

Сизнинг e-mail ингизни ўқигач, менинг шу дарахт ёнига келиб, Сиз билан қизингиз ярашиб кетишингизни тилаб, дуо қилганим Сизга нисбатан унча катта беҳурматлик бўлиб кўринмас, деган умиддаман. Зеро, муҳаббатнинг бирон учқуни ҳам увол кетмаслиги керак, чунки Румий айтганидек, муҳаббат – тириклик чашмасидир.

Ўтмишда менга бир нарса ёрдам берган эди. Мен атрофимдаги одамларга улар ўзлари истаганларидай яшашларига халал беришдан, уларни ўзгартира олмаганимдан, руҳан эзилишлардан ўзимни тўхтатдим. Агар рухсат этсангиз, Сизга (бошқа инсонлар ҳаётига) аралашидан кўра (бошга тушган ишларга) ризолик вазиятида бўлишни маслаҳат берган бўлардим.

Баъзилар «ризоликни» (мўминликни) «заифлик» деб тушунар эканлар, улар катта хатога йўл қўядилар, ваҳоланки, заифликнинг бунга мутлақо алоқаси йўқ. Ризолик (мўминлик) инсоният бир жамоа бўлиб яшаши шартларини тинчлик билан (қаршиликсиз) қабуллаши шакли бўлиб, бунга биз ҳозирда ўзгартира олмайдиган ёки тушуна олмайдиган барча вазиятлар ҳам киради.

Майя жадвалига кўра, бугун яхши кун. Астрологиявий ўзгаришларнинг кўпи энди содир бўлади ва улар ин-

сонларда янги онг шаклланаётганидан дарак бермоқда. Мен бу хатни қуёш ботмасидан олдин, яъни бугунги куннинг охирига қолмасдан етказишга улгуришим керак.

Ишқ кутмаган вақтингизда ва кутмаган ерингизда Сизни тутиб олади.

Сизга самимият ила Азиз.

Элла буткул бегона инсон дунёнинг бошқа чеккасида туриб унга эзгулик тилаб дуои илтижо қилганидан таъсирланган ҳолда ноутбукни ёпди. Кўзларини юмиб, истаклар дарахтига боғланган матога кимнинг исми ёзилганини ва унинг шамолдаги варрак каби силкинаётганини тасаввур этди.

Бир неча дақиқадан сўнг Элла ошхона эшигини очди ва ҳовлига чиқиб, салқин эсган шамол лаззатини туйди. Мамнуният ҳис этмаётган, нотинч Спирит ёнида турар ва зўр бериб ҳавони искар эди. У олдин кўзларини қисди, кейин узоқда қўрқинчли бир нимани кўраётгандай, кўзларини очди ва кулоқларини динг қилди. Ой ёруғида Элла ва ити ёнма-ён турар ва ҳар иккиси ҳам зим-зиё қоронғуликка қараб, у ерда ҳаракатланаётган нарсадан ва номаълумликдан бир хилда қўрққанларича турар эдилар.

Хизматчи

1242 йил, апрель, Бағдод.

Мен қозикалонни қуюқ таъзим ва тавозе билан эшикка қадар кузатиб қўйдим ва идиш-товокларни йиғиштириб олиш учун дарҳол орқага қайтдим.

Ажабки, Бобо замон (Устоз) ва дарбадар дарвиш, аввал қандай ўтирган бўлсалар шундай, бирон сўз ҳам айтмасдан ўтирардилар. Сўзсиз суҳбат – бу қанақаси, тушунмай кўз қиримни ташлар эдим мен. Қизиқишнинг зўридан ёстикларни тузатаётиб, чиқиндиларни

йиғиштираётиб, гиламдаги ушоқларни териб олаётиб, вақтни атайлаб чўзардим, лекин охири чиқиб кетишимга тўғри келди.

Истар-истамас ошхонага кирганимда, мен кўрган заҳоти ошпаз менга буйруқлар бериб ташлади.

– Пештахтани арт, ерни супур! Идишларни ювиш эсингдан чиқмасин! Ўчоқ ва деворларни артиб қўй! Кейин сичқоннинг қопқонини текшир!

Мен сўфийлар хонақоҳига келганимга ярим йилча бўлди, ошпаз эса мени ҳамон куткилайди. Кун бўйи итдай чарчайман, у эса ўзи бераётган бу азобларни руҳий тайёргарлик деб атайди, гўёки чирк босган идишларни ювиш руҳий иш эмиш.

Гапга унча чечан бўлмаган бу одам фақат бир ҳикматни – «Озодалик – дуо билан баробар, дуогўйлик – бу тозалик демак» деган гапни тинмай такрорлайверарди.

– Агар шундай бўлса, у ҳолда Бағдоддаги барча аёллар аллақачон авлиё бўлиб кетган эканлар, – деб юбордим унга жавобан бир кун жасорат қилиб.

Ўшанда у менинг бошимга ёғоч қошиқни отиб юборган ва бор овози билан бақирган эди:

– Бундай гаплар яхшиликка олиб бормади, бола! Дарвиш бўлишни истасанг, мана шу ёғоч қошиқдай сўзсиз бўл. Маҳмадоналик – соликка хос фазилат эмас. Кам гапириб, қўп ўйла!

Мен ошпазни ёмон кўрардим, лекин кўпроқ кўрқардим ундан. Ҳеч қачон буйруқларини бажармай қолдирмаган эдим. Шу бугунги кечга қадар.

Ошпаз сал чалғиган заҳоти, қизиқишдан тоқатим тоқ бўлганча, оёқ учида юриб ошхонадан чиқдим, дарбадар дарвиш ҳақида бирон бир нарса билишга қарор қилиб, асосий меҳмонхона эшиги олдига келдим. Ким ўзи бу? Бу ерга нима учун келди? У бошқа дарвишларга ўхшамас эди. Унинг нигоҳлари ҳатто тавозе билан бош эгган вақтларида ҳам ўтқир ва мустақил эди.

Эшик тирқишидан қарадим. Аввалига ҳеч нима кўринмади. Бироздан кейин кўзларим меҳмонхона нимқоронғусига кўниккач, устоз билан дарвишнинг юзларини фарқлай бошладим.

– Шамс Табризий, сендай инсонни Бағдодга нима олиб келди? – сўради устоз. – Бизнинг шаҳримизни тушингда кўриб келдингми?

Дарвиш бош чайқади:

– Йўқ, тушимда кўриб келмадим. Менда намоёнлик содир бўлди. Мен ҳеч қачон туш кўрмайман.

– Ҳамма туш кўради, – деди мулойимлик билан Бобо Замон. – Сен балки уларни эслаб қолмассан. Лекин бу туш кўриш йўқ, дегани эмас.

– Туш кўрмайман, – ўз гапида қаттиқ турди дарвиш. – Мен Худо билан шунга келишганман. Болалигимда мен фаришталарни кўрардим ва кўзларимга коинот сирлари очилар эди. Мен кўрганларимни ота-онамга айтардим, лекин бу уларга ёқмас эди, улар менга бошқа эртак тўқимасликни буюришди. Дўстларимга айтиб берардим, лекин улар мени хаёлпарастга чиқаришди. Кейин кўрганларим ҳақида ўқитувчиларимга айтдим, улар ҳам шундай жавоблар қилишди. Ниҳоят, одамлар барча ғайриоддий нарсаларни туш ёки хаёл, деб ҳисоблашларини тушундим.

Кейин дарвиш худди қандайдир шовқинни эшитгандай, тўсатдан жим бўлиб қолди. Шунда ғалати иш бўлди. У ўрнидан туриб, қаддини ростлади ва мен томонга қараганича, секин-аста эшикка яқинлашди. Гўё менинг яширинча кузатаётганим унга маълумдай эди.

Наҳотки, у эшик ортидагини кўрар экан?

Юрагим жуда қаттиқ дукилларди. Ошхонага қочиб кетишни истардим, лекин бундай қила олмасдим. Қўлларим, оёқларим, бутун танам қотиб қолгандай эди. Эшик ортидан Шамснинг тим қора кўзлари менга қа-

раб турарди. Мени даҳшат босди, лекин айна пайтда бутун танам бемисл кучга тўлди.

Дарвиш яқин келди, кафтини эшик дастасига қўйди, лекин ҳозир эшик очилади ва у мени ушлаб олади, деб турганимда, нимадир уни тўхтатди. Менга унинг юз ифодалари кўринмас эди ва мен уни нима учун мақсадини амалга оширмаганини тушунмадим. Биз иккимиз эшикнинг икки томонида, менга чидаб бўлмас даражада узун кўринган икки дақиқа мобайнида, шу тариқа туриб қолдик. Кейин дарвиш менга орқасини ўгирди, эшикдан нари кетди ва ўз ҳикоясини давом эттирди:

– Бироз каттароқ бўлганимдан кейин мен ҳар сафар Уни кўрганимда бу туш эмаслигини билишим учун, мендан туш кўриш қобилиятини олиб ташлашини Худодан илтижо қилиб сўрадим. У рози бўлди, шунинг учун мен буни аниқ биламан, туш кўрмайман, менга воқелик ўзи намоён бўлади.

Шамс Табризий хонанинг нариги томонидаги дераза олдида тўхтади, ташқарида ёмғир шивалаб турарди, у гапида давом этишдан олдин ёмғирга узоқ қараб турди:

– Худо мендан туш кўриш қобилиятини олди. Бирок бунинг ўрнига У менга бошқалар кўрган тушларини тушуниш имконини берди. Мен одамларга улар кўрган тушлари маъносини тушунтираман.

Мен Бобо Замон, одатда ҳамиша менга қилганидай, унинг бундай пуч гапига ишонмаслиги ва дарвишнинг устидан кулишига амин эдим.

Аммо у бунинг ўрнига ҳурмат билан бош ирғади:

– Сен бошқаларга ўхшамайдиган кўринадан. Қани энди айт-чи, мен сен учун нима қилиб беришим мумкин.

– Билмадим. Аслида, сиз менга ўзингиз буни айта-сиз, деб умид қилган эдим.

– Қандай қилиб? – ҳайрон бўлиб сўради Устоз.

– Мен қирқ йил дарбадар дарвиш бўлиб юрдим. Табиат қонунларини тушунишни ўргандим, жамият қонунлари эса ҳамон менга қоронғу. Агар керак бўлиб қолса, мен йиртқич ҳайвон билан жанг қила оламан, бироқ инсонга зарар етказа олмайман. Мен осмондаги барча юлдуз туркумини, ўрмондаги ҳар қандай дарахтни номма-ном айтиб бера оламан ва тангри Таолонинг Ўзидан нусха олиб яратган ҳар бир инсонни очиқ китоб каби ўқий оламан.

Устоз мойчироқни ёққунича Шамс яна бироз жим қолди. Кейин давом этди:

– Қоидалардан бирида: «Сен Худони ҳамма нарсаларни ва ҳамма одамларни билиш орқали била оласан, чунки худо нафақат масжиддадир, у синагогда ҳам ёки бошқа ибодатгоҳларда ҳамдир. Аммо шунда ҳам унинг қаердалигини билишни истасанг, Уни Ўз содиқлари қалбидан изла» дейилган. Уни кўриб, тирик қолган кимса йўқ, шунингдек уни кўриб, ўлувчи ҳам йўқ. Уни топган ҳамиша Унинг билан бирга қолади.

Ғира-шира ёритилган хонада Шамс Табризий ўзи бўлганидан баланд кўринарди ва сочлари елкаларига тушиб тутарди.

– Мен кўп йиллар ўз дуоларимда Худога илтижо этиб, ўз илмимни бўлишмоғим учун суҳбатдош сўрадим. Ниҳоят Самарқанддалигимда менга намоёнлик берилди. Менга Бағдодга боришим ва у ерда мақсадим амалга ошиши мукинлиги айтилди. Менимча, сиз менга суҳбатдош бўладиган киши исмини биласиз, унинг қаерда истиқомат қилишини биласиз ва менга айтасиз, ҳозир эмас, кейинроқ бўлса ҳам айтасиз.

Секин-аста Ерга кеч тушган, лекин ой нури хонани ёритганидан кейингина мен вақт алламаҳал бўлиб қолганини пайқаган эдим. Ошпаз мени роса излаган

бўлса керак. Лекин менга барибир эди. Қондани бузаётганим менга биринчи марта яхши кўринар эди.

– Мендан қандай жавоб кутаётганингни тасаввур ҳам эта олмаяпман, – ғўнғиллаб қўйди устоз. – Лекин ҳамон менга буни сенга очиш буюрилган бўлса, вақти-соати келганда бу менга маълум бўлишига ишонман. Унга қадар биз билан қол. Меҳмонимиз бўл.

Буни эшитгач, дарбадар дарвиш тавозе билан таъзим қилди ва миннатдорлик билан Бобо Заминнинг қўлини ўпди. Шундан кейин устоз дарвишга ғалати савол берди:

– Сен ўзингдаги барча илми бошқа инсонга беришга тайёрман, дединг. Сен Ҳақиқатни худди қимматбаҳо дур каби ўз кафтингда ушлаб турибсан ва уни кимгадир тақдим этишни истайсан. Лекин ўз қалбини рухият нури учун очиш оддий инсон учун жуда мураккаб масала. Сен бунда Худога тегишли ҳуқуққа даъво қилмоқдасан. Бунинг учун сен қандай бадал тўлай оласан?

Мен дарвишнинг берган жавобини бир умр эсимдан чиқармайман.

– Бадалига бошимни бермоқчиман.

Бутун танамда чумоли ўрмалаётгандай бўлди, титраб кетдим. Тирқишдан яна қараб, устоз ҳам мендан кам ларзага тушмаганини кўрдим.

– Балки, гаплашганимиз бугунча етарлидир, – тин олди Бобо Замин. – Сен чарчагансан. Рухсатинг билан хизматчимизни чақирай. У ётар жойингни кўрсатсин, тоза кўрпа-тўшак ва бир пиёла сут берсин.

Шамс Табризий яна эшикка ўгирилди, у мени кўриб турганига ҳеч шубҳам қолмади. Боз устига, у нафақат ташимни, балки бутун қалбимни ҳам кўриб тургандай, ундаги ўзим ҳали билмайдиган сирларни ҳам биладигандай эди. Ҳойнаҳой, у Бобилдаги Хорут ва Морутдан Қуръон рад этган жодуларни ҳам билиб олган чиқар. Ё

бўлмаса, у эшик ва девор ташқарисини кўришга қобил бўлган ғайриоддий инсоний қобилиятга эга бўлса керак. Ҳарқалай у мени кўрқитиб юборди.

– Хизматчингизни чақиришга ҳожат йўқ, – деди дарвиш овозини бироз баландлатиб. – Мен унинг яқин ердалигини ва бизни эшитиб турганини ҳис этаяпман.

Мен шундай қаттиқ оҳ тортиб юбордимки, назаримда, бу ҳатто қабристондаги ўликларни ҳам уйғотиб юборди. Саросималикдан сакраб, қоронғу жойга беркинмоқчи бўлиб, боғ томонга отилдим. Бироқ у ерда мени кутилмаган нохушлик пойлаб турган эди.

– Шу ёқда экансанда, ярамас! – ошпазнинг овози келди менга, у қўлида супурги билан чопиб келарди. – Бошинг балога қолди энди, бола, балога қолди!

Мен бошқа томонга сакраб қочдим ва супургига қоқилиб кетишимга оз қолди.

– Бери кел ё оёқларингни синдирайми! – кетимдан чопиб, пишиллаб бақирарди ошпаз.

Лекин мен тўхтамадим. Бунинг ўрнига ўқдай отилиб боғдан чиқиб кетдим. Кўзларимга Шамс Табризийнинг юзи кўринмай қолгунча чопавердим, эгри-бугри ёлғизоёқ йўлдан чиқиб, катта кўчага чиқдим, кейин эса катта кўча бўйлаб чопдим, чунки ҳеч тўхтаётган олмай қолгандим. Кўкрак қафасимда юрагим дукиллар, томоғим қуриб кетган эди, мен эса барибир чопавердим, токи тиззаларим қайрилиб, ерга ағдарилиб тушгунимча чопдим.

Элла

2008 йил, 21 май, Нортгемптон.

Дэвид қочиб қутулиб бўлмайдиган жанжал олди-дан ўзига далда бера-бера азонда уйга қайтганида хотини ўз ўрнида ухлаб ётганини кўрди. Ёнида «Ширин шаккоклик» қўлёзмаси ётар ва вино ичилган бўш стакан турарди.

Ўн минутлардан кейин Элла уйғонди. Дэвиднинг ваннахонада душ қабул қилаётганидан ҳайрон бўлмади. Эри бошқа аёллар билан ўйнашишга ўйнашиши, ҳатто тунни улар билан ўтказиши ҳам мумкин эди-ю ва лекин эрталаб душни ҳамиша ўз уйида қабул қилар эди. Дэвид ётоқхонага қайтиб кирганида, унинг уйга келмагани борасидаги тушунтиришларидан қочиш учун ўзини ухлаётганга солди.

Бир соатча ўтар-ўтмас Дэвид ва болалар ўз ишларига тарқаб кетишди ва Элла яна ошхонада ёлғиз қолди. Ҳаёт оқими яна ўзининг одатдаги ўзанига тушгандай эди. Элла ўзининг севимли «Пазандалик санъати – осон ва тез» ошпазлик китобини очди ва бир нечта рецептни ўқиб кўриб, ўзини кун бўйи иш билан банд қилиши мумкин бўлган анча мураккаб менюни танлади.

Денгиз моллюскаларидан заъфарон, кокос ва апельсин солиб тайёрладиган ёвғон шўрва.

Кўзиқорин, хушбўй кўкатлар ва беш хил пишлоқ билан пишириладиган спагетти.

Хўшбўй олма мойи, сирка ва саримсоқпиез шимдириб пишириладиган бузоқ қовурғалари.

Лайма сокидаги яшил ловиядан ва гулкарамдан тайёрладиган салат.

Кейин десерт (ширинлик) танлади: илиқ шоколад суффлеси.

Элла овқат тайёрлашни яхши кўрарди. Энг оддий масаллиқлардан ширин таомлар пиширишдан у нафақат хузур қиларди, балки, қизиғи шуки, кайфияти ҳам кўтарилиб кетарди. Боз устига бу иш жуда аъло даражада чиқиши унга яна ҳам кўпроқ хузур берарди. Бундан ташқари, овқат тайёрлаш уни тинчлантирарди ҳам. Ошхона унинг ҳаётида ўзини дунёдан ажратиб олиши ва вақт тезлигини гўё қисқартириши мумкин бўлган жойи эди. Баъзи одамлар учун интим муноса-

батлар шундай рол ўйнайди, фикрлар эди Элла, лекин бунинг учун икки киши бўлиши керак, ошхона учун эса фақат вақт, ишга меҳр ва масаллиқ бўлса, бас.

Телевидениедаги пазандалик дастурлари бошловчилари бу санъат кишидан руҳий илҳом ва ижодий қобилият талаб қилишини уқтирадилар. Улар ҳамиша «эксперимент» сўзини такрорлайдилар. Элла уларнинг фикрларига қўшилмайди. Экспериментни олимларга, ғаройиботларни эса рассомларга ҳавола этиш жоизроқ эмасми? Бу ерда эса анъаналарга риоя этиш ва сира ҳам эксперимент қилмаслик керак. Таом тайёрлашни билиш – бу урф-одатга ва қоидаларга риоя этиш дегани. Ҳозирги даврда аҳамияти қанчалик кам қадрланаётган бўлмасин, ошхона юмушларида уларга риоя этиш сира айб эмас.

Элла ўзининг уй юмушларини эскича юритиш оdatини қадрларди. Эрталаблари бутун оила деярли ҳамиша бир вақтда нонушта қилар, дам олиш кунларини ҳамиша бир ерда ўтказишар, ҳар ойнинг биринчи якшанбасида қўшниларини тушликка (меҳмонга) чақиришарди. Дэвиднинг ўз ишидан сира вақти ортмагани учун бутун рўзғор ишлари: харажатлар, уй-рўзғорни, болаларни тартибда тутиш, уларнинг дарс тайёрлашларини кузатиб бориш – барчаси фақат Элланинг зиммасида эди. Пайшанба кунлари Элла Пазандалик клубига борарди, у ерда клуб аъзолари ўзаро пазандалик рецептларини бўлишар эдилар. Ҳар жуманинг бир неча соатини бозорда, фермерлар билан, уларнинг маҳсулотларини муҳокама қилиш ва таъмини тотиш ва тажрибаси кам ёш бекаларга маслаҳатлар бериш билан ўтказарди. Қолган нарсаларни у уйга қайтишда магазиндан олар эди.

Шанба кунлари кечқурун Дэвид Эллани ресторанга (одатда япон ресторанига) олиб борарди – шунда агар унча чарчамаган бўлишса ва унчалик маст бўлишмаса –

уйга қайтишгач, бирга бўлишарди. Қисқагина ўпичлар ва эркалашлар эҳтироснинг эмас, балки шунчаки боғланишнинг ифодаси эди. Никоҳлари барқарор ва одатий тусга кирганидан кейин биргалик ўз жозибасини йўқотган эди. Улар баъзан ҳафталаб бир-бирига яқинлашмас эдилар. Элла ҳатто бир вақтлар эр-хотинлик муносабати унинг ҳаётининг муҳим қисмини ташкил этганига ҳайрон бўларди, энди эса енгил тортган, ўзини деярли эркин ҳис этарди.

Унга кўп йиллар никоҳда яшаган ва кейинчалик бошқа ишончлироқ ва муҳимроқ муносабатлар учун яшашга ўтиб, жисмоний қувончлардан узоқлашадиган жуфтлар ҳақидаги фикрлар ёқар эди.

Бунда бирдан-бир муаммо Дэвиднинг умуман шаҳватдан эмас, фақатгина ўз хотини билан бўладиган муносабатдан воз кечаётганида эди. У бу саргузаштлари учун эрини ҳеч қачон очиқчасига айбламас, ҳатто ўз тахминларини унга айтмас эди ҳам. Яқин дўстлари бундай тахминлардан узоқ эканликлари учун, ўзини билмаганга солиш унинг учун осонроқ кечар эди. Ҳаммаси яширин эди, ҳеч қандай жанжалсиз, ғийбатларсиз. Элла бу ишларни Дэвид қандай йўлга қўйишини хаёлига ҳам келтира олмас эди. Унинг аёллар билан, айниқса, ёшгина ассистент аёллар билан тез-тез мулоқотда бўлиши ҳисобга олинса, бу иш унча мураккаб эмасдай кўринади. Лекин эри ҳамиша ҳушёрлик ва вазминликни бой бермас эди. Шунга қарамай Элла буни биларди. Зеро, хиёнатнинг ўз иси бўлар экан.

Элла бунда гап нимада эканини аниқ айта олмас эди. Хиёнатнинг сабаби Элланинг бефарқлигидами ёки бошқа бир сабаб борми? Наҳотки аввал Дэвид йўлдан озди-ю, кейин Элла ўз вужудини ва хоҳишларини ёқтирмай қолдими?

Нима бўлганда ҳам, натижаси битта. Уч фарзанд туғилган йигирма йиллик никоҳ мобайнида аввалги

эхтирослардан асар ҳам қолмаган эди. Уч соат мобайнида Эллани шундай фикрлар ўртар экан, қўллари ўз ишини билиб қиларди. У помидор тўғрар, саримсоқпиёзни майдалар, пиёз тўғрар, соус қайнатар, апельсин пўчоғини арчар, буғдой нони учун хамир қорарди. Дэвиднинг онаси берган олтин насихатга биноан, нонни у ҳамиша ўзи ёпарди.

– Ҳеч нима эрнинг эсига уйи борлигини янги ёпилган нончалик солиб тура олмайди, – деган эди Дэвиднинг онаси улар унаштирилган кунда. – Ҳеч қачон нонни магазиндан сотиб олма. Ҳамиша нонни ўзинг ёп, азизам, бу уйингда мўъжизалар яратади.

Кун бўйи шу тариқа ишларни қилгач, Элла стол устини чиройли безашга тушди. Салфеткаларни, хушбўй шамларни, сариқ ва қовоқранг гулдасталари бор гулдонларни столга қўйди. Салфеткалар ўтказилган ялтироқ узукчалар, айниқса, зўр чиқди.

Чарчаган, лекин мамнуният ҳис этган ҳолда Элла маҳаллий янгиликларни эшитиш учун телевизорни ёқди. Ёш руҳшуносни ўз уйида пичоқлаб кетишипти; қисқа туташув туфайли касалхонада ўт чиқипти; мактабнинг катта синф ўқувчиларидан тўрттаси мактаб мулкани талон-торож қилишда айбланиб қамалишипти. Буларни тингларкан, уйдан ташқарида одамни қандай хатарлар кутиб туришини ўйлаб, бош чайқади. Америкадай мамлакатнинг шаҳар яқинидаги жойларда яшаш шунчалик хатарли бўлиб қолган вақтда, Азиз З. Захарага ўхшаган одамларда шундай ёввойи мамлакатларда саёҳат қилиш истаги қандай пайдо бўлар экан-а?

Уни ва у каби бошқа кўпчиликни ҳам тўрт девор орасига қамаб қўйган бу номаълум, хатарли ва тушунарсиз шу ҳаёт, Азиз каби кимсаларни саргузашт истагида дунё кездириши ғалати эди.

Рубинштейнлар (оила аъзолари) чиройли безатилган стол атрофига тўпланганларида соат роппа-ро-

са етти ярим бўлган эди. Хушбўй шамлар емакхонага қандайдир мўътабарлик бахш этиб турарди. Бегона одамга бу оила намунавий бўлиб кўриниши мумкин эди. Ҳатто Жанетнинг йўқлиги ҳам манзарани бузмади. Овқат вақтида Орли билан Ави ўзларининг мактабдаги ишлари ҳақида тинимсиз валақлашардилар ва Элла уларнинг бу бир дақиқа ҳам тиниб-тинчимасликлари ва шўхликлари учун улардан миннатдор эди, акс ҳолда эри билан у азобли сукунат қаърига чўкиб кетишлари мумкин эди.

Элла кўз қири билан Дэвид санчқини гулкарамга қандай санчганини, уни оғзига олиб борганини ва секин чайнай бошлаганини кузатарди. Кўзи унинг юпқа рангпар лабларига, оппоқ ялтироқ тишларига тушди. Бир вақтлар у бу оғиз билан ўпишишни яхши кўрарди... У эрини бошқа аёл билан ўпишаётганини тасаввур этди. Унинг хаёлидан ёш ва кўкраклари дуркун, тор кўйлак кийган, тиззасигача чиқадиган баланд пошна-ли этик кийган, косметик крем қалинлигидан юзлари ялтираган ассистентка ўтди. Элла Дэвидни ҳозиргидай оилавий стол олдида ўтириб, шошмасдан гулкарам еяётганидай эмас, шоша-пиша очкўзлик билан уни ўпаётганини тасаввур этди.

Айнан ўша пайт, эри ўз саргузаштини бошлаган ўша аёлни кўз олдига келтирганида, Элланинг ичида нимадир узилиб кетди. Ўзининг тажрибасизлиги ва журъатсизлигига қарамай, у бирдан эртами-кечми буларнинг ҳаммасини: ўз ошхонасини, итини, болаларини, қўни-қўшнилари, эрини, ўзининг пазандачилик китобларини ва уйда ёпадиган нонларини ташлаб кетишини қўрқинчли бир аниқлик билан тушунди... У ҳамиша қўрқинчли нарсалар содир бўладиган ўша дунёга шунчаки кетворади, вассалом.

Устоз

1243 йил, 26 январь, Бағдод.

Шамс Табризий дарвишлар жамоаси аъзоси сифатида, ўзи кутганидан ортиқроқ вақт мобайнида сабр билан кутишига тўғри келмоқда эди. Мана тўққиз ой ўтди ҳамки, у ҳамон Бағдодда эди.

Мен аввалига унинг исталган вақт нарсаларини йиғиштириб кетвориши мумкинлигини кутдим, зеро, унинг ҳамишаликка ўрнатиладиган тартиботни қабул қилмаслиги очиқ-ойдин эди. Жамоадагиларнинг қолган барчаси бўйсунадиган кундалик ҳаёт тарзи: бир вақтда ухлашга ётиб, бир вақтда туриш, муайян аниқ вақтда овқатланиш ва шу кабилар уни қанчалар зериктираётганини мен кўриб турардим. Унинг феъл-атвори ёлғизликда яшайдиган ёввойи эркин қушники каби эди. Ҳатто икки марта кетиб қолишига оз қолганини ҳам тахмин қилардим. Шунга қарамай, унинг ёлғизлик ва эркинликка бўлган майли қанча кучли бўлса, кўнглидаги ҳамсухбатни топиш иштиёқи ҳам шунчалар кучли эди. Ана шу ишонч уни кутишга ва сабр-тоқат қилишига ёрдам берарди.

Тўққиз ой мобайнида мен Шамсни диққат билан кузатдим ва кўрдимки, бошқа дарвишлар ойлар, йиллар мобайнида ўрганадиган нарсаларни у бир ҳафта, ҳатто уч-тўрт кундаёқ ўзлаштирарди. Унинг ҳар қандай янги ва ғайриоддий нарсаларга қизиқиши жуда катта эди, у табиат ҳодисаларини кузатишни яхши кўрарди. Бир неча марта боғда мен унинг ё ўргимчак ини симметриясини, ёки дарахтларда ялтираб турган шабнам томчиларини завқ билан кузатаётганини кўрдим. Гўё ҳашаротлар, ўсимликлар, ҳайвонлар унга китоб ва қўл-ёзмалардан қизиқарлироқдай эди. Лекин уни ўқишга қизиқиши йўқ экан, деб ўйлаган заҳотим, қўлида қалин китоб ушлаб турганини ҳам кўриб қолардим. Кейин эса ҳафталаб ҳеч нима ўқимай юраверарди.

Мен ундан бу ҳолатнинг сабабини сўраганимда, у ақлни ҳамиша мамнунлик ҳолатида сақлаб туриш кераклигини ва лекин уни бузиб қўймаслик учун ҳамиша эҳтиёт бўлиш кераклигини айтди. Бу унинг қоидаларидан бири эди. «Тафаккур билан ишқ турли матолардан тўқилади, – дер эди у. – Тафаккур одамлардан чигаллик тўқийди ва ҳеч нимасини бой бермайди, ишқ эса барча чигалларни ёзади ва бору йўғини бой беради. Тафаккур ҳамиша эҳтиёткор ва ҳар доим: «Меъёрсиз завқу шавқдан сақланиш»ни маслаҳат беради. Ишқ эса «Оҳ, бу гаплар беҳуда! Заҳматлар тубига тушиб боравер!» дейди. Ақлни алдаб бўлмайди, ишқни эса лойга белаш мумкин. Лекин ана шу лой ичига хазина жо бўлиши мумкин. Пора бўлган юрак хазинани ўзида сақлайди.

Уни яхшироқ билиб борар эканман, ундаги жасурлик ва ақлнинг ўткирлиги менга тобора кўпроқ ёқиб борарди. Лекин мен Шамсдаги ўзига хосликнинг бошқа томони ҳам борлигини кўрардим. Масалан, у қўполликка ўтиб кетар даражада дангалчи эди. Мен ўз дарвишларимга бошқаларнинг камчиликларига эътибор қаратишларини ва лекин шунинг билан бирга хотиржамликни йўқотмасдан, кечиримли бўлишларини ўргатардим. Шамс эса хато қилган киши ким бўлмасин, бунинг ўтказиб юбормас эди. Киши хато қилганини кўрган заҳоти дарҳол ва очиқчасига айтарди. Унинг шартакилиги кўпчиликни хафа қиларди, шунга қарамай одамларнинг қитиқ патига тегиш, кейин эса жаҳллари чиққанда улар ўзларини қандай тутишларини кузатиш унга ёқарди.

Шамсни хўжалик ишларига жалб қилиш қийин масала эди. Бунинг учун унда тоқат етишмас эди, ишга киришган заҳоти қизиқиши сўнарди. Мутаассиблик уни хунибийрон қилар, шундай пайтларда худди қафасга тушиб қолган шерни эслатарди. Агар суҳбат зе-

риктирса ёки суҳбатдоши унга ўринсиз танбеҳ берадиган бўлса, беҳуда вақт ўтказишдан қочиб, ўрнидан турарди ва кетиб қоларди. Оддий одамлар қадрлайдиган хавфсизлик, қулайлик деган нарсалар унинг учун аҳамиятсиз эди. Сўзларнинг қимматига ишончсизлиги шунчалик кучли эдики, ҳатто бир неча кун гаплашмай ҳам юраверарди. Бу ҳам унинг қоидаларидан бири эди: «Инсоният муаммоларининг жуда кўпи ўзаро бир-бирларини тушунмасликларидан келиб чиқади. Сўзларни тўғридан-тўғри қабуллаб бўлмайди. Ишқ минтақасига кирилганида, тилни қўллаб бўлмайди. Ишқ туйғусини сўзлар билан қамраб олиб бўлмайди, уни сўзсизликда ифодалаш мумкин, холос».

Кейинчалик мен унинг соғлиғидан хавотирга туша бошладим. Дилимда ўзини бу қадар ўтга ҳам, чўғга ҳам қаттиқ ураверадиган одам эртами-кечми хатарли ахволга тушиб қолади, деган гумон пайдо бўлди.

Урмимиз ниҳоясида биз ўзимизни Худога топширамиз, бизнинг қачон ва қай тариқа бу дунёдан кетишимиз фақат Унинг Ўзигагина аён. Мен Шамсдаги жўшқинликни бир қадар пасайтиришга ва уни иложи борича тинчроқ яшашга ўргатишга қарор қилдим. Муайян маънода бунга эришгандай эдим ҳам. Кейин қиш кирди ва бир куни бизга узоқдан хат олиб келган чопар келди.

Бу хат ҳаётимиздаги барча нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб юборди.

Мактуб

1243 йил. Февраль. Қайсарийдан Бағдодга.

Бисмиллоҳир роҳманир раҳим!

Қадрли биродарим Бобо Замон! Сизга ҳамиша Худонинг розилиги насиб этсин!

Сиз билан охирги марта кўришганимиздан буён анча вақт ўтиб кетди, аммо бу хатим етиб боргани-

да Сиз соғ ва омон бўлгайсиз, деган умиддаман. Сизнинг Бағдоддаги дарвишлар хонақоҳингиз ва у ерда дарвишларга ҳикматлардан, Илоҳий ишқдан бераётган таълимингиз ҳақида кўп гўзал фикрлар эшитганман. Ушбу мактубни эса менга тинчлик бермаётган фикрларни Сиз билан бўлишмоқ истагида ёзмоқдаман. Рухсат этинг, ҳаммасини бир бошидан айтмай.

Сизга маълумки, султон Аловуддин Қайкубод қийин даврларда ҳукмронлик юритган ажойиб инсон эди. Унинг орзуси шоирлар, ҳунармандлар ва файласуфлар ҳамжиҳатликда яшашлари ва ижод қилишлари мумкин бўлган шаҳарни қуриш эди. Салбчилар ва мўғулларнинг устимизга икки томондан бостириб кела бошлагани туфайли вужудга келган бошбошдоқлик ва ўзаро нафратлар оқибатида султоннинг бу орзусини кўпчилик амалга ошмас орзу деб ҳисоблар эди. Биз ҳам бунга гувоҳ бўлган эдик. Христианлар мусулмонларни ўлдиришар, христианлар христианларни ўлдиришар, мусулмонлар христианларни ўлдиришар, мусулмонлар мусулмонларни ўлдиришарди.

Динлар, мазҳаблар, қабилалар, ҳатто ака-укалар бир-бирлари билан жанг қилардилар. Лекин Қайкубод ўз аҳдида мустаҳкам эди. Ўз орзусини амалга оширмоқ учун у Конья шаҳрини танлаган эди.

Балки эшитгандирсиз ёки эшитмагандирсиз, ҳозир бизнинг давримизда Коньяда бир фозил инсон истиқомат этмоқда. Унинг исми Мавлоно Жалолиддин Румий, лекин одатда уни Румий дейишади. Мен у билан танишмоқ шарафига ноил бўлганман, нафақат ноил бўлдим, балки аввалига унга таълим бердим, отасининг вафотидан кейин унга устозлик қилдим. У шунчалар иқтидорли ва ақлли эдики, маълум вақт ўтгач, у мендан эмас, мен ундан таълим олувчи бўлдим. Унинг отаси ҳам буюк фозил инсон эди. Аммо Румийда бошқа мутафаккирларда учрамайдиган ноёб сифат бор: унда бош-

қа инсон қайси динга мансуб бўлмасин, ўша дин қобиғи остида қамалиб ётган қалбининг ичига кира олади, у ердаги хазиналарни юзага чиқара олади.

Сиз фақат мен бу фикрда эмаслигимни билишингизни истардим. Ёш Румий буюк сўфий, аттор ва руҳият бунёдкори Фаридиддин Аттор¹ билан учрашганида, у «Ҳадемай унинг қалбида дунё қалби ўт олур, унинг учқунлари Ҳақиқат ташналари юрагида аланга ёқур» деган эди. Таниқли файласуф, олим ва сўфий Ибн Арабий² ҳам отаси билан бирга юрган Румийни кўрганида «Шарафлар бўлсин, қўл ёнида уммон одимламоқда», дея хитоб қилган эди.

Йигирма тўрт ёшида Румий мадраса бош мударри-си бўлди. Мана ўн тўрт йилдан буён Конья аҳли унда дин пешвосини кўради, ҳар жумада шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли келиб, суҳбатларидан баҳра олади. Румий фалсафа, илоҳиёт, астрономия, тарих, алкимё ва алжабр илмларини аъло даражада билади. Унинг муридлари ўн мингга етган, деган гаплар юрарди. Издошлари ҳар бир сўзини илиб олишга интилишади ва унда бутун дунё тарихида бўлмаса ҳамки, ақалли ислом тарихида бурилиш ясаган буюк маърифатпарварни кўришади.

Румий менга ўз ўғлимдай, мен унинг отасига уни ўз оталиғимга олишга ваъда берганман. Лекин мен энди қаридим, вақту соатим етди, шунинг учун Румий атрофида ўзига лойиқ инсонлар бўлишига ишонч ҳосил қилишни истайман.

Румий ҳозир қанчалик машхурликка ва ажойиб марраларга эришган бўлмасин, менга бир неча марта ўзи эришганларидан қониқмаётганини айтди. Унинг ҳаётида нимадир етишмаяпти – у на оила аъзолари ва на муридлари тўлдиролмайдиган қандайдир бўшлиқ

¹ Аттор Фаридиддин, Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим (1148–1220) – йирик сўфий, шоир, форс-тожик мутафаккири.

² Ибн Арабий (Ибн ал-Арабий), Муҳйиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ибн ал-Хатимий ат-Тоий (1165–1240) – испаниялик диний файласуф, сўфизмнинг жуда йирик намояндаси ва назариётчиси.

борлигини туймоқда. Бир куни мен унга қанча кўп ишлаётган бўлмасин, негадир тўлиқ ёна олмаётганини айтдим. Унинг дил қадаҳи тўлиб турипти, қалбидаги ишқ оқиб чиқмоғи учун унинг очилмоғини истайди. У мендан буни қандай амалга ошириш мумкин деб сўраганида, мен унга у билан маслакдош ҳамсуҳбат кераклигини айтдим, отасининг «Маслакдошлар бир-бирларига кўзгу бўлиб хизмат қиладилар» деган гапини эслатдим.

Кейин бу ҳақида бошқа гаплашмадик, то менинг Коньядан кетар вақтим бўлмагунича, Румий мендан ўзига тинчлик бермаётган бир тушининг маъносини айтиб беришимни сўраб келмагунича, буни буткул эсимдан чиқариб юборган эканман. У тушида Коньядан узоқдаги аллақандай ғала-ғовур катта шаҳарда кимнидир излаб юрганини кўрганини айтди. У ердаги одамлар араб тилида гаплашишар экан. У ерда гўзал кун ботарини кўрипти. У ерда тут дарахтлари ўсар экан, ипак қуртлари ўз пиллалари ичида Худонинг ёруғ оламига чиқадиган вақтлари келишини кутиб ётган эмишлар. У яна ўзини, ўз уйи ҳовлисидаги қудуқ ёнида қўлида чироқ тутиб ўтирган ва йиғлаб ўтирган ҳолда кўрипти.

Дастлаб мен бу туш нимани англатишини тушуна олмадим. Кейин ногаҳон ипак матодан бўйинбоғ совғасини олдим, жавоб ўз-ўзидан келди. Жумбоқ ечилган эди. Мен Сизнинг ипак матоларни ёқтиришингизни эсладим. Шунингдек, Сизнинг сўфийлик хонақоҳингиздаги кўп ажойиб нарсалар ҳақидаги гапларни эсладим. Шундан кейин мен Румий шуларни тушида кўрганини англадим. Қисқаси шуки, бундан буён мен ўзимга Румийнинг суҳбатдоши бўладиган одам Сизнинг хонақоҳингизда яшамаётганмикин, деган саволни ўзимга бермоқдаман, биродарим. Сизга бу мактубни шунинг учун ёздим.

Сизнинг дарвишларингиз орасида шундай одам бор ё йўқлигини билмайман. Лекин агар бор бўлса, унга шуни

маълум қиласизми ёки йўқми, бу Сизнинг ихтиёрингизда.

Мен эса, агар биз Сиз билан бу икки дарёни бирлаштирсак, иккисининг Ҳақда бирлашмоқлари, ўз сувларини Муқаддас Ишқ уммонига олиб бориб қуймоқлари учун нимадир қила олганимиздан бахтиёр бўлур эдим.

Лекин эътиборга олиш керак бўлган яна бир нарса бор. Румийни кўпчилик яхши кўради ва ҳурмат қилади, лекин бу унга танқид кўзи билан қарайдиганлар йўқ, дегани эмас. Улар бор. Боз устига бундай икки инсоннинг бир бўлиши норозилик, нифоқ, рақобат ва душманликлар келтириб чиқариши мумкин. Румийнинг ўз суҳбатдошига боғланиб қолиши унинг оиласида ва умуман атрофдагиларда муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Шуларнинг ҳаммаси Румийнинг суҳбатдошига ҳазилакам хавф келтирмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, Сиз Коньяга йўллайдиган одам ортга қайта олмаслиги мумкин. Шунинг учун Сиздан аниқ қарорга келишингиздан ва бу мактубни кимгадир беришингиздан олдин, яхшилаб ўйлаб кўришингизни илтимос қиламан.

Сизни қийин вазиятга қўйганим учун узр сўрайман, лекин Аллоҳ бандасига ўзи кўтара оладиганчалик юкни беришини биламиз. Сизнинг жавобингизни кутаман ва Сиз қандай қарор қилманг, қарорингиз тўғри бўлади, дея умид қиламан.

Эътиқод нури Сизни ва Сизнинг дарвишларингизни асло тарк этмасин.

Устоз Саид Бурхониддин.

Шамс

1243 йил, 18 декабрь, Бағдод.

Томлардан узун сумалаклар осилиб турган қиш кунларидан бирида қор босган йўлда чопар кўринди. У Қайсаридан келдим, деди. Бундан дарвишлар ҳаяжонга тушдилар: йилнинг бу фаслида меҳмон келиши ёзда пишадиган узумнинг пайдо бўлишидай гап эди. Совуқ ва қорга қарамай, шошилиш мақтуб билан, чопарнинг йўлга чиққани икки нарсадан далолат бўлиши мумкин эди: ё бир ёмон ҳодиса содир бўлган, ёки бу энди содир бўлади.

Устозга келтирилган бу мақтубда нима ёзилгани барча дарвишларни жуда қизиқтирарди, лекин устоз бизнинг қизиқишимизни қондириши мумкин бўлган биронта ҳам сўз айтмади, ишора ҳам қилмади. У кўришидан совуққон, хаёлчан, фикрларини ҳеч ким билан бўлишишни истамас эди. Тўғри жавоб излаб, уни топа олмаётганга ўхшарди.

Мен устозни шунчаки қизиққанымдан эмас, жиддий кузата бошладим. Гарчи айнан нималигини тасаввур эта олмаган эсам-да, аммо мақтубнинг менга бевосита алоқаси бордай туюларди. Қалбимни мустаҳкам тутиш учун хонақоҳ мачитида Худонинг тўқсон тўққиз гўзал исмларини такрорлаб кўп кечаларни ўтказдим. Ҳар сафар бу исмлар ичида биттаси: Ал Жаббор – ҳеч нима унинг ихтиёрсиз содир бўлмаслиги ҳақидаги исм менинг диққатимни ўзига бошқача тортарди.

Бошқалар ўз вақтларини баҳслашиб ва ҳар хил бемаъни тахминлар қилиб ўтказар эканлар, мен бир ўзим қор босган боғда айланиб юрардим. Ниҳоят, ҳаммамиз бизларни умумий мажлисга чақирган мис кўнғироқ жарангини эшитдик. Хонақоҳнинг асосий хонасига кирганимда ҳамма йиғилиб бўлган, айлана ҳосил қилиб ўтиришар эди. Ўртада устоз турарди.

У бир йўталиб олди-да, деди:

– Бисмиллоҳир роҳманир раҳим! Сизлар балки мен нима учун ҳаммангизни мажлисга чақирганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз. Гап менга олиб келинган мактубда. Уни ким юборганининг аҳамияти йўқ. У менинг эътиборимни жуда муҳим нарсага қаратганининг ўзи етарли.

Бобо Замон бироз жим қолди ва деразага қараб турди. У азобланган, ранги оқарган ва жуда озиб кетгандай кўринарди, гўё кейинги бир неча кун ичида кўп йилларга қариб қолгандай эди. Аммо гапира бошлаган заҳоти у бирдан дадиллашди, овози қатъиятли чиқди:

– Бағдоддан унча узоқ бўлмаган бир шаҳарда жуда билимдон олим инсон яшайди. У шоир бўлмаса ҳамки, жуда яхши нотик. Минглаб одамлар уни яхши кўришади, ҳурмат қилишади, лекин унинг ўзи ҳеч кимни севмаган. Бизга номаълум сабабга кўра, орамиздан кимдир унинг ҳузурига бориши ва суҳбатдоши бўлиши мумкин.

Менинг юрагим алланечук сиқилди. Кейин секин, жуда секинлик билан нафас чиқардим. Бу вазиятда қоидалардан бирини эсламай бўлармиди? «Ёлғизлик ва хилват бир хил ҳодисалар эмас. Киши ёлғиз бўлса, ўзининг тўғри йўлдалигига ўзини осон ишонтиради. Биз учун хилват яхши, чунки бу ёлғизланиб қолишни англамайди. Аммо сенга кўзгу бўла оладиган инсонни топиш ундан-да яхшироқ. Ёдингда бўлсинки, сен ўзингни ва ўз қалбингдаги Худони фақат бошқа инсон юрагига қараб, адашмасдан кўра оласан».

Устоз гапида давом этди:

– Менга орангиздан кимдир бу руҳий саёҳатга боришни истайдими, деган саволни беришди. Албатта, мен ўзим бунга муносиб дарвишни танлашим мумкин эди, лекин фақат бурч туфайли бу ишга киришган одам уни уддалай олмаслиги мумкин. Бу ишни ишқ туфайли ва ишқ учун бажарадиган одам керак.

Бир ёш дарвиш гапиришга рухсат сўраб деди:

– Устоз, бу олим ким ўзи?

– Мен унинг кимлигини фақат йўлга чиқиш учун хоҳиш билдирган одамгагина айта оламан.

Буни эшитгач, ҳаяжонга тушган бир қанча дарвишлар шошилишч қўл кўтаришди. Истаганлар сони тўққизта эди. Мен ҳам уларга қўшилдим, ўнта бўлдик. Бобо Замон қўли билан ишора қилиб, ҳали гапи тугамаганини билдирди:

– Сиз қарор қабул қилмасингиздан олдин мен сизга айтадиган яна бошқа гаплар ҳам бор. Бу саёҳат жуда хатарли ва мушкул, борган одам қайтиб келиши даргумон.

Мендан бошқа ҳамма қўлини туширди.

Шунча вақт мобайнида Бобо Замон биринчи марта менинг кўзларимга қаради ва кўзларимиз учрашганида у аввалбошдаёқ мен ёлғиз ўзим кўнгилли бўлиб чиқишимни билганини тушундим.

– Шамс Табризий, – деди устоз секин ва гўё менинг номим унинг оғзига нохуш таъм бергандай аччиқли оҳангда. – Мен сенинг қарорингни ҳурмат қиламан, лекин сен бизнинг жамиятимиз аъзоси эмассан. Сен меҳмонсан.

– Тушунмадим, нима фарқи бор.

Устоз узоқ ўйлаб, жим қолди. Кейин кутилмаганда ўрнидан турди ва яна деди:

– Ҳозирча бу гапларни қўя турамиз. Баҳор келгач, бу масалага яна қайтамиз.

Менинг қалбим исён кўтарарди. Ахир Бобо Замон мен айна шу вазифани бажариш учун Бағдодга келганимни жуда яхши биларди-ку, у эса менга тақдир қилинган бу имкониятдан мени маҳрум қиляпти.

– Нима учун, устоз? Мен ҳозироқ йўлга тушишга тайёр турган бўлсам, нима учун кутиш керак? Менга шаҳарни ва ўша уламони отини айтсангиз бўлди, шу

зумдаёқ мени бу ерда кўрмайсиз! – қичқириб юбордим мен.

Лекин устознинг жавоби, мен бу ерда у билан ён-ма-ён яшаганимдан буён сира кутилмаган тарзда совуқ ва қатъий бўлди:

– Муҳокамага ўрин қолмади. Мажлис тамом.

Қиш узоқ ва совуқ келди. Боғдаги ҳамма нарсалар музлаган, менинг лабларим ҳам. Кейинги уч ўй мобайнида мен бирон сўз айтмадим. Ҳар куни узоқ сайрга чиқаман, дарахт куртак ёзармикин, дея излайман, лекин фақат қорни кўраман. Баҳорни фақат орзуда кўриш мумкин.

Дилим хира бўлса ҳам, ҳозирги кайфиятимга жуда мувофиқ келадиган: «Ҳаётингда нимаики содир бўлмасин, жуда катта бахтсизликка дуч келган чоғингда ҳам руҳингни чўктирма. Ҳатто барча эшиклар беркилиб қолган бўлса ҳамки, Худо фақат сен учун янги йўллар очади. Шукур қил! Ҳамма ишлар яхши бўладиган вақтларда шукр қилмоқ осон, албатта. Лекин сўфий берилгани учун ҳам, берилмагани учун ҳам шукур қилади», деган қоидага риоя этдим.

Ниҳоят бир куни тонгда ажиб куртакни кўриб қолдим. У мусиқийдай гўзал тароват билан қалин қорлар остидан бош кўтариб турарди. Бу ушоқдаккина гуллайдиган кичиккина йўнғичқа эди. Юрагим қувончга тўлиб кетди. Уйга қайтаётиб малласоч хизматчига дуч келдим ва у билан қувноқ саломлашдим. У мени ҳаммиша индамас ва хафақон юришимга ўрганиб қолган эканми, турган жойида қотиб қолди.

– Табассум қил, болакай! – қичқирдим унга. – Кўрмаяпсанми, ахир баҳор келди?

Ўша кундан бошлаб атрофда ҳамма нарса зудлик билан ўзгара бошлади. Қор тез эрий бошлади, дарахтларда куртаклар бўрта бошлади, қушлар қайтиб келишди ва ҳаво ҳам баҳорнинг ширин хуш бўйлари билан тўлди.

Бир куни эрталаб биз яна мис қўнғироқ жарангини эшитдик. Бу сафар мен биринчи бўлиб югуриб келдим. Ҳаммамиз яна доира ясаб ўтирдик ва устоз ИШҚ йўлининг хавфу хатаридан бошқа ҳамма нарсани биладиган ислом уламози ҳақида гап очди. Яна ҳеч ким ўз ихтиёри билан бу инсон сари боришга хоҳиш билдирмади.

– Демак, Шамс яккаю ягона қўнгилли экан, – эълон қилди Бобо Замон баланд ва шамолники каби ингичка овоз билан. – Лекин мен қарор қабул қилиш учун кузгача кутаман.

Мен бундан ларзага тушдим. Қулоқларимга ишонмадим. Узун уч ойни кутиш билан ўтказдим, устоз эса яна олти ой кутишни талаб қиларди. Мен жуда танг аҳволга тушдим, исён кўтардим, илтижо қилдим, лекин у рад этди.

Аммо бу сафар кутиш енгилроқ бўлишини тушунардим, чунки бундан бу ёғига ортга суриш бўлмайди. Қишдан баҳоргача туриб бергач, мендаги оташ кузга қадар ҳам совимайди, дея қатъий айта олардим. Бобо Замоннинг бу қарори менинг ҳафсаламни пир қила олмади. Аксинча, мен дадиллашдим, қатъиятим янада кучайди. Қондалардан яна бирида айтилганидек, «Сабр дегани нофаоллик дегани эмас. Сабр дегани оқибатни кўра олиш ва унга ишониш демақдир. Сабрнинг маъноси нимада? Тиканга қараб туриб, атиргулни кўрмоқликда; тунда бўла туриб, тонгни кўра билмоқликда. Сабрсизлик эса узоқни ва келажакни кўра билмасликдир. Худони севувчилар асло сабрни йўқотмайдилар, зеро уларга ойнанинг тўлиши, тўлин ойга айланиши учун вақт кераклиги маълум».

Куз келгач, мис қўнғироқ учинчи марта жаранглади. Мен энди ҳаммаси ҳал бўлишига ишонган ҳолда, шошмасдан бордим. Устоз одатдагидан заифроқ ва рангпарроқ кўринди, гўё қуввати қолмагандек эди. Шунга қарамасдан, у мен яна қўл кўтарганимни кўриб,

юзини тескари бурмади ва қарорини орқага сурмади. У қатъият билан менга бош ирғади:

– Майли, Шамс, йўлга тайёрлан. Иншооллоҳ, эртага тонгда сен бизни тарк этасан.

Мен устознинг қўлини ўпдим. Йўлга қанча вақт кетмасин, эртами-кечми мен суҳбатдошим билан учрашурман.

Бобо Замон яккаю ёлғиз ўғлини жангга кузатаётган ота каби меҳр ва ғамгинлик билан менга кулимсиради. Кейин зангори узун тўнининг чўнтагидан муҳрланган мактубни олди, уни менга узатиб, хонадан чиқиб кетди. Ҳамма дарвишлар унинг ортидан эргашдилар. Ўзим ёлғиз қолгач, хат муҳрини синдирдим. Унда ўз саволларимга жавоб топдим. Шунга кўра мен Коньяга боришим ва Румий билан учрашишим керак эди.

Қувончдан юрагим қинидан чиқаёзди. Мен аввал бу исмни эшитмаган эканман. Румий балки буюк ула-модир, лекин мен учун у катта жумбоқ эди.

Мен «Румий» сўзини қайта-қайта, токи бу сўз оба-киданон таъмига, «сув», «нон», «сут» каби одатий сўз-ларга айланмагунича, тинимсиз такрорладим.

Элла

2008 йил, 22 май, Нортгемптон.

Оппоқ парёстик оғзидаги бемаза таъмни ва қаттиқ чарчоқ ҳиссини арита олмади. Кеч ётиш ва меъёрдан ортиқ ичиш нимага олиб келишини Элла билар эди, албатта. У ўзини ўриндан туришга, пастга тушишга, нонушта тайёрлашга, эгизаклари ва эри билан бир-га нонушта столи атрофида ўтиришга мажбур этди. Ётоқдаги ўрнига қайтиб бориш ва ухлашни қанчалик истаётган бўлмасин, бор эътиборини уларнинг ўқувчи-ларни мактабга олиб келаётган зўр ҳашаматли маши-налар ҳақидаги суҳбатларига қаратишга уринди.

Тўсатдан Орли онасининг юзига қараб сўради:

– Ави энди опам уйга қайтмайди, деяпти, ойи, шу тўғрими?

Элла унинг овозидаги айблов оҳангини туйди.

– Тўғри эмас, албатта. Биз опанг билан жанжаллашиб қолдик, лекин биласан-ку, биз бир-биримизни яхши кўрамиз.

– Сиз Скоттга телефон қилиб, Жанетни ўз ҳолига қўйишини сўраганингиз ростми? – масхараомуз сўради Ави бу гаплардан ошкора ҳузур қиларкан.

Элла кўзларини катта очиб, эрига қаради, Дэвид бу кераксиз деталларни болаларга ўзи айтмаганини билдириш учун қошларини юқори кўтарди ва елкасини қисиб қўйди.

Элла йиллар мобайнида орттирилган тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз овозига ҳар доимгидек қатъиятли тус берган ҳолда, болаларга насиҳат қила кетди:

– Ундай эмас. Мен Скотт билан гаплашдим, лекин ундан опангиздан воз кечишини сўраганим йўқ. Мен фақат никоҳдан ўтишга шошилмасликларини сўрадим, холос.

– Бўлмаса-чи: ким ҳам сенга уйланаман деб турган экан? – унинг гапини кесди Ави.

Бу икки тирранчаси бир-бири билан қандай чўқишишларига қулоқ соларкан, Элла асабланиб заҳархандали кулди, лекин ўша заҳоти жиддий кўриниш олди. Лекин бу унча ўхшамади ва у болаларни эшикка кузатиб қайтаётганида ҳам лабларида бу кулгу зимдан сақланиб қолган эди.

Фақат стол ёнига қайтиб келганидан кейингина у ўзини қўйди. Ошхона худди каламушлар армияси ҳужум қилгандай ҳолатда эди. Охиригача ейилмаган тухумлар, тишлаб қолдирилган нон бўлаклари, ювуқсиз идишлар. Бунинг устига Спирит айлантириб келиши-

ни кутганига ортидан эргашиб юрипти. Икки финжон қахвани ва бир стакан мультивитаминли ичимликни ичиб олганидан кейин ҳам Элланнинг кучи уни (итини) фақат бир неча минутгагина боғга олиб чиқишга кучи етди.

Уйга қайтиб келгач, телефон автожавоб берувчисининг қизил чироғи ёниб турганини кўрди. Тугмани босди ва уни беҳад хурсанд қилиб, Жанетнинг хушоҳанг овози хонани тўлдирди.

– Ойи, уйдамасмисиз?.. Шунақага ўхшайди, бўлма-са, трубкани олардингиз. – Ҳмм... Мен сиздан жуда қаттиқ ранжиган эдим ва сизни бошқа кўргим келмай қолганди. Ҳозир бироз совидим. Йўқ, барибир, сиз нотўғри иш қилдингиз, мен буни яхши биламан. Сиз Скоттга телефон қилмаслигингиз керак эди. Лекин мен нима учун бундай қилганингизни тушунаман. Лекин қулоқ солинг, энди мени инкубаторда сақлагандай сақлашни бас қилинг. Мени тинимсиз ҳимоялашни бас қилинг! Мени қандай бўлсам шундайимча бўлишимга қўйиб беринг, хўпми?

Элланнинг кўзларига ёш қалқиди. Жанет янги туғилганида қандай бўлгани эсига тушиб кетди. Қип-қизил жиш, ожизгина, серажин, бармоқлари жуда ингичка, оғзида нафас олдирадиган трубка – бу дунёда яшашга сира мослаша олмайдигандай кўринган эди у.

Элла мурғакнинг нафаси тўхтаб қолмаса эди, яшаб кетармикин ё яшай олмасмикин, деган таҳликада неча кечаларни уйқусиз ўтказди.

– Ойи, яна бир нарсани айтай, – Жанет бир нарса эсига тушиб қолгандай деди. – Мен сизни яхши кўраман.

Элла чуқур хўрсинди. У Азизнинг мактубини эслади. Хоҳишлар дарахти унинг илтимосига жавоб қилипти-да. Ҳеч бўлмаса, қисман. Жанет телефон қилиб бунинг бир қисмини амалга оширди. Энди қолганини

Элла қилиши керак эди. У қизига кўнғироқ қилганида, у университет кутубхонасига борадиган йўлда экан.

– Қизалоғим, мен ҳаммасини эшитдим. Мени кечир, сенинг олдингда айбдорман ва кечирим сўрайман.

Бир дақиқалик, лекин хатарли сукутдан кейин Жанет жавоб қилди:

– Майли, кўяверинг, ойи.

– Йўқ, майли эмас. Мен сенинг туйғуларингни ҳурмат қилишим керак эди.

– Келинг, бу ҳақида бошқа гаплашмайлик, хўпми? – илтимос қилди Жанет, энди уларнинг ўрни алмашиб қолгандай – Жанет онасига, онаси эса Жанетга айланиб қолгандай эди.

– Хўп, азизам.

Жанет худди ўзи ҳам Элладан сўрашга кўрқаётгандай, овозини пасайтириб шивирлади.

– Сиз ўшанда айтган бир гапингиздан мен қаттиқ ўкиниб кетдим. Бу ростми? Сиз ростдан ҳам бахтсизмисиз?

– Йўғ-е, албатта, йўқ, – шоша-пиша жавоб қилди Элла. – Учта ажойиб фарзанд кўрган бўлсам, қандай қилиб бахтсиз бўлишим мумкин?

Лекин бу жавоб Жанетни қониқтирмади.

– Мен дадам билан сизни назарда тутаяпман?

Элла нима деярини билмас эди ва тўғриси айтишга қарор қилди.

– Даданг билан биз кўпдан бери бирга яшаймиз. Шунча йил мобайнида аввалги оташинлик сақланиб қолармиди.

– Тушунарли, – деди Элла ва таажжубки, Элла қизи уни чиндан ҳам тушунганини ҳис этди.

Трубкани жойига қўйгач, Элла ўзини эркин қўйди ва ишқ ҳақидаги фикрларга берилди. Тебранувчи креслосига ўрнашиб олиб хаёлга чўмди: наҳотки ҳеч нимага қарамай, унда ишқни ҳис этиш қобилияти ҳамон

сақланиб қолган? Ишқ бу телба дунёда маъно излаганлар учун-ку! Аллақачонлар изламай қўйганлар учун у нимага керак?

Кеч киришини кутмасдан, Элла Азизга хат ёзди.

Қадрли Азиз (агар Сизни шундай аташим мумкин бўлса)!

Сизнинг оиламдаги рўй берган кризисни енгиб ўтишимга ёрдам берган илиқ, чин юракдан йўллаган номангиз учун раҳмат. Сиз айтганингиздай, биз қизим билан орамиздаги тушунмовчиликни енгиб ўтдик.

Сиз мен ҳақимда тўғри айтгансиз. Мен чиндан ҳам ҳамиша икки қарама-қарши ҳолат: агрессивлик ва нофаоллик орасида азоб чекаман. Гоҳо ўзим яхши кўрган одамларим ҳаётига ҳаддан зиёд аралашиб кетаман, гоҳо улар олдида ўзимни жуда ожиз ҳис этаман.

Тақдирга тан беришга келганида, мен ўзимни бунга қобиллигимни ҳеч қачон ҳис этмаганман. Тўғрисини айтсам, менда инсонни сўфий қиладиган ҳеч нима йўқ. Шунга қарамай, мен айнан қизимнинг ишларига (тақдирига) аралашмай қўйганимдан кейингина у билан ярашганим ниҳоят ҳайратланарли ҳол. Сизга катта раҳмат. Мен ҳам Сиз учун дуо қилишни истайман, лекин мен охирги марта Худонинг эшигини қачон қоққанимни ҳам эслай олмайман, шундан буён Унинг қаерга кўчган бўлиши мумкинлигини ҳам тасаввур эта олмайман. Мен сизнинг романингиздаги карвонсарой хўжайинига ўхшармиканман? Аммо хавотир олманг, мен унчалик қаҳрли эмасман. Ҳозирча ундай эмасдирман.

**Сизга дўстона туйғулар ила
Нортгемптондан Элла.**

Мактуб

1243 йил, 19 сентябрь, Бағдоддан Қайсарига

Бисмиллоҳир роҳманир раҳим!

Биродарим Саид Бурхониддин! Сизга тинч-омонлик ва Худонинг марҳамати ва баракотлари бўлсин!

Хатингизни олиб ва Ишқ йўлида аввалгидай собит-лигингизни билиб жуда хурсанд бўлдим. Айни пайтда мактубингиз мени қийин вазиятга ҳам қўйди. Румийга ҳамсуҳбат излаётганингиз маълум бўлиши биланоқ, мен қандай одамни назарда тутаётганингизни тушунган эдим. Лекин нима қиларни била олмай қолдим.

Биз билан бир масканда Сизнинг таърифингизга жуда мувофиқ келадиган Шамс Табризий номли дарбадар дарвиш истиқомат қилмоқда. Шамс бу дунёда ўзига юклатилган махсус вазифаси борлигига ишонади, шу туфайли нурланган инсонга зиё бахш этмоқни истайди.

Шамс бу дунёда ўз зиммасига юклатилган махсус вазифаси борлигига ишонади, шу туфайли нурланган инсонга зиё бахш этмоқни истайди. У Худодан ўзига шогирд эмас, ҳамсуҳбат тилаб келган. Бир куни менга уни оддий одамлар қизиқтирмаслиги ҳақида гапирган эди. У инсониятни Ҳаққа бошлаб борадиганлар билан яқинлашмоқ учун келганини айтган эди.

Сизнинг хатингизни ўқиб, Шамсга Румий билан учрашиш тақдир қилинганини англадим. Шунга қарамай, адолат барқарор бўлмоғи учун мен барча дарвишларга бир хил имкон бермоғим керак эди. Даъвогарлар бир нечта эди, лекин йўл нақадар хатарли экани маълум бўлгач, улардан фақат Шамснинг ўзи қолди. Бу қишда бўлган эди. Баҳор ва кузда ҳам бу ҳолат аввалгича қолди.

Сиз нега бунча узоқ кутганимдан ҳайрон бўлаётгандирсиз. Мен бу борада кўп ўйладим ва тўғрисиани айтсам, бунга фақат бир тушунтириш бор. Шамс менинг

қалбимга жуда яқин бўлиб қолган эди. Уни бундай хатарли сафарга жўнатишдан жоним оғриди.

Шамс оддий инсон эмас, буни эътиборга олинг. Дарбадар кезиш унинг учун унча қийин бўлмаган, лекин шаҳарда кўним топиб, шаҳарликлар билан бирга яшайдиган бўлса, у, албатта, кимнингдир қитиқ патига тегиши тайин. Айни шунинг учун мен унинг биздан кетар вақтини ортга суриб келдим.

Хайрлашувдан олдин оқшомда биз Шамс билан, барглари ипак қуртларига озуқа сифатида бериладиган тут дарахлари остида узоқ кездик. Улардан тўқилган жуда нафис энгил ипак мато менга Ишқ туйғусини эслатади. Мен пиллакорлар ипак йиртилмаслиги учун ипак қуртларини пилла ичидан тешиб чиқишларига йўл қўймасликларини, натижада улар ичкарида қолиб ҳалок бўлишларини Шамсга ҳикоя қилдим. Бир газ шундай мато учун кўплаб қуртлар ҳалок бўлишларини гапирдим.

Кеч кира бошлаган эди. Совуқ шамол эса бошлади ва мени титроқ боса бошлади.

Қарилик яқинлашган сари мен тез совуқ ейдиган бўлиб қолганман, лекин бу сафар бошқача ҳолат эди. Бунда гап бизнинг Шамс билан сўнгги бор боғда бирга сайр қилаётганимизда эди. Биз бир-биримизни бошқа кўра олмас эдик. Ҳар ҳолда бу дунёда кўриша олмаймиз. Назаримда, у ҳам буни ҳис этарди, буни мен унинг нигоҳидаги андуҳдан пайқадим.

Бугун тонг отар-отмас Шамс менинг кўлимни ўпгани ва кетмоқ учун оқ фотиҳа сўрагани қошимга келди. Мен унинг қора сочларини кесгани ва соқолини қирганини кўриб ҳайрон бўлдим, лекин у ҳеч нима тушунтирмади, мен ҳам сўрамадим. Кетишидан олдин ипак қуртларига оид ўз тарихидан гапирди. У Румий билан иккиси Муқаддас Ишқ пилласи ичига яширишар ва фақат пишиб етилганларидан ва ажойиб ипак тўқийдиган бўл-

ганларидан кейингина у ердан чиқишар экан. Унга қадар эса, ипак ҳосил бўлиши учун қуртлар ўлмоғи керак экан.

Шундан кейин у Коньяга жўнаб кетди. Илоҳим, Тангри таоло уни ўз паноҳида асрасин. Мен тўғри иш қилганимни биламан ва Сиз ҳам тўғри қилдингиз. Лекин юрагим зилдай оғир ва бизнинг масканда ҳеч қачон учрамаган бу энг ғайриоддий ва мард дарвишни аллақачон соғина бошладим.

Охир-оқибат, ҳаммамиз ҳам Худонинг бандаларимиз ва ҳаммамиз ҳам Унга қайтурмиз.

Сизга ҳамиша Худо ёр бўлсин!

Бобо Замон.

Хизматчи

1243 йил, 29 сентябрь, Бағдод.

Дарвишлик осон иш эмас. Менга бу ҳақида кўпчилик айтган. Лекин бунинг учун аввал қанча чиғриқлардан ўтиш кераклигини айтишмаган. Бу ерга келганимдан бери молдай ишлайман. Кун бўйи қилган ишларимдан кейин шунчалар чарчайманки, ўринга ётганимда суяк-суякларимдан ўтиб кетган оғриқдан ухлай олмайман, оёқларим ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қизиқ, биронтаси менга бу ерда қандай муносабатда бўлишаётганини билармикин? Билган ҳолда ҳам, билмаганга олса керак. Дарвишлар ҳатто менинг исмимни ҳам билишмайди. «Янги хизматчи, – деб чақиришади улар мени. Орқаворатдан эса Малласоч жоҳил, – деб шивирлашади.

Ҳаммадан ёмони – менинг ошхонада ошпаз билан ишлашим кераклиги. Унинг юраги ўрнида юрак эмас, тош бор. У дарвишларга овқат пишириб юриш ўрнига, мўғулларнинг жангари кўшинига бош бўлишга муносиброқ бўлармиди. Унинг кимгадир яхши гап айтганини ҳам эшитмаганман. У жилмайишни ҳам билмаса керак.

Бир куни мен дарвишларнинг каттасидан, наҳотки ҳамма дарвиш бўлишдан олдин ошхонада синов хизматини ўтаса, деб сўрадим. У сирли равишда жилмайиб қўйди-да, кейин «Ҳамма эмас, фақат баъзилар» деди.

Унда нима учун мен? Нимага устоз бошқаларга қараганда мен кўпроқ қийналишимни истади? Наҳотки менинг нафсим бошқаларникидан кучлироғ-у, шунинг учун менга бунчалик оғир синов берилаётган бўлса?

Ҳар куни ҳаммадан эрта туриб, ҳовуздан сув ташиб келаман. Кейин ўчоқ ёқаман ва кунжутли лочира нон ёпаман. Эрталабга шўрва пишириш ҳам менинг вазифамга киради. Элликта одамнинг қорнини тўйғазининг ўзи бўлмайди. Дошқозон керак бунга. Кейин бу овқатларни ташиб олиб бориш ҳам бор. Кунчиқардан то кунботарга қадар идиш ювиш, артиш, сабзавот тўғраш, ҳовли супуриш, ўтин ёриш, тиззалаб ўтирганча эски ғичиллаб турган ошхона полини ювиш. Яна мен шарбат ва турли хил зираворлар тайёрлайман. Сабзи ва қовоқ тузлайман. Тузни сувга тухум чўкиб кетмайдиган қилиб солиш керак. Агар бундан кўпроқ ё камроқ солиб қўйсам борми, ошпазнинг жазаваси тугиб, идишлар чилпарчин синади, мен эса ишни қайтадан бошлашим керак бўлади.

Бу ишлар орасида яна мен араб тилидаги дуоларни ҳам ўқишим керак.

Ошпаз мендан калималарни қаттиқ овозда, дона-дона қилиб айтишни талаб қилади, акс ҳолда мен сўзларни тўғри талаффуз этаётганимни пайқамай қолар эмиш. Хуллас, мен ишлайман, дуолар ўқийман, дуолар ўқийман ва ишлайман. «Ошхона ишларини қанча яхши уддаласанг, шунча эрта улғаясан, ўғлим, – дейди менга у. – Пишир-куйдир ва бошқа юмушларни ўрганиш мобайнида қалбинг юмшайди, нафислашади».

– Бу синов қанча давом этади? – сўрадим мен бир куни.

– Минг бир кун, – деган жавоб бўлди. – Ҳамон Шахризодага ўз ҳикояларини тўқиши учун шунча кун керак бўлган бўлса, сен ҳам шу муддатда бу вазифани уддасидан чиқа олсанг керак.

Бўлмаган гап! Наҳотки мен ўша вайсақи Шахризодага ўхшашим керак бўлса? Бундан ташқари, унинг бор-йўқ қилган иши парестикларга ёнбошлаб олиб, ҳикоялар тўқишдангина иборат бўлган бўлса. Шу машаққатли иш эканми? Агар унга мен қилаётган ишлардан ҳеч бўлмаса ярмисини қилиш буюрилса, бир ҳафтага ҳам чидай олмасди. Ҳеч ким бу ишларга узоқ дош бера олмаса керак. Мен эса дош бериб келаяпман. Менга энди олти юз йигирма тўрт кун қолди.

Синовнинг дастлабки қирқ кунини мен ётиб ҳам, тик туриб ҳам бўлмайдиган жуда тор ва қоронғу хужрада тиз чўкиб ўтказганман. Агар тузукроқ овқат ейишни истаб қолсам, агар қоронғу ёки ёлғизликдан қўрқсам, ёки Худо асрасин-у, шахватим кўзгаб қолса, шифтда осиглиқ кўнғироқни чалиб, менга маънавий ёрдам беришларини сўрашим керак эди. Лекин мен бир марта ҳам бундай қилмадим. Лекин булардан биронтаси менинг хаёлимга ҳам келмади демайман, албатта. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳатто қимирлаб ҳам бўлмас ҳолатда ўтиришнинг олдида нима бўларди?

Узлат муддати тугаганидан кейин, мени ошхонага, ошпаз қўлида азоб чекишга жўнатишди. Азобланаяпман. Лекин тўғриси айтсам, уни ҳар қанча ёмон кўрмайин, бирон марта ҳам у ўрнатган тартибни бузмадим – ҳарқалай Шамс Табризий келишига қадар шундай эди. Ўша кун эса у мени тутиб олиб, тол хивичлар билан роса савалади. Кейин, жўна бу ердан, деган маънода, кавушимни тўғрилаб қўйди. Дарвишлар хонақосидан ҳеч қачон ҳеч кимни бундай савалаб, синовга дош бера олмадинг, деб бақариб, кўчага улоқтиришмаган. Уддасидан чиқа олмаганларни индамай чиқариб юбораверишган.

– Биз сени хоҳишингга қарши юриб, дарвиш қила олмаймиз, – деди ошпаз. – Эшакнинг олдига челакда сув қўйиб, то ўзи истамагунича уни ичишга мажбур қилиб бўлмайди. Эшак буни ўзи хоҳлаши керак. Бошқа йўли йўқ.

Демак, у мени эшак деб ҳисоблар экан. Тўғриси айтсам, агар Шамс Табризий бўлмаганида, мен ўзим ҳам аллақачон дарвишлар даргоҳидан қочворган бўлардим. Мени қизиқиш ушлаб қолган эди. Мен бундай инсонни ҳеч қачон учратмаган эдим. Ҳеч кимдан қўрқмайдиган ва ҳеч кимга бўйсунмайдиган одам. Ҳатто ошпаз ҳам уни ҳурмат қиларди. Агар бу масканда кимгадир эргашиш керак бўлса, мен ювош қари устозга эмас, фақатгина ҳеч кимдан қўрқмайдиган ва ҳеч кимга бўйсунмайдиган шу Шамсга эргашган бўлардим.

Ҳа, Шамс Табризий – ҳақиқий қаҳрамон. Уни учратгач, мен ювош дарвиш бўлмасликка қарор қилдим. Унинг ёнида кўпроқ қолсам, худди у каби журъатли, шахдам ва бўйсунмас бўлар эдим. Куз келиб, Шамс бизни буткул ташлаб кетаётганини англаганимдан кейин, мен у билан бирга кетишга қарор қилдим.

Шу қарорга келгач, Бобо Замонни излашга тушдим ва уни чироқ нурида китоб ўқиётган ҳолда кўрдим.

– Хўш, хизматчи, сенга нима керак? – сўради у ғаши келганини яшира олмай, худди менинг кўринишимнинг ўзидаёқ кўнглини оздираётганга ўхшарди.

Шундан кейин мен иложи борича журъат билан дедим:

– Устоз, мен Шамс Табризий яқинда бизни ташлаб кетишини эшитдим. Мен у билан бирга кетишни истайман. Балки унга ҳамроҳ керакдир?

– У сенга шунчалик ёқиб қолади, деб ўйламаган эканман, – гумонсираб жавоб қилди устоз.

– Ёки сен ошхонадан қочиб қолиш учун шундай деяпсанми? Сенинг синов муддатинг ҳали тугамади. Сени ҳозир дарвиш бўлдинг деб бўлмаса керак.

– Балки Шамс билан бирга саёхат мен учун синов бўлар? – ўзимни ҳаддан зиёд сурбетларча тутаётганимни сезган ҳолда, ўзимни тута олмай дедим мен.

Устоз ерга қараганча, хаёлга ботди. Жимлик чўзилган сари, ҳозир у мени сурбетлигим учун койиб ташлаши ва ошпазга менга тузукроқ қарашни буюриши равшанроқ бўла бошлади. Лекин устоз бундай қилмади. У менга ғамгин қараб қўйди ва бошини чайқаб деди:

– Ўғлим, назаримда, сен бу ердаги ҳаёт учун туғилмагансан. Аслида ҳам бу йўлга кирмоқчи бўлган етти дарвишдан фақат биттаси собит қолади. Назаримда, сен дарвишликка ярамайсан ва бошқа йўлдан боришинг керакка ўхшайди. Шамсга ҳамроҳлик қилиш борасида эса, унинг ўзидан сўрашингга тўғри келади.

Шундай дегач, Устоз менга хушмуомалалик, лекин қатъият билан бош ирғади ва яна китобини ўқишга тушди.

Ҳақирлигимни сезиб, жуда хафа бўлиб кетдим, лекин шунга қарамай ўзимни бирдан эркин ҳис этдим.

Шамс

1243 йил, 30 сентябрь, Бағдод.

Тонготарга яқин мен отга минган ва йўлга тушган эдим. Фақатгина бир марта орқага қараш учун тўхтадим. Дарвишлар такаси тут дарахти шохлари орасига яширинган куш уясига ўхшарди. Бир қанча вақт Бобо Замоннинг ҳорғин қиёфаси кўз олдимда гавдаланиб турди. Биламан, у мenden хавотир олаётган эди. Лекин мен ўзим хавотир оладиган ҳеч қандай сабаб кўрмас эдим. Ахир мен ИШҚ бағрига шўнғимоқ учун саёхатга чиққан эдим. Қандай ёмон нарса содир бўлиши мумкин? Ахир ИШҚ (йўли)нинг ўнинчи қоидасига кўра: «Шарқ, Ғарб, Жануб ва Шимол орасида фарқ йўқ. Қандай мақсадни кўзлашнинг ҳам аҳамияти йўқ, асосийси,

саёхат ташқарига эмас, ичкарига йўналган бўлишидир. Шунда бутун оламни била оласан».

Мени қийинчиликлар кутиб турганини билардим, албатта, лекин уларга махсус эътибор қаратмас эдим. Ниҳоят, тақдир мени Коньяга олиб бораётганидан хурсанд эдим. Мен сўфий эдим ва атиргулни тикони билан, ҳаётдаги қийинчиликларни ундаги қувончлар билан бирга қабул қилишга одатланган эдим. Бу эса «Она ўз боласини дунёга оғриқсиз келтира олмаслигини, ўз жони оғримасидан фарзандига ҳаёт бахш эта олмаслигини билади. Инсонда бошқача «МЕН»нинг туғилиши учун ҳам худди шундай машаққатлар зарур. Лой ҳам сопол идишга айланиши учун оловда куйиши керак. Ишқ мукамал бўлиши учун оғриқ, азобларни бошдан кечириш керак», деган яна бир қоидадан келиб чиқади.

Дарвишлар такасидан жўнаб кетишимдан олдинги кун кечқурун, тун қоронғусидан хуш ҳаволар ва овозлар кириб келсин дея хонамнинг деразаларини очиб қўйдим. Липиллаб ёнаётган шам ёғдусида узун сочларимни кесдим. Кейин соқол-мўйловимни олдим ва қошларимни ҳам қирдим. Шуларни қилиб бўлгач, ойнага қарадим ва қиёфам анча ёришганини ва ёшарганини кўрдим.

– Олдингизда турган сафар сени аллақачон ўзгартириб юборипти, – деди устоз мен хузурига хайрлашгани кирганимда. – Ваҳоланки, сафар ҳали бошлангани ҳам йўқ.

– Ҳа, тўғри, – дедим мен секингина. – Бу менинг қирқ қоидамдан бири: «Ишқ излаш инсонни ўзгартиради. Бу йўлда киши балоғатга етмай қолмайди. Ишқ излаш бошлаган онданок у ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ўзгара бошлайди».

Бобо Замон билинар-билинемас жилмайиб қўйди-да, бахмал қопланган қутичани олиб менга узатди.

Унинг ичида кумуш гардишли кўзгу, ипак дастрў-мол ва мушки анбар солинган шиша идиш бор эди.

– Сафарда бу нарсалар сенга ёрдам беради. Ўрни келганида улардан фойдаланасан. Агар қатъиятнингни йўқотиб қўйсанг, ойнага қара, у сенга қатъиятни қайта-ради. Агар ташқи қиёфанга зарар етса, даструмолнинг фойдаси тегади: у сенга қалбинг софлигини эслатади. Мушк анбарга келганда, у сенинг ҳам ички, ҳам ташқи жароҳатларингни шифолайди.

Мен бу учала нарсани меҳр билан силаб қўйдим, қутини ёпдим ва Бобо Замонга ташаккур айтдим. Бошқа гаплашадиган гап қолмаган эди.

Қуёшнинг биринчи нурлари етиб келиши билан-ноқ қушлар сайрай бошлаган ва дарахт навдаларидаги шудринг доначалари осилиб қолган маҳал мен отни эгарладим ва мени нима кутаётганидан беҳабар, аммо Раббим тақдим этган тақдиримга ишонган ҳолда, Конья сари йўл олдим.

Элла

2008 йил, 24 май, Нортгемптон.

Бегим кунлари ҳам, байрам кунлари ҳам оиланинг биргаликда тановул қиладиган асосий вақти нонушта ҳисобланарди. Бунга чин кўнгилдан ишонган Элла ҳар куни эрталаб, шанба ва якшанбаларда ҳам энг аввал ошхонага кирарди. Нонушта яхши бўлса, бутун кун яхши ўтади, деб ўйлар эди у. Аёллар журналларида болалар ва ота-оналар уйдан ўз ҳолларича, ярим оч, ярим тўқ чиқиб кетаверадиган оилалардагига нисбатан ҳам-миша биргаликда нонушта қиладиган оилаларда ҳам-жиҳатлик ва уйғунлик кучлироқ бўлиши ҳақида ёзадилар. Бундан ташқари унинг тажрибаси бошқа нарсани ҳам кўрсатар эди: ҳамма ҳар хил таомни истайди, бу эса нонуштанинг одамларни ҳамжиҳат қилиши ҳақидаги тасаввурларга зид келади. Бири (Жанет) жем сурилган нон чайнаса, бошқаси (Ави) асал билан янчилган бодроқ чайнаса, учинчиси (Дэвид) омлет пишишини

кутиб ўтирса, тўртинчиси ҳеч нима ейишни истамаса, бу қандай ҳамжихатлик бўлсин? Шунга қарамай нонуштадан муҳимроқ ҳеч нима йўқ. Шунга асосланиб Элла ҳар куни нонушта тайёрлар эди.

Лекин ўша куни эрталаб Элла ошхонага кирди ва қаҳва тайёрлаш, апельсинларни арчиш ва нондан тостлар тайёрлаш ўрнига, энг аввал столга ўтириб, ноутбукни ёқди. Кейин Азиздан хат келганини текшириб кўриш учун Интернетга кирди ва хат келганини кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

«Азизам Элла!

Қизингиз билан муносабатингиз тикланганини билиб, жуда хурсанд бўлдим. Мен эса кеча эрта тонгда Момостенанго қишлоғидан жўнаб кетдим. Бу ерда атиги бир неча кун турган бўлсам-да, кетар вақти келганида хомушлик, ҳаттоки чинакам дилсиёҳлик ҳис этдим. Бу мўъжазгина Гватемала қишлоқчасини яна кўришим амримаҳол, деб ўйлайман.

Ҳар сафар бирон жойдан кетаётганимда, у ерга ўзимнинг бир қисмимни ташлаб кетаётгандай бўлман. Марко Поло каби саёҳатчи бўламизми ёки бешикдан то қабргача бир жойда яшаймизми, ҳаёт фақат тузилишу ўлишлардан иборат, менимча. Ёруғ дунёда пайдо бўлар онларимиз ва бошқа дунёга кетар онларимиз. Дунёда янги инсонлар пайдо бўлишлари учун қариялар кетмоқлари керак. Сиз бу ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Момостенангодалик вақтимда мен медитация қилдим ва Сизнинг аурангизни кўришга ҳаракат қилдим. Тез орада уч рангни кўрдим – сариқ, тўқроқ сарғиш ва босиқроқ, металлга яқинроқ товланувчи қизғиш ранглар. Балки шу ранглар Сизникидир? Улар айрим ҳолда ҳам, биргаликда ҳам чиройли.

Гватемаладаги охирги тўхташ жойим Чахул бўлади – бу сомон сувоқли уйлари бор кичкина шаҳарча. У ерлик болаларнинг кўзлари худди ҳикмат назари билан боқа-

ётгандай кўринади. Барча оилаларнинг аёллари гобелен (деворга осиб қўйиладиган суратли гилам) тўқишади. Мен бир кампирдан Нортгемптонда яшайдиган бир аёл учун битта гобелен танлаб беришни илтимос қилдим. У биров ўйланиб турди-да, катта голенлар тўплами ичидан биттасини олди. Қасам ичиб айтаманки, у ерда камида эллик хил гобелен бор эди. Унинг танлаб берган гобеленининг ранги сариқ, тўқроқ сарғиш ва қизғиш эди. Агар Худо яратган бу оламда мос келиб қолишлар учраб турадиган ҳодиса десак, бу мос келиб қолиш нимадан экани Сизни қизиқтирса керак, деб ўйлайман.

Бизнинг ўзаро мактублар йўллашимиз ҳам мос келиб қолиш эмасмикин, деган савол хаёлингизга келмади?

Сизга барча эзгуликларни тилаб

Азиз

P.S. Айтмоқчи, гобеленни Сизга почта орқали жўнатайми? Ёки бир финжон қаҳва ичиш учун учрашганимизгача кутасизми?»

Элла кўзларини юмди ва ўз аурасини тасаввур этишга ҳаракат қилди. У ўзи ўйламай қўйган кўп нарсалар ёдига тушиб кетди. Энг олдин кўз олдимда пистоқи-яшил фартук таққан ва қўлида ўлчов стаканини ушлаб турган онаси гавдаланди; унинг юзи жуда рангпар, ниқоб таққан каби жонсиз эди; кейин деворларда қоғоздан ясалган ялтироқ юракчалар ва уйни худди Янги йил кечасини ўзи билан безатишга уриниб, илгакка илингандай турган отам кўринди. Ўсмирлик вақтида онасини отасининг ўлимида айбдор ҳисоблагани эсига тушди.

Балоғатга етганида, турмушга чиқсам, онамдан фарқ қилиб, эримни бахтли қиламан ва ҳеч қачон бу аҳдимдан қайтмайман деб ўзига сўз берган эди. Турмуши онасиникига ўхшамаслиги учун ҳатто эрни ҳам

христианлар орасидан эмас, ўз эътиқодидагилардан танлади.

Қари онасидан нафратланмайдиган бўлгунича кўп йиллар ўтди. Охирги йилларда ораларидаги муносабат яхши томонга ўзгарган бўлса ҳамки, онаси ҳақида ўйлаганларида қалбининг тубида нимадир бор эди, шундан юраги қисиларди.

– Ойи!.. Осмонлардан ерга тушинг! Ойижон!

Элла орқасидан келаётган ҳингир-ҳингир кулишлар ва пичирлашларни эшитди. Ўгирилиб қараб тўрт жуфт кўз ўзига таажжубланиб қараб турганини кўрди. Орли, Ави, Жанет ва Дэвид нонушта қилиш учун пастга тушишган ва энди ёнига келиб унга ғаройиб ажойиботни кўриб қолгандай қараб туришарди. Афтидан улар унинг эътибор беришини анчагина кутган кўринишади.

– Ҳаммага хайрли тонг, – деди жилмайганча Элла.

– Нима учун биз кириб келганимизни билмадингиз? – сўради Орли, ажабланганини яшира олмасдан.

– Сен ўз компьютеринг билан жуда банд эдинг, – деди Дэвид хотинига қарамасдан.

Элла унинг кўз қарашини кузатди вва ноутбук экранисидаги Азиз З.Захаранинг электрон хатига кўзи тушди. Элла бир он ҳам кутмасдан, ҳатто дастурни беркитиш кераклиги ҳам эсидан чиқиб, қомпьютер қопқоғини ёпиб қўйди.

– Мен агентлик учун ҳали кўп ўқишим керак, – тунтирдди Элла. – Ҳисобот устида ишлаётган эдим.

– Нотўғри! Сиз почтани ўқиётган эдингиз, – жуда жиддий оҳангда деди Ави.

Нима учун бу ўсмирлар ҳамма ёққа бурунларини суқаверар эканлар-а? Элла нима дейиш ҳақида ўйлаиб қолди, лекин унинг бахтига бошқаларни бу билан ишлари йўқ эди. Улар нонушта ахтариб, бошқа томонга қараётган эдилар.

Ниҳоят Орли Эллага қаради ва ҳаммани қизиқтириб турган саволни берди:

– Ойижон, сизга нима бўлди? Ахир нонушта тайёрламабсиз-ку!

Элла ҳам столга ўгирилиб қаради ва ҳамма кўриб турган нарсани кўрди: қаҳва ҳам, омлет ҳам, маймунжон мевасидан тайёрланган шарбат ҳам йўқ эди. Нима бўлди ўзи, ўйларди Элла, қандай қилиб нонушта тайёрлашни эсидан чиқариб қўйди?

ИККИНЧИ ҚИСМ

СУВ

(Ҳодисалар сув каби оқувчан, ўзгарувчан ва келажакда нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмас)

Румий

1244 йил, 15 октябрь, Конья

Қоп-қоронғу осмонда ярқираган тўлин ой худди каттакон дурга ўхшайди. Ётган жойимдан турдим ва ой нури ёғилиб турган ҳовлига очиғлиқ деразадан ташқарига қарадим. Лекин бу гўзал манзара ҳам юрагимнинг дукиллаб уриши ва қўлларимдаги титроқни боса олмади.

– Нима бўлди, афандим. Яна ўша тушни кўрдингизми? – шивирлаб сўради хотиним. – Сув келтириб берайми?

Мен уни тинчлантиришга уриндим. Ухласин, барибир, менга ёрдам бера олмайди. Тушлар – ҳаётимизнинг бир қисми ва улар Худонинг иродаси билан кўрилади. Бундан ташқари, кейинги қирқ кундан буён мен айнан ўша тушни кўришимда қандайдир сабаб бўлиши керак.

Тушнинг бошланиши ҳар доим ҳар хил эди, эҳтимол, мен ўзим уни турли томондан кўраётгандирман. Танишдай кўринган, лекин аввал сира кўрмаганим гиламли хонада Қуръон ўқиётганимни кўрардим. Рўпарамда баланд бўйли, озғин, гавдасини ғоз тутган ва юзлари кўринмаётган дарвиш ўтиради. У қўлида бешта шамли қандилни тутиб, мен ўқишим учун ёритиб туради.

Сал туриб дарвишга нималарни ўқиётганимни кўрсатишни истаб, бошимни кўтараман ва шундан кейингина ёритаётган нарса қандил эмас, одамнинг қўли эканини кўриб даҳшатга тушаман. У рўпарамда ўнг қўлини кўтариб туради ва ҳар битта бармоғи худди оловдек ёнади.

Мени ваҳима босарди ва сув излай бошлардим. Оловни ўчириш учун кийимларимни ечиб дарвишнинг устига ёпардим. Кийимларни олганимда эса, дарвиш ўз ўрнига ёниб турган шамни қолдириб, ўзи ғойиб бўлган бўларди. Кейин мен уйнинг ҳар томонидан дарвишни қидиришга тушаман, ҳар бурчакдан уни ахтараман, кейин ёрқин-сарик атиргуллар очилиб турган ҳовлига чопиб чиқаман. Дарвишни чақираман, лекин у ҳеч қарда кўринмайди.

– Маҳбубим, қайт. Қаёққа ғойиб бўлдинг? Ва ниҳоят, ғайришуурий куч мени етаклаб қудуқ ёнига олиб боради ва мен чуқурдаги қора сувга қарайман.

Аввалига ҳеч нима кўринмайди, лекин кейинроқ ой чиқади ва қудуқ остидан икки қора кўз унутилмас андуҳ ила менга қараб турганини кўраман.

– Улар ўлдиришипти уни! – бақиради ёнимда кимдир. Балки бу менинг ўзимдирман. Кучли изтироб оғриғидан ўзим бақирган бўлсам керак.

Мен бақиравераман, бақиравераман, токи хотиним мени маҳкам кучоқлаб, бағрига босмагунча бақираман:

– Афандим. Яна ўша тушни кўрдингизми? – шивирлаб сўрайди ҳар сафар хотиним.

Кира¹ ухлаб қолганидан кейин ҳовлига чиқдим. Назаримда кўрган тушим туш эмас, айна ҳозир бўлган ҳодиса эди ва ҳамон мен билан, мени ваҳимага солиб турипти. Кеча жуда сокин; қудуқни кўрдим-у, баданим жимирлаб кетди, лекин барибир унинг ёнига ўтирдим

¹ Радий Фишнинг Жамол Камол таржимасидаги «Жалолиддин Румий» асаридаги «Кира – хотун».

ва тунги шабада дарахт шохларини майин шитирлатишига қулоқ тутдим.

Бундай дамларда мени ҳамиша андуҳ босади. Бунинг сабабини билмайман: ҳаётда бажарадиган ишларим жуда кўп, ҳамиша ўзим учун энг қадрли билган ишларим билан бандман: илм олиш, эзгуликни таниш ва Худога эътиқодни ўзларига сингдиришлари учун уларга ёрдам бериш иқтидори берилган менга.

Ўттиз етти ёшимда мен Худодан сўраганимдан ортиғини олдим. Мен калом, фикҳ илмларини ўргандим ва муқаддас ғайб илмлари – пайғамбарлар, авлиёлар ва олимлар эгаллаган илмлар – сирларини билишга бағишландим. Раҳматли отам бошчилигида, давримизнинг энг яхши устозларидан таълим олиб, Худо менинг зиммамга юклаган мажбуриятни англаб, кўп ишламоқдаман.

Зиммамга Худодан келган ваҳийларни Унинг халқи орасида тарқатиш вазифаси юклатилгани ва Унинг халқига тўғрини нотўғридан ажратишни ўргатишим туфайли мени Унинг Ўзи ёрлақан, дейди одатда кекса устозим Саид Бурхониддин.

Мен кўп йиллардан буён мадрасада таълим берман, бошқа олимлар билан баҳс юритаман, шогирдларимга ўргатаман, ўзим калом ва ҳадисларни ўрганаман ва ҳар жумада шаҳарнинг энг катта масжидида имомлик қиламан. Муридларим саногини йўқотиб қўйганимга ҳам кўп бўлди. Одамлар нотиклик санъатимни шарафлаётганларини ва менинг сўзларим уларга энг зарур вақтда ёрдам бериб, ҳаётларини ўзгартираётганини эшитиш ёқимли эди.

Оила аъзоларим томонидан севилган ва яхши дўстлар билан тақдирланганман. Биринчи хотинимнинг қазо қилиши мен учун оғир зарба бўлган ва мен энди сира уйланмайман, деб ўйлаган эдим. Лекин шунга қарамай уйландим ва Кира туфайли яна ҳаётимда муҳаб-

бат, қувонч топдим. Ҳозир иккала ўғлим ҳам катта бўлиб қолишган, мен уларнинг бир-бирларига ўхшамасликларидан ҳайрон бўламан. Улар мисоли бир тупроққа экилган, ўша битта қуёшдан баҳра олаётган, ёнма-ён ўсаётган, лекин тамомила бошқа-бошқа уруғлар. Мен улар билан, шунингдек, жуда иқтидорли асранди қизим билан ифтихор қиламан. Хулласи калом, мен бахтли инсонман, ўз хусусий ҳаётимда ҳам, ижтимоий ҳаётимда ҳам бирдай бахтлиман.

Лекин нима учун ичимда кун сайин зилдай оғирлашиб бораётган бўшлиқни ҳис этаяпман? Бу худди бир касаллик каби жонимни кемиряпти ва қаёққа бормай, мени қўйиб юбормаяпти. У худди очофат ювош каламушга ўхшайди.

Шамс

1244 йил, октябрь, Конья.

Ҳеч бир ташқи сабабсиз – фақат шу шаҳарда яшган ва яшаётган, таниш ва нотаниш азиз-авлиёларга таъзим қилиш учунгина – бу нотаниш шаҳар дарвозаси қаршисида тўхтадим. Ҳаётимда сира ҳам азиз-авлиёлар руҳларидан оқ фотиҳа тиламасдан янги жойга кирмаганман.

Бу жой мусулмонларга тегишлими, христианларгами ёки яҳудийларгами, аҳамиятсиз бўлган. Авлиёлар оддий инсонлар орасидаги бундай тафовут доирасидан ташқари (юқори) туришларига ишонаман. Авлиёлар барчаники.

Алқисса, Коньяни биринчи бор узоқдан кўришим биланоқ, ҳар доимгидай таъзим бажо қилдим. Лекин менга жавобан ҳар сафаргидек фотиҳа бериш ўрнига, улар худди мозор устидаги тош каби жимжитлик сақладилар. Мен иккинчи марта ва бу сафар баландроқ овозда улардан фотиҳа сўрадим. Яна жимжитлик. Шун-

да тушундим: улар эшитиб туришган эди. Фақат фотиҳа бергилари келмаяпти.

– Айтинг, айбим нимада? – сўрадим мен шамолдан, қаёққа эсаётган бўлса шу ёқдагиларга саволимни етказсин учун.

Шамол тез орада жавоб олиб келди:

– О, дарвиш, бу шаҳарда сен икки бир-бирига қарама-қарши ҳолга дуч келасан. Мусаффо ишққа ва ашаддий нафратга. Биз сени огоҳ этмоқдамиз. Шунга қарамай, ўз қарорингдан қайтмасанг, таваккал қил.

– Огоҳлантиришингиз сира шарт эмас эди, – дедим мен. – Соф ишқни учратишнинг ўзи менга етарди.

Бу сўзларимдан кейин Конья авлиёлари менга фотиҳаларини бердилар. Аммо мен дарҳол шаҳарга киришни истамадим. Отим ўтлаб юргунича, эман дарахти остида ўтириб, узоқдан шаҳардаги биноларнинг ташқи кўринишларини томоша қилдим. Миноралар қуёш нурлари остида ярақлаб турарди. Ора-сира итлар вовуллар, эшаклар ҳанграб қўяр, болалар кулгиси эшитилар, савдогарлар бақир-чақир қилишарди – оддий шаҳарга хос шовқин-сурон эди бу. Қизик, бу ёпиқ эшиклар ва панжараланган деразалар ортига қандай қувонч ва андуҳлар яширинган экан? Дарбадар дарвиш сифатида бу янги ҳаёт бўсағасида ўзимни бир қадар ноқулай ҳис этар эдим, лекин шунда қуйидаги муҳим қондани эсладим:

«Йўлингда учрайдиган тўсиқларга қаршилик қилма. Ҳаёт ўз ўзанида оқишига қўйиб бер. Ҳаётинг ўзгариб кетса, бундан дилинг вайрон бўлмасин. Ўтмиш келажакдан яхшилигини қаёқдан биласан?»

– Ассалому алайкум, дарвиш, – деган дўстона овоз мени хаёлот оламидан чиқариб олди.

Ўгирилиб қараб, узун мўйловли дехқонни кўрдим. У ҳар дақиқа ўлиб қолиши мумкин бўлган қовурғалари санаса бўладиган озғин буқага қўшилган аравада кетарди.

– Ваалайкум ассалом! Аллоҳ сиздан рози бўлсин! – жавоб бердим мен.

– Нима учун бу ерда ёлғиз ўтирибсиз? Йўл юриб чарчадингизми? Истасангиз, бирга кетайлик.

Мен кулимсирадим:

– Раҳмат, мен, яхшиси, буқангизга юк бўлмасдан, пиёда кетаман.

– Менинг буқамни камситдингизми? – деди хафаланиб деҳқон. У қари ва ҳолсиз бўлгани билан мен учун қадрли.

Деҳқоннинг сўзларидан хушёр тортдим. Ўрнимдан ирғиб туриб, таъзим қилдим. Ўзинг ҳам Худо яратган бу оламнинг кичик бир зарраси бўлатуриб, У яратган жонзотларга, бу инсон бўладими ё ҳайвонми, барибир, нечук бундай беписандлик қилдинг?

Деҳқоннинг чехрасига бир лаҳза ишончсизлик соя солди. Унинг юзида бир фурсат ҳеч ниманинг ифодаси бўлмади, менинг кулаётган ё кулмаётганимни била олмай қолган эди гўё.

– Умримда бунақаси бўлмаган, – деди кейин хушига келиб ва менга хушнуд жилмайди.

– Ҳеч ким ҳўкизингиздан узр сўрамаганми?

– Бу ҳам. Мен ўзимдан ҳеч ким ҳеч қачон узр сўрамагани ҳақида ўйлаётган эдим. Одатда мен кечирим сўрайман. Ҳатто бошқалар менга адолатсизлик қилсалар ҳам, кечиримни ҳамиша мен сўрайман.

Унинг сўзлари мени маҳзун қилди.

– Қуръонда барчамиз ва ҳар биримиз ягона ва энг яхши шакл асосида яратилганимиз айтилган. Бу қоидалардан бири, – дедим секингина.

– Қанақа қоида? – сўради деҳқон.

– «Худо ҳамиша сен билан машғул. Ҳар бир инсон Худонинг яратмишидир ва у секин-аста, лекин оғиш-

масдан баркамоллашиш сари ҳаракатланади. Бизлар Худонинг тугалланган яратиклари эмасмиз, биз тўлиқ мукамаллик иштиёқидаги яратиклармиз. Худо ҳар биримиз билан алоҳида ишлайди, зеро инсоният – ҳар бир қисмининг умумиятда муҳим ўрни борлигини билгувчи буюк меъмор санъатининг асаридир».

– Сиз ҳам бу ерга хутбани тинглаш учун келдингизми? – қизиқиб сўради деҳқон. – Одам жуда кўп бўлаганга ўхшайди. У жуда машҳур.

Менинг юрагим қинидан чиқаёзди: гап ким ҳақида кетаётганини тушундим.

– Айтинг-чи, Румий маърузаларида ўзига хос нима бор?

Деҳқон ҳеч нима демасдан осмонга тикилди. Унинг фикрлари қаерлардадир узоқларда учаётганмиди ёки умуман учмаётганмиди, билиб бўлмади.

– Мен қишлоқдан келаяпман, у ерда ҳаёт жуда оғир, – деди у ниҳоят. Олдин очарчилик бўлди, кейин мўғуллар. Улар ўз йўлида учраган қишлоқни талон-торож қилишди ва ёндиришди. Лекин шаҳарларда бундан ҳам ёмон бўлди. Улар Арзурумни, Сивесни, Қайсарийни босиб олишди, ҳамма эркакларни қириб ташлашди ва аёлларни ўзлари билан олиб кетишди. Мен-ку уйим ва хотинимни йўқотмадим. Лекин ҳаловатимни шундай йўқотдимки, бир дақиқа ҳам тинчлик бўлмаяпти.

– Бунга Румийнинг қандай алоқаси бор? – сўрадим мен.

Деҳқон кўзларини ҳўкизи томонга қаратди ва ўша бир тахлитдаги овозда деди:

– Румий хутбасини эшитганда, барча ғам-қайғулар тарқаб кетади, – деяпти ҳамма.

– Сиз билан Коньяга борганим бўлсин, – дедим мен. – Йўлда Румий ҳақида гапириб берасиз.

Мен отимни аравага боғладим ва ўзим деҳқоннинг ёнига ўтирдим ва бу қўшимча юк ҳўкизга сира билин-

маганини сезиб, хурсанд бўлдим. У оёқларини аввал-гидай бир маромда қўйганча секин кетаверди. Дехқон менга нон билан эчки пишлоғидан узатди. Биз овқатланиб, тамадди қилиб кетдик. Шу тариқа мен кўм-кўк осмонда чарақлаб турган қуёш ва шаҳар авлиёларининг диққат-эътибори остида Коньяга кириб келдим.

– Саломат бўлинг, биродарим, – дедим мен аравадан тушиб ва отимни ечиб олдим.

– Худо хоҳласа, намозда кўришгунимизча! – деди жавобан дехқон.

Мен бош ирғадим ва хайрлашиб қўлимни кўтариб қўйдим.

– Иншооллоҳ.

Гарчи хутбага жуда боргим келаётган эса-да – ахир Румий билан учрашиш оташин орзуйим эди – лекин энг олдин шаҳарни айланишга ва одамлар машҳур хатиб ҳақида нималар дейишларини эшитишга қарор қилдим. Ўз кўзларим билан кўришдан олдин унга бошқаларнинг – яхши ва ёмоннинг, яхши кўрадиган ва яхши кўрмайдиганларнинг кўзлари билан қарагим келди.

Тиланчи Ҳасан

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Аросат азобини «муқаддас азоб» деб аташ телбаликдир. Мен моховман. Мен ўликларга ҳам, тирикларга ҳам бегонаман. Оналар тўполончи болаларига мени кўрсатиб қўрқитишади, ўсмирлар менга тош отишади. Хунармандлар бало чақирмасин деб мени ҳайдаб солишади, ҳомиладорлар ҳомилага зарари етмасин дея мендан юз буришади. Ўзим ҳам улардан нари юришга ҳаракат қилишимни одамлар билишмайди.

Бошланишида тери ўзгаради, қалинлашади ва қораяди. Кейин тизза, елка, қўлларда ва юз терисида турли катталиқда ва ачиган тухумнинг рангида ямоққа ўхшаш шакллар пайдо бўлади. Улар ачишади ва қичи-

шади, кейин оғриқлар камаяди, аниқроғи, бунга кўни-киш ҳосил бўлса керак. «Ямоқлар» катталашиб боради, уларда жирканч пуфаклар пайдо бўлади.

Муайян вақтдан кейин қўллар чангакка ўхшаб қолади, юз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Энди яқин қолган чоғи, кўзларим юмилиб қолаяпти. Кўз ёшларим ва сўлагим тинимсиз оқаяпти. Қўлимдаги тирноқларим тўкилиб бўлган. Лекин сочларим тўкилмагани қизиқ. Балки бунинг учун ўзимни бахтли ҳисобласам ҳам бўлар.

Айтишларига қараганда, Оврүпода моховларни шаҳарга киритишмас экан. Бу ерда бизларни шаҳарга киритишади, лекин қўнғироқ чалиб, одамларни огоҳлантириб юришимиз керак. Бизга яна садақа сўрашга рухсат берилган, бу яхши, акс ҳолда очликдан ўлиш мумкин. Биз доимо ё садақа сўраб, ё дуо ўқиб юрамиз. Худо бизга эътибор бериши даргумон, лекин одамлар нимагадир эътибор беради деб ҳисоблашади. Шунинг учун биздан жиркансалар ҳамки, ҳақларига дуо қилишимизни сўрашади. Касаллар, ногиронлар ва қариялар учун дуо сўрайдилар. Бунинг учун улар яхши ҳақ тўлашади ва кўп овқат беришади. Кўча-кўйларда моховларга итдан бадтар ёмон муносабатда бўлишади, лекин ўлим ва чорасизлик ҳукм сураётган хонадонларда бизни худди султонларни кутгандай кутишади, меҳмон қилишади.

Мени дуо ўқиб қўйиш учун чақирганларида, бошимни эгаман-да, худди Худога илтижо қилаётгандай, бир нечта тушунарсиз арабча сўзларни пичирлайман. Билганим шу – кўрсатиш холос, шунинг учун Худо мени эшитмайди деб ўйлайман.

Тиланчиликда даромад кўп эмас, лекин мен шунга қаноат қилишни маъқул кўраман. Тиланчилик учун энг яхши кун – жума; фақат Рамазонда эмас, чунки Рамазонда шундоқ ҳам бутун бир ой беташвиш яшаш

мумкин. Арафа куни кўп пул ишлаб олиш мумкин. Бу куни, аввал қилган ва кейин қилиши мумкин бўлган гуноҳларига тавба қилиш учун, ҳатто энг зиқна кишилар ҳам саховатли бўлиб кетишади. Йилда бир марта одамлар тиланчиларга орқа ўғирмайдилар. Аксинча уларни ўзлари ахтариб юришади, қанча бахтсиз бўлсалар, шунча яхши. Бу куни шаҳарликларнинг саховатлари шунчалик ошиб-тошиб кетадики, улар нафақат кўп садақа беришади, ҳатто бизларни деярли самимий яхши кўриб кетишади ҳам.

Мана бугун ҳам сердаромад бўладиган кўринади, чунки Румий ўзининг навбатдаги хутбасини ўқишга келади. Масжид ичига одам тўлиб бўлган. Ичкарига сиғмаганлар ҳовлида туришипти. Биз ва киссавурларга пул топиш учун жуда қулай имконият. Ҳаммаси мана шу ерда.

Мен масжиднинг шундоққина тўғрисида, заранг дарахтига суяниб ўтирибман. Ҳаводан яқинлашиб келаётган, узоқдаги боғларнинг хуш бўйлари билан аралашиб кетган ёмғир иси келиб турипти. Олдимда идишим турипти. Бошқа биродарларимдам фарқли ўлароқ, мен ҳеч қачон ҳеч нима сўрамайман. Мохов одам нолимаслиги ва ҳаётининг оғирлиги ёки соғлиғининг ёмонлигини дoston қилавермаслиги керак. Одамларга юзини кўрсатса етарли, ҳамма сўзлардан етиб ортади. Шунинг учун мен юзимни очаман ва жим ўтиравераман.

Бир соат ўтар-ўтмас идишда танга турган бўлади. Ҳаммаси майда чақалар. Мен эса қуёш, шер ва ярим ой тасвири туширилган олтин тангага интизорман. Раҳматли Аловуддин Кайкубод пулларнинг эркин айланишига рухсат бергандан бери, италия флоринлари у ёқда турсин, ҳатто Қоҳира ва Бағдод халифатлари ҳукмдорларининг пуллари ҳам бизда бошқа пуллар билан бирга айланадиган бўлди. Ҳокимият қабул қилди; шаҳар тиланчилари ҳам шундай қилишди.

Чақалар билан бирга менинг тиззаларимга зарангнинг бир неча япроқлари ҳам тушди. Заранг ўзининг қизил ва тилларанг япроқларини менга худди садақа ташлаётгандай тўкарди. Шунда ногаҳон мен билан дарахт орасида қандайдир умумият борлигини равшан ҳис этдим. Дарахт кузда япроқларини тўка-тўка ўлар экан, касалининг охириги босқичида ўз вужуди аъзоларини бирин-сирин йўқотиб бораётган моховга ўхшайди.

Мен мисоли заранг дарахтиман. Терим, оёқ-қўларим, юзим – ҳаммаси чириб тушаяпти. Ҳар куни вужудимдан бир қисмини йўқотиб бораяпман. Лекин зарангдан фарқли ўлароқ, мен баҳорда қайта жонланмайман. Йўқотганларим қайта тикланмайди. Одамлар менга қараганларида, мен илгари қандай бўлганимни кўришмайди, йўқолганини кўришади, холос. Идишимга танга ташлаётганларида худди касалим юқиб қолаётгандай, қўрқиб кўзларимга қарамасликка ҳаракат қилишади. Мен улар учун ўғри ва қотилдан ҳам ёмонроқман. Бу жиноятчиларнинг қилган ишлари қанчалик жирканч бўлмасин, уларга худди йўқ одамдай қарамайдилар. Вақти келиб мен буни тушундим: менга қараганларида, улар ўлимни кўрардилар. Улар ўлимни кўришдан, уни жуда яқиндан ва жуда хунук қиёфада кўришдан қўрқадилар.

Тўсатдан оломон ичида ғала-ғовур бошланди. Кимдир: «У келаяпти! У келаяпти!» деб қичқираётганини эшитдим. Румий сутдай оппоқ отда яқинлашиб келарди. У келиштириб тикилган, тилларанг япроқлар ва жавоҳирлар билан бежалган қаҳрабон рангли чакмон кийиб олган эди. Унинг қадди тик ва кўриниши мағрур эди. У донишманд ва улуғвор эди, ортидан бир тўда мухлислари эргашиб келаётган эдилар. У олимдан кўра кўпроқ ҳукмдорга – шамол, олов, сув ва тупроқлар ҳукмдорига ўхшарди. Ҳатто оти ҳам баланд эди ва худди ўзига ноёб инсонни олиб келиш насиб этганини тушунгандай мағрур эди.

Идишдаги чақаларимни йиғиштириб олиб, юзимни фақат ярми очиқ қоладиган қилиб ўрадим-да, масжидга кирдим. Ичкарида одамлар тиқилиб турардилар, ўтириш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Лекин моховлик ҳолатининг ўзича бир «яхши» томони ҳам бор: мен ҳамиша ўзимга ўтириш учун жой топа олардим, чунки ҳеч кимнинг мен билан бирга ўтиргиси келмайди.

– Оға-иниларим, – гап бошлади Румий жуда яхши машқ қилдирилган овоз билан. – Бепоён осмон бизнинг нақадар кичиклигимиз ва аҳамиятсизлигимиз ҳақидаги ўй-хаёлларга олиб келади. Ичингиздан баъзи бировлар: «Шу ожизлигим билан Худонинг қошида менинг аҳамиятим қанча бўлиши мумкин?» деб сўрашлари мумкин. Менинг билишимча, бу савол вақти-вақти билан кўпчиликни безовта қилиб келади. Бугунги маърузамда мен бу саволга бир нечта жавоблар бермоқчиман.

Мен биринчи қаторда Румийнинг икки ўғли – раҳматли чиройли онасига жуда ўхшайди дейишадиган Султон Валад ва юз ифодалари серҳаракат ҳамда ажабланарли даражада айёр кўзли кичик ўғли Аловуддин – ўтирганларини кўрдим. Улар ўз оталари билан фахрланаётганлари шундоққина билиниб турипти.

– Шунинг учун Қуръонда «Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди» дейилган. (33-«Аҳзоб» сурасининг 72-оятида)

Румий ғалати гапирарди, худди илмли одамларга гапирётгандай. Кейин у Худо ҳақида гапира бошлади. У Худони узоқ осмонларда эмас, балки ҳаммамизнинг ёнимизда, ҳар биримиз билан бирга деб айтди. Бизни Худога яқинлаштирадиган нарса айнан бизларнинг бу дунёда чекаётган азобу уқубатларимиз, деди Румий.

– Мана, қўлларингиз, улар ҳамиша очилиб, ёпилиб (ҳаракатланиб) туради. Бундай бўлмаганида, улар қотиб қолган бўлар эди. Иккала қўлингиз мукамал мувозанатда ва мутаносибликда, худди қушнинг қанотлари каби. Энг кўзга кўринмас ҳаракатда ҳам Худонинг кўринмас борлиги мавжуд.

Бошида унинг гаплари менга ёқди. Юрагимга илиқлик югурди. Лекин кўп ўтмай юрагимда шундай ғазаб тўлқини кўтарилдики, нафас ололмай қолдим. Азобу уқубатлар ҳақида Румий нимани ҳам биларди? Аслзода бўлиб туғилган бўлса, катта меросга эга бўлса ва ҳаётнинг орқа томонини сира кўрмаган бўлса. Унинг биринчи хотини вафот этгани маълум, лекин ҳақиқий мусибатни бошдан кечирганига менда ишонч йўқ эди. У кумуш қошиқларда овқат ейиш учун туғилган, иззатли одамлар даврасида ўсиб улғайган, энг таниқли устозлардан таълим олган, ҳамиша севимли, ардоқли, эркатой бўлган – азобу уқубатлар ҳақида гапиришига йўл бўлсин?

Нимага Худо бундай адолатсиз? Менга камбағаллик, касаллик, оғриқни берди; Румийга эса бойлик, муваффақият ва донишмандликни. У ўзидаги обрў-эътибори ва шоҳона виқори билан бу дунёга, ҳеч бўлмаса, бу шаҳарга тааллуқли эмасдай эди. Мен одамларни кўрқитмаслик учун юзимни яшириб юришимга тўғри келади, у эса худди олмосдай ярақлайди. Қизиқ, у менинг ўрнимда бўлиб қолса, қандай бўларди? Бир кун келиб ўзининг бу буюк даражасидан тушиб кетиши мумкинлигини ҳеч хаёлига келтирганмикин? Атиги бир кунга бўлса ҳам жамиятдан мосуво бўлиб яшаш қандай бўлишини тасаввур этганмикин? Агар Худо унга менинг ҳаётим билан яшашни буюрган бўлганида, у буюк Румий бўла олармиди? Шунда мен иккала-мизнинг орамиздаги фарқ унчалик катта эмаслигини англадим.

Тобора ўсиб ва чуқурлашиб бораётган норозилик мендаги дастлабки мафтунлик ҳиссини ҳайдаб чиқарди. Қалбимда ранж-алам билан ўрнимдан турдим ва чиқиб кетдим. Одамлар нима учун кўпчилик жуда орзу қилган бундай хутбадан чиқиб кетаётганимни тушунмай, қизиқиб менга қарашарди.

Шамс

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Деҳқон билан хайрлашганимиздан сўнг энг олдин ўзим ва отим учун бошпана ахтаришга тушдим. Карвонсаройда менга тўртта хонани кўрсатишди, мен энг камтаронасини танладим. Менга кўрпа-тўшак, шипиллаб ёниб турадиган эски мойчироқ ва бош қўярга ёстиқ ўрнига офтобда куйдирилган бир ғишт бўлса бас эди. Шу билан бирга хонам деразасидан шаҳарнинг то тепаликларга қадар ажойиб манзараси кўриниб турарди.

Биринчи навбатда шу ишни тугатгач, бу ерда турли динлар ва тилларнинг қарор топганига ҳайрон бўла-бўла, кўчаларни кезишга тушдим. Йўлимда машшоқ-лўлиларни, араб саёҳатчиларини, христиан зиёратчиларини, яҳудий савдогарларни, буддавий руҳонийларни, оврупо трубадурларини, эрон ҳунармандларини, хитой акробатларини, илон ўйнатувчи ҳиндларни, зардуштий сеҳргарларни, юнон файласуфларини учратдим. Қуллар сотилувчи бозорда териси сутга чайқаб олингандай оппоқ аёлларга ва куёшда қорайган гавдали бичилган қулларга кўзим тушди.

Бозорда бир соқол олиш билан бирга қортиқ билан қон олувчи сартарошларни, юмалоқ шишалари билан башорат қилувчиларни ва олов ютадиган масхарабозларни кўрдим. Зиёратчилар Қуддусдан келаётган эдилар, дайдилар эса, тушунишимча, сарбадорлар қўшинидан қочиб келган аскарлар эди, улар венеция, франк,

саксон, юнон, форс, турк, курд, арман, яҳудий ва мен билмайдиган аллақандай тилларда гаплашардилар.

Ораларидаги тафовут кўплигига қарамай, уларнинг барчасида аллақандай ноетуклик борлиги тасавури юзага келарди, наздимда, Уста ишни ярим йўлда тўхтатган-у, ҳар бири чала қолгандай эди гўё.

Шаҳар Бобилни эслатарди. Ҳамма ёқ ҳаракатда. Мен бу бетартиб ҳаракатларнинг қоқ ўртасида ва атрофимдаги одамларни кузатар эканман, яна бир олтин қоидани эсладим: «Мукамал, бенуқсон ва беайб Худони севиш жуда осон. Аммо қисқа умр кечирувчи ўз биродарингни барча нуқсон ва камчиликлари билан севоқ мушкул. Инсон севишга қобил зот экани эсингизда бўлсин. Севгисиз ҳикмат йўқдир. Эсингизда бўлсинки, агар биз Худонинг яратмишларни сева олмасак, Худони ҳам чинакамига сева олмаймиз ва била олмаймиз».

Мен ҳар хил ёшдаги хунармандлар ўзларининг тор, қоронғу устахоналарида меҳнат қилаётган тор кўчаларда айланиб юрдим. Ва ҳамма ёқда одамлар Румий ҳақида гапирар эдилар.

Қизиқ, унинг ўзи бунчалик машҳурликни қандай ҳис этар экан? Бу унинг «мен»ига таъсир кўрсатганмикин? Хаёлга ботганча, Румий хутба ўқиётган масжиддан нари кетдим. Шаҳар манзараси секин-аста ўзгарди. Шимол томондаги уйлар анча эски, боғларнинг деворлари қисман вайрон бўлган, болалар анча сершовқин ва серҳаракат эдилар. Ҳидлар ҳам ўзгарди, анча чучмаллашди; бу ерда сассиқ саримсоқнинг иси кучлироқ эди. Охирида мен ҳавода уч хил ис: тер иси, атир-упа иси ва ҳирс иси кучли анқиётган кўчага келиб қолдим.

Тош ётқизилган кўча охирида деворларига бамбукдан тиргак тираб қўйилган ва томи ўт-ўланлар билан ёпилган ярим вайрона уй бор эди. Уй олдида бир нечта аёл гаплашиб туришарди. Улар яқинлашаётганимни кўриб, қизиқсиниб, ё ҳайрон бўлгандай, ёки хурсанд

бўлгандай, менга қараб қолишди. Мен турли ранг ва кўринишдаги атиргуллар очилиб ётган боғга эътибор бердим. Уларга ким қараши мени қизиқтириб қўйди.

Жавобини узоқ кутишга тўғри келмади. Боғга яқинлашган заҳотим унинг эшиги ланг очилди ва баланд бўйли, бағбақалари катта, жудаям семиз аёл чиқиб келди. Кўзларини қисса, улар атрофдаги ёғ ҳалқалари ичида кўринмай кетарди. Устки лаби юқорисида юпқа қора мўйлов борлигини пайқадим. Қаршимда ярим аёл-ярим эркак турганини пайқашим учун бироз вақт кетди.

– Нима керак? – шубҳаланиб сўради у мендан.

Унинг қиёфаси тез ўзгарувчан эди; бир қарашда бу – аёлнинг юзи бўлса, кейинги қарашда эркакнинг юзига айланарди.

Мен ўзимни танитдим, кейин унинг исмини сўрадим, лекин эркак-аёл саволимни четлаб ўтди.

– Бу сендеклар келадиган жой эмас, – худди пашша ҳайдагандай менга қўл силкитди бу аёл-эркак.

– Нимага?

– Бу ер исловоthоналигини кўрмаяпсанми? Сен шахватга бўйсунмасликка қарор қилган дарвиш эмасмисан? Одамлар мени гуноҳга ботган, деб ўйлашади, мен эса хайру садақалар қиламан ва Рамазон ойида эшикларни ёпаман. Ва ҳозир сени ҳам гуноҳдан халос этипман. Биздан нари юр. Бу шахарнинг энг бузук жойи бўлади.

– Бузуклик инсондан ташқарида эмас, унинг ичида бўлади, – эътироз билдирдим мен. – Қоидада шундай дейилган.

– Нима ҳақида гапираяпсан? – қағиллади аёл-эркак.

– Қирқ қоидадан биттаси шу ҳақида, – тушунтирмақчи бўлдим мен. – «Асосий кир инсоннинг ичида бўлади. Қолган барча кирларни ювса кетади. Фақат бир кирни тоза сув билан ювиб кетказиб бўлмайди,

бу қалбларни кемирувчи нафрат ва ўта мутаассиблик кири, юрагингни фақат ишқ поклай олади».

– Сиз дарвишлар, ҳаммангизнинг эсингиз жойида эмас. Бу ерга ҳар хил мижоз келади. Лекин дарвиш қачон келиши мумкин? Фақат қурбақанинг соқоли чиққанда! Агар мен сени бу ерга киритсам, Худо ҳамма ёғимизни ер билан битта қилади ва ўзини Худога бағишлаган кишини йўлдан оздирганимиз учун бизга тавқилаънат юборади.

Мен ўзимни тўхтатолмай, кулиб юбордим:

– Бу фикрлар қаёқдан келган ўзи? Худо, сизнингча, осмонда ўтириб олиб, ўзига ёқмаган ишларни қилувчи кишиларга қурвақаю тошлар ёғдириб турадиган сержаҳл қабила бошими?

Исловотхона эгаси мўйловининг учини ўзига тортди ва менга хўмрайиб қаради.

– Кирмайман, хавотир олма, – дедим мен. – Менга шунчаки атиргулларингиз жуда ёқди.

– Ҳа, шунақами. Бу мендаги қизлардан бирининг иши. Чўл Атиргулининг.

У қўли билан ишратхонада яшовчи аёллар орасида ўтирган ёш аёлни кўрсатди. Унинг териси садафранг, бодомқовоқ қора кўзларига ғам соя солган аёл эди. У жуда чиройли эди. Мен унга қараб, ўзгариш жараёнини бошдан кечираётганини ҳис этдим.

Шундан кейин ҳеч ким эшитмаслиги учун бекага секин шивирладим:

– Бу яхши қиз. Ва кунлардан бир кун у Худони излаб, сафарга чиқади. Унинг тақдирига сизнинг уйингизни бутунлай ташлаб кетиш битилган. Шу кун келганда сиз уни тўхтатиб қолишга ҳаракат қилманг.

У ҳайратдан қотиб қолди, кейин шанғиллаб ташлади:

– Сен бу ерда нималарни алжираяпсан? Қизларга қандай муомала қилишни менга ўргатма! Яхшиликча кет бу ердан. Йўқса, ҳозир Шоқолбошни чақираман!

– Бу ким бўлди?

– Уни билмаганинг яхши, менга ишонавер, – деди аёл-эркак, сўзларини тасдиғи ўлароқ, менга қўлларини пеш қиларкан.

Бу нотаниш исмни эшитаётиб титраб кетдим, лекин кўрқинч тезда ўтиб кетди.

– Хўп, энди менинг кетар вақтим бўлди, – дедим мен. – Лекин ҳали қайтаман, шунинг учун мени яна кўрганингизда ҳайрон бўлманг. Чунки мен, гарчи кўз ва қалблари ташқи дунё учун ёпиқ бўлса ҳамки, бутун умрини жойнамоз устида букчайганича ўтказадиган дарвишлар тоифасидан эмасман. Улар юзаки Қуръонни ўқисалар, мен ниш уриб ўсаётган ўсимликлардаги, учиб юрган қушлардаги ички Қуръонни ўқийман. Одамлар қалбига яширинган жонли Қуръонни ўқийман.

– Одамларни ўқийман, деяпсанми? – хохолаб қўйди у. – Бўлмағур нарсаларни валдираяпсан!

– Ҳар бир инсон мисоли очик китоб, ҳар биримиз жонли Қуръонмиз. Худони изламоқлик, хоҳ у фоҳиша бўлсин, хоҳ авлиё, ҳар бир инсон қалбида жо бўлган. Ҳар бир инсон қалбида туғилгандан бошлаб ИШҚ яшайди ва у очилмоқни истайди. Қирқ қоидадан бири айни шу ҳақидадир: «Бутун коинот инсонда – сенда жо бўлган. Атрофингда нималарни кўраётган бўлсанг, ҳатто сен нафратландиган, ёқтирмайдиган одамлар ҳам, – ҳаммаси ўзингда жо бўлган. Шунинг учун шайтонни ташқаридан излама. Иблис ўзимизнинг ичимизда яширинган. Агар сен чин ўзлигингни била олсанг, ўзингдаги нурли ва қоронғу томонларингни кўра олсанг, энг юксак англашга эришасан. Ҳар бир инсон, хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ ё аёл, ўзлигини била олса, Худони ҳам билади».

Қўлларини қўкрагига қовуштириб олган аёл-эркак олдинга сурилди ва менга таҳдидли тикилди:

– Фоҳишаларга таълим берувчи дарвиш! Эҳтиёт бўл, ўз аҳмоқона таълимотинг билан бу ердагиларнинг юрагига ғулғула солишингга мен йўл қўйиб берар эканманми. Яхшиси, жўна бу ердан! Агар жўнамасанг, қасам ичиб айтаманки, Шоқолбош бу узун тилингни узиб олади ва мен уни ямламай ютаман.

Элла

2008 йил, 28 май, Нортгемптон.

Кейинги вақтларда Элла уйқудан ғамгин уйғонадиган бўлиб қолди. У ҳали ўзи тайёр бўлмаган ҳолда, ҳаётининг қандайдир босқичини босиб ўтгандай ҳис этарди. Ошхонада кофе қайнагунича стол тортмасидан қиладиган ишлари рўйхатини олди ва қайта кўриб чиқди.

Мен қирқ ёшга тўлмасимдан олдин қуйидаги ишларни қилишим керак:

Ўтказадиган вақтимни тартибга солиш, иложли борича режали бўлиш ва вақтни беҳуда сарфламаслик керак. Янги кундалик дафтар сотиб олиш. (Бажарилди)

Овқатга минераллар ва антиоксидантлар қўшишим керак. (Бажарилди)

Ажинлар ҳақида ўйлаш. Альфа-гидроксидли кислоталарни синаб кўриш ва янги «L’Oreal» кремидан фойдаланишни бошлаш. (Бажарилди)

Уй деворларига ёпиштирилган гулқоғозларни алмаштириш, янги ўсимликлар ва ёстиқлар сотиб олиш. (Бажарилди)

Ўз ҳаётимни, ҳаётим қадриятларим ва қарашларимни баҳолаш. (Ярим бажарилди)

Тановул этадиган овқатларим рўйхатидан (рационимдан) гўштни олиб ташлаш, ҳар ҳафта учун соғломлаштирувчи таомнома тузиш, ўз вужудимга эътибор қаратиш. (Ярим бажарилди)

*Румий шеърларини ўқишни бошлаш. (Бажарилди)
Болаларни бродвей мюзиклига олиб бориш. (Бажарилди)*

Ошпазлик китобини тузишни бошлаш. (Бажарилмади)

Ишққа юрагимни очиш!!!

Элла ўз рўяхатидаги ўнинчи бандга тикилганча, қимирламай турарди. У бу сатрларни ёзганида нимани назарда тутганини ўзи ҳам билмас эди. Нимани ўйлапти у? «Ширин шаккоклик»ни берилиб ўқишим оқибати бўлса керак, – шивирлади у гўё ўзига-ўзи изоҳ бергандай. Кейинги пайтда ўзининг севги ҳақида ўқтин-ўқтин ўйлаётганини пайқади.

«Қадрли Азиз!»

Бугун менинг туғилган куним! Мен ўзимни қандайдир даврга етиб келгандай ҳис этмоқдаман. Қирқ ёш инсон, айниқса, аёл ҳаётининг муҳим палласи, дейишади. Шунингдек, қирқ ёш – бу яна ўттиз ёш демакдир (олтмиш ёш эса – яна қирқ ёш демак) дейишади ҳам, лекин, менимча, бу ерда бўрттириб юборилган. Яъни, биз ўзимизни алдаб қўймоқчимизми? Қирқ дегани бу қирқ-да ахир! Менга «нималардир» келиб қўшилди – билим, ҳикматлар, албатта, ажинлар ва сочларнинг оқлари ҳам.

Авваллари туғилган кунларимда ўзимни бахтли ҳис этар эдим, бугун тонгда эса юрагимда оғир туйғу билан ва ўзининг эрталабки қаҳвасини ҳали ичмаган одам учун ҳаддан зиёд мураккаблик қиладиган саволлар билан уйғондим. Шу пайтгача яшаб келаётган ҳаёт тарзимни ўзгартиришни истайманми ё йўқми, ўзим ҳам билмайман.

Шу боисдан қўрқиб кетдим. «Ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам бирдай даҳшатли натижаларга олиб келса, нима бўлади? Балки шунинг ўзи саволимга жавобдир?

Сизга эҳтиром ила

Элла.

P.S. Хатим унча қувноқ чиқмагани учун узр сўрайман. Нима учун бугун ўзимни бундай ҳис этаётганимни билолмаяпман. Сабаби йўқдай кўринади. (Ёшим қирққа тўлиб бўлганини ҳисобга олмаганда, албатта. Бу балки ўрта ёшга хос кризис, деб аталган нарса бўлса керак)»

«Қадрли Элла!

Таваллуд кунингиз билан табриклайман! Қирқ ёш – эркак киши учун ҳам, аёл учун ҳам энг гўзал ёш. Сўфийлар қирқ сонини юқорироқ поғонага кўтарилишни ва руҳан уйғонишни ифодаловчи мажоз, деб ҳисоблашларини Сиз балки биларсиз? Аза тутганимизда, у қирқ кун давом этади. Чақалоқ туғилса, унинг янги ҳаётга кўникиши учун қирқ кун керак бўлади. Агар севиб қолгандек бўлсак, ўз ҳиссиётимизга иқрор бўлишимиз учун ҳам қирқ кун керак. Оламни сув босиши, сув Аввалги ҳаёт тарзининг ювиб ташланиши, барча ёвузликларни тозалаб ва одамларга такроран янги ҳаёт бошлаш имконияти берилмоғи учун бутун Оламни қирқ кун давомида сув босган. Ислом фалсафасига кўра инсон билан Худо орасида қирқ поғона бор. Исо (а.с.) қирқ кечаю қирқ кундуз чўлга узлат этганлар. Муҳаммад (с.а.в.)га пайғамбарликлари ҳақидаги ваҳий келганида қирқ ёшда бўлганлар. Будда қирқ кун жўка дарахти остида медитация (зикр) қилган. Шамснинг қирқ қоидаси ҳақида эса айтмасам ҳам бўлади.

Сиз янги ишингизни қирқ ёшингизда олдингиз ва бу янги ҳаёт бошланишидан нишона!

Шундай қилиб, Сиз жуда хайрли ёшга кирдингиз. Муборак бўлсин! Ва ёшингиз ортганидан хафа бўлманг. Ҳеч қандай ажин ва оқарган соч қирқ сонининг қувватига таъсир эта олмайди!

Сизга эзгу тилаклар ила

Азиз.»

Чўл атиргули, фоҳиша

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Исловоthоналар кўп асрлардан буён бор. Мен каби аёллар ҳам. Лекин бошқа нарсалар мени таажжублантиради. Нима учун фоҳишалардан нафратланаман, деб юрадиган инсонлар фоҳиша ўз ҳаётини ўзгартирмоқчи бўлса, бунга жон-жаҳдлари билан қаршилиқ қилишади. Улар худди бизларнинг шу аҳволга тушганимизга ачинганларини айтадилар-у, айти пайтда, ҳамон шу аҳволга тушган эканмиз, ўша ерда қолаверганимиз маъкул, деяётгандай бўлишади. Нима учун бундай? Мен бир нарсани тушундим: баъзи одамлар бошқа одамларнинг бахтсизлиги ҳисобига яшашади, бундайларга ер юзида бир бахтсизнинг камайиши ёқмайди. Улар нима десалар ва нима қилсалар қилаверсинлар, мен эса бир кунмас бир кун фоҳишахонадан кетаман.

Эрталаб бирдан-бир тилак билан уйғондим – буюк Румий хутбасини тинглаш тилаги. Агар бекага буни айтсам ва бориб келиш учун рухсат сўрасам, у мени масхара қилиб кулиши турган гап.

– Қачондан буён фоҳиша масжидга борадиган бўлипти? – деган бўлар эди у, юмалоқ юзи тўқ қизарганча кулиб.

Шунинг учун мен ёлғон ишлатдим. Соқолсиз дарвиш кетганидан кейин, бека ҳайратдан довдираб қолгандай кўринди ва мен тушундимки, бундан қулайроқ вақт топилмайди. Кимдир уни саросимага солиб қўйса, у ҳамиша одатдагидан хушфеълроқ бўлиб қолади. Ва мен унга бозорга боришим ва баъзи майда-чуйда топириқларни бажаришим зарурлигини айтдим. У менга ишонди. Тўққиз йиллик оғир заҳматларимдан кейин у менга ишонди.

– Фақат бир шарт билан, – деди у. – Сезам сен билан бирга боради.

Бу менинг таъбимни хира қилмади. Сезам яхши. Бу ёш боланикидай ақли бор йирик жуссали жуда соддадил эркак ишончли ва беғубор эди. Унинг бундай аёвсиз дунёда қандай жон сақлаб юргани мен учун ғаройиб сир эди. Ҳеч ким унинг ўз исми нималигини билмас эди; балки ўзи ҳам билмаса керак. У кунжутдан тайёрланадиган сезам деган ҳолвани жудаям яхши кўргани туфайли, биз уни Сезам деб чақирардик. Фоҳишалардан биронтаси бир ерга бориши керак бўлиб қолса, Сезам ҳамиша соядай кузатиб борар эди. Сезам мен орзу қилишим мумкин бўлган энг яхши тансоқчи эди.

Шу тариқа биз боғлар орасидан ўтган чанг йўлдан юриб кетдик. Биринчи чорраҳага етганимизда мен Сезамдан кутиб туришини илтимос қилдим, ўзим эса буталар орасига аввал яшириб қўйилган тўрвадан эркаклар кийимини олдим.

Эркакча кийим кийиш мен ўйлаганимдан қийинроқ экан. Олдин, билиниб қолмаслиги учун юпқа бўйинбоғ билан кўкракларимни боғладим. Кейин қопдай келадиган кўйлак ва иштонни, тўқ қизил рангли камзул кийдим ва саллани бошимга ўрнатдим. Ниҳоят, араб саёҳатчисига ўхшаб кўриниш учун юзимнинг ярмини бўйинбоғ билан беркитдим.

Сезамнинг ёнига қайтиб келганимда, у ҳайратдан титраб кетди.

– Кетдик, – дедим мен, у ўрнидан қимирламай турганини кўриб, юзимни очдим. – Наҳотки мени танимаётган бўлсанг, қадрдон?

– Бу сенмисан, Чўл атиргули?! – худди кўрқиб кетган болалардай, кафтини оғзига босиб, хитоб қилди Сезам. – Нимага бунақа кийиниб олдинг?

– Сир сақлай оласанми?

Сезам бош силкитди ва ҳаяжондан кўзлари думалоқ бўлиб кетди.

– Ҳа, яхши, – шивирладим мен. – Биз масжидга кетаяпмиз. Лекин сен буни бекага айтмаслигинг керак.

Сезам титраб кетди:

– Йўқ, йўқ. Биз бозорга кетаяпмиз.

– Тўғри, қадрдон, кейин бозорга борамиз. Аммо олдин буюк Румийни тинглаймиз.

Сезам кўрқиб кетган эди, лекин мен бошқача бўлиши мумкин эмаслигини олдиндан билардим.

– Илтимос, бу менга жуда ҳам зарур. Агар гапимга кирсанг ва бу ҳақида ҳеч кимга айтмасанг, мен сенга каттакон ҳолва олиб бераман.

– Ҳолва, – тилини тақиллатиб, мамнуният билан такрорлади Сезам, гўё шу сўзнинг ўзиёқ унинг оғзини ширинлик билан тўлдиргандай.

Биз жума кунлари Румий хутба ўқийдиган масжид сари йўл олдик.

Мен Никея¹ шаҳри яқинидаги қишлоқчада туғилганман. Онам ҳамиша: «Сен тўғри жойда туғилгансан, лекин нотўғри юлдуз остида туғилганмикансан, деган хавотирдаман», – дерди. Ёмон вақтлар эди. Ҳамиша таҳликали гап-сўзлар юрарди. Энг олдин салибчилар қайтиб келаётганлари ҳақидаги гаплар юрарди. Уларнинг Константинополда (ҳозирги Истамбулда) қилган даҳшатли ишлари, уйларни талаганлари, бутлар, черковлар ва бутхоналарни йўқ қилганлари ҳақида. Кейин Салжуқийларнинг босқинлари. Салжуқий кўшинлар ҳақидаги шов-шувлар тугар-тугамас, мўғулларнинг йиртқичликлари ҳақидаги ҳикоялар. Истилочиларнинг номлари ўзгарар эди, холос, лекин истилочилар томонидан ўлдирилиш кўркуви сира йўқолмас эди.

Ота-онам новвойчилик қилишар ва эътиқодли христианлардан эдилар. Болаликдан қолган илк хотираларимдан бири янги ёпилган ноннинг иси. Ота-онам бой эмас эдилар. Болаликдаёқ буни тушунардим. Лекин ночор ҳам эмас эдик. Садақа сўраб уйимизга келганлар-

¹ Тушунтириш: ҳозирги Туркиянинг шимоли-ғарбидаги Изник шаҳри.

нинг кўз қарашлари қандай бўлишини кўрганман. Ҳар кеча ухладан олдин қорним оч ҳолда ухлашга ётмаётганим учун Худога шукроналар айтардим. Мен у билан худди ўз дўстим билан гаплашаётгандай гаплашардим. Ҳа, у вақтлар Худо чиндан ҳам менинг дўстим эди.

Мен етти ёшга тўлганимда онам ҳомиладор бўлди. Бугун ортга қараб, унинг болалари бир неча тушиб қолган бўлса керак, деб ўйлаб қоламан, лекин у вақтларда мен ҳеч нимани тушунмас эдим. Мен шунчалик содда эдимки, болалар қаёқдан пайдо бўлади, деб сўрашса, Худо уларни юмшоқ ширин хамирдан ёпади, деб жавоб берардим.

Худо онам учун яратган кичкинтой жуда катта эканми, онамнинг қорни тез орада жуда катта ва қаттиқ бўлиб қолди. Онам зўрға ҳаракатланарди. Доя хотин бу сувнинг кўплигидан деган эди, лекин ҳеч ким бунинг хатарини кўрмас эди.

Қоринда бир эмас, учта бола борлиги на онамнинг ва на доя хотиннинг хаёлига келмаган экан. Ва ҳаммаси ўғил экан. Укаларим онамнинг қорнида ёқалашиб қолишипти. Биттаси иккинчисини киндиги билан бўғиб қўйипти, иккинчиси эса худди бунинг учун қасд олгандай йўлни тўсиб қўйиб, у иккитасининг туғилишига йўл қўймай турипти. Онам тўрт кун азоб чекди. Биз эртаю кеч, то буткул жим бўлиб қолмагунча унинг кичқириқларини эшитиб турдик.

Доя хотин онамни қутқара олмади, лекин укаларимни қутқариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Қайчи билан қорнини қийди ва болаларни чиқариб олди. Лекин фақат биттаси тирик қолди. Укам шундай туғилган эди. Онамнинг ўлими учун отам уни кечира олмади, ҳатто уни чўқинтирганларида ҳам кўргани келмади.

Онам ўлди, отам эса бадқовоқ, камгап одамга айланди, бундан менинг ҳаётим ҳам ўзгариб кетди. Отам

новвойчилик ишини эплей олмай қолди. Секин-аста харидорларни йўқота бошладик. Камбағал бўлиб қолиш ва садақа сўраб юришдан қўрқиб мен кулчаларни тўшагимга беркитардим, нонлар қотиб қолар ва моғор босиб, еб бўлмайдиган бўлиб қоларди. Аммо укам айниқса кўп азоб чекарди. Мен ҳеч бўлмаса авваллари меҳр ва эркалашлар нималигини кўрган эдим. Унда эса булардан асар ҳам бўлмади. Унга қилаётган муомалаларини кўриш қўрқинчли эди, лекин мен юрагимнинг тубида отамнинг қаҳри менга эмас, укамга қаратилаетганидан деярли хурсанд эдим ва шукур қилардим. Афсуски, укамни ҳимоя қилиш учун менда жасорат етмаган эди. Агар етганида эди, ҳаммаси бошқача бўлиши ва мен исловоthонага тушмаган бўлишим мумкин эди. Афсуски, ҳеч нимани олдиндан кўриб бўлмайди.

Бир йилдан кейин отам яна уйланди. Укам ҳаётидаги бор ўзгариш шу бўлдики, илгари фақат отам унга зуғум қилган бўлса, энди ўғай онам ҳам унга қўшилган эди. Укам вақти-вақти билан уйдан қочиб кетарди. У тобора кўпол бўлиб борар, атрофига ҳам тобора жаҳлдор дўстлар тўпланар эди. Бир куни отам уни чалажон қилиб урди. Шундан кейин укамда тузатиб бўлмас ўзгариш юз берди. Кўз қарашларида илгари бўлмаган совуқлик пайдо бўлди. Унинг бир нарсани режалаштираётганига сира шубҳам йўқ эди, лекин юрагида қандай режани сақлаб юрганини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Билганимда, балки фожианинг олдини олган бўлар эдим.

Бу баҳорда содир бўлди. Бир куни эрталаб отам ва ўғай онамни ўлик ҳолда топишди. Улар каламушдори билан заҳарланган эдилар. Бу нарса маълум бўлган заҳоти ҳамма гумонлар укамга тушди. Сўроқ қилишлар бошланди ва у уйдан қочиб кетди. Менинг оила аъзоларимдан ҳеч ким қолмади. Ҳамон онамнинг исини туйиб турган уйимда яшашга бошқа чидай олмасдан, хотиралар азоб бераётган новвойхонада ишлашга ку-

чим етмасдан, эндиликда менинг яккаю ёлғиз қариндошим бўлиб қолган қариқиз холамникига Константинополга кетишга қарор қилдим. Ўшанда ўн уч ёшга тўлган эдим.

Константинополга соябонли ёлланма аравада кетишга қарор қилдим, йўловчилар орасида мен энг ёши эдим ва саёҳатда мени ҳеч ким кузатиб бормаётган эди. Бир неча соат ўтар-ўтмас ўғрилар тўдаси йўлимизни тўсди. Улар ҳамма нарсамизни – сафар қутилари-миз, кийимларимиз, пойафзалларимиз, белбоғлар ва тақинчоқларимиз, ҳаттоки аравакашнинг емишигача олиб қўйишди. Менда уларга берадиган ҳеч нима йўқлиги учун, менга зарар етказа олмаслигига ишонган ҳолда, бир четда жим турардим. Лекин энди кетмоқчи бўлиб туришганида уларнинг бошлиғи бирдан менга ўгирилиб сўради:

– Сен иффатингни йўқотмаганмисан, кичкинтой?

Мен қип-қизариб кетиб, бундай андишасиз саволга жавоб беришдан бош тортдим. Қизариб кетиб, унинг саволига жавоб бериб бўлганимдан ўзим беҳабар эдим.

– Кетдик! – кичқирди қароқчилар бошлиғи. – Отларни ва қизчани олинглар!

Мен йиғлаб-сиқтадим ва қаршилиқ қилдим, лекин йўловчилардан ҳеч бири менга ёрдам бермади. Қароқчилар мени ўрмон чакалакзорига судраб олиб кетишди, у ерда қишлоқ борлигини кўриб ҳайрон бўлдим. У ерда аёллар ва болалар бор эди. Ҳамма ёқда ўрдаклар, эчкилар, чўчқалар айланиб юришарди. Бу ҳақиқий қишлоқ эди, фақат аҳолиси жиноятчилардан иборат эди.

Мен тез орада уларга нима учун иффатли қиз керак бўлиб қолганини тушундим. Уларнинг бошлиғи узоқ вақтдан бери қандайдир оғир асаб касаллиги билан оғриган экан. Кўп вақтдан бери тўшакдан тура олмайдиган бўлиб қолган ва бутун баданини қизил доғлар қоплаган экан. Шунда кимдир агар иффатли қиз билан

алоқа қилса, бу касаллик у қизга ўтиб, ўзи тузалиши ва мусаффолиниши мумкинлигига уни ишонтирипти.

Ҳаётимда шундай ҳодисалар борки, уларни эслашни истамайман. Масалан, ўрмондаги ҳаётни. Ҳатто ҳозир ҳам хотираларимда бу ҳаётим учун жой йўқ. Фақат қарағайлар ҳақида ўйлайман. Ўша вақтлар мен кўп вақтимни бир ўзим қарағайлар остида ўтириб ва қишлоқ аёлларининг гапларига қулоқ солиб ўтказар эдим, улардан кўпчилиги қароқчиларнинг хотинлари ва қизлари эди. У ерда ўз ихтиёрлари билан келган фоҳишалар ҳам бор эди. Улар нима учун қочиб кетмаслигини мен сира тушунмас эдим, ўзим эса фақат шу ҳақида тинимсиз ўйлардим.

Ўрмон ичидан кўпинча аслзодаларнинг соябон аравалари ҳам ўтиб турар эди. Токи бу араваларнинг аравакашлари жиноятчиларга катта гаров беришлари ва беҳавотир ўтиб кетишлари учун товон тўлашларини фаҳмлаб олмагунимча, бу сирнинг тагига ета олмай юрдим. Шуни тушунганимдан бошлаб, режамни пишта бошладим. Бир куни катта шаҳарга кетаётган аравани тўхтатиб, ҳайдовчидан мени олиб кетишини сўраб ёлбордим, лекин у, менда пул йўқлигини била туриб, жуда катта пул сўради. Шундан кейин мен бунинг ҳақини ўзимда бор ягона йўл билан тўладим.

Фақат анча вақтдан кейин, Константинополга келгач, ўрмондаги фоҳишалар нима учун қочиб кетишга уринмасликлари сабабини англаб етдим. Шаҳар ўрмондан бадтар экан. Шаҳар яна ҳам аёвсизроқ экан. Мен қари холамни изламай кўя қолдим. Иффатимни йўқотганимдан кейин бу тўппа-тўғри ҳаёт кечириб келаётган қариндошим мени қабул қилишни истармиди. Мен фақат ўзимга умид боғлашим мумкин эди. Шаҳар кўп ўтмай руҳимни синдирди ва вужудимни булғади. Ўзим кутмаган ҳолда буткул бошқа – қаҳру ғазаб, зўрлик, дағаллик ва касалликлар дунёсига – ўтиб қолдим.

Мен токи ҳайз кўра олмайдиган даражада заифлашма-
гунимча ва бошқа фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолма-
гунимча кетма-кет бир қанча марта бола олдирдим.

Мен шундай нарсаларни кўришимга тўғри келди-
ки, уларни айтиш учун сўз топилмайди. Шаҳардан кет-
гач мен аскарлар, кўзбойлоғич (циркчи)лар, лўлилар
билан бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрдим. Кейин
мени Шоқолбош деб аташадиган одам топиб олди ва
Коньядаги исловотхонага олиб келди. Токи кўрини-
шим яхши экан, беканинг ўтмишим билан иши йўқ.
Унга ҳомиладор бўла олмаслигим ёқди, чунки бу то-
мондан мураккаблик бўлмайди. Бепуштлигим туфайли
у менга Чўл номини берди, кейин «чўл» исмини бироз
безаш учун Атиргул исмини кўшиб қўйди. Менга ҳам
бу исм ёқди, чунки атиргулларни жуда яхши кўраман.

Эътиқод ҳақида эса шундай ўйлайман: у мен анча
илгари сайр қилиб юрган ва ифоридан баҳра олган,
аммо эшиги мен учун аллақачон ёпилган атиргулли
боғга ўхшайди. Лекин мен яна Худо дўстим бўлишини
истайман. Ва боғ атрофида айланиб, унга кирадиган
эшикни излаяпман.

Мен Сезам билан масжидга яқин келганимизда,
кўзларимга ишонмай қолдим. Турли ёшдаги эркаклар,
ҳатто анъанага кўра, аёлларники бўлган жойларни ҳам
қолдирмасдан ҳамма жойни эгаллаб олган эдилар. Мен
энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, лекин ўз жойидан
турган ва чиқиб кетишга шайланган тиланчини кўриб
қолдим.

Мана шу тариқа мен эркаклар тўла масжидга кир-
дим ва буюк Румий хутбасига қулоқ тутдим. Бу ерда
бўлган мусулмонлар ўз ораларида аёл киши, айниқса,
фоҳиша турганини билиб қолсалар, нима бўлиши мум-
кинлиги ҳақидаги фикр хаёлимнинг бир четидан ҳам
ўтмади. Мен ўзимни унутиб Румийни тинглардим.

– Худо азобу уқубатларни қувончлар ёрқинроқ бўлиши учун яратган, – дер эди Румий. – Ҳар қандай нарса ўзининг қарама-қарши томони воситасида ёрқинлашади. Худонинг эса қарама-қаршиси йўқ. Шунинг учун у биздан яшириндир.

Румий маърузасини ўқиркан, овози тобора баландроқ ва кучлироқ чиқарди, худди тоғлардан оқиб тушаётган, қорлар эриган сари тўлиб тошаётган жилға каби эди.

– Пастдаги ерга қаранг ва тепадаги осмонга қаранг. Ердаги барча ҳолатлар сув ва қуруқликка, тинчлик ва уруш ҳолатларига ўхшайди. Атрофингизда нимаики содир бўлмасин, бу қаҳру ғазаб бўладими ёки мўминликми, ёлғонми ёки алдашми, ҳеч бирини Худо бежиз яратмайди.

Маърузани тинглар эканман, мен ҳамма нарса фақат бир мақсадга хизмат қилишини англадим. Онамнинг қисматига тушган ҳомиладорлик, укамнинг ёлғиз хўрланиши, ҳатто отам ва ўғай онамнинг ўлдирилиши, ўрмондаги даҳшатли ҳаёт, мен Константинопол кўчаларида кўрган разолат – булар барчаси менинг ҳаётим эди. Бу барча машаққатлар ортида қандайдир анча муҳим бўлган алланима турар эди. Мен бунинг нималигини ҳозирча тушунмас эдим, лекин бутун қалбим билан ҳис этардим. Ўша куни одам лик тўла масжидда Румийни тинглар эканман, худди аллақандай сокинлик булути менга тушиб келаётгандай туйиларди ва ўзимни худди нон ёпаётган онамни кўргандай яхши ҳис этар ва хотиржам эдим.

Тиланчи Ҳасан

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Жаҳлдан тушишга ҳаракат қила-қила заранг остида ўтирардим. Азоб нималиги ҳақида ўзининг ҳеч қандай аниқ тасавури йўқ Румийнинг баландпарвоз

нутқидан жаҳлим чиқмаслиги мушкул эди. Миноранинг сояси кўчани қоплади. Гоҳ мудраб, гоҳ ўтган-кетганни кузатиб ўтирар эканман, илгарилари сира кўрмаган дарвиш эътиборимни тортди. У қора жанда кийган, қўлида узун ҳасса, бесоқол, қулоғида юпқа кумуш сирға бўлиб, бошқа фуқароларга ўхшамагани учун эътиборни тортмаслиги мумкин ҳам эмас эди.

У у ёқ-бу ёққа қаради ва дарҳол мени пайқади. Лекин одатда моховни кўриб қолиб, ўша заҳоти тескарига ўгириладиган бошқа одамлардан фарқ қилиб, қўлини кўксига қўйди ва эски қадрдондай менга таъзим қилди. Бу мени шунчалик ҳайратга солдики, бу ҳаракат орқамда турган кимгадир бўлса керак, деб ўйлаб ўгирилиб қарадим. Аммо орқада ҳеч ким йўқ эди. Хижадатга тушган, довдираган ҳолда мен ҳам қўлимни кўксимга қўйиб, дарвишнинг таъзимига жавоб қилдим.

У шошмасдан мен томонга юрди. Мен, дарвиш идишимга бир нечта чақа ташлар ёки нон берар, деган ўйда кўзларимни пастга қаратдим. Аммо бунинг ўрнига у қаршимда тиз чўкди.

– Ассалому алайкум, – деди у.

– Ваалайкум ассалом, дарвиш, – жавоб бердим мен ва тўсатдан хириллаб қолган овозимни ўзим танимай қолдим. Ким биландир гаплашиш учун имкон бўлмай қолганига кўп бўлган эди ва мен ўз овозим қандайлигини деярли унутган эдим.

Дарвиш ўзини Шамс Табризий деб таништирди ва менинг исмимни сўради.

Мен кулиб юбордим:

– Мендай одамга исм нимага керак?

– Ҳар бир инсоннинг ўз исми бор, – эътироз қилди дарвиш. – Аллоҳнинг исмларини санаб тугатиб бўлмайди. Биз улардан фақат тўқсон тўққизтасини биламиз. Ҳамон Худонинг исми шунча кўп экан, унинг халифаси бўлган одам – қандай қилиб исмсиз бўлсин?

– Бир вақтлар менинг онам ва хотиним бор эдилар ва улар мени Ҳасан деб чақирар эдилар.

– Демак, исмингиз Ҳасан, – бошини силкитди дарвиш. Кейин мени ҳайрон қилиб, кумуш кўзгуни узатди. – Олинг. Буни менга Бағдодда бир яхши одам берган эди, лекин бу мендан кўра сизга керакроқ. Бу сизга Худо ўз ичингизда эканини эслатиб туради.

Мен жавоб беришга улгурмасимдан, ғалати шовқин-сурон бошланиб қолди. Аввалига мен масжидда ўғрини тутиб олишган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин шовқин тобора кучайиб борарди. Ёмонроқ кори ҳол бўлган кўринади. Ҳеч қандай ўғрини деб бунчалик шовқин кўтарилмайди.

Тез орада ҳаммаси равшан бўлди. Масжидга аёл киши кирипти ва оддий аёл эмас, эркак кийимини кийиб олган ҳаммага таниқли фоҳиша кирипти. Эркаклар бақира-чақира уни ташқарига олиб чиқишди:

– Алдоқчини саваланг! Фоҳишани саваланг!

Кутурган оломон кўчага отилиб чиқди. Мен эркак кишининг кийимидаги ёш аёлни кўрдим. Унинг юзи докадай оқариб кетган, кўзларида даҳшат қотиб қолган эди. Ва омма ичига тушиб қолиб, унинг қисмига айланган одам қанчалик ўзгариб кетишига ҳамиша лол қолардим. Ҳеч қачон биров билан муштлашмаган оддий одамлар – хунармандлар, савдогарлар, дастёрлар – омма ичига тушиб, йиртқич ҳайвонга айланиб қолишарди. Омманинг ҳукми ҳам одатий ҳол эди ва у ҳамиша мурдани ҳамма кўрадиган жойга осиб қўйиш билан якун топарди.

– Шўрлик, – пичирладим мен Шамс Табризийга ўгирилар эканман, лекин у аллақачон ёнимда йўқ эди.

Мен дарвишни худди осмонга отилган ёниб турган камон ўқи каби оломон ичига отилиб кирганини кўрдим. Буни кўриб мен ҳам сакраб турдим ва кетидан отилдим.

Оммага етиб олгач, Шамс ҳассасини мисоли туф каби кўтарди ва бор кучи билан бақирди:

– Тўхтанглар, одамлар! Тўхтанг!

Довдираб қолган одамлар бирдан жим бўлиб қолишди ва ҳайрат билан дарвишга тикилишди.

– Уялмайсизларми! – ҳассасини ерга уриб бақирди у яна. – Ўттиз эркак бир аёлга қарши-я! Шу адолатданми?

– У адолатга лойиқ эмас, – деди тўртбурчак юзли гавдали ва афтидан ғазабдан кўзига ҳеч нима кўринмай қолган бир киши.

Афтидан бу одам ўзини-ўзи оломонга бошлиқ қилиб сайлаган кўринади. Мен уни дарров танидим. Бу шаҳардаги барча тиланчилар яхши танийдиган ва бе-аёвлиги, хасислиги туфайли ҳаммалари кўрқадиган Бейбарс исмли қоровул эди.

– Бу аёл эркакча кийиниб олиб, мусулмонларни адаштириб, масжидга кирган.

– Сен уни масжидга киргани учун жазолаш керак, демоқчимисан? Масжидга кириш жиноятми? – масха-раомуз сўради Шамс Табризий.

Саволни эшитиб, ҳамма жим бўлиб қолди. Бундай фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

– Бу аёл фоҳиша! – оломон орасидан яна кимдир бақирди, – муқаддас даргоҳда унга жой йўқ!

Оломонни қайта ёндириб юбориш учун шу етарли бўлди.

– Фоҳиша! Фоҳиша! – бақиришди бир неча овоз ба-раварига. – Фоҳишани бир ёқли қиламиз!

Худди буйруққа бўйсунган каби қандайдир йигитча бир сакраб, аёлнинг бошидаги салласини олиб ташлашга уринди. У саллани тортган эди, салла ечилиб кетди ва аёлнинг узун сарғиш сочлари қуёшда ярақлаб, тўлқинланиб елкаларига тушди. «Жиноятчи» аёлнинг ҳусну жамолини кўриб, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди.

Одамларни ҳайратга солган, туйғуларнинг қоришиб кетганини тушунди, шекилли, Шамс ҳамон ҳассасини силкитганича, оломонга яна ҳам яқинроқ келди.

– Биродарлар, аниқлаб олинг! Сиз бу аёлдан нафратланасизми ёки уни истайсизми?

Дарвиш шундай деб аёлнинг қўлидан ушлаб, ўзига тортди. Аёл худди ёш қизча онасининг этаги ортига яширинган каби унинг орқасига беркинди.

– Сен катта хато қилаяпсан, – деди баланд овозда тўдабоши. – Сен бу шаҳарда бегонасан ва бизнинг қодаларимизни билмайсан. Бизнинг йўлимизда турма.

Яна кимдир гапга аралашди:

– Сен қандай дарвишсан ўзи? Фоҳишани ҳимоя қилишдан бошқа қиладиган ишинг йўқми?

Шамс, гўё савол ўйлантириб қўйгандай, бир зум жим қолди. У ҳеч қандай ҳиссиётга берилмай, сокин турарди.

– Орангизда аёл киши борлигини қандай билдингиз? – тўсатдан сўради у. – Ё сиз масжидга намоз ўқиш учун эмас, атрофдагиларни томоша қилиш учун келасизми? Агар сиз ўзингизни кўрсатмоқчи бўлганингиздай шунчалик художўй экансиз, сиз бу аёл ҳатто яланғоч бўлса ҳам қарамаган бўлар эдингиз. Энди ортингизга қайтиб боринг-да, астойдил ибодат қилишга ҳаракат қилинг.

Кўчага ноқулай жимжитлик чўкди. Шамол ердаги хазонларни супурарди ва менга бир зум улар фақат менинг ёнимда ҳаракатланаётгандай туюлди.

– Боринг! Масжидга қайтинг! – деди Шамс ва худди пашшаларни ҳайдаётган каби ҳассасини силкитди.

Ҳамма ҳам унинг айтганини қилавермади, лекин ҳамма чекинди ва ишонқирамай, ҳайрат ичида нима бўлишини кутганча, икки қадам нари сурилишди. Кимдир, қайтиш керакмикин, деб ўйлагандай, масжидга қараб қўйди. Айни шу дақиқада аёл жасорат қилди ва

дарвишнинг ортидан чиқди. Худди куёндай чаққонлик билан оёқ учида ўғирилди ва малла сочларини силкитганча, энг яқиндаги муюлишга кириб ғойиб бўлди.

Икки эркак унинг ортидан қувмоққа шайланишди, лекин Шамс Табризий уларнинг йўлини тўсди, уларнинг олдида ҳассасини шундай катта куч билан силкитдики, иккиси ҳам қоқилиб кетишди ва ерга ағдарилиб тушишди. Йўловчилар буни кўриб, кула бошлашди, мен ҳам тоза кулдим.

Довдираб қолган ва ҳайратга тушган эркаклар ўринларидан туришди, лекин бу вақтда фоҳишанинг изи ҳам ўчиб бўлган ва дарвиш ҳам ишини битириб кетаётган эди.

Ичкиликбоз Сулаймон

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Қовоқхонада қаттиқ ухлаб қолибман. Кўчадан кулоқни қоматга келтиргудек қаттиқ овозлар кела бошлаганида уйғониб кетдим.

– Нима бўлди? – сўрадим кўзимни очиб. – Мўғуллар бостириб келаяптими?

Саволимга жавобан кулгу эшитилди. Ўғирилиб қараб, қовоқхонанинг кунда-шунда мижозларидан бир нечтаси мени масхаралаб кўрсатаётганларини кўрдим. Ифлос ҳаромилар!

– Қўрқма, қари пиёниста! – қичқирди қовоқхона эгаси Христос. – Мўғулларга сенинг нима керагинг бор? Румий ўтиб кетаётипти ўзининг мухлислари қўшини билан.

Мен дераза ёнига бордим ва ташқарига қарадим. Христос тўғри айтган экан. Шогирдлар ва мухлислар ҳис-ҳаяжон остида тўлқинланиб «Аллоҳ акбар! Аллоҳ акбар!» дея қичқирганларича Румийни тантанавор кузатиб ўтаётган эдилар. Румий улардан баландда, оқ отида савлат тўкиб ўтирарди. Воиздан қувват ва қать-

ият таралиб турарди. Мен деразани очдим ва бошимни чиқариб, оломонни кузата бошладим. Ниҳоят оломон шиллиққурт тезлигида ҳаракат қилганча, қовоқхонага етиб келди. Баъзи одамлар қўл узатсам етгудек жуда яқин масофага келиб қолишди. Шу пайт бирдан миямга ажойиб фикр келди. Биронтасини бошидан салласини тортиб олса нима бўларкин?

Мен Христос орқасини қашиганида фойдаланадиган таёқни олдим ва иложи борича қаттиқроқ чўзилиб, биронтасининг салласини тортиб олишга уриндим. Мақсадга етай деб қолганимда, бир киши тасодифан бошини кўтарди ва мени кўриб қолди.

– Ассалому алайкум, – саломлашдим у билан оғзим қулоққа етгудай сохта табассум билан.

– Мукулмон киши қовоқхонада! Уят! – бақирди у. – Май ичиш шайтон васвасасига қулоқ солиш эканини билмайсанми?

Мен унга жавоб бериш учун энди оғиз очаётган эдим, лекин бир сўз айтишга ҳам улгурмадим, бошимга нимадир қаттиқ урилди. Кимдир бошимга тош отганини тушундим. Агар охириги онда бошимни тортиб олишга улгурмаганимда, бош суягим синган бўларди. Тош очик ойнадан кирди ва менинг орқамда ўтирган форс савдогари ўтирган стол устига тушди. Қаттиқ маст бўлгани учун савдогар ҳеч нимани тушунмади, тошни қўлига олиб, худди у осмондан юборилган хабардай кузата бошлади.

– Сулаймон, деразани бекит ва столингга қайт! – қаттиқ бақирди Христос ва овози хириллаб қолди.

– Нима қилганларини кўрдингми? – сўрадим мен столимга қайтаётиб. – Кимдир тош отди. Мени ўлдириб қўйишлари мумкин эди!

Христос бир қошини кўтарди.

– Кечирасан-у, лекин сен нимани кутган эдинг? Мукулмон одамни қовоқхонада кўрса, жирканадиган

одамлар борлигини билмасмидинг? Сен эса маст ҳолда, лавлагидай қип-қизил бурнинг билан, яна ойнага бош суқасан!

– Нима бўпти? – тугилиб дедим мен. – Мен одам эмасманми?

Христос, қўй, бунақа аразчи бўлма, дегандай, елкални қоқиб қўйди.

– Биласанми, мен диндан айни шунинг учун нафратланаман. Ҳар қандайдан ҳам! Диндорлар Худони ҳамиша ўзлари билан бирга деб билишади ва шунинг учун ўзларини ҳаммадан афзал ҳисоблашади.

Христос жавоб бермади. У диндор эди, лекин шу билан бирга у мижозларини тинчлантиришни биладиган уддабурон хўжайин ҳам эди, шунинг учун менга яна бир идишда қизил май олиб келди ва уни қандай ташналик билан симираётганимни кўз узмай кузатиб турди.

– Нима учун бу дунёда май ичиш тақиқланган-у, у дунёда май ваъда қилинган, тушунмайман, – дедим мен. – Агар шунақа ёмон бўлса, нима учун жаннатда ичишга рухсат берилади?

– Саволлар, саволлар... – қўлларини тепага кўтариб дўнғиллади Христос. – Қачон қарама, савол берганинг-берган. Сен бирон нимани шунчаки ишонч билан қабул қила оласанми ўзи?

– Бўлмаса-чи? Ахир биз одаммиз ва бизга мия шунинг учун берилганми, шундай эмасми?

– Сулаймон, сени анчадан бери биламан. Сен нафақат кўпдан бери қовоқхонамга келадиган мижозимсан. Сен менинг дўстимсан. Шунинг учун сендан хавотир оламан.

– Майли, ҳечқиси йўқ...

– Сен яхши одамсан, – гапимни бўлди Христос. – Лекин тилинг бир кун эмас, бир куни сени балого гирифтор қилади. Мен ана шундан хавотирдаман. Коньяда

ҳар хил одам яшайди. Ва улардан баъзилари май ичадиган мусулмон ҳақида яхши фикрда бўлмасликлари сир эмас. Сен эҳтиёткор бўлишни ўрганишинг керак. Одатингни яширишни ўрган ва ортиқча гапирма.

Мен кулдим:

– Балки сенинг гапларингни Хайёмнинг шеърлари билан якунлармиз?

Христос хўрсинди, менинг гапимни эшитган форс савдогари эса хушчақчақлик билан хитоб қилди:

– Тўппа-тўғри! Биз Хайём шеърларини истаймиз. Бошқа мижозлар ҳам унга қўшилишди ва ҳаммалари менга чапак чалишди. Қизишиб кетганимдан стол устига сакраб чиқдим ва шеър ўқий бошладим:

*Дерлар: жаннатда хур, кавсар бўлармиш,
Ариқ тўла май, сут, шакар бўлармиш.*

– Тўғри, – қичқирди форс. – Шундай дейилган, шундай!

*Қадаҳни тўлдириб, қўлгинамга бер,
Минг насиядан бир нақд хуштор бўлармиш.*

Кўп йиллик шаробхўрлигим даврида ниманидир ўрганган бўлсам, бу ҳам бўлса, ҳар кимнинг ҳар хил ичишидир. Бир одамни билардим, у ҳар куни бир катта кўза май ичарди, лекин сира ғамга ботмас эди, ашула айтар, кайф қилар, кейин эрталабгача ухларди. Лекин шунақаларни ҳам кўрдимки, жуда оз ичган бўлсалар ҳам қутуриб кетишарди. Шароб ўшанинг ўзи, лекин бир одам хурсанд бўлди, бошқаси ёвуз, уришқоқ бўлиб қолади, шундай бўлгач, шаробда нима айб?

*Шу дамга қул бўлай, соқий айтсаки:
Бир қадаҳ майим бор, бўл менга ҳамдам.*

Яна қарсақлар чалинди. Ҳатто Христос ҳам уларга кўшилди. Коньянинг яҳудийлар маҳалласидаги насронийнинг қовоқхонасида турли эътиқод кишилари қадаҳларни кўтардилар ва ҳатто ўзимиз бир-биримизни севмасак ва кечирмасак-да, ҳаммамизни севувчи ва кечирувчи Худога мадҳиялар ўқидик.

Элла

2008 йил, 31 май, Нортгемптон.

«Хушёр бўл, фалокатни ўтказиб юборма, – деб ўқиган эди Элла бир сайтда. – Кўйлақларини синчиклаб текшир, лаб бўёғи тегмаганми ва нотаниш атирнинг иси келмаяптими?»

Буни Элла Рубинштейн биринчи марта «Эринг сенга хиёнат қилаётганини қандай аниқлашинг мумкин?» номли сайтга кирганида кўрган эди.

Элла эрига жанжал қилишни истамас эди. Ҳар галгидай, кечаси уйга келмаган эридан қаёқда бўлганини сўрамади. Кейинги кунларда у асосан «Ширин шакколик»ни ўқиш билан машғул бўлди, бу иш унга индамай юриши учун баҳона бўлди. У изтиробда бўлгани учун одатдагидан секин ўқирди. Ўқиётганлари унга ёқаётган эди, лекин ҳар сафар Шамснинг янги қоидаси муносабати билан, ўз ҳаёти тобора чигаллашаётганини ҳам ҳис этаётган эди.

Болалари ёнидалигида ҳаммасини одатдагидай қилиб кўрсатар эди, лекин Дэвид билан ёлғиз қолганларида Элла эрининг ўзига қизиқиш билан қараб турганини кўрарди. Назарида у қандай хотин ўз эрининг кечаси қаёқларда маишат қилиб юрганини сўрамаслиги мумкинлигини тушунишни истаётгандай эди. Элла эса ўзини шунга жавобан хатти-ҳаракат қилишга мажбур қилиши мумкин бўлган ҳеч нарсани эшитишни истамас эди. Хатти-ҳаракат қилиш нима дегани ўзи?

Эрининг хулқи-атворини қанча кам ўйласа, эри ҳақида шунча кам фикрлар эди – ҳарқалай, унга шундай туюларди. Одамлар билимсизликни афзал кўрганлари бежиз эмас. Билмаслигинг – бахтинг.

Рубинштейнларнинг бир текисдаги ҳаёт оқими фақат бир марта бузилган эди. Бу Рождествода (Исо пайғамбарнинг туғилган кунига бағишланган байрам кунда), уларнинг почта қутисига маҳаллий меҳмонхонадан Дэвид учун йўлланган реклама муносабати билан бўлган эди. Унда мижоз ҳуқуқларини ҳимоялаш хизматидан мунтазам фойдаланувчи сифатида Дэвидга меҳмонхона хизмати ёққан ё ёқмаганини билиш ис-талган эди. Элла хатни барча алоқа қоғозлари устига қўйиб, столда қолдирди, ўша куни кечқурун эри хатни қандай олиши ва очишини кузатиб турди.

– Мижозларнинг фикрларини таҳлил этишаётган экан. Энди шу етмай турган эди, – деган эди Дэвид зўр бериб ўзини жилмаяётганга соларкан. – Ўтган йили ўша ерда конференция ўтказилган эди. Улар конференциянинг барча қатнашчиларини ҳам ўз мижозлари рўйхатига қўшиб юборишганга ўхшайди.

Элла эрига ишонди. Ҳар ҳолда масаланинг оилани сақлаб қолиш ва ўз ҳаётида ҳеч нимани ўзгартирмасликка оид қисмида. Бошқа қисми эса ишончсиз қолди. Шу кейинги қисми Эллани меҳмонхона телефони номерини ахтариб топишга ва қўнғироқ қилиб, ўзи шундоқ ҳам биладиган жавобни эшитишга йўналтирди: на бу йил ва на ўтган йил меҳмонхонада стоматологлар конференцияси ўтказилмаган эди.

Элла ич-ичидан ўзини койир эди. Кейинги ўн йил мобайнида унинг ақлига ақл қўшилмади ва лекин вазнига вазн қўшиларди. Ортган ҳар бир фунт баробарида ўзидаги ишқий ҳаёт интенсивлиги ҳам камая борди. Гарчи пазандачилик курсларида ўзидан кўпроқ ва яхшироқ овқат тайёрлайдиган, ўзидан икки баравар озғин аёл-

лар ҳам қатнашиб келаётган бўлишса ҳамки, бу курслар ҳам бу борада янги қийинчиликлар туғдирди.

Ўтмишига назар соларкан, Элла ўзини ҳамиша интизом доирасида тутиб келганини англарди. Ҳеч қачон ўғил болалар билан наша чекмаган, ҳеч қачон уни барлардан ҳайдаб чиқаришмаган; ҳеч қачон жан-жал-тўполон қилмаган, онасини алдамаган, ўсмирлигида йигитлар билан ўпишмаган эди. Атрофидаги барча қизлар абортлар қилдиришганида ёки бола туғиб, уни аллақаяқларга топшириб юришганида, буларнинг ҳаммасини худди телевизорда Эфиопиядаги очликка тааллуқли дастурни томоша қилаётгандай кузатди. Бу ишлар Эллани хафа қилар эди, лекин шу бахтсиз инсонлар билан бир дунёда яшаётгани ҳақидаги фикр унинг хаёлига асло келмас эди.

Ҳатто ўсмирлик ёшида ҳам Элла ўтиришларга бормас эди. У нотаниш одамлар билан олди-қочди гаплар қилиб, ҳазиллашиб юриш ўрнига яхши китоб билан уйда ўтиришни афзал кўрарди.

– Элладан ибрат олсанг бўлмайдимми? – дейишар эди оналар қизларига. – Қарагин, у сира ҳам ҳеч қандай мушкул аҳволга тушмаган.

Оналари Эллани ибрат қилиб кўрсатсалар, болалари, аксинча, уни бефаросат деб ҳисоблашар эди. Бир куни бирга ўқийдиган синфдоши унга:

– Сенинг айбинг нималигини биласанми? Сен ҳаддан ортиқ жиддийсан. Сен билан ўлгудай зерикиб кетади одам, – деган эди.

Элла унинг гапини диққат билан эшитган ва бу ҳақида ўйлаб кўришини айтган эди.

Шундан буён кўп йиллар ўтган бўлса ҳамки, унинг ҳатто соч турмаги ҳам ўзгармаган эди – асал рангидаги узун ва тўғри сочларини ё елкаларига тушириб юрарди, ёки бир тутам қилиб боғлаб кўярди. Лабла-

рига бироз ранг беришини ва қовоқларини, қизининг айтишича, кўзларининг кўклигини бўрттириш ўрнига, яширадиган қилиб яшил қалам билан бироз бўяшини ҳисобга олмаганда, пардозга ҳам унча қизиқмас эди.

Умуман олганда, Элла ўзида нималардир етишмаслигини тусмол қилар эди. Гоҳо ўз гапида қаттиқ турадиган ва беандиша бўлиб кетиши мумкин эди (масалан, Жанетнинг никоҳ борасидаги режаларига муносабатида), гоҳо эса жуда пассив ва юввош эди (масалан, эрининг хулку атворига муносабатида). Гўё иккита Элла бордай эди: бири ўз атрофидагиларни қаттиқ назорат қилар эди, иккинчиси уларга сўзсиз бўйсунар эди. Ва афсуски! Улардан қай бири қачон амал қилишини айтиб бера олмас эди.

Лекин буларнинг ҳаммасини кузатиб юрадиган ва ўз вақту соатини кутаётган учинчи Элла ҳам бор эди. Айни мана шу Элла ўзининг буткул соқов ҳолатида қолиб кетгани, аммо ўзининг деярли бўғиб ташланган бу «мен»и ортида ғзаб ва исён тўлқини кўтарилаётгани ҳақида гапирар эди. Агар ишлар шу зайлда кетса, огоҳлантирар эди учинчи Элла, у, албатта, портлайди. Ва бошқа ҳеч нима қилиб бўлмайдиган бўлади.

Майнинг сўнгги кунлари шулар ҳақида ўйларкан, Элла қачонлардан буён қилмай қўйган ишини қилди. Дуо ўқий бошлади. Худодан ўзини буткул қамраб оладиган Ишқ насиб этишини ёки Ишқсизликдан азоб чекмаслиги учун ҳамма нарсага бефарқ қилиб қўйишини илтижо қилиб сўради.

– Ўтиниб сўрайман, қай бирини раво кўрсанг, шунисини қил, фақат тезроқ қил, – у бироз ўйлаб турди-да, яна қўшимча қилди. – Балки мен аллақачон қирққа тўлганимни унутган бўлсанг керак. Ва Ўзинг кўриб турибсанки, мен бу ишни сира уддалай олмаяпман.

Чўл атиргули, фоҳиша

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Тор кўча бўйлаб ортга қарашдан ҳам кўрққанча, бор кучим билан чопдим. Бозорга етганимда ўпкаларим оловдек ёнарди. Хушимдан кетаёзиб, деворга суняндим. Шундагина атрофга қарашга жасорат топдим. Ҳайрат ва қувонч билан изимдан фақат битта одам чопиб келаётганини кўрдим. Бу Сезам эди. Нафаси бўғилган, жаҳли чиққан ва нима учун менинг Конья кўчалари бўйлаб бундай телбаларча чопганимни сўрай ҳам олмасдан, ҳолсиз қўлларини осилтирганча ёнимда тўхтади.

Ҳаммаси шунчалик тез бўлган эдики, мен фақат бозорга етиб келганимдан кейингина, бу қандай бўлганини тушуниб етдим. Масжидда дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, Румийнинг ҳикматларга тўла хутбасини эшитиб ўтирган эдим. Шундай ўтирган эканманки, ёнгинамда ўтирган ёш йигитча менинг юзимни ўраб турган матонинг учини тасодифан босиб олганига ҳам эътибор қилмабман. Мен буни сезиб улгурмасимдан саллам ён томонга оғиб кетиб, юзим ва сочларим очилиб қолган эди. Дарҳол матони тортиб, салламини тўғрилаб, ҳеч ким ҳеч нима пайқаб қолмаганига ишонч ҳосил қилиб ваъзни эшитишда давом этдим. Лекин шу заҳоти биринчи қатордаги бир киши иржайиб қараб турганига кўзим тушди. Юзи тўртбурчак, қиррабурун, оғзи қулоғига етгудек бўлиб кулиб турарди. Бу Бейбарс эди.

Бизнинг ишратхона мижозлари ичида энг ярама-си шу Бейбарс эди, қизлардан ҳеч бири у билан бирга бўлишни исташмас эди. Баъзи эркаклар фоҳишаларни ёқтириш билан бир вақтда, уларни қаттиқ хафа қилишни ҳам яхши кўришади. Бейбарс шундайлардан эди. Ҳамиша беҳаё ҳазиллар қиларди. Бир марта қизлардан бирини шундай урган эдики, ҳатто пулни жуда яхши

кўрадиган бекамиз ҳам уни ҳайдаб солган ва бошқа бу ернинг остонасига яқин келмасликни буюрган эди.

Лекин у бир эмас, яна кўп марта келаверган эди. Бир неча ой шу тарзда қатнаган эди. Лекин кейин қандайдир номаълум сабабга кўра, ишратхонамизга келмай қолган ва биз у ҳақида бошқа ҳеч нима эшитмаган эдик. Ҳозир эса соқол ўстирипти, энг биринчи қаторда ҳақиқий мусулмон қиёфасида ўтирипти, фақат кўзлари аввалгидай жирканч йилтирар эди.

Мен дарҳол юзимни ўгирдим, лекин кечиккан эдим. Бейбарс таниб қолди. Ўз ёнида ўтирган одамга пичирлаб нималардир деди, кейин иккиси ҳам менга қарашди. Ундан кейин мени яна кимгадир кўрсатишди ва масжиддаги ҳамма эркаклар бирин-кетин ўгирилиб, менга қарай бошлашди. Мен қип-қизариб кетаётганимни сездим. Кўрққанимдан юрагим тез урарди, лекин ўрнимдан қўзғала олмас эдим. Гўё атрофдагилардан мени яшира оладигандай ва балони даф эта оладигандай кўзларимни юмиб олдим. Кўзларимни очганимда Бейбарс ўтирганларни итар-ситар қилганча мен томонга келарди. Мен сапчиб эшик томон отилдим, лекин зич ўтирган эркаклар орасида бўлганим учун тез қоча олмасдим. Бейбарс эса мен томон сакраб яқинлашарди ва шунчалик яқин келиб қолдики, ҳатто нафасини ҳис этдим. Кейин у қўлимни маҳкам ушлади ва тишлари орасидан гапириб деди:

– Бу ерда фоҳиша нима қиляпти? Сенда уят йўқ экан!

– Илтимос... илтимос, мени қўйиб юбор, – дея ғўлдирадим мен, лекин у эшитмади ҳам, менимча.

Шериги ҳам унга қўшилди. Кучли, қўрқинчли, тақаббур, ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонган эркаклар ғазаб билан менга ҳақоратлар ёғдира кетишди. Бошқа ён атрофдагилар ҳам шовқинга ўгирилиб қарай бошлашди. Бир неча одам буларни тартибга чақиришга

уриниб кўришди, лекин ҳеч ким уларга қулоқ солмади. Мени ташқарига судраб чиқишаётганларида ҳеч қандай қаршилик кўрсатмадим. Кўчага чиққанда атиги бир дақиқа, агар энг ёмон нарса бошланса, Сезам қочишимга ёрдам беради деган умид милтиллади. Лекин масжид ичида ваъзчига ҳурмат юзасидан ўзларини тийиб турган ва мени урмаган одамлар кўчада ўзларини бемалол қўя олишларини англадим.

Ҳаётимда кўп ишларни бошдан кечирганман, лекин ҳеч қачон бунчалик ночор аҳволга тушмаган эдим. Жуда узоқ йиллар шубҳа-гумонлар остида юриб биринчи марта Худо сари биринчи қадамни қўйсам-у, Унинг жавоби шу бўлдимми? Мени даргоҳидан қувиб чиқарди!

– У ёққа бормаслигим керак экан, – дедим Сезамга ва ўз овозимни ўзим танимай қолдим. – Ҳа, улар ҳам ўзларича ҳақли. Масжидда ҳам, Унинг бошқа даргоҳларида ҳам фоҳишага нима бор?!

– Ундай дема!

Буни ким айтганини билиш учун ўгирилдим ва кўзларимга ишонмадим. Бу ўша бесоқол дарбадар дарвиш эди. Сезам уни қайта кўриб турганидан жуда хурсанд, оғзи қулоғида куларди. Мен унинг қўлларини ўпиш учун интилдим, лекин у мени тўхтатди:

– Ундай қилма, илтимос.

– Лекин миннатдорлигимни қандай изҳор этай? Мени ўлимдан сақлаб қолдингиз.

У бефарқларча елкаларини қисди.

– Сен мендан ҳеч нима қарздор эмассан, – деди дарвиш. – Биз фақатгина Унинг олдида ҳаммаси учун қарздормиз.

У менга ўзини Шамс Табризий дея таништирди, кейин ғалати нарсаларни гапириб кетди:

– Баъзи инсонлар ажойиб аура (руҳий қувват ранги) билан туғилишади, лекин кейинчалик бу ранг хиралашади. Менимча, сен ҳам шундайлардансан. Бир

вақтлар сенинг ауранг сариқ ва пуштиранг холли оқ лолагулникидан ҳам тиниқроқ бўлган, лекин бирмунча вақтдан кейин у ўзгарган. Энди унинг ранги оч жигарранг бўлиб қолган. Наҳотки олдинги ҳолатингга қайтишни истамасанг?

Мен нима дейишни билмай, унга қараб қолдим.

– Сенинг ауранг аввалги рангини йўқотган, чунки узоқ вақт мобайнида сенга ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ифлос фоҳиша, деб қараб келишган.

– Мен ростдан ҳам ифлосман, – дедим лабларимни бир-бирига босиб. – Мен қандай йўл билан тирикчилик қилишимни билмайсизми?

– Кулоқ сол, бир нарсани ҳикоя қилиб берай, – деди Шамс.

Бир куни фоҳиша дайди итнинг ёнидан ўтиб кетаётган экан. Ит бечора жазирамада чанқовдан қаттиқ азоб чекаётган экан. Фоҳиша яқин орадаги қудуққа бориб оёғидаги кавушини ечиб, сув солиб итнинг чанқоғини қондирипти. Кейин ўз йўлидан кетипти. Эртаси куни у сўфийни учратипти, у буюк донишманд экан. У аёлнинг қўлини ўпипти. Аёл ҳайрон бўлипти. Сўфий аёлдаги итга бўлган раҳмдиллик чин қалбдан бўлганини ва бу унинг барча гуноҳларидан кучли эканини ва уларнинг барчасини ўша заҳоти ювиб юборганини айтипти.

Мен Шамснинг нима ҳақида гапираётганини тушуниб турардим, лекин негадир унга ишонмас эдим.

– Мен ҳатто Коньядаги барча итларнинг қорнини тўйғазсам ҳам, гуноҳларимни ювиш учун етарли бўлмайди, – дедим мен.

– Сен буни била олмайсан, буни фақат Худо билади. Нима, сени масжиддан ҳайдаб чиқарган эркакларни Худога ўзингдан кўра яқинроқ, деб ҳисоблайсанми?

– Агар улар Худога яқин бўлмасалар, – дедим мен ишонқирамай, – буни уларга ким айтади? Сенми?

Дарвиш бош чайқади:

– Йўқ, бу тўғри келмайди. Сен ўзинг уларга айтишинг керак.

– Улар мени эшитишади, деб ўйлайсанми? Улар мендан нафратланишади-ку!

– Улар эшитишади, – деди қатъий қилиб Шамс Табризий. – Чунки «мен» деган тушунча бўлмагани каби «улар» деган тушунча ҳам йўқ. Бутун олам, ундаги ҳамма нарсалар ўзаро боғланган. Биз – юзта ёки мингта ҳар хил мавжудотлар эмасмиз. Биз ҳаммамиз Бир бутунмиз.

Мен унинг ўз фикрини тушунтириб беришини кутиб турардим, лекин бунинг ўрнига деди:

– Қирқ қоиданинг биттаси шу. «Агар одамларнинг сенга муносабатлари ўзгарсин десанг, аввал ўзингнинг ўзингга муносабатингни ўзгартир. Ўзинг ўзингни чин қалбдан севишни ўрганмагунингча, сени ҳеч ким сева олмайди. Лекин бунга эришганингдан кейин ҳам одамлар сенга қарши отадиган барча тиканлардан миннатдор бўлишинг керак. Зеро, бу сенинг яқин орада атиргуллар ичига тушмоғингдан нишонадур». Дарвиш биров вақт жим қолди. – Агар ўз қадрингни ўзинг билмасанг, бошқалар сенинг қадрингни қандай билсин?

Унга бир оғиз сўз айта олмадим, лекин мен фаҳмига ета олмаган бир нарсага маҳкам ёпишиб олган эдим. Мен билан бирга бўлган эркакларни эслаб кетдим – уларнинг ҳидларини, қўлларини, ўша вақт... қандай бақиришларини... Ювошгина йигитчаларнинг махлуққа айланиб кетишларини ва махлуққа ўхшаганларнинг ювош болаларга айланиб қолишларини кўрганман. Аёллар билан бирга бўлганида унга туфлайдиган бир эркакни ҳам эсладим.

– Ифлос, – деган эди у менинг юзимга туфлаб, – ифлос фоҳиша.

Энди мана бу дарвиш менга баҳор жилғасидай мусаффолигимни уқтирмоқчи бўлаяпти. Бу худди аччиқ ҳазилга ўхшайди. Мен кулишга ҳаракат қилдим, лекин ҳўнграб йиғлаб юборишимга сал қолди.

– Ўтмиш – бу гирдоб. Агар унинг ҳозирни ўз соясида қолдиришига йўл қўйиб берсанг, у сени ўз тубига тортиб кетади, – деди Шамс худди менинг фикрларимни ўқигандай. – Вақт – бор-йўғи сароб. Сен ҳозирги дамда яшашни ўрганишинг керак. Фақат ҳозирги он аҳамиятга эга. Шу гапларни айта туриб у ички чўнтагидан ипак рўмол олди.

– Буни ол, – деди у. – Бағдодда бир яхши киши буни менга берган эди, лекин у мендан кўра сенга кўпроқ керак. У сенга юрагинг тозалигини ва қалбингда Худо борлигини эслатиб туради.

Шуларни айтгач, дарвиш ҳассасини қўлига олди ва кетиш учун ўрнидан турди.

– Лекин сен аввал фоҳишахонадан кетишинг зарур.

– Қандай қилиб? Қаёққа бораман.

– Бу муаммо эмас, – деди Шамс кўзлари чақнаб. – Мен сенга кўрсатган йўл бежавотир. Сен бунинг ўрнига энг биринчи қўядиган қадаминг ҳақида ўйла. Энг қийини шу. Лекин биринчи қадамни қўйган заҳотинг қолгани ўз-ўзидан бўлади. Оқимда сузма, оқимнинг ўзи бўл.

Мен бош силкитдим. Шамсдан ҳеч нима сўраш керак эмас эди. Бу унинг навбатдаги қондаси эканини тушунган эдим.

Ичкиликбоз Сулаймон

1244 йил, 17 октябрь, Конья.

Ҳазил-хузул ва майхўрлик қила-қила қовоқхонада ярим кечагача ўтирдим, кейин охирги қадаҳни кўтардим ва уйимга жўнадим.

– Мен нима деганим эсингда турсин, – деди хайр-лаша туриб Христос, ортимдан қўл силкитиб қоларкан. – Тилингга эҳтиёт бўл.

Мен ҳақимда қайғурадиган дўстим борлигидан ўзимни бахтиёр ҳис этиб, унга бош силкитдим. Лекин қоронғу, бўм-бўш кўчага чиқан заҳотим мени чарчоқ босди ва йўлга бир кўза май ола чиқмаганимга ачиндим.

Бошмоқларимнинг тош йўлга урилишидан эшитилаётган овозлар ҳамоҳанглигида Румий ортидан эргашган одамлар ҳақида хаёл сурардим. Уларнинг кўзларида ёнган нафратни эслаб даҳшатга тушардим. Мен дунёда ёмон кўрадиган фақат бир нарса бор, у ҳам бўлса риёкорлик эди. Узоқ йиллар мобайнида бу одамлар мени шунчалик ҳақоратлаб келдиларки, буни эслашнинг ўзидаёқ баданим жимирлаб кетади.

Мен буни эсламасликка ҳаракат қилиб борардим ва тор кўчага бурилдим. Шох-бутоқлари қалин ўсган дарахтлар туфайли бу ер яна ҳам қоронғуроқ эди. Боз устига ой ҳам тўсатдан булутлар ортига беркиниб, мени зим-зиё зулмат остида қолдирди. Тасодифан мен томонга келаётган икки қоровулни кўриб қолдим.

– Ассалому алайкум, – ғўлдирадим мен, вужудимни чулғаб олаётган кўрқувни беркитиш учун меъёрдан ортиқроқ хушчақчақлик билан.

Қоровуллар саломимга жавоб қайтаришмади. Бунинг ўрнига бемаҳалда кўчада нима қилиб юрганимни сўрашди.

– Кетаяпман, – чўзилиб дедим мен.

Биз узоқлардан фақат итларнинг вовуллашлари эшитилиб турган сокинликда бирга турардик. Қоровуллардан бири ҳидлаб кўрди.

– Ундан қўланса ҳид келяпти, – деди у нафрат билан.

– Ҳа, ундан шароб ҳиди анқияпти, – тасдиқлади унинг гапини иккинчиси. Мен агар бироз ҳазил қилсам ҳеч нима бўлмас деб ўйладим.

– Хавотир олманг. Бу ҳид мажозий, холос, чунки му-
сулмонларга фақат мажозий майни ичишга рухсат бе-
рилган, шунинг учун бу ҳид ҳам фақат мажозий.

– Бу нима деб валдираяпти? – тўнғиллади биринчи
қоровул.

Шу пайт атрофни нафис оқ нури билан ёритиб ой
булут ортидан чиқди. Энди унинг юзини кўрдим. Агар
совуқ қараши ва ёқимсиз иржайиши бўлмаганида, уни
хушрўй деса ҳам бўлар эди.

– Бемаҳалда кўчада нима қилиб юрибсан? – саволи-
ни такрорлади қоровул. – Қаёқдан келаяпсан ва қаёққа
кетаяпсан?

Бу ёғига мен чидай олмадим: – Ўғлим, сен мендан
ҳаддан зиёд мураккаб нарсаларни сўраяпсан. Жавоби-
ни билганимда эди, бу оламда мавжудлигимиз сирла-
рини очган бўлардим.

– Устимдан куляпсанми, хайвон? – бўкирди қоровул
ва мен бирон нарсани фаҳмига етишга улгурмасимдан
қамчиси билан ҳавони савалади.

Бу шунчаки хўжакўрсинга қилинган ҳаракат эди,
шунинг учун ўзимни тутиб тура олмадим ва «ҳмм» деб
юбордим. Шунда у қамчиси билан кўкрагимга тушир-
ди. Шундай кучли, дабдурустдан ва оғритиб урдики,
натижада мен мувозанатни йўқотдим ва оёқда тура
олмай қалқиб кетдим.

– Бу сенга одобдан сабоқ бўлади, – деди қоровул
қамчисини бир қўлидан иккинчисига олиб ўйнатар-
кан, – ичкиликбозлик мусулмон учун энг катта гуноҳ
эканини билмайсанми?

Бошим оғриқдан ёрилгудек оғриётган ва оғзимда
ўз қонимнинг илиқ таъмини туйиб турган бўлсам-да,
ўғлим тенги ёш йигит мени кўчанинг қоқ ўртасида са-
валаганига ишона олмай турардим.

– Ур, урақол мени, – бақирдишга ҳаракат қилдим
мен. – Агар Худонинг жаннати сендақалар учун бўлса,
унда мен дўзахда ёнганим яхшироқ!

Қоровулнинг ғазаби қайнаб мени савалай кетди. Мен юзимни қўлларим билан тўсдим, лекин фойдаси бўлмади. Бир эски ашула эсимга тушиб қолиб, ёрилган лабларим билан хиргойи қила бошладим. Аҳволим қанчалар оғирлигини билдирмаслик учун ҳар сафар қамчи тушган сари овозимни янада баландлатиб ашула айтардим.

*Бир бўса тортиқ эт, эй ёр, ишқи оташим,
Лабинг шаробидан қуйгил, айлансин бошим.*

Лекин бу қоровулнинг ғазабини фақат кучайтираётган эди. Қанча баланд овозда куйласам, у мени шунча қаттиқроқ урарди. Бир одам ичига шунча ғазаб жо бўлиши сира хаёлимга келмаган эди.

– Етади, Бейбарс! – қўрқиб кетган иккинчи қоровулнинг овозини эшитдим мен. – Тўхта!

Савалаш қандай тўсатдан бошланган бўлса, шундай тўсатдан тўхтади. Мен уларнинг кетидан нимадир айтишни истар эдим, лекин оғзим тўла қон бўлгани учун бирон сўз айта олмадим. Қорним оғрирди ва нима бўлаётганимни тушунишга улгурмаёқ қайд қилиб юбордим.

– Сен тамом бўлган одамсан, – деди менга Бейбарс. – Лекин мен қилган бу иш учун сен мени эмас, ўзингни айблашинг керак.

Қоровуллар менга орқаларини ўгиришди ва қоронғу томонга юриб кетишди.

Ерда қанча ётганимни билмайман. Балки икки дақиқа ўтгандир ё балки кечаси билан ётгандирман. Вақтнинг маъноси, умуман, барча нарсаларнинг маъноси қолмаган эди. Мени қоронғуда қолдириб, Ой ҳам яна булутлар ортига беркинган эди. Мен ҳаёт билан ўлим орасида эдим ва энди менга ҳаммаси барибир эди. Кейин карахтлик ҳолати ўтиб кетди ва қаттиқ оғриқ

бошланди. Оғриқ тўлқин каби чайқалиб келарди, бошим гувилларди, бутун вужудим мисоли оловда ёнарди. Ва мен яраланган ҳайвон каби увиллаб юбордим.

Ҳушимдан кетдим, шекилли. Ўзимга келганимда, иштоним ҳўл ва ундан сийдик ҳиди анқирди. Бутун танам қаттиқ оғрирди. Худодан ё жонимни олишини, ёки май ичишга имкон беришини илтижо қила бошладим ва шунда яқинлашиб келаётган қадам товушларини эшитдим. Юрагим шошилинич уриб кетди. Бу ким бўлди? Кўчада юрган болаларданми?

Ўғрими? Ё қотилми? Аммо ўйлаб қолдим: Нимадан кўрқаяпман ўзи? Шу ҳолатимдан ёмони бўлмайти-ку ахир!

Қоронғуликдан баланд бўйли озғин бесоқол дарвиш чиқиб кела бошлади. Ёнимга чўкиб менинг ўтиришимга ёрдам берди. Ўзини Шамс Табризий эканини айтди ва менинг исмимни сўради.

– Коньялик Ичкиликбоз Сулаймон хизматингизда, – дедим мен, уриб синдирилган тишимни туфлаб ташлаб. – Танишганимиздан хурсандман.

– Ҳамма ёгингиз қон, – деди Шамс юзимдаги қонни артаркан. – Қон фақат ташқарига эмас, ичкарига ҳам оқаяпти.

У шундай деб чўнтагидан кумуш сувдон олди.

– Яраларингизга суртинг. Бағдодлик бир яхши инсон менга берган эди, лекин ҳозир бу сизга мендан кўра кўпроқ керак. Лекин сиз ичкаридаги жароҳатларингиз ташқаридагиларга қараганда чуқурроқлигини ва кўпроқ азоб беришини билишингиз керак. Яна бу сизга Худо ичингизда эканини ҳам эслатиб туради.

– Раҳмат, – ғўлдирадим мен дарвишнинг яхшилигидан таъсирланиб кетиб. – Бу... қоровул... У мени савалади. У мени шунга лойиқсан деди.

Шу сўзларни айтар эканман, овозимда болаларга хос йиғлоқи мунг ва кимдир мени тинчлантириши ва

овутишига бўлган кучли истак борлигидан ўзим лол қолдим.

Шамс Табризий бош чайқади:

– Уларнинг бундай қилишга ҳақлари йўқ эди. Ҳар бир инсон ўз авлиёлик йўлини ўзи танлайди. Шундай қоида бор: «Биз ҳаммамиз Унинг ўзидан нусха олиб ва ўзига монанд қилиб яратилганмиз, аммо шунинг билан бирга, ҳаммамиз ҳар турли қилиб ва бир-биримизга ўхшамайдиган қилиб яратилганмиз. Иккита бир хил одам йўқ. Иккиси бир маромда тепувчи юрак йўқ. Агар Худо барча одамлар бир хил бўлишини истаса, уларни бир хил қилиб яратган бўлар эди. Шунинг учун бошқа инсонларга ҳурматсизлик билан қараш ва уларга ўз фикрини мажбурлаб қабул қилдириш, Худонинг режасига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишни билдиради».

– Ёқимли гап, – дедим овозим шунча тез қайта тикланганидан ҳайратга тушар эканман. – Наҳотки сўфийларда Худо борасида ҳеч қандай шубҳали масалалар бўлмаса?

Шамс жилмайди:

– Бор, албатта, лекин шубҳаларнинг борлиги ёмон эмас. Уларнинг борлиги инсон тириклигини ва ўз ҳақиқатини излаётганини англатади.

У деярли қироат билан худди китоб ўқиётгандай гапирарди.

– Боз устига инсон бир ондаёқ эътиқодли бўлиб қолмайди. У ўзини эътиқодли деб ўйлайди, кейин ҳаётида уни эътиқоддан қайтарадиган ҳодиса рўй бериб қолади, кейин яна эътиқодга қайтади, кейин уни яна йўқотади ва ҳ.к. Биз ҳаётни муайян даражада тушуниб етмагунимизча, иккиланиб юрамиз. Бошқачасига олдинга силжий олмаймиз. Лекин ҳар бир қадамимиз бизни Ҳақиқатга яқинлаштириб боради.

– Агар Христос сени эшитса, тилингга эҳтиёт бўл, деган бўларди, – дедим мен. – У ҳар гапни ҳаммага ҳам айтиб бўлавермайди, деб ҳисоблайди.

– Ҳа, майли, у ҳам ўзича ҳақли, – кулди Шамс ва ўрнидан турди. – Туринг, мен сизнинг уйингизга кузатиб қўяман. Ҳали жароҳатларингизга қараш керак, яна ухлаб олсангиз ҳам ортиқча бўлмайди.

У менинг туришимга ёрдам берди, лекин мен юра олмадим. Шундан кейин дарвиш ҳеч иккиланмасдан, худди ҳеч қандай оғирлиги йўқ нарсани кўтаргандай мени даст кўтариб, опичлаб олди.

– Сизни огоҳлантирай, мендан сассиқ ис анқияпти, – дедим мен уялганча ғўлдираб.

– Ҳечқиси йўқ, Сулаймон, хижолат бўлманг.

Дарвиш, қонга беланганимни, сийдик ва қусуқ ҳиди келаётганини ғўё пайқамаётгандай, мени чуқур уйқуга чўмган Коньянинг уйлари ва кулбалари орасидан ўтган тор кўчалари бўйлаб кўтариб кетди. Фақат итлар боғларнинг деворлари ортидан зўр бериб вовуллашарди.

– Мени ҳамиша сўфийлар поэзиясидаги майга муносабат қизиқтирар эди, – дедим мен. – Сўфийлар майни реал маънода тушунадиларми ёки мажозий маънодами?

– Нима фарқи бор, дўстим? – сўради Шамс, уйимга етганда мени ерга қўяр экан. – Буни тушунтирадиган ўз қондаси бор: «Чин эътиқодли инсон майхонага кирса, майхона унинг учун ибодатхонага айланади, ичкиликбоз ибодатхонага кирса, ибодатхона майхонага айланади. Барча ишларимизда энг асосийси қалбдир. Сўфийлар инсон ҳақида ташқи кўринишига қараб ҳукм чиқармайдилар. Сўфий кимнидир кўрмоқчи бўлса, кўзларини юмади, лекин учинчи – ичкарини кўрадиган – кўзини очади».

Бу узоқ кундан ва оғир тундан кейин уйда ёлғиз қолиб, содир бўлган ҳодисалар ҳақида ўйлаб кетдим.

Мен оғир аҳволда эдим, аммо қалбимнинг энг тубидаги бахтиёр сокинликни ҳис этардим. Бир дақиқа мен бу ҳолатни тутиб ололдим ва уни бошқа қўйиб юбормасликка аҳд қилдим. Мен Худо борлигини ва У мени яхши кўришини англадим.

Қизиғи шунда эдики, гарчи савалаб ташланган эсам-да, оғриқ азобини ортиқ ҳис этмас эдим.

Элла

2008 йил, 3 июнь, Нортгемптон.

Пляж томондан очиқ дераза орқали кириб келаётган ашула овозларига, уй ёнидан ўтаётган машиналар ва қуёшда тобланишга улгурган талабалар шовқинига беихтиёр қулоқ соларкан, беташвиш ёшларни кузатиш билан бирга Элла беихтиёр кейинги кунларда содир бўлган ҳодисаларни ҳам хаёлидан ўтказарди. Биринчидан, ити ошхонада ўлиб қолганини кўрди. Гарчи бунга тайёр туриши кераклигини ўзига кўп марта айтган эса-да, у нафақат чинакам қайғуни бошдан кечирди – унда ўзининг ҳимоясизлиги ва ёлғизланиб қолгани туйғуси ҳам пайдо бўлди. Иккинчидан, Элла Орлида булемия касаллиги борлигини ва барча синфдошлари буни аллақачон билишларини билди. Элла бунинг учун ўзини шунчалар айбдор ҳис этардики, ҳатто кичик қизига яқин бўла олганидан ва ўзида оналик туйғуси борлигидан ҳам шубҳаланиб қолди. Айбдорлик ҳиссини-ку у биринчи марта туяётгани йўқ эди, аммо ўзининг оналик туйғусига шубҳа унда биринчи марта пайдо бўлиши эди.

Шу вақт ичида Элла Азиз З. Захара билан жуда кўп электрон мактублар алмашишди. Баъзан бир кунда икки-учта, баъзан эса ҳатто бешта хат бўлиб кетар эди. Элла ҳамма нарса ҳақида ёзаверар эди ва шуниси ажабланарли эдики, у ҳам сира қанда қилмай бетўхтов жавоб қайтарарди. Қаёқдан вақт топар экан? У Азиз билан хат ёзишувларга жуда тез ўрганиб қолди ва қу-

лай вақт келди дегунча биринчи ўринда почтани текширарди – энг олдин эрталаб туриб, кейин нонуштадан кейин, кейин эрталабки сайрдан қайтгач ва ланч (иккинчи нонуштани) тайёрлай туриб ва ҳатто интернет-кафега бирровга кирганида ҳам. Ҳатто телевизор кўраётганида ҳам, пазандалик клубидаги машғулотлар вақтида ҳам, телефонда гаплашатуриб ҳам ёки эгизаклари суҳбатига қулоқ солиб туриб ҳам, ҳамиша ноутбукини тиззасида олиб ўтирар эди. Азиздан янги хат келмаган вақтларда Элла эскиларини қайта ўқир, навбатдаги янги хатни кўрган заҳоти эса ҳар сафар қувончини яшира олмас ва чехрасида уятчан табассум пайдо бўлар эди.

Бир текис, осуда кечаётган ҳаёт ўтмишда қолганини тушуниши учун Эллага унча кўп вақт керак бўлмади. Унинг ҳаётида сир пайдо бўлган эди. Ва бу унга ёқарди.

Азиз оз билан қаноатланадиганлардан эмас эди. Қалб қонунларига бўйсунмайдиган, кунгабоқар қуёшга очилгани ва интилгани каби, ишқ учун очилмайдиган ва унга бўйсунмайдиганларни тирик одамлар ҳисобига қўшмас эди. (Тирик бўлмаганлар ҳисобига ўзи ҳам кириши мумкинлиги Элланинг хаёлига келмас эди.) Азиз об-ҳаво ҳақида ёки яқинда кўрган фильми ҳақида ёзмас эди. У анча муҳим нарсалар ҳақида: ҳаёт, ўлим ва албатта, ишқ ҳақида ёзарди. Элла ўз туйғуларини, айниқса, бегоналарга ошкор намоён этадиганлардан эмас эди, лекин жуда йиғилиб кетган ва оғриқли туйғуларини ниҳоят тўкиб солиши учун унга айнан бегона керак бўлгандир ҳам.

Гарчи уларнинг ёзишмаларида ёқтиришга ўхшаш нимадир бор бўлса ҳамки, Элланинг назарида, бу буткул беғубор нарса эди. Виртуал ишва бўлса нима қилипти? Шу ёзишмалар баҳонасида Элла турмушга чиққач, буткул йўқотилган қадру қимматидан озгинаси бўлса ҳам

қайтишини умид қиларди. Азиз, аёл киши ўзининг ўзига ҳурматини йўқотмаган ҳолда, севиш мумкин бўлган эркакка ўхшар эди. Балки у ҳам ўрта ёшли америка аёлида ўзини қизиқтирадиган ниманидир топгандир. Кибермайдон айбдорлик ҳиссини туймасдан (бу Эллага маъқул эди, зеро у бусиз ҳам айбдорлик ҳиссини ҳаддан зиёд кўп туюб келган эди) ишва қилиш ва ҳеч қандай хавф-хатарсиз саргузашт бошдан кечириш (ҳеч қандай саргузашт бошдан кечирмаган Элла буни жуда истар эди) имконини берар эди. Бу тақиқланган ва лекин беҳатар мева эди.

Балки, эри бор, уч боланинг онаси бўлмиш аёлнинг номаълум кишига ёзаётган яширин хатларини шаккоклик деб ҳисоблаш мумкиндир ҳам. Аммо бу муносабатларнинг платонча (фақат хаёлий) табиатга эга эканини ҳисобга олинса, дея хулоса қиларди Элла, бу ширин шаккоклик эди.

Элла

2008 йил, 5 июнь, Нортгемптон.

Қадрли Азиз!

Хатларингиздан бирида киши ўз ҳаётини оқилона назорат қила олиши ғояси уммонда сузиб юрган балиқнинг шу уммонни назорат қилишга уриниши каби бўлмағур (абсурд) ғоя, деб ёзган эдингиз. Мен Сизнинг «Кутганимиз амалга ошмаган ҳолларда ўзликни билиш ҳақидаги фикр умидларнинг пучга чиқиши ва ихлоснинг қайтиши оқибати бўлади» деган жумлангиз ҳақида кўп ўйладим.

Лекин тан олишим керак: менга ҳаётни назорат қилиш ёқади. Ҳар ҳолда, мени яхши билган одамлар мен ҳақимда шундай дейишади. Сўнгги вақтларга қадар мен жуда қаттиққўл она бўлиб келганман. Менинг қоидаларим кўп (ва улар агар ишонсангиз, сўфийларнинг қоидаларидай унча ёқимли эмас), уларда ҳеч кимга ён босиш

йўқ, Бир куни катта қизим мени болалар ҳаётини кавлаштиришда ва ҳар бир фикрларидан ва истакларидан гуноҳ ахтаришимда айблади.

Эсингиздами, бир ашула бор эи. Мен уни ёқтирмас эдим. «Нима бўлади, нима бўлади?» – бу менинг йўлим эмас, чунки мен оқим бўйлаб суза олмайман. Биламан, Сиз диндорсиз, мен эса – йўқ. Гарчи бизнинг оиладагилар ҳаммамиз шанба кунлари байрам қилсак ҳамки, мен ҳатто ўзимнинг охирги марта қачон ибодат қилганимни ҳам эслай олмайман. Йўқ, эсладим. Икки кун олдин ошхонада ибодат қилган эдим. Аммо бу ҳисобга кирмайди, чунки у ибодатдан кўра шикоятга кўпроқ ўхшарди.

Анча илгари, коллежда ўқиётганимда, шарқ динларига жуда қизиқиб қолгандим ва буддизм, дзен-буддизм ҳақида кўп ўқигандим. Ҳатто ғаройиботлар шайдоси бўлган бир дугонам билан ҳиндларнинг ашрамида (диний-мистик таълим мактабида) бир ой яшаш режасини ҳам тузган эдик, лекин бу қизиқиш узоққа бормаган эди. Бу қанчалик қизиқарли кўринмасин, лекин ҳозирги ҳаёт нуқтаи назаридан қараганда уни қабул қилиб бўлмайди. Шундан буён мен бу борадаги фикримни ўзгартирмадим.

Менинг динга бўлган бу муносабатим Сизни хафа қилмайди, деб умид қиламан. Бунинг Сизга бефарқ бўлмаган инсоннинг шунчаки очиқ фикри деб қаранг.

Сизга самимият билан

Элла.

Азизам Элла!

Хатингиз менга Амстердамдалигимда, Малавига кетай деб турганимда етиб келди.

Менга ОИТС авжига чиққан ва болаларнинг асосий қисми етимлар бўлиб қолган қишлоқ аҳолиси фотосуратларини олиш топшириғини беришди. Агар бирон

ҳодиса халал бермаса, тўрт кундан кейин қайтаман. Кўрамиз.

Мен бу ҳолни назорат қила олармидим? Асло! Аммо эртагаёқ боғланиш бўлиши учун ўша ердан туриб Интернетга кириш йўлини ахтараман. Сўфийлар бешинчи элементни (унсурни, яъни борлиқ асосида ётувчи тўрт унсурдан – сув, ҳаво, олов ва тупроқдан кейинги унсурни) бўшлиқ деб атайдилар. Бу биз оддий одамлар учун тушунарсиз ва назорат қилиб бўлмайдиган муқаддас унсур, лекин биз уни ҳамиша англай оламиз. Агар «нофаоллик» деганда инсоннинг ҳаётда мутлақо ҳеч нима қилмаслиги ва ҳаётга жиддий интилмаслиги назарда тутилса, мен бундай «нофаол»лик ғоясига ишонмайман. Лекин мен бешинчи унсурга бўлган эътиқодга ишонаман.

Менимча, биз ҳаммамиз ҳам Худо билан шартлашиб олганмиз. Ҳар ҳолда, мен учун шундай бўлган.

Сўфийликка қадам қўйганимда Худога кучим етганича ҳамма эзгуликларни қилишга ваъда берганман. Мен ҳаётда ўзим тушуна олмайдиган нарсалар борлигини қабул қиламан. Менга нарсаларнинг фақат айрим қисмлари, бўлаклари кўринади, холос, лекин БУТУН режа менинг тафаккурим доирасига сиғмайди. Сиз мени диндор деб ҳисоблаяпсиз. Лекин ундай эмас.

Мен спиритуалистман, бу эса бошқа нарса. Диндорлик билан руҳонийлик (спиритуализм) орасида катта фарқ бор. Бизнинг давримизда улар орасидаги жарлик мислсиз чуқурлашиб кетган.

Атрофимдаги жараёнларни кузатар эканман, ҳамиша қийин ҳолатда бўламан. Биз, бир томондан, индивидуумнинг (айрим олинган шахснинг) Худодан, ҳокимиятдан, жамиятдан эркин эканига ва нарсалар устидан ҳукм юрита олишига ишонамиз, аммо ишончимиз ортган сари тобора ўз ичимизда беркиниб (чекланиб) бораяпмиз, дунё эса тобора моддийлашиб бораяпти.

Иккинчи томондан эса, бутун инсониятда руҳийлик жиҳати тобора ортмоқда. Биз узоқ вақтлар мобайнида тафаккурга (АҚЛГА) таяниб яшаб келдик, энди эса унинг ЧЕГАРАСИ борлигини англашимизга тўғри келадиган давр келганга ўхшайди. Бизнинг давримизда худди Ўрта асрларда бўлгани каби, руҳий портлаш содир бўлаётгани кузатилаяпти. Ғарбда тобора кўпчилик одамлар ўзларининг серғалва ҳаётларида руҳиятлари учун ички майдон ажратишга ҳаракат қилмоқдалар. Гарчи уларнинг ниятлари эзгулик эса-да, лекин амалга ошириш воситалари кўпинча тўғри эмас. Руҳият эски овқатга қўшиш мумкин бўлган янги зиравор каби эмас. Яъни у тубдан янгиланишсиз, ўз ҳаётимизга шунчаки қўшиб қўйишимиз мумкин бўлган нарса эмас.

Мен Сизнинг пазандачилиқни яхши кўришингизни биламан. Сиз Шамснинг, бутун олам буюк бир нарса ширилаётган каттакон дошқозондир, деган гапидан хабардормисиз? Унда нима ширилаётгани бизга ҳозирча номаълум. Лекин биз нимаики қилсак, ҳис этсак ва ўйласак, ҳаммаси шу қайнатма таркибига киради. Ва биз ўзимиздан бу қозонга нима солаётганимизни сўрашимиз керак. Хафагарчилигимизни, қаҳру ғазабларимизни, жаҳлимизни қўшмаяпмизми? Ёки бу қозонга Ишқимизни (меҳру муҳаббатимизни) ва мутаносиблик, уйғунликларимизни қўша олаяпмизмикин?

Сизга келганда-чи, азизам Элла, инсоният шириётган бу таомга Сиз нима қўшаяпман деб ўйлайсиз?

Мен ўзим, Сиз ҳақингизда ўйлаган вақтимда, чуқур табассумимни қўшаяпман.

Сизга меҳру муҳаббат ила,

Азиз.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ШАМОЛ

(...ҳаракатдаги, бир жойдан бошқасина кўчиб турадиган нарсалар шубҳа остида бўладилар)

Фанат

1244 йил, 19 октябрь, Конья.

Очиқ деразадан эшитилаётган итларнинг зўр бериб вовуллаши менга сира уйқу бермади. Улар уйга кирмоқчи бўлаётган ўғри ёки кўчадан ўтаётган ифлос ичкиликбозни пайқадимикин, деган хаёлда тўшакдан туриб ўтирдим. Одам ўз ўрнида бемалол ухлай олмайдиган бўлиб қолипти энди. Ҳамма ёқда ёқалашувлар ва бузуқликлар. Илгари бундай эмас эди. Атиги бир неча йил аввал бу шаҳар яшаш учун энг хавфсиз эди. Хулқий бузилишнинг бою камбағалга, ёшу қарига бирдай юқумли бўлган ва тўсатдан пайдо бўлиб, ҳамма ёққа тарқаладиган жирканч юқумли касалликдан фарқи йўқ.

Шаҳримиз бугун шундай ҳолатда. Агар мадрасада ўз ўрним бўлмаганида эди, онда-сонда бўлса ҳам уйдан чиқиб туришга журъат топа олмаган бўлармидим. Раббимга шукурлар бўлсинки, шаҳар жамоаси манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўрадиган ва эртаю кеч Коньяда тартиб сақланишига хизмат қиладиган одамлар бор. Жияним Бейбарс шулардан бири. Биз у билан фахрланамиз. Шундай кечки пайт жиноятчи, разил ва ичкиликбоз кишилар юрадиган вақт, Бейбарс ўзининг қоровул-ўртоқлари билан бизни ҳимоя қилиб юрипти.

Акам бевақт вафот этгач, мен унинг ўғлига васий бўлгандим. Ёш ва қатъиятли Бейбарс қоровуллик қила бошлаганига ярим йил ҳам бўлди. Бейбарс бу ишга менинг мударрислигим туфайли эришди, деган ғийбатлар ҳам бўлди. Бўлмағур гап! Бейбарс ўзи жуда кучли ва умуман, унда бу иш учун керакли ҳамма нарса бор. Ундан жуда яхши аскар чиқиши мумкин эди. У Қуддусга боришни ва салибчиларга қарши жанг қилишни истаган эди, лекин биз хотиним билан Бейбарс энди улғайиб қолди ва оилали бўладиган вақти келди, деган қарорга келдик.

– Ўғлим, сен бизга шу ерда кераксан, – дедим мен. – Бу ерда ҳам жанг қилишинг керак бўлган одамлар бор.

Тўғриси ҳам шу. Айти ўша куни эрталаб мен хотинимга биз жуда оғир вақтларда яшаётганимизни айтгандим. Ҳар куни бирон янги фожиа ҳақида эшитиб турардик.

Мўғуллар шиддат билан бостириб келиши, салибчиларнинг ғалаба қилишлари, шаҳар ва қишлоқлар бирин-кетин ғайридинлар тажовузи қурбонига айланиши, барчасига сохта мусулмонлар, яъни сўзда бор-у, амалда йўқ мусулмонлар айбдор. Одамлар Худо билан боғланишни йўқотган заҳоти йўлдан тоядилар. Мўғуллар гуноҳларимиз учун бизга жазо сифатида юборилган. Гап мўғулларда эмас, бунинг ўрнига зилзила, очарчилик ёки тўфон бўлиши ҳам мумкин эди.

Биз сабабни билгунимизча ва тавба қилмагунимизча, яна қанча бахтсизликларни бошдан кечиришимиз керак экан? Бир кун осмондан ёмғир ўрнига тош ёғишини ўйласам, кўрқиб кетаман. Кун келиб – ва бу кун узоқ эмасга ҳам ўхшайди – ҳаммамиз Од ва Самуд қавмлари сингари ер юзидан супуриб ташланиши мумкин.

Боз устига сўфийлар. Улардан ҳам яхшилик кутиб бўлмайди. Мўмин мусулмоннинг ақли бовар қилмайдиган нарсалар ҳақида гапириб, ўзларини мусулмон

деб аташга қандай журъат қилишар экан? Ўзларининг аҳмоқона қарашларини баён эта туриб, яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) номларини тилга олганларини эшитганимда томирларимда қоним қайнайди. Уларнинг айтишларича, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) учун эътиқодсизларга қарши жанг қилиш кишининг ўз нафсига қарши жанг қилишига нисбатан кичик жиҳод эмиш. Инсон дунёга келганидан буён жанг олиб бориши керак бўлган яккаю ягона душман нафс, деб ҳисоблашади сўфийлар. Бу гап чиройли эшитилади, аммо қизиғи шундаки, ислом душманларига қарши жанг олиб боришда бу қандай ёрдам берар экан?

Сўфийлар бундан ҳам бадтарини айтишади – шариат – йўлдаги бир босқич, холос, дейишади улар. Қизиқ, бу қандай босқич экан? Бу ҳам етмагандай, яна маърифатли инсонни дастлабки босқичдаги қондалар билан чеклаб қўйиш мумкин эмас, деб даъво ҳам қилишади. Уларга ўзлари юқори босқичга эришган деб ҳисоблаш ёқади, шунинг учун ўзларини шариат қонунларига бўйсунмасликлари мумкин деб ҳисоблашади. Улар май ичишади, рақс тушишади, шеър ёзишади, расм чизишади ва улар учун бу ишлар ШАРИАТ ҳукмларини бажаришдан муҳимроқ эмиш. Шунингдек, уларнинг фикрича, исломда юқори ва қуйи нуфузларга ажратиш йўқ бўлгани учун ҳар бир инсон Худони фақат ўзи англамоғи керак. Бир қарашда бу беғараз гапга ўхшайди, лекин бунинг ортида динда нуфузларга бўйсуниб бўлмаслиги керак, деган нарсани яширинган!

Сўфийларга қулоқ солсангиз, Қуръонда жуда кўп ноаниқ мажозлар, сирли ишоралар бор дейишади ҳам. Уларнинг фикрича, муқаддас китобдаги ҳар бир сўз оят ва бутун матннинг сон қимматига мутаносиб экан;

улар Худонинг пайғомини оддий ва тушунарли ўқишни қийинлаштирадиган ишларни қиладилар.

Баъзи сўфийлар ҳатто инсонни «гапирувчи Қуръон» деб ҳам аташади. Ахир бу шаккоклик бўлмай, нима? Яна дарбадар юрувчи дарвишлар ҳам бор – улар ҳам беҳаловат мусулмонлар. Қаландарлар, Ҳайдарийлар, камийлар – турли-туман номлари бор. Улар ҳаммадан ҳам ёмон. Бир жойда ўтира олмайдиган одамдан нима ни кутиш мумкин? Кишида бирон бир жамоага тегишлилик ҳисси бўлмаса, у худди шамолда учган қуруқ япроқ каби ҳар қандай йўналишда «учиши» осон-ку! Ва у шаксиз шайтоннинг макрига учрайди.

Файласуфлар ҳам сўфийлардан тузукроқ эмас. Улар ўзларининг чекланган тафаккурлари билан чексиз оламни билиш мумкин деб ўйлашади. Мен сўфийлар билан файласуфлар ўзаро келишувда эканликларини кўрсатадиган бир ҳикояни биламан.

Бир куни файласуф билан дарвиш учрашишипти ва улар бир-бирларига жуда ўхшар эканлар.

Улар кун бўйи гаплашишипти, гаплари бир-бирларига айнан мувофиқ экан.

Ниҳоят, хайрлашганларидан кейин, файласуф суҳбат ҳақида: «У мен билган нарсаларни тушунади», деган экан.

Сўфий эса: «Мен тушунган нарсаларни у билади», деган экан.

Демак, сўфий тушунаман, деб ўйлайди, файласуф эса биламан, деб ўйлайди. Мен эса улар ҳеч нимани тушунишмайди ва билишмайди, деб ўйлайман.

Наҳотки оддий, чекланган бандалар ўзлари учун мумкин бўлганидан ортиғини била олмасликларини

ва тушуна олмасликларини англашлари қийин бўлса? Бандаси фақатгина Худонинг борлигини англай олади, холос. Бўлди. Бизнинг вазифамиз Худонинг таълимотини талқин этиш эмас, унга бўйсунидир.

Бейбарс уйга қайтганида, у билан шулар ҳақида гаплашамиз. Шунга одатланганмиз. Ҳар куни кечаси қоровулликдан кейин хотиним тайёрлаб олиб кирган шўрвасини ичади ва биз дунёда нималар бўлаётгани ҳақида гаплашамиз. Унинг иштаҳа билан овқат ейиши менга ёқади. У кучли бўлиши керак. Шижоатли ёш йигитга бизнинг худобехабарлар шахримизда қиладиган иш кўп.

Шамс

1244 йил, 30 октябрь, Конья.

Румий билан учрашув арафасидаги уйқусиз тунда карвонсарой меҳмонхонасидаги ўз хонамнинг айвончасида ўтирибман. Худо яратган коинотнинг буюклигини ҳис этиб, қалбим завққа тўлган. Қаёққа қараманг, ҳаммаёқда Уни кўрасиз ва Уни топасиз.

Шу бугун ўзим учратган кишиларни эсладим – тиланчини, фоҳишани, ичкиликбозни. Ҳаёт мушкулотлари ва Ундан бегоналашув туфайли азоб чекаётган оддий инсонларни. Ўзларининг фил суягидан ясалган қасрларида яшовчи файласуфлар бу одамларга эътибор бермайдилар. Қизиқ, Румий ҳам шундайлардан эмасмикин? Агар шундай бўлса, мен уни бу бебахтлар билан боғлайман.

Шаҳар аста-секин уйқуга чўмди. Ҳатто тунда ухламайдиган ҳайвонлар ҳам тун сокинлигини бузишга журъат эта олмайдиган вақт бошланди. Бундай дамларда мени мислсиз қайғу чулғаб олади ва шаҳар сукунатига қулоқ соламан. Ёпиқ эшиклар ортида нималар бўлаётганини ва агар бу йўлни эмас, бошқа йўлни

танлаганимда нималар бўлиши мумкинлигини билиш менга қизиқарли. Лекин менда танлаш бўлмаган. Йўлнинг ўзи мени танлаган.

Мен бир ривоятни эслайман. «Бир дарбадар дарвиш бегоналарни ёқтирмайдиган шаҳарга келиб қолипти. «Кет, – деб қичқиришипти унга. – Сени бу ерда ҳеч ким танимайди!» Дарвиш эса уларга хотиржам жавоб берипти: «Тўғри, лекин мен ўзимни танийман ва ишонтириб айтаманки, агар бунинг акси бўлса ёмон бўларди».

Ҳамон мен ўзимни билибман, демак, ҳаммаси яхши бўлади. Ўзини билган Худони биледи.

Ой нури мени ёритди. Енгилгина ёмғир ёғди, у ми-соли ипак рўмолнинг тегиши каби майин эди. Бунинг учун Худога шукрона айтдим ва барча ишларимда ўзимни унинг азму иродасига топширдим. Яна ҳаётнинг мўртлиги ва қисқалиги ҳақида ўйлаб кетдим ва яна бир қоидани эсладим: «Ҳаёт бизга омонатга берилган. Ва бу дунё фақат тақлидлар, ҳақиқий воқеликни қайта тиклашга уринишлардан иборатдир. Ўйинчоқни ҳақиқий деб қабул қилиш фақат ёш бола учун табиий. Шунга қарамай, катталар ҳам ё ўйинга берилиб кетишади, ё қадрига етмай уни синдиришади, кейин эса ташлаб ҳам юборишади. Ҳаётда ҳаддан ошишларга йўл қўймаслик керак, чунки бу ички муво-занатни бузади».

Сўфийлар ҳаддан ошишларга қарши туришади. Сўфийлар ўз фикрларида ва хатти-ҳаракатларида ҳами-ша вазмин.

Эрта тонгда катта масжидга бораман ва Румийнинг хутбасини тинглайман. У буюк хотиб бўлса керак, ҳар ҳолда шаҳар аҳли шу фикрда. Гарчи ваъзхоннинг санъати тингловчиларига боғлиқ бўлса-да, Румий нутқида юлиб ташланиши керак бўлган бегона ўтлар ҳам кўп бўлса керак. Ўзига нима керак бўлса ёки ёқса, шуни тан-

лаб олиш тингловчи ихтиёрида. Агар чаманзорда чиройли гуллар очилиб турган бўлса, тиканли ўсимликларга ким ҳам эътибор берарди. Лекин айнан шулардан шифобахш дорилар тайёрланиши ҳақиқатдир.

Ишқ чаманзоридида ҳам аҳвол шундай эмасми? Агар ишқда фақат гўзаллик кўрилса-ю, мушкулотларга кўз юмилса, бу чин ишқ бўлармиди? Яхшидан лаззатланиш, ёмонни четлаб ўтиш осон. Лекин бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Ҳақиқий муаммо – яхшини ҳам, ёмонни ҳам сева олишда ва бу яхши билан бирга ёмонни ҳам қабуллаш учун эмас, балки ишқни бутунлигича қабул қилиш учун керак.

Яна бир кун ўтди, мен ўз дўстим билан ташишимга жуда яқин қолди. Ухлай олмаяпман.

О, Румий!

Мени кўрганингда таний олармикинсан?

Мени танигин!

Румий

1244 йил, 31 октябрь, Конья.

Шамс Табризийни учратган кунимга шукроналар бўлсин! Бу Ақраб ойининг сўнгги куни бўлиб, куз ўтиб кетаётганини билдирувчи салқинлик тушган ва шамол одатдагидан кучлироқ эса бошлаган эди.

Масжидда, одатдагидек, кўп одам тўпланган. Кўпчилик олдида хутба ўқиганимда, одамларнинг юзларига унча эътибор бермасликка ҳаракат қиламан. Қаршимдаги тингловчиларни турли қиёфаларда гавдаланган омма деб эмас, яхлит битта одам деб тасаввур этаман. Ҳар ҳафта мени тинглаш учун юзлаб одамлар келади, лекин мен фақат битта одам билан сўзлашман – қалби сўзларимга акс садо бераётган ва мени ҳаммадан яхши биладиган битта одам билан.

Масжиддан қайтишда мени отим кутиб туради. Унинг ёллари таралган, тилла ва кумуш қўнғироқча-

лар кўшиб ўрилган. От юрганда уларнинг жиринглаши менга ёқади. Лекин атрофимда одамлар кўплигидан жуда секин юришга тўғри келади. Отим сомон томли кулбаларни ортда қолдириб, бир маромда қадам ташлаяпти. Арз қилувчиларнинг чақириқлари болаларнинг бақир-чақирлари ва тиланчиларнинг нолаю фиғонлари билан аралашиб кетган. Уларнинг кўпчилиги дуоталаблар, бошқалари эса шунчаки бирга юришни истовчилар. Лекин менга жуда катта умид билан келганлар ҳам бор. Улар мени шифо бахш эта олади ёки ёмон назарлардан халос этади, деб ўйлашади. Уларни кўриш менга азоб беради. Ахир мен пайғамбар эмасман ва донишманд ҳам эмасман, наҳот тушунишмаса? Мўъжиза кўрсатишга кучим етмаслигини нега тушунишмайди?

Муюлишга етгач ва «Ширинликлар савдоси» меҳмонхонасига яқин келиб қолганимизда менга кўзларини тикканча, омма орасини ёриб, мен томон келаётган дарбадар дарвишга кўзим тушди. Унинг ҳаракатлари чаққон ва аниқ эди, назаримда, ундан ўзига бўлган ишонч ёғилиб турарди. Сочлари йўқ. Соқоли йўқ. Қоши йўқ. Аммо гарчи чехраси очиқ эса-да, юзидан ҳеч нима ни ўқиб бўлмас эди.

Унинг ташқи кўриниши мени қизиқтириб қўйди. Узоқ йиллар мобайнида мен Коньяда Худо излаб юрган турли дарвишлардан кўпини кўрганман. Баъзилари баданларига расм чизган, кўпчилиги қулоқлари, бурунларига сирға таққан бўлади; улар баданларига «ғалати» ёзувлар ёзишни ёқтиришарди. Баъзилари соч ўстиришарди, баъзилари эса тақир қилиб қиришарди. Баъзилари ҳатто тиллари ва кўкракларини тешган бўлишади. Бу дарвишни кўрганимда унинг ташқи кўринишидан ҳайрон бўлмадим. Мени унинг тим қора кўзлари ҳайратга солди.

У бутун борлиғимга сингиб кираётган нигоҳини мендан узмаган ҳолда, йўл ўртасига туриб олди ва на-

фақат бизнинг юришимизни, балки вақтнинг ўзини ҳам тўхтатишни истагандай, қўлларини баланд кўтарди. Мени кимдир бир туртгандай бўлди. Миниб турган отим безовталанди ва гоҳ бошини кўтариб, гоҳ тушириб кишнай бошлади. Мен уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим, лекин от ўзимнинг ҳам асабланаётганимни ҳис қилаётгандай эди.

Дарвиш сакраб ирғишлаётган от ёнига келди ва қулоғига нималарнидир секин пичирлади. От оғир нафас ола бошлади, лекин дарвиш бир қўл силтаган эди, ўша заҳоти тинчланди. Оломон ҳаяжонда тўлқинланди ва мен кимдир «Афсун!» деганини эшитдим.

Дарвиш ҳеч кимга эътибор бермасдан, қизиқсиниб мени кузатар эди.

– Эй, Машриқу Мағрибга таниқли буюк олим, мен таърифингизни кўп эшитаман, шунинг учун бугун қошингизга келдим, агар рухсат этсангиз сиздан сўрайдиган бир саволим бор эди.

– Сўранг, – дедим мен секингина.

– Аммо сиз аввал отдан тушсангиз ва мен тургандай ерда турсангиз яхши бўларди.

Дарвишнинг бу гапи мени шунчалар таажжублантирдикки, ҳатто бир неча дақиқа унга бирон сўз ҳам айта олмадим. Ён атрофдаги одамлар эса орқага тислангандай бўлишди. Ҳеч ким менга бундай илтимос билан мурожаат қилишга журъат эта олмаган эди.

Ўзим қизариб кетди ва зўриқишдан ичимда ҳамма нарса таранг тортилди, аммо ўзимни тутиб олишга ва отдан тушишга кучим етди. Бу вақт ичида дарвиш орқасини ўгирди ва нари кета бошлади.

– Ҳой, илтимос, шошманг! – чақирдим мен унинг орқасидан етиб оларканман. – Мен саволингизни эшитишни истайман.

Дарвиш тўхтади ва менга бурилиб, илк бора табасум қилди.

– Яхши. Унда айтинг, ким устун деб ўйлайсиз, Муҳаммад пайғамбарми ёки сўфий Бистомий¹ми?

– Бу не савол бўлди! – хитоб қилдим мен. – Қандай қилиб Пайғамбар (с.а.в.)ни аллақандай сўфий билан солиштириш мумкин?

Яқинимизга қизиқувчилар зичроқ тўпланди, лекин дарвиш уларни умуман парвойига илмади. У менинг қиёфамни янада эътиборлироқ ўргана туриб, бояги саволини такрорлади:

– Илтимос, яхшироқ ўйлаб кўринг. Ахир нима учун Муҳаммад (с.а.в.) «Юрагимни занг босиб, эгамнинг олдида ҳар кун итмиш карра тавба қиламан», дейди-ю, Боязид эса: «Мен ўзимдаги ҳар нечук қусурлардан халос топдим. Жисмимда Худодан бўлак ҳеч нарса қолмади», – деб бонг уради?

Менинг юрагим ҳаққириб кетди. Бу нотаниш кимса дағалликка дағал эди-ю, аммо анойилардан эмас эди. Афтидан, у ҳам мен бош қотирган масалада, яъни ҳақиқатнинг мустақиллигию, билимларнинг нисбийлиги хусусида бош қотирган кўринади.

– Сиз нима демоқчи эканингизни тушундим, – дедим мен, – овозимдаги титроқни яширмасдан. – Нима учунлигини мен сизга айтаман, зеро гарчи Бистомийнинг сўзларида ифтихор бор эса-да, уларда беқиёс буюклик йўқ.

– Давом этинг.

– Гап шундаки, Худонинг меҳру муҳаббати – бепоён уммон ва ҳар бир инсон ундан иложи борича кўп сув олишга интилади. Аммо кун ниҳоясида олинган сув идишнинг сиғимига боғлиқлиги маълум бўлади. Ким-

¹ Ал-Бистомий Боязид (? - 875) – форс сўфийси, сўфийлик таълимоти мафкурасининг асосчиларидан бири. Ҳол жазбаси ва Худо билан қўшилиб кетишга олиб келадиган ИШҚ ҳақида таълим берган.

дир сувни дошқозонга солади, кимдир челакка, кимдир эса пиёласига.

Буларни гапираётганимда дарвишнинг юзида содир бўлаётган ўзгаришлар мендан пинҳон қолмади: аввал сезилар-сезилмас истехзо, ундан менинг ҳақлигимни тан олиш, суҳбатдоши сўзларида ўз фикрларини таниш ифодаси бўлган майин табассумга ўтишга қадар.

Бистомийнинг идиши нисбатан унча катта бўлмаган ва бу унинг чанқови қониши учун етарли бўлган, – давом этдим мен. – У ўзича бахтли бўлган. Ва унинг ўз муқаддаслигини англагани жуда соз, лекин шунда ҳам у билан Худо орасида у босиб ўтилмаган катта масофа бор. Худо сайлаган Пайғамбар (с.а.в.)нинг идишлари эса беқиёс катта ҳажмли бўлган. Шунинг учун ҳам Худо у зотдан: «Биз сенинг қалбингни очмадикми?» деб сўраган. Ул зотнинг қалблари кенгайтирилган, идишлари катта бўлган, чанқовлари тобора ортиб бораверган. Ва «Биз Сени билишимиз керак бўлганчалик била олмаймиз» деб бежиз айтмаганлар. Гарчи ул зот У ҳақида ҳеч ким билмаганларни билган бўлсалар ҳам.

Дарвишнинг юзи табассумдан ёришиб кетди. У бош ирғитди ва менга ташаккур билдирди. Кейин чуқур миннатдорлик белгиси ўлароқ қўлини кўксига қўйди ва бирмунча вақт шу ҳолатда турди. Кўзларимиз яна учрашганда, мен унинг кўзларидаги меҳрни пайқадим.

Мен олис атрофга қарадим. Шаҳар, йилнинг одатдаги шу фаслига мувофиқ равишда кумуш-дур рангида эди. Оёқларимиз остида қуриган япроқлар айланарди. Дарвиш менга қизиқсиниб қараб турарди, ботаётган кўёш нурида бир дақиқагина унинг асалранг аураси кўриниб кетгандай бўлди менга.

У менга одоб билан таъзим қилди. Мен ҳам унга таъзим қилдим. Биз бир-биримиз билан юзма-юз қанча туриб қолганимизни билмайман. Осмон бинафша-

ранг тусга кирди. Охири бизни кузатиб турган оломон безовталана бошлади. Ҳамшаҳарларим менинг кимгадир таъзим қилганимни шу чоққача кўришмаган эди, қаёқдаги оддий дарбадар дарвишга таъзим қилганим эса энг яқин дўстларимдан тортиб хийлагина кўпчиликнинг жиғига тегди чоғи.

Дарвиш муҳитдаги таранглашувни пайқади чоғи.

– Сизни мухлисларингиз билан бирга қолдириб, кетар вақтим бўлган кўринади, – деди у ипакдек майин овозда ва деярли шивирлаб.

– Шошманг, – илтимос қилдим мен. – Илтимос, кетманг. Қолинг!

Унинг юзидан лип этиб хаёлчанлик ифодаси ўтди, лаблари ниманидир айтишни истагандай жуфтланди, лекин айта олмади ёки айтиши мумкин эмас эди, шекилли. Ва мен шу дақиқа қаердандир унинг менга бермоқчи бўлган саволини илғадим: «Буюк хотиб, Сиздан сўрасак-чи? Сизнинг идишингиз сиғими қанчалик катта?»

Бошқа айтиладиган гап қолмаган эди. Сўзга ўрин йўқ эди. Мен дарвиш сари бир қадам юрдим, кейин унга шунчалик яқин келдимки, ҳатто тим қора кўзларисидаги тилларанг томчиларни ҳам кўрдим. Мени тўсатдан ғалати туйғу чулғаб олди: назаримда, бу онларни биринчи марта бошдан кечирмаётган эдим. Бу нафақат биринчи, балки ҳатто ўнинчи марта ҳам эмас эди. Мен хотирамни титкилай бошладим. Юзи ёпиқ, баланд бўйли, озғин, бармоқлари ёнадиган киши. Ва ниҳоят англадим. Рўпарамда турган дарвиш, ўша мен ўз тушларимда кўрган одамнинг ўзи эди.

Ва мен ўзимга керакли одамни топганимни тушундим. Лекин бахтдан қувониш ўрнига қўрқувдан титраб кетдим.

Элла

2008 йил, 8 июнь, Нортгемптон.

Эллани ўзининг Азиз билан ёзишувларида ҳамон ҳайрон қоларли нарса – бу аввало ёзишувларнинг ўзи, деган хулосага келди. Улар барча жиҳатларда бир-бирларидан катта фарқ қилар эдилар ва мактубларнинг бунча тез алмашинуви ғалати эди.

Азиз унинг учун ҳар бўлаги бирма-бир тўлдириб бориладиган «пазл»¹ каби эди.

Навбатдаги ҳар бир мактуб яхлит манзарада ўз ўрнини эгаллаб борарди. У манзарани ҳали тўлиқ кўрмаган, лекин нима учунлигини билмай туриб ҳам, ўзи хат ёзишаётган бу номаълум инсонда бир қанча муҳим нарсаларни кашф этган эди. Азизнинг блогидан унга Азизнинг касби фотограф экани, дунёнинг энг олис чеккаларига бориб келишни ўз уйи ёнидаги боғга сайрга чиқиб келишдай табиий, деб ҳисоблайдиган оташин саёҳатчи экани маълум бўлди.

Табиатан тиниб-тинчимас кўчманчи бу инсон қарга – Сибиргами, Шанхайгами, Калкуттагами, Каса-бланкагами – бормасин, ҳаммаси унга ўз уйидек эди. Орқасида рюкзаги ва қўлида флейтаси (найсимон музика асбоби) билан саёҳат қиларкан, Элла харитада зўрға топадиган ерларда ҳам ўзига дўстлар топарди. На қаттиққўл чегарачилар, на виза беришни истамайдиган ҳукуматлар, на экзотик (узоқ мамлакатлардаги) паразитлар, на еб бўлмас таомлар, на ўғрилар – ҳеч нима – Азизни дунёнинг барча томонларига саёҳатга бориш йўлини тўса олмас эди.

¹ Пазл – бошқотирма ўйин, унда майда, бир-биридан ажралган қисмларидан тўлиқ тасвир (мозаика) ҳосил қилиш тақозо этилади. Руҳшунослар бундай ўйинлар кишида образли ва мантиқий тафаккурни ривожлантиради, деб кўрсатадилар.

Элла Азизни бошқариб бўлмас шаршарага ўхшатди. Элла ўз уйидан бир қадам ташқарига чиқишга ҳам кўрқса, у ҳаммаёқни портлата оладиган табиат эгаси эди. Агар Элла янги иш бошлашга шошмайдиган ва ўзида журъат топа олмайдиган одам бўлса, у, аксинча, олдин ишни қилиб, кейин пушаймон бўлиши мумкин эди, агар пушаймон бўлса, албатта. Гарчи Азизда ғоявийлик ва оташинлик кучли эса-да, у чинакамига тиррик, ҳаётий инсон эди.

Элла ўзини либерал-демократ деб, гарчи сенагога бормаса-да, яхудий динига мансуб деб, гўшт емайдиган парҳезкор деб ҳисоблар эди. Ўз ички дунёсини, ҳаётининг барча муҳим паллаларини, худди ўз хонадонини қандай тартиблаштирган бўлса шундай яхшилаб ва ботартиб қилиб, тушунчаларга ажратиб чиққан эди. Қолаверса, унингча ҳозирги даврда ҳам, олдинги даврларда ҳам дунёдаги, диндаги асосий муаммо бир динни бошқасидан афзал ўринга қўйилишида эди. У фанатизмдан нафратланарди, лекин юрагининг тубида ислом фанатларини бошқаларнинг барчасидан ёмонроқ ҳисобларди.

Азизнинг эса маънавияти юксаклиги аниқ ва диндорлиги ҳам равшан эди. У 1979 йили исломни қабул қилган бўлиб, буни «Карим Абдулла Жаббордан кейин ва Кэт Стивенсдан олдин» қилганини ҳазил аралаш тан олар эди. (Карим Абдулла Жаббор, туғилгандаги исми – Фердинанд Льюис Алсиндор, 1947 йил туғилган – таниқли америка баскетболисти.) Баскетбол тарихида энг яхши ўйинчилардан бири бўлган, деб ҳисобланади. (Кэт Стивенс – туғилгандаги исми Стивен Деметр Гиоргиу, 1978 йил туғилган. Исломни қабул қилгач, исми Юсуф Ислом, деб ўзгартирилган инглиз шоири ва ашулачиси.) Лекин бу унинг турли мамлакатлардаги ҳар хил динларга сиғинувчи одамлар билан муносабатда бўлишига ва уларнинг ҳаммаларини «Илоҳ ҳузури-

даги ўз ёру биродарлари» дея эълон қилишига халал бермас эди.

Инсонпарварлик қарашлари ёрқин, қатъий пацифист (урушга қарши турувчи) Азиз динлар орасидаги фарқ, моҳиятан фақат «лингвистик (яъни тилларнинг турлилиги билан боғлиқ) муаммо» деб билади. Тил ҳақиқатни ёритишдан кўра кўпроқ беркитади ва натижада одамлар бир-бирларини тушуна олмайдилар, деб ҳисоблайди.

Тушунмовчиликлар билан йўғрилган бу дунёда ҳеч бир суҳбатдошга қатъий ишониб бўлмайди, чунки энг кучли ишонч остида ҳам тушунмовчиликлар тўлиб ётган бўлиши мумкин.

Азиз ва Элла вақтнинг турли минтақаларида яшаши. Ва бу луғавий маънода ҳам, мажозий маънода ҳам шундай эди. Элла учун вақт аввало келажакни билдирарди. Унинг ҳаётида келгуси вақтларга – келаси йилга, келаси ойга, эртага, ҳаттоки кейинги соатга оид режалар муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, магазинга ёки устахонага бориш кабиларни Элла олдиндан белгилаб қўяди ва ҳамшиша сумкасида устахоналарнинг иш соатлари ва сотиб олиниши керак бўлган нарсаларнинг рўйхатларини бўлади.

Азиз учун эса вақт фақат ҲОЗИР кўринишида мавжуд, қолган ҳаммаси сароб. Шунинг учун у ишқ «эртага оид режа» билан ёки «кечаги кун хотираси» билан сира боғлиқ эмас, деган қатъий фикрда эди. Ишқ фақат шу ерда ва фақат ҳозир бор бўлиши мумкин. Дастлабки электрон хатларидан бири якунида у: «Мен сўфийман, ҲОЗИРнинг фарзандиман» деб ёзган эди.

«Ўз фикрларида жуда кўп вақтини ўтмишга ва ундан ҳам кўпини келажакка бағишлайдиган, аммо ҳеч қачон ҲОЗИРда яшамайдиган аёл учун бу сўзлар ғалати туйилади», – деб жавоб берган эди унга ўшанда Элла.

Аловуддин

1244 йил, 16 декабрь, Конья.

Ўртоқларим билан кийик овига кетгандик, шунинг учун дарвиш отамнинг йўлини тўсиб чиққанида мен шаҳарда эмас эдим. Эртаси куни қайтган эдим. Шу вақт ичида отамнинг Шамс Табризий билан учрашувлари тилларда дoston бўлипти. Бу дарвиш ким ўзи, нима учун Румийдек аллома унга шунчалик жиддий муносабатда бўлди ва унга ҳатто таъзим ҳам қилди, дея одамлар ҳайрон эдилар.

Болалигимдан бошқа одамларнинг отамга тиз чўкканларини кўришга ўрганганман, лекин отамнинг шоҳ ёки буюк вазирдан бошқа кимгадир тиз букиб таъзим қилишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Шунинг учун сира ёлғон гапирмайдиган ва ҳеч нимани бўрттириб гапирмайдиган ўгай онам бутун воқеани бошидан охиригача рўй рост ҳикоя қилиб бермагунича, бу гапларга ишонмадим. Хуллас, гап-сўзлар рост экан. Шамс Табризий деган дарбадар дарвиш чиндан ҳам тумонат одамлар орасида отамга савол берган экан ва энг ажабланарлиси, у энди бизнинг уйимизда дам олаётган эди.

Томдан тараша тушгандай, ҳаётимизга кириб келган бу бегона одам ким ўзи? Мен уни ўз кўзларим билан кўрмоқчи бўлдим ва Кирадан сўрадим:

– Қани ўша киши?

– Ўзингни бос, – пичирлади хавотир билан Кира. – Отанг дарвиш билан кутубхонада ўтиришипти.

Бизга уларнинг овозлари эшитиларди-ю, лекин сўзларини илғаб бўлмас эди. Кутубхона эшигини очмоқчи бўлиб интилдим, лекин Кира мени тўхтатди:

– Менимса, сабр қилишингга тўғри келади. Улар ҳеч ким безовта қилмаслигини илтимос қилганлар.

Отам билан дарвиш кун бўйи кутубхонадан чиқишмади. Эртаси куни ҳам шундай бўлди. Улар нима ҳақида бунчалик узоқ гаплашаётган бўлишлари мумкин? Отамдек инсон билан бу оддий дарвиш орасида қандай яқинлик бўлиши мумкин?

Бир ҳафта, икки ҳафта ўтди. Ҳар куни эрталаб Кира нонушта тайёрлар ва патнисда кутубхона эшиги ёнига қўйиб кетар эди. Уларга ҳар қанча тансиқ таом таклиф қилинмасин, эрталаб бир бурда нон ва кечқурун бир пиёла эчки сутидан бошқасини рад этишарди.

Шу вақт мобайнида менинг кўнглимга қандайдир нохуш хаёллар келар эди. Эртаю кеч кутубхонага бир қараш учун йўл қидирардим. Улар эшикни бирдан очиб қолишса, менинг яширинча гапларига қулоқ солиб турганимни билиб қолишса, нима бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам ўтирмасдан, бутун вақтимни ўша ерда, нималарни гаплашаётганларини билишга уриниб ўтказдим. Лекин аниқ гаплар ўрнига фақат ғўнғиллаган овозлар келарди. Ичкарини кўра олмас эдим ҳам. Пардалар тортиб қўйилгани учун у ер ғира-шира кўринарди, холос.

Бир куни Кира мени кутубхона олдида шу алфозда кўриб қолди, лекин ҳеч нима демади. Лекин бу сафар у уйда нималар бўлаётганини мендан ҳам кўра кўпроқ билгиси келаётгани аниқ эди. Аёллар одатда ўз табиатларидаги қизиқувчанликни узоқ тийиб тура олмайдилар.

Акам Султан Валад менинг эшик олдида гап пойлаб турганимни кўриб қолгач, буткул бошқача муносабатда бўлди. Қаттиқ хўмрайди ва менга кўзларидан ўт чақнатиб қаради.

– Одамлар ортидан, айниқса, ўз отамиз ортидан пойлашга қандай ҳаддинг сиғди, – таъна қилди у.

Мен елка қисдим.

– Ака, тўғриси айтинг, наҳотки сиз отамизнинг бутун вақтларини қаёқдаги бегона одам билан ўткази-

ётганларидан безовталанмаётган бўлсангиз? Ўз оилаларини буткул унутганларига бир ойдан ошди. Бу сизни хафа қилмаяптими?

– Отамиз бизни унутмайдилар, – жавоб қилди акам. – Улар Шамс Табризийдек дўст топдилар. Сен эса, ёш боладай ҳиқиллагунча, отам учун хурсанд бўлсанг яхши бўлар эди. Агар сен уни чиндан яхши кўрсанг, албатта.

Фақат акам шундай гапларни айта олади. Лекин мен унинг ғаройиб феълига ўрганиб қолганман ва ундан хафа бўлмадим. Султан Валад ҳамиша итоаткор бола бўлган, оиламиз, қўни-қўшнилари миз ва табиийки, отамиз учун ҳам суюкли.

Отам ва дарвиш кутубхонамизга бекилиб олганларидан кейин қирқ кун ўтгач, ғалати ғайриоддий ҳодиса юз берди. Мен кейинги вақтда одатланганимдай, эшик ортида гап пойлаб турардим. Бирдан сукунат чўкди ва мен кутилмаганда бу сукунатда дарвишнинг овозини аниқ эшитдим:

– Биз бу ерда суҳбатлашаётганимизга қирқ кун бўлди. Ҳар куни Ишқнинг қирқ қоидасидан бирини муҳокама қилдик. Ва энди кутубхонани тарк этсак яхши бўларди, деб ўйлайман. Иккимизнинг бу ерга бекиниб олганимиз сенинг яқинларингни хафа қилаётган бўлиши керак.

– Хавотир олманг, – эътироз қилди отам. – Хотиним ва ўғилларим менинг бекилишим сабабини тушунадиган кап-катта одамлар.

– Хотинингиз ҳақида мен ҳеч нима билмайман, лекин ўғилларингиз худди тун билан кун каби бир-бирларидан жуда фарқ қилишади. Катта ўғлингиз сизга итоатли, лекин кичигининг туйғулари бошқача, деб кўрқаман. Унинг қалбини алам ва ҳасад қорайтирган.

Жаҳлдан қоним бошимга урилди. Мени ҳатто бир марта ҳам кўрмай туриб, мен ҳақимда бундай дейишга қандай ҳадди сиғди?

– У мени билмайди, деб ўйлайди, лекин мен уни билман, – давом этди бироз сукутдан кейин дарвиш. – У мени эшик тирқишидан кузатаётганида, мен ҳам уни кузатдим.

Орқам муздек бўлиб жимирлаб кетди ва сочларим тик турди. Ҳеч нима ўйлаб ўтирмай, эшикни силтаб очдим ва кутубхонага кириб келдим. Отамнинг кўзлари ҳайратдан дум-думалоқ бўлиб кетди, лекин тез орада ҳайратнинг ўрнини ғазаб эгаллади.

– Аловуддин, сен жинни бўлдингми? Бизни безовта қилишга қандай журъат этдинг?

– Сиз аввал ундан нима учун мен ҳақимда бундай деганини нега сўрамайсиз? – хитоб қилдим мен.

Отам бир сўз ҳам айтмади. У менинг бу ердалигим елкасига оғир юк бўлиб тушгандай, менга қараб турар ва оғир нафас оларди.

– Ота, илтимос. Кира сизни кўришни истайди. Шогирдларингиз ҳам. Нимага сиз қандайдир ифлос дарвишни деб сизни яхши кўрадиган оламлардан юз ўгираяпсиз?

Шу сўзларни айтдим-у, ўша заҳоти айтганимга пушаймон бўлдим, лекин жуда кеч бўлган эди. Отам менга қараб турар ва унинг кўзларида мендан кўнгли қолгани кўришиб турарди. Мен ҳеч қачон уни бу алфозда кўрмаган эдим.

– Аловуддин, марҳамат қилгинда, ҳозироқ кутубхонадан чиқ, – деди отам. – Бирон тинч жойга боргинда, қилган ишинг ҳақида ўйлаб кўр. Ўз қалбингга назар солмагунингча ва хатоингни тушунмагунингча, менга гапирма.

– Лекин, ота...

– Чиқ! – такрорлади отам ва менга орқасини ўгириб олди.

Юрагим қаттиқ сиқилди, оёқларимда зўрға турганча кутубхонадан чиқдим.

Ўша ондан бошлаб мен ҳаётимиз ўзгарганини ва энди ҳеч қачон аввалгидай бўлмаслигини тушундим. Онам вафотидан саккиз йил ўтгач, иккинчи марта яқин инсоним мени ташлаган эди.

Румий

1244 йил, 18 декабрь, Конья.

«Ботин Аллоҳ – ақлимдан пардани кўтаргил, токи мен Ҳақиқатни билгайман».

(Ботин Аллоҳ – Худонинг кўринмас (сезилмас, номоддий, шаклланмаган, нонамоён) борлиғи.

Шамс Табризий менга Муҳаммад (с.а.в.) ва сўфий Бистомий ҳақидаги саволни берганида, менга бирдан ер юзиди фақат иккаламиз қолгандай туюлиб кетди. Иккимизнинг ҳам қаршимизда Ҳақиқат сари йўлнинг етти босқичи – Худо билан боғланишга эришмоқликда ҳар бир инсон «мен»и енгиб ўтиши керак бўлган етти мақом, етти тараққиёт босқичи намоён бўлди.

1. Биринчи босқич Бузилган Ёлғон Мен – инсон жони фақат дунёвий истакларни қондириш йўлларини ахтардиган энг тубан ва энг кенг ёйилган босқич. Кўпчилик одамлар ўзларининг шу «мен»ларини деб азоб-укубатлар чекар ва уни қаноатлантиришга уринар эканлар, шу босқичдан нарига ўта олмай тўхтаб қоладилар ва ҳамиша ўз омадсизликлари, бахтсизликларида фақат бошқаларни айбдор ҳисоблайдилар (Нафси Аммора). Инсон қачон ўзининг бу «мен»ининг тубанлигини тушунса, ўзининг бу ҳолати устида ишлай бошлайди ва муайян маънода бу босқичдаги феълига қарши бўлган иккинчи босқич (иккинчи мақом)га ўтади.

2. Бу босқичдаги инсон бировларни айблаш ўрнига ўзини айблашга ўтади. Шунда унинг худбинона мени (ЭГОси) ўзини айбловчи Менлик босқичига ўтади ва у ички покланиш мақомига кўтарилади (Нафси лаввома).

3. Учинчи босқичда инсон жони (руҳий қуввати, маънавияти) бирмунча кучаяди ва унинг худбин мени йўқ бўлиб, ўрнини Майинлашган Мен олади. Шунда инсон Маърифат Водийсига етиб келган бўлади. Бу босқичда унда (шу босқич учун зарурий) сабр, қатъият, заковат ва ройишлик захираси тўпланган бўлади. Олам унинг учун илҳомга тўлиб тошади. Бу босқичга етганда кўпчилик янада илгарилаб бориш истагини ёки жасоратини йўқотиб, шу поғонада тўхташга мойил бўладилар. Шунинг учун бу босқич, гарчи жуда чиройли кўринса-да, олға интилувчи инсон учун қопқонга айланиши мумкин (Нафси мутмаина).

4. Йўлда давом этувчилар эса Тинчланган Мен (Нафси ризоия) мақомига етадилар. Саховат, шукроналик ва ҳаётнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган барча қийинчиликларга розилик назари билан қараш – шу босқичга етган инсоннинг асосий хусусиятларидир. Бу Бирлик Водийсидир. Бу мақомдагилар Худо уларга нимаики раво кўрса, шунга рози бўлиб ва илҳомланиб яшайдилар.

5. Бу мақомга етганлар дунёвий қувонч ва қийинчиликларга бефарқ бўлиб қоладилар. Уларнинг «Мен»и Қаноатланган Мен бўлади (ёки «Нафси мулҳама», яъни илҳомланган нафс ҳам дейилади).

6. Кейинги мақом – Ёрдам беришга ҳамиша тайёр турадиган Мен (Нафси мардия). Бу мақом эгалари одамлар учун нур манбаига айланадилар, ҳақиқий Устозлар сифатида бошқаларга илм, маърифат бахш этиб, ўз (руҳий) қувватларини ҳаммага таратадилар. Улар қаерга бормасинлар, ўша ерда одамлар ҳаётини тубдан ўзгартирадилар. Нимаики иш қилмасинлар, қандай касб билан машғул бўлмасинлар, барибир, атрофдагиларга хизмат кўрсатиш воситасида Худога хизмат қиладилар.

7. Ниҳоят, инсон еттинчи босқичга етганида, унинг шахси Соф Мен (Асл Мен)га айланади, ўзи эса, сўфизм

назариясига кўра, комилликка эришади, яъни ИНСОНИ КОМИЛ бўлади. Аммо бу мақом ҳақида ҳеч нима маълум эмас. Бунга эришган озчилик инсонлар бу борада ҳеч нима гапирмайдилар.

Худога олиб борадиган йўл босқичларини таърифлаб бериш осон, лекин бу йўлни босиб ўтиш қийин. Биринчи босқичдан еттинчи босқичга қадар босиб ўтилиши керак бўлган йўл бошидан охиригача сермашаққат ва чигал. Ҳамиша орқага қайтиш хавфи бор, ҳатто энг юқори босқичдан энг қуйисига тушиб кетиш ҳам мумкин. Йўлда тузоқлар кўп, жуда озчилик кишилар комиллик босқичига эришганлари бежиз эмас.

Шамс менга ўз саволини берганида, уни Пайғамбар таълимоти билан сўфийнинг фикрларини солиштириш қизиқтирган эмас, бу тушунарли. У Худони билмоқ учун мен ўз шахсимни қандай ривожлантираётганимни билишни истаган.

– Сизнинг ишларингиз қандай, буюк ваъзгўй? – сўрамоқчи бўлган Шамс Табризий. – Етти босқичдан қайси биридасиз? Нима деб ўйлайсин, олға юришга, бутун йўлни охиригача босиб ўтишга кучингиз етадими? Айтинг-чи, сизнинг идишингиз қанчалик катта?

Кира

1244 йил, 18 декабрь, Конья.

Тақдирга тўнкашнинг фойдаси йўқ. Лекин мен, Румий билан Шамс кутубхонага беркиниб олиб, эртаю кеч суҳбатлашишаётган илоҳиётшунослик, тарих ва фалсафага оид масалаларда ожизлигимдан афсусдаман. Вақти-вақти билан аёл бўлиб туғилганим учун исён кўтаргим келади. Қиз болани одатда овқат пишириш, уй-жойни батартиб сақлаш, кир ювиш, бола парваришлари каби ишларга ўргатишади. Баъзи қизларни эса севиш санъатига ҳам ўргатишади. Вассалом. Ҳеч ким уни китоб ўқишга йўлламайди.

Турмушимнинг биринчи йили мен Румий кутубхонасига киришнинг барча имкониятларидан фойдаланганман. У ерда Румий жуда яхши кўрган китоблар орасида ўтирар, уларнинг чанги ва моғор исидан нафас олар, уларда нима сир яширинганини тушуна олмас эдим. Кўпи раҳматли отаси Баҳоуддин Валаддан мерос бўлиб қолган бу китоблар Румийнинг жону дили эканини билардим. Энг яхши кўрган китоби «Маориф»¹ эди, албатта.

– Менга булар эвазига бир ғарам тилло таклиф қилсалар ҳам, ҳеч кимга асло бермаган бўлардим, – дер эди Румий. – Ҳар бири – аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос. Менга улар отамдан мерос қолган ва мен уларни ўз ўғилларимга қолдираман.

Мен китоблар унинг учун қанчалар катта қимматга эгалигини яхши тушуниб етдим. Турмушга чиққанимнинг биринчи йили эди, бир куни кутубхонани чангдан тозалашга жазм қилдим. Токчалардаги ҳамма китобларни олдим ва жилдларини гулобга ботирилган духоба латта билан артиб чиқа бошладим. Бизнинг томонларда Кебикек номли бир кичкина жин китобларнинг бузилишидан ҳузурланади, деб ҳисоблашади. Уни ҳайдаш учун ҳар битта китоб ичига: «Қимирлама, Кебикек, бу китобдан нари кет!» деб ёзиб чиқиш керак дейишарди. Эримнинг китобларидан нафақат Кебикек, балки мен ўзим ҳам нари кетишим кераклигини у вақтда қаёқдан билибман?

Ўша куни мен кутубхонанинг барча китобларидан маҳрум бўлгандим. Ўшанда иш орасида Ғаззолийнинг «Ихё улумид-дин» китобини ўқиётган эдим, орқадан

¹ «Маориф» («Билим») – Румийнинг отаси ёзган китоб бўлиб, унда муаллиф ўзининг барча ғояларини умумлаштириб баён этган эди. Тўплам Қуръон анъанавий талқинларидан тортиб, сўфизм ғояларига қадар ўз ичига олган бўлиб, улар Румийга жуда катта таъсир кўрсатган.

эримнинг овози эшитилганидан кейингина, кутубхонада жуда узоқ қолиб кетганимни тушундим.

– Кира, сен бу ерда нима қиляяпсан?

Бу Румий эдими, ҳар ҳолда бу одам Румийнинг овози эди – лекин овоз ўзгариб қолган, ташқи кўриниши ҳам эримникидан анча жиддий эди. Саккиз йиллик ниқоҳимиз мобайнида у фақат бир марта, ўшанда менга овозини кўтарган эди.

– Чангларни артаяпман, – шивирладим мен.

– Тушундим, – деди Румий, – лекин, илтимос, ҳеч қачон китобларимга тегма. Яхшиси, сен бу хонага бошқа умуман кирмасанг, сендан миннатдор бўлардим.

Шундан буён мен ҳатто уйда ёлғиз қолганларимда ҳам кутубхонадан узоқроқ юрардим. Китоблар дунёси ҳеч қачон меники бўлмаганини ва бўлмаслигини тушунган, қабул қилган эдим.

Лекин уйимизда Шамс Табризий пайдо бўлгач ва улар эрим билан кутубхонага кириб беркиниб олишгач, ичимда норозилик қайнаётганини сездим. Мен борлигини авваллари пайқамай юрган эски ярам очилиб, қонай бошлаган эди.

Кимё

1244 йил, 20 декабрь, Конья.

Ота-онам ўқимаган, оми одамлар эдилар. Мен уларнинг оғир меҳнатларини ва эрта қариганларини кўрганман. Румий мени асраб олганида ўн икки ёшда эдим. Унгача мен Таурус тоғлари этаги водийсида кичкина уйда яшардим, мен синглим билан ўлган ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз арвоҳлари билан бир хонада истиқомат қилардик. Оиламизда фақат мен арвоҳларни кўрар эдим. Ҳар сафар бу ҳақида айтганимда синглим кўрқар, онам эса йиғлар эди. Мен улардан кўрқиш керакмаслигини, улар бахтиёр юрганларини

тушунтиришга қанча уринмай, улар менга ишонишмас эди. Оиламиздагилар мени тушунишмас эди.

Бир куни қишлоғимиз ёнидан дарбадар дайди ўтиб қолди. У жуда ҳолдан тойганини кўриб, отам уйимизга ётиб қолишга таклиф қилди. Кечқурун ҳаммамиз эчки пишлоғи қовурилаётган ўчоқ ёнида ўтирганимизда, дарбадар олис юртларда кўрганлари ҳақида ғаройиб ҳикоялар айтди. Кўзларимни юмиб уни тинглар эканман, гўё Арабистон саҳроларида саёҳат қилиб юрардим. Шимолий Африкадаги бедуинларнинг чайлаларини ва Ўртаер денгизи деб аталган улкан кўм-кўк денгизни кўрдим. Қирғоқ бўйлаб юрар эканман, бурасимон чиғаноқ учради, уни олиб чўнтагимга солдим. Мен қирғоқ бўйлаб яна сайр қилмоқчи эдим, лекин чидаб бўлмас қўланса ис мени кескин тўхтатди.

Кўзимни очганимда, ерда ётган эдим, оиламиздагилар ҳаммаси қўрқиб кетишган, атрофимда турар эдилар. Онам бир қўлини бошим остига қўйган, иккинчисида, бурним остига тутиш учун яримта пиёз ушлаб турарди.

– Ҳушига келди! – қичқирди синглим хурсандлигидан ва чапак чалиб юборди.

– Худога шукур, – деди онам хўрсиниб ва йўловчига ўгирилди. – У болалигидан ғайб оламини кўради. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Эрталаб туриб, йўловчи меҳмондўстлигимиз учун бизга ташаккур билдирди ва хайрлашди. Лекин кетишдан олдин отамга деди:

– Қизингиз Кимё оддий бола эмас. У жуда хосиятли, лекин агар бу қобилияти эътиборсиз қолиб кетса, ачинарли бўлади. Сиз уни мактабга юборишингиз керак.

– Қиз болани ўқитишнинг нима кераги бор? – хитоб қилди онам. – Ким эшитган буни! У эрга теккунича мен билан қолиб, гилам тўқийди. У яна моҳир гилам тўқувчи.

Лекин йўловчи бўш келмади:

– Кун келиб, у буюк олима бўлиши мумкин. Худо унга кўпгина қобилиятлар ато этипти. Сизнингча, Худо сизлардан камроқ биладими буни? – сўради у. – Агар яқин орада мактаб бўлмаса, уни таълим олиш учун бирон олимникига юборишингиз ҳам мумкин.

Онам бош чайқади. Лекин отам у билан бир фикрда эмаслигини пайқадим. Унинг илмга бўлган муҳаббатини билганим учун йўловчига:

– Биз олимларни танимаймиз. Уларни қаердан излаб топсак бўлади? – деган саволига ҳайрон бўлмадим.

Шунда йўловчи ҳаётимни ўзгартирган инсоннинг номини айтди.

– Мен Коньяда бир ажойиб олим инсон борлигини биламан, – деди у. – Исми Жалолиддин Румий. Кимёга ўхшаган иқтидорли қизни жон деб ўқитади. Уни ўшанга олиб боринг, пушаймон бўлмайсиз.

У кетганидан кейин, онам қўлларини осмонга кўтариб деди:

– Мен ҳомиладорман. Яқинда оиламизда яна битта хўранда туғилади, менга ёрдамчи керак бўлади. Қиз болага китоб ўқишнинг нима кераги бор? У фақат уй-рўзғор ишларини қилишни ва бола боқишни ўрганиши керак.

Онам ўзининг мени уйда олиб қолиш истагини сал бошқачароқ ифодаласа яхши бўларди. Агар у мени соғиниб қолишини, шунинг учун мени бошқа оилага қисқа муддатга бўлса ҳам юборишни истамаслигини айтса эди, мен қолган бўлардим. Лекин у бундай демади. Нима бўлганида ҳам, отам йўловчининг гапи асосли эканига шубҳа қилмади, мен ҳам икки кундан кейин унинг тарафига ўтдим.

Тез орада биз отам билан Коньяга йўл олдик. Биз Румийни у таълим бераётган мадраса эшиги олдида кутиб туришимизга тўғри келди. У келганда эса тор-

тинганимдан, ҳатто юзига қарашга ҳам журъат эта олмадим. Бунинг ўрнига қўлларига қарадим. Румийнинг қўллари узун, нозик, бармоқлари ҳаракатчан, олининг қўлларидан кўра кўпроқ ҳунарманднинг қўлларига ўхшарди. Отам мени секин у томонига итарди.

– Менинг қизим иқтидорли. Ўзим ўқимаган, оми одамман, хотиним ҳам ҳеч қачон ўқимаган, лекин айтишларича, сиз бу ерда энг ўқимишли одам экансиз. Балки сиз қизимни ўқитишни истарсиз?

Румийга қарамай туриб ҳам, унинг ҳайрон бўлмаганини тушундим. У бундай илтимосларга кўникиб қолган бўлса керак. Румий отам билан гаплашгунларича, мен мадраса ҳовлиси яқинига келдим ва у ерда бир нечта ўғил болалар юрганини кўрдим. Битта ҳам қиз бола йўқ эди.

Орқага қайтаётганимда нарироқда турган ёш аёлга эътибор бердим. Мен унга қўл силкитган эдим, у аввал саросималикка тушиб, қотиб қолди, лекин бироздан кейин ўзини тутиб олди ва у ҳам қўлини силкитди.

– Қизгина, наҳотки мени кўраётган бўлсанг? – сўради у.

Мен бошимни силкитдим, аёл табассум қилиб, чапак чалиб юборди:

– Қандай ажойиб! Ахир мени ҳеч ким ҳеч қачон кўра олмаган эди.

Биз биргалашиб, Румий ва отам турган жойга бордик. Аёл тўғри айтган экан – эркаклар уни пайқашмади.

– Кимё, бери кел, – чақирди мени Румий. – Отангинг айтишларича, сен ўқишни истар экансан. Айт-чи, китобларда сени ҳаммадан кўп қизиқтирадиган нарса нима?

Мен гўё фалаж бўлиб қолгандай эдим, лом-мим ҳам дея олмадим.

– Бери кел, болам, – деди ҳафсаласи пир бўлган отам.

Отам мендан фахрланишларини истагани учун тўғри жавоб бергим келарди, лекин нима дейишни била олмасдим ва фақат чуқур хўрсиниб кўйдим.

Агар ўша ёш аёл бўлмаганида, биз отам билан икки кўлимизни бурнимизга тиқиб қишлоғимизга қайтиб кетишимиз мумкин эди. У мени кўлимдан тутди ва: «Тўғрисини айтавер. Ҳаммаси яхши бўлади, мен ваъда бераман» деди.

Мен ўзимни хотиржамроқ ҳис этдим, Румийга ўгирилиб қараб дедим:

– Устоз, сиз билан Қуръонни ўрганиш мен учун катта шараф. Мен қийинчиликдан кўрқмайман.

Румийнинг юзи ёришиб кетди.

– Жуда соз, – деди у ва қандайдир нохуш нарса эсига тушиб қолгандай жим бўлиб қолди. – Лекин сен қиз боласан. Жуда кунт билан ўқиган тақдирингда ҳам, барибир турмушга чиқасан ва фарзанд кўрасан. Ўқиганларинг бефойда кетади.

Мен нима деб жавоб беришни билмасдим, ҳатто ўзимни айбдордек ҳис этардим. Отам ҳам хафа бўлиб кетди ва бошини қуйи солди. Ёш аёл яна менга ёрдамга келди:

– Сен унга хотинингиз ҳамиша қиз фарзанд кўришни истаган ва агар мени қиз қилиб асраб олсангиз, хурсанд бўлади, деб айт.

Мен шуни айтганимда, Румий кулиб юборди:

– Тушунарли, сизлар меникига борибсизлар ва хотиним билан гаплашибсизлар. Лекин, рости шуки, Кира менинг устозлик ишимга ҳеч аралашмайди.

Ёш аёл астагина ғамгин бош чайқади ва қулоғимга пичирлади:

– Сен унга иккинчи хотини Кира билан эмас, икки ўғлининг онаси Гавҳар билан гаплашганингни айт.

– Мен Гавҳар билан гаплашдим, – дедим исмини аниқ талаффуз қилиб. – Ўғилларингизнинг онаси билан.

Румийнинг ранги оқариб кетди.

– Қизалоқ, Гавҳар вафот этган, – деди у совуқ оҳангда. – Менинг марҳум хотиним ҳақида сен нима биласан? Бу ишинг яхши эмас.

Шунда отам гапимизга аралашди:

– Устоз, у сира ёмон хаёл қилмайди, ишонинг. Кимё ҳазиллашадиган қиз эмас. У ҳамиша катталарни иззат қилади.

Мен тўғриси айтиш кераклигини тушундим:

– Сизнинг марҳум хотинингиз шу ерда. У қўлимдан ушлаб турипти ва менга далда бераяпти. Унинг кўзлари оч жигарранг, ёқимли сепкиллари бор, узун сариқ кўйлак кийган...

Ёш аёл оёғидаги шиппакни кўрсатаётганини кўриб, жим бўлиб қолдим.

– У мен сизга оёғига кийган шиппак ҳақида гапиришим кераклигини айтаяпти. Шиппак тўқ қовоқранг ипакдан тикилган ва майда қизил гул билан бежалган. Жуда чиройли.

– Бу шиппакларни мен унга Дамашқдан олиб келган эдим, – деди Румий ва кўзларига ёш қалқиди. – У бу шиппагини яхши кўрарди.

Шундай дегач, устоз жим бўлиб қолди ва соқолини тарай бошлади. Юз ифодаси жиддий ва воқеликдан четлашган эди. Яна гапира бошлаганида эса овози мулойимлашган ва ғамгинликдан асар ҳам қолмаган эди.

– Нима учун қизингизда хислат бор, деганларини энди тушундим, – деди Румий отамга. – Юринглар меникига. Дастурхон устида келажак ҳақида суҳбатлашамиз. У ажойиб ўқувчим бўлади. У кўпчилик ўғил болалардан яхши бўлади.

Кейин Румий менга қараб:

– Сен бу ҳақида Гавҳарга айтасанми? – деди.

– Устоз, бунга ҳожат йўқ. У ҳозир эшитиб турипти. Лекин у энди кетишим керак деяпти. Яна у сизни ҳамиша меҳр билан кузатиб юришини айтаяпти.

Румий ёқимли табассум қилди. Отам ҳам жилмайди. Ҳаммамиз биргаликда енгил тортдик. Шу дамда мен Румий билан учрашувимиз узоққа борувчи оқибатларга олиб боришини тушундим. Онам бидам муносабатларимиз бунчалик яқин бўлмаган эди, бунинг ўрнига Худо менга икки ота – ўз отамни ва қабул қилиб олган отамни берган эди.

Шу тариқа саккиз йил олдин мен – тортинчоқ, илмга чанқоқ қизалоқ – Румийлар уйига келиб қолганман.

Кира яхши ва меҳрли, ҳатто ўз онамдан ҳам меҳрибон бўлди, Румийнинг икки ўғли ҳам мени яхши қабул қилишди, айниқса, катта ўғиллари, у кейинчалик менинг акамдай бўлиб қолди.

Йўловчи ҳақли бўлиб чиқди: отам ва синглимни қанчалик соғинмай, бир дақиқа бўлса ҳам Коньяга келганимдан, Румийларникида яшаб қолганимдан афсусланмадим. Бу уйда мен жуда кўп бахтли кунларни бошдан кечирдим.

Кейин Шамс Табризий пайдо бўлди. Унинг келиши бу ердаги ҳамма нарсани ўзгартириб юборди.

Элла

2008 йил, 9 июнь, Нортгемптон.

Авваллари бир ўзи уйда қолишдан кўрқадиган Элла, кейинги вақтларда ўзи ёлғиз қолишни ёқтириб қолганига эътибор берди. У «Ширин шаккоклик» учун тақриз ёзишга киришиб кетди ва бунинг учун Мишелдан яна бир ҳафта муддат сўради. У тақризни эртароқ ёзиб тугатиши ҳам мумкин эди, лекин шошгиси келмаётган эди. Бу иш унга ўзини, ўз оилавий масалаларини, афсуски, эри билан ўзи орасидаги эски қарама-қаршиликларни тушуниб олишига ёрдам берган эди.

Бу ҳафта Элла биринчи марта пазандачилик дарсини қолдирди. Ўзи ҳеч ким билан гаплашгиси келма-

ётган эди, охирги дақиқаларда тоби йўқлигини айтиб бормади.

Азиз билан ёзишмаларини ҳаммадан сир тутарди. Адабиёт агентдагилар унинг китоб муаллифи билан виртуал илиқ муносабатларини билишмас эди, фарзандлари билан эри ҳам билмас эдилар. Аммо Элани ҳаммадан кўп ҳайрон қолдираётан нарса, бу ўзгариш ўзини сира безовта қилмаётгани эди. У бундай ўзгариш бўлишини сабр билан кутиб юргандай эди гўё.

Лекин электрон ёзишмалар энди етарли бўлмай қолган эди унга. У Азизга телефон қилди. Вақтда беш соат фарқ борлигига қарамай, улар ҳар куни телефонда гаплашишарди. Азиз унинг овози мулойим ва заифлигини айтди. Кулганида эса, кулгиси журъатсиз ва узилиб чиқаркан, гўёки кулсам бўлармикан ё йўқми деяётгандай. Бу бошқаларнинг эътиборига аҳамият бермасликни билмайдиган аёлнинг кулгуси экан.

«Сен шунчаки табиий бўл, – дерди унга Азиз. – Шунга ҳаракат қил!»

Лекин нотинч оилавий ҳаётида табиий бўлиш унча осон эмас эди. Ави математикадан хусусий дарсларга қатнай бошлади, Орли эса ўзидаги таомланиш муаммоси туфайли руҳшунос қабулига рўйхатда турди. Бугун у омлетининг ярмини еди, бу унинг бир ой мобайнида бир қадар тўғри овқатлангани эди. Гарчи у омлетда қанча калория борлигини сўраган бўлса-да, ҳарқалай Элла унинг шу еганига кўнгли айнаб, қусмаганининг ўзини ҳам мўъжизага йўйди. Бу орада Жанет ўзининг Скотт билан алоқалари узилганини эълон қилди. Иккисига ҳам шахсий ҳаёт учун майдон кераклиги ҳақидаги фикрдан бошқа тушунтириш бермади. Эланинг хаёлига бу «шахсий ҳаёт» деганлари янги муҳаббатни англатиши мумкинлиги фикри келди, зеро на Жанет, ва на Скотт бу маънода вақтларини бекор ўтказмаётган эдилар.

Эллани ҳаммадан кўп ҳайрон қилган нарса, одамлар орасидаги муносабатларнинг қандай катта жадаллик билан туғилиши ва парчаланиши эди, лекин у ҳеч кимни айбламасликка ҳаракат қиларди. Ўзининг Азиз билан ёзишмаларида қўлга киритган нарсаси ҳеч бўлмаганда шу эди: агар хотиржамлик сақласа, болалар ўзлари унга ўзлари айтадилар. У болаларининг ишига аралашмай қўйганидан бошлаб, уларнинг ўзлари келиб ҳаммасини айтадиган бўлишди. Элла уларга ёрдам беришга ва юпатишга шошилишдан воз кечиши биланоқ, ҳаммаси ўз-ўзидан ва яхшироқ йўлга туша бошлади. У фақат ҳодисалар қандай кечаётганини кузатиб борар, кун кетидан кунлар ортиқча зўриқишларсиз, бирин-кетин ўтиб борарди. Элла ўз ихтиёрида бўлмаган ишларга аралашмай қўйганидан бери, ичида гўё яна бир инсон пайдо бўлганди – бу (ички одам) анча доно, босиқ ва зуккороқ эди.

– Бу ўша бешинчи унсур, – шивирлар эди у гоҳо ўзига-ўзи.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, эри хотинида содир бўлган ўзгаришга эътибор берди. Энди у билан сал узоқроқ бирга қолишни истаётгани боиси шу эмасмикин? Уйга ҳам эрта қайтадиган бўлиб қолди, Элла энди у аёллар эътиборини ташқаридан изламай қўйганмикин, деган шубҳага борди.

– Азизам, сенга бирон кори ҳол бўлмадимми? – сўрарди ундан гоҳо Дэвид.

– Менда ҳаммаси жойида, – жавоб берарди кулимсираб Элла.

Ўзининг сокин (ички) масканига кетганидан буён, у худди узоқ йиллар ухлаб ўтказилгандай бўлиб кўри-наётган ўз никоҳидаги ташқи одатларини ташлагандай эди. Энди Дэвид билан рисоладагидек ҳаёт манзарасини чизишни бас қилганидан бери, Элла улар бир-

галикда йўл қўйган барча хатоларни, бирга кечирган ҳаётларидаги барча эски қусурларни равшан кўрган эди. Элла энди табиий эди. Ва Дэвиднинг ҳам ўз-ўзидан шундай бўлиб қолганини ҳис этди.

Энди нонушта ва тушлик вақтларида улар катта одамлар ўз одатий ишларини тинчгина қилганлари каби, худди кирим ва чиқимларини умумлаштирган каби муҳокама қилар эдилар. Кейин худди бошқа гаплашадиган гаплари йўқлигини билгандай, жим бўлиб қолишар эди.

Гоҳида Элла эри ўзига ундан қандайдир бирон сўз кутаётгандай, эътибор билан қараб турганини кўриб қоларди. Агар Элла ундан ишқий саргузаштлари ҳақида сўраб қолса, у жон деб тавба-тазарру қилиши мумкинлигини билиб турарди. Лекин Элла ўзи буни исташидан шубҳаланарди.

Авваллари оила қайиғини мувозанатдан чиқариб юбормаслик учун эридан ҳеч нима сўрамас эди. Энди эса, эри кечалари уйга қайтмаганларида нималар билан шуғулланишини билмайдиганга солмайдиган бўлди. У ҳамма нарсани билишини ва бунинг унга мутлақо қизиғи йўқлигини аниқ сездириб турарди. Эрини эса айни шу нарса кўрқитар эди. Элла уни тушунарди, чунки қалби тубида ўзи ҳам шундан кўрқарди.

Агар Дэвид атиги бир ой олдин у томонга бир қадам қўйган бўлса эди, у эридан миннатдор бўлган бўларди. Оилани мустаҳкамлаш йўлида қўядиган ҳар қандай қадамини миннатдорлик билан қабул қилган бўларди. Лекин бир ой олдин бу шундай эди. Энди эса аввалги ҳаёти унга ҳақиқий ҳаёт бўлиб кўринмас эди. Уч бола-нинг онаси қандай қилиб шу қўйга тушди? Боз устига, Жанет айтганидай, ҳамон бахтсиз экан, нима учун ўзини ҳамма бахтсизлар тутганларидай тутмади? Нима учун ваннахонага кириб йиғлаб юрмади, ошхонадаги раковинага энгашиб хўнграмади, ташқарига чиқиб ке-

тиб ёлғиз айланиб юрмади, деворга идишларни отиб синдирмади? Ҳеч нима қилмади.

Эллага ғалати сокинлик чўккан эди. У тўкис таъминланган ҳаётини катта тезлик билан тарк эта бошлаган эди, лекин айна пайтда илгари ўзида сира бўлмаган барқарорлик борлигини ҳис этарди. Эрталаблари ойнага узоқ тикилар, ўз юзидаги ўзгаришларни кўрмоқчи бўларди. Ёшардимикин? Ёқимлироқ бўлдимикин? Лекин ҳеч қандай фарқни кўрмас эди. Ва барибир у энди аввалгидай эмас эди.

Кира

1245 йил, 5 май, Конья.

Бутун қиш бўйи шохлари ерга эгилган катта дарахтлар бугун ям-яшил япроқ ёзди, Шамс Табризий эса ҳамон бизникида яшаяпти. Шу вақт ичида, кузатишимча, эрим бошқа одамга айланди, кун сайин мендан ва бутун оиладан тобора узоқлашиб борди. Аввалига мен улар тез орада бир-бирларининг жонларига тегсалар керак, деб ўйлаган эдим, лекин бундан дарак ҳам йўқ эди. Ҳатто бадтар яқинлашгандай эдилар. Улар ё жим ўтиришар, ё тинимсиз гаплашар, гоҳо кулишар эдилар ва бу кулгу менга оғир ботар эди: чунки улар бир-бирларидан сира зерикмаган эдилар. Шамс билан суҳбатлардан кейин эримнинг ҳеч ким билан иши бўлмас ва худди алланимадан кайф қилган каби ўз хаёлот оламига кириб кетарди.

Румий билан Шамсни учинчи одамга жой қолдирмайдиган бир нима бирлаштириб турарди. Улар бир вақтда бир-бирларига бош силкитар, табассум қилар, қовоқ солар, бир-бирларига узоқ қараб қолардилар. Ҳатто кайфиятлари ҳам бир-бирларига боғлиқ эди. Баъзан ҳеч нима емай, гаплашмай сукут сақлаб ўтиришарди; баъзан эса нимадандир телбаларча қувонишарди. Мен Румийни таний олмай қолгандим.

Саккиз йилдан буён менга эр бўлиб келаётган, болаларини ўз туққан болаларимдай катта қилиб келаётган кишим менга бегона бўлиб қолган эди. Фақат ёнимда ухлаб ётганидагина, у билан яқинлигимни ҳис этаман. Кейинги пайтларда кўп тунларни уйқусиз, унинг нафасига қулоқ солиб ва танасининг илиқлигини ҳис этиб ўтказдим. Юрагининг бир текис уриши мени тинчлантиради ва Румийнинг ҳамон эрим эканини эслатиб туради.

Мен ҳамиша ўзимга-ўзим бу абадий давом эта олмайди-ку, дейман. Бир кунмас бир кун Шамс кетадиган вақт келади. Ахир у дарбадар дарвиш-ку! Ва Румий мен билан қолади. У Коньяга ва ўз шогирдларига тегишли. Мен ҳеч нима қилмаслигим керак, фақат кутишим керак. Аммо чидаш қийин бўлаяпти, кундан-кун тобора қийинлашиб бораяпти. Жуда қийналган вақтимда ўтган кунларни – ҳеч қандай келишмовчиликларга қарамасдан Румий ёнимда бўлган пайтларни – эслайман.

– Кира – насроний. Ҳатто исломга кирган бўлса ҳам, ҳеч қачон биздай бўлмайди, – бизнинг никоҳимиз ҳақида эшитгач шивирлашар эди одамлар. – Шундай таниқли ислом уламози ғайридинга уйланмаслиги керак эди.

Лекин Румий бу ғийбатларга эътибор бермас эди. Никоҳдан аввал ҳам, кейин ҳам. Ва мен ундан ҳамиша миннатдор эдим.

Онадўли аҳолиси турли дин ва ирқларга тааллуқли. Шунга қарамай биз ҳаммамиз бир хил таом еймиз, бир хил куйлаймиз; бидъатларимиз ҳам, кечаси кўрадиган тушларимиз ҳам бирдай. Нима учун биз бирга бўла олмас эканмиз? Мен мусулмонча исмли насоро болаларни ва насоро аёллар эмизган мусулмон болаларни кўрганман. Бизнинг дунёемизнинг ўзи шундай. Ҳамон насоролик билан ислом орасида чегара бўлса, бу иккала томон илоҳиётшунослари ҳисоблаганларидан анча қайишқоқ бўлиши керак эмасми.

Одамлар, мени катта олимнинг хотини бўлганим учун барча уламолар ҳақида яхши фикрда бўлишим керак, деб ўйлашади. Аммо, тўғриси айтсам, ундай эмас. Шак-шубҳасиз, уламолар кўп нарсаларни биладилар, лекин гап эътиқод ҳақида кетганида уларнинг илмлари жуда зўрми? Боз устига, улар айтишга ҳам одам қийналадиган сўзларни ишлатиб гапиришади. Мусулмон уламолари Учликка бўлган насоролик эътиқодни инкор этишади, насоролар эса фақат Қуръонни энг буюк деб ҳисобланишига қарши чиқишади. Улар худди бир-бирларини эшитмайдигандай гапиришади. Аммо мендан сўрасангиз, бу буюклардан кўра, оддий насоро билан оддий мусулмон орасида умумият кўпроқ.

Насороликни қабул қилишда мусулмон учун энг қийини – Учликни тан олиш дейишади. Мусулмонликни қабул қилишда эса насоро учун энг қийини – Учликдан воз кечиш.

Қуръонда Исо (а.с.) ўзини Худо ўзига Китоб берган ва Ўз пайғамбари қилган Худонинг қули дейди. Мен бунга қийинчиликсиз ишонганман. Лекин Биби Марямни инкор этиш қийинроқ кечади. Инчунин, Исо Христос онасининг меҳрли кўзларига оташин термулгим келаверишини ҳеч кимга, ҳатто Румийга ҳам айтмайман. Ўз нигоҳи билан у мени ҳамиша юпатади.

Тўғриси айтсам, Шамс Табризийнинг бизникида жойлашиб олишидан шунчалар хижолат тортдим ва хафа бўлдимки, Биби Марямнинг юпатишига ҳар қачонгидан ҳам зор бўлдим. Мен Унга дуо билан мурожат қилишга шунчалар ташна бўлдимки, ҳатто иситмам кўтарилар даражага етди. Гоҳида эса ўз янги эътиқодимга хиёнат қилаётганимдан уялиб кетардим.

Ҳеч ким буларни тахмин ҳам қила олмас эди. Ҳатто, менинг деярли барча ишларим ва фикрларимни биладиган София ҳам. У мени тушунмаган бўларди. Афсуски, булар ҳақида эримга айта олмас эдим, лекин бу

ҳақида унга қандай айтишни ҳам билмас эдим. У шундоқ ҳам мандан жуда узоқлашиб кетди, бадтар бўлишидан кўрқаман. Румий менинг бутун борлигим эди. Энди эса бегоналашиб кетди. Ҳеч қачон бир инсон билан бир уйда яшаб, бир тўшакда ухлаб ва лекин унинг ўзинг билан бирга эмаслигини ҳис этиб яшаш мумкин, деб ўйламаган эдим.

Шамс Табризий

1245 йил, 12 июнь, Конья.

Турган-битгани томошахонанинг ўзи! Агар мусулмонлар ўз гуноҳларини ювиш учун бутун Рамазон ойи Худога бағишлаб рўза тутсалар ҳам ва ҳар Йиди Рамазон қўй ёки эчки қурбонлик қилсалар ҳам, агар бутун умр Макка зиёрати орзусини қилсалар ва кунига беш маҳал жойнамоз ёйсалар ҳамки, қалбларида ИШҚ туйғуси бўлмаса – буларнинг барчасида не маъно бор? ИШҚдан айро эътиқод – қуруқ сўзлардангина иборат; сўзларда асл ҳиссиёт бўлмагани учун улар жуда заиф ва ноҳаётий, ноаниқ ва пучдир.

Наҳотки Худони Макка ёки Мадинага борганда топиш мумкин деб ўйласалар? Ёки уни мачитда топиш мумкин деб ўйласалар? Худони қандайдир бир «ёпиқ» маконда эканини тасаввур қилиш мумкинми?!

Ҳамон Худо Ўзи «На Осмонларим ва на Ерим Мени ўзига сиғдира олмагай, лекин Мен менга ишонган қулимнинг қалбига сиғаман» деган бўлса, Уни бирон бир «ёпиқ» маконда жойлашганини қандай тасаввур этиш мумкин.

Ўзининг ўткинчи (чекланган) тафаккурини Буюк Худони билиш учун етарли, деб ўйлайдиган аҳмоққа ачинаман. Худо билан савдолашиш ва унинг олдидаги ўз ҚАРЗларини узиш мумкин, деб ўйлайдиган жоҳилга ачинаман. Наҳотки, бу одамлар Худони бизнинг гуноҳу савобларимизни тарозунинг икки палласида ўлчайди-

ган атторга ўхшатсалар? Ёки наҳотки Уни бизнинг гуноху савобларимизни худди ўзининг кирим ва чиқим дафтарига ёзиб бориб, савдо қиладиган савдогар (судхўр)га ўхшатсалар? Ўзларининг Худо билан Бирликларини шундай тасаввур этадиларми?

Йўқ! Менинг Худойим – Буюк! У Тирик Худо! Менга ўлган Худонинг нима кераги бор? Нима учун мен ҳаммаша қўрқув ва ваҳималар, тақиқ ва панду насиҳатлар ичида қотиб, қолипда яшашим керак? У (менинг Худойим) чексиз меҳр-мурувватлидир. Унинг исми ал-Вадуддир. Зеро, У Севгучидир.

Мен Унга ўзим қиляётган ҳар битта ишимда, худди нафас олаётгандай енгил ва табиий ҳамду сано айтаман. Зеро, Унинг исми ал-Ҳамид, Мақталгучи (ҳамду санолар айтилгучи)дир.

Ҳамон ўз қалбим тубида Худо ҳамма нарсани Ўзи кўриб ва эшитиб турганини билсам, нима учун фисқу фасод, ғийбатлар билан машғул бўлишим керак. Ахир Унинг исми ал-Басир, ҳамма нарсаларни Кўрувчи-ку!

Ал-Жамол, ал-Қайюм, ал-Раҳмон, ал-Раҳим. Қурғоқчилик бўладими ё дунёни сув босадими, очлик ё ташналикдан ўлай деб қоламанми, то тиззаларим букилиб, вужудим ўзимга бўйсунмай қолгунича, юрагим уришдан тўхтагунича Унинг ишқида куйлайман ва Унинг учун рақс тушаман. Унинг энг СОФ борлиғи, бўм-бўш қисмига, Унинг буюк коинотидаги энг майда зарралари ичидаги бир заррачага айланмагунимча, ўз тубан нафсимни (нафси амморамни) тинимсиз чилпарчин қилишда давом этаман. Мен миннатдорлик, қувонч ва қатъият ила Унинг буюклиги ва барча ҳимматларини шарафлайман. У менга берган ва бермаганларнинг барчаси учун Унга миннатдорлик изҳор этаман, зеро менга нима яхшироқлигини Ўзи билгучидир.

Рўйхатимдаги яна бир қоида ёдимга тушиб, бахт ва умид тўлқини мени қамраб олганини ҳис этдим. «Худо

яратган мавжудотлар ичида МЕН УНГА ЎЗ РУҲИМНИ ПУФЛАДИМ деб айтилган Инсон алоҳида ўрин эгаллайди. Бизларнинг ҳар биримиз, беистисно, Худонинг бу ердаги элчиси бўлиш учун яралганмиз. Сен ҳеч бўлмаса бир марта ўзингдан ўз хатти-ҳаракатларингда Худонинг яратмишига ўхшайманми деб сўраганмисан? Сен ўзингдаги Худони кашф этишинг ва шу кашфиёт ила яшамоғинг кераклигини эслайсанми?»

Худо билан бирлашиб, фано бўлиш ва ўз нафсига қарши кураш олиб бориш ўрнига дин мутаассиблари (фанатлар) қўрқув қўзғотиб, бошқа одамлар билан жанг қиладилар. Дунёга қўрқув тўла кўз билан қараган одамлар воқеликдан яна ҳам бадтар ваҳимага тушишлари ажабланарли эмас. Бирон жойда ер қимирласа, қурғоқчилик бўлса ёки бошқа қору ҳол рўй берса, улар буни Муқаддас Ғазаб ифодаси сифатида қабул қиладилар – гўё Худо «Менинг шафқатим Менинг ғазабимдан кучлироқ» демагандай. Фанатлар ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб ҳаммага жаҳл билан, ғижиниб қараб худди Буюк Раббимиз уларнинг тарафини олишини ва ўзларидаги арзимас қасос ўтини қувватлашини кутадилар. Уларнинг ҳаётларида фақат аччиқ аламлар ва нафратлар учун, яна уларга ҳамиша ва ҳаммаёқда худди қора булутлар каби ҳамроҳлик қиладиган, уларнинг ўтмиш ва келажакларига соя солиб турадиган чексиз норизоликлар учун ўрин бор, холос. Инсонда ўрмонни кўриб, дарахтларни кўра олмайдиган ҳоллар бўлади. Баъзи қоидаларни бутуннинг нурида кўрмоқ жоиз. Бутун эса ўз моҳиятида яширин.

Фанатлар Қуръоннинг моҳиятини излашни истамай ва уни бутунлигича қабул қила олмай, айрим оятларни одамларнинг ваҳимага тушган онгига мос келадиган муқаддас кўрсатма сифатида ажратиб оладилар. Улар ҳамма вақт Қиёмат куни барча инсонлар соч толасидан ингичка ва пичоқ тиғидан кескир Сирот кў-

пригидан ўтказилишларини эслатадилар. Кўприкдан ўта олмаган гуноҳкорлар дўзахга тушишлари ва охиратга қадар ўша ерда азоб чекишларини айтадилар. Бегуноҳлар эса кўприкдан ўтиб кетишларини, мевазор боғлари, ширин сувлари ва гўзал фаришталари бор жаннатга тушишларини айтадилар. Фанатларнинг тасаввурларига шу манзара муҳрланган. Уларнинг дунёвий ҳаёт қаршисидаги қўрқувлари, қилган ишларининг жазоси ҳақидаги қўрқувлари шу қадар каттаки, ўзларини оқлашга бўлган уринишлари йўлида Худони ҳам эсларидан чиқарадилар! Нахотки улар қирқ қоида-нинг ушбу қоидасини билмайдилар? «Дўзах ҲОЗИРда ва ШУ ЕРДАдир. Жаннат ҳам шундай. Дўзахдан қўрқиш ва жаннатни орзу қилиш керак эмас, зеро дўзах ҳам, жаннат ҳам ҳамиша инсон қалбида. Қачон ишқ бизга нузул этса, демак, биз жаннатдамиз. Қачон нафратлан-сак, ҳасад қилсак ёки жанг қилсак, демак, биз дўзах ўтида ёнаётимиз». Йигирма бешинчи қоидада шундай дейилган.

Инсон виждони унинг гуноҳларини кўрсатганидаги азоблар дўзахдан қўрқинчлироқ эмасми? Ўзидан сўранг. У сизга дўзах нималигини айтади. Инсонда аҳёнда Худо билан тўлиқ мувофиқликда яшаётганини билганидаги бахт туйғусидан гўзалроқ жаннат борми? Ўзидан сўранг. У сизга жаннат нималигини айта олади.

Ҳамон ҳозирги ондаёқ Худонинг ҳаётимизда бор ё йўқлигини тўлиқ била олсак, ўлимдан кейинги олам, тасаввурдаги келажак ҳақида безовталиқнинг нима кераги бор? Дўзах ҳақида ўйга толишлар ва жаннат таъмалари сўфийларга хос эмас, шунинг учун улар Худони соф ҳолда ва безовталиқларсиз, доғи ҳасратларсиз ҳақиқий (беминнат) ишқ билан севадилар.

Ишқ сабабдир. Ишқ мақсаддир.

Ва Худога муҳаббатинг кучли бўлса, унинг барча яратмишларини ҳам улар У туфайли яралганликлари-

ни ва У туфайли яшаётганларини билганинг учун севсанг, бошқа ҳеч ниманинг аҳамияти қолмайди. Бунда ҳеч қандай «мен»га ўрин қолмайди. Бутун вужудинг билан сенинг бутун борлигинг бўлган ҲЕЧ НИМАга йўналасан.

Эртаси куни биз Румий билан шулар ҳақида ўйлар эканмиз, у кўзини юмди ва бирдан шу сатрларни айтди:

*Ваҳ, менга Машриқ надир, Мағриб надир,
Балки кўкларга учармен, бари бир.
Унда бўлмас эрса гар Сендан нишон,
Ҳеч эрур менга бу умри жовидон.*

Румий ўзини шоир деб ҳисобламайди. Лекин у ҳақиқий шоир. Зўр шоир! У энди ўзини шоир сифатида кашф этмоқда.

Ҳа, Румий ҳақли. У на Машриққа ва на Мағрибга тегишли. У Ишқ Салтанатига тегишли. У Севгилиси (Раҳмон)га тегишли.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

ОЛОВ

(Зарарли нарсалар вайрон қилади ва йўқ қилади)

Ичкиликбоз Сулаймон

1246 йил, февраль, Конья.

Одатда, мен маст бўлсам, хаёлпараст бўлиб қоламан, буюк Румийнинг карвонсаройга кириб келаётганини кўриб, ўзимни чимчилаб кўрдим. Лекин рўё йўқ бўлмади.

– Ҳой, Христос, менга нима ичирдинг? – қичқирдим мен. – Кейинги финжондаги қандай май эди? Агар менга нима кўринаётганини айтсам, асло ишонмайсан.

– Жим бўл, аҳмоқ, – шивирлади орқамда ўтирган кимдир.

Мен бу ким эканини билиш учун орқага қарадим, қарасам, ҳамма, жумладан, Христос ҳам, эшикдан кўз узмай қараб туришарди. Ҳамма жим қотган, ҳатто карвонсаройнинг шу ердаги ити ҳам вовулламай, ерга қапишиб қолипти. Эрон гиламлари билан савдо қиладиган савдогар ҳам ўзи ашула деб ўйлайдиган аҳмоқона куйларини айтишдан тўхтаган. Айни пайт у ўтирган ўриндиғидан сакраб турди ва одатда маст одамлар ўзларини хушёр кўрсатиш учун қилганларидай, юзига жиддий ифода бериш учун бошини баланд кўтарди.

Жимликни Христос бузди.

– Хуш келибсиз, Мавлоно, – деди у иложи борича ҳаммадан ортиқ илтифот кўрсатишга уриниб. – Ташрифингиз мен учун шараф. Хизмат?

Мен чиндан ҳам Румийни кўраётганимни англаганимдан кейин ҳам икки марта кўзимни қисдим.

– Раҳмат, – жавоб қилди Румий кенг, лекин кучсизроқ жилмайиб. – Мен май харид қилмоқчи эдим.

Бечора Христоснинг ҳатто чакаги осилиб қолди. Ўзига келгач, Румийни менинг ёнимдаги тасодифан бўш қолган курсига ўтиришга таклиф қилди.

– Ассалому алайкум, – саломлашди мен билан Румий ўтирган заҳоти.

Мен ҳам у билан саломлашдим ва бир-икки оғиз ширин сўз қўшгандай ҳам бўлдим, лекин Румий уларни қанчалик тўғри илғагани номаълум. Сиртдан қараганда сокин, қимматбаҳо либосларида Румий, майхонанинг доимий мижозларидан кескин ажралиб турарди.

Мен Румий томонга чўзилдим, паст овозда шивирлаб сўрадим:

– Гапим қўпол кўринса, кечиринг, лекин сиздайин инсон бу ерда нима қилиб юрипти?

– Сўфийлик синовини топшираяпман, – жавоб қилди Румий, худди бизлар яқин дўст бўлиб қолгандай менга кўз қисиб. – Мендаги шон-шарафдан асар ҳам қолмасин учун Шамс мени шу ёқларга юборди.

– Шу яхшими?

Румий кулиб юборди.

– Бу қандай қарашга боғлиқ. Баъзан ўзлигингни қутқариш учун барча аввалги боғланишларни йўқ қилиш керак. Агар ўз оиламизга, жамиятдаги ўрнимизга, ҳатто ўз йўлимиз (мактабимиз) ёки мачитимизга ўта боғланиб қолишимиз Худо билан бевосита боғланишимизга халал берса, бу боғланишлардан воз кечиш керак бўлади.

Мен Румийни тўғри тушунганимга унчалик ишончим йўқ эди, лекин у берган тушунтириш менга оқилона бўлиб туюлди. Мен сўфийларни ҳар доим бироз девонасифат, ҳар хил телбаликларга қодир, лекин ёрқин ва қизиқарли инсонлар деб ҳисоблар эдим.

Энди Румий мен томонга чўзилди ва у ҳам шивирлаб сўради:

– Сиз ҳам кўполлигим учун кечиринг-у, лекин юзингиздаги чандиқ қандай пайдо бўлган?

– Бунинг қизиқ жойи йўқ. Кечаси уйимга кетаётганимда миршабларга дуч келиб қолдим, улар мени ўларли қилиб дўппослашди.

– Нима учун? – астойдил қайғуриб сўради Румий.

– Чунки май ичган эдим, – дедим, айти шу пайт Христос Румий олдига қўйиб кетган кўзаларни кўрсатиб.

Румий бош чайқади. Аввалига у шундай бўлиши мумкинлигига унча ишонқирамади, кейин менга дўстона жилмайиб қўйди. Бу билан суҳбатимиз тугамади. Биз нон билан эчки сутидан тайёрланган пишлоқ чайнаб ўтирганча, эътиқод, дўстлик ҳақида ва бошқа, мен анча илгарилари унутиб юборган, ҳозир эса мен хурсанд бўлиб тўкиб солган бошқа масалаларни муҳокама қилиб ўтирдик.

Қуёш ботар-ботмас Румий уйига кетишга чоғланди. Қовоқхонадагиларнинг ҳаммаси у билан хайрлашиш учун ўринларидан туришди. Ғаройиб томоша!

– Лекин сиз бизга нима учун май ичиш тақиқланганини айтмасдан кета олмайсиз, – дедим мен.

Христос ардоқли меҳмонни хафа қилиб қўйишимдан хавотир олиб, қовоғини уйганча шошилди:

– Жим бўл, Сулаймон. Нима учун сўраяпсан?

– Тўғрисида, – Румийдан кўз узмасдан гапимда туриб олдим мен. – Мана сиз бизни кўрдингиз. Биз ёмон одамлар эканмизми? Ваҳоланки, бизни ҳамма ёмонотлиқ қилади. Агар биз тинч юрсак ва ҳеч кимга халал бермасак, майхўрлик қилишимизнинг нимаси ёмон, менга шуни айтинг?

Бурчакдаги ойна очиқ бўлишига қарамай бу катта хона қоронғу ва нам эди. Ҳамма Румий нима дейишини кутиб турарди. Мен ҳамма унинг жавобини қизиқиб

кутаётганини кўриб турардим. Румий хаёлчан, хомуш ва тамомила хушёр эди. Ва у шундай деди:

*Гар майхўр қалбида бўлса эзгулик,
Май кайфи яширмас, яшира олмас.
Лек бўлса гар унда зарра ёвузлик,
Қанча ичса ҳамки, май-ла ювилмас.
Шунинг-чун, эй дўстлар, ичмаслик керак...*

Биз ҳаммамиз мамнун ҳолда, узоқ вақт унинг сўзлараридаги маънони тушунишга уриниб жим қолдик.

– Дўстларим, майни унчалик безарар деб бўлмайди, – деди Румий, лекин энди бошқачароқ, ишончлироқ ва қатъийроқ қилиб. – У инсондаги жамики энг ёмон нарсаларни юзага олиб чиқади. Биз ундан узоқроқ туришимиз кераклигига шубҳа қилмайман. Ўзимиздаги иллатлар учун майни айбламаслик керак. Киши ўзидаги такаббурлик ва бошқа иллатларга қарши курашиши керак. Мана шу муҳимроқ. Охир-оқибат ким ичишни истаса, ичаверади, истамаса, ичмайди. Биз ўз масъулиятимизни ўзгаларга юкламаслигимиз керак. Дин ҳеч кимни ҳеч нимага мажбур этмайди.

Баъзилар уни маъқуляб бошларини ирғитишди. Мен эса донишмандликни қадаҳ билан шарафлаш керак, деган ишонч билан май солинган финжонимни кўтардим.

– Сиз яхши инсонсиз, сизда улкан юрак бор, – дедим мен. – Сизнинг юриш-туришингиз ҳақида ким нима дейётганининг аҳамияти йўқ, у одамларнинг қандай вайсақилигини ҳаммадан яхши мен биламан, лекин ҳамон бу ерга биз билан тенгма-тенг суҳбатлашгани келибсиз, демак, сиз жуда зўр ваъзхонсиз.

Румий менга дўстона қараб қўйди. Кейин лабига ҳам теккизмаган икки кўзачадаги майни олди, кечки нимқоронғулик қаърида кўздан ғойиб бўлди.

Аловуддин

1246 йил, февраль, Конья.

Кейинги уч ҳафтани эртаю кеч отамдан фақат бир нарсани – Кимёни менга никоҳлаб беришини сўрашни ўйлаб ўтказдим, лекин буни айтгани ўзимда сира жасорат топмадим. У билан соатлаб хаёлан суҳбатлашдим, ўйлаб қўйган жумлаларимни унга такрор-такрор айтиб, дурустроқ тушунтириш йўлларини изладим. У билдириши мумкин бўлган барча эътирозлар учун менда жавоблар бор эди. Агар мени Кимё билан ака-сингилсизлар деса, мен у билан туғишган ака-сингил эмаслигимизни эслатаман. Отам Кимёни жуда яхши кўришини билганим учун, агар биз никоҳлансак, у бизникидан қаёққадир чиқиб кетмаслигини, доимо биз билан бирга яшаши яхшилигини айтмоқчи эдим. Ҳаммасини ўйлаб қўйган, фақат отам билан ёлғиз қола олмаётгандим.

Аммо бир куни кечқурун унга тўқнаш келиб қолдим, лекин бу қулай фурсат эмас экан. Ошналарим билан учрашмоқчи бўлиб энди уйдан чиқай деб турганимда, кўчадан икки кўза май кўтариб, отам кириб келаётган экан.

Мен турган жойимда қотиб қолдим:

– Ота, кўлингиздаги нима?

– Ҳа, буми! – жавоб берди у сира хижолат бўлмасдан.

– Бу май, ўғлим.

– Нима?! – бақирдим мен. – Буюк Мавлоно шунчалар ўзгариб кетиптилар! Энди май ичар эканларми?

– Ўзингни бос, – деган овоз келди орқа томондан.

Бу Шамс эди. У мендан кўз узмай қараб турарди.

– Одам ўз отаси билан шундай гаплашадими? Ундан қовоқхонага бориб келишни мен илтимос қилган эдим.

– Мен бу гапдан негадир ҳайрон қолмадим? – дедим мен, пичингимни яшира олмай.

Шамс хафа бўлса ҳамки, билдирмади чоғи.

– Аловуддин, биз буни муҳокама этишимиз мумкин, – деди у пинагини бузмай. – Фақат кўзларингни жаҳл тўсиб қўймаса бўлгани.

Кейин бошини ёнига эгиб, менга қалбимни жиловлаш борасида маслаҳат берди.

– Қоидалардан бирида шундай дейилган, – деди у: эътиқодинг мустаҳкам бўлишини истасанг, қалбингни юмшат. Эътиқодинг бамисоли қоятош, сен эса пардан-да юмшоқ бўлмоғинг керак. Биз дуч келади-ган кўплаб ҳодисалар – хасталик, бахтсизлик, жудодлик, қўрқинч кабилар – бизни ўз муҳокамаларимизда худбинлик ва кескинликни камайтиришга, одамларга нисбатан ҳамдардроқ ва меҳрибонроқ бўлишга ўргатади. Баъзилар бу дарслардан сабоқ олиб юмшайдилар, бошқалар эса, аксинча, аввалгидан ҳам қаттиқроқ бўла борадилар. Ҳаққа яқинлашмоқнинг ягона йўли – ўз қалбингни очмоқликдир, токи у барча инсонларни камраб олсин ва унда яна ИШҚ учун жой бўлсин.

– Сиз жим турсангиз яхшироқ бўлар эди, – дедим унинг нутқига жавобан. – Маст дарвиш гапининг менга алоқаси йўқ.

– Аловуддин, уят! – гапга аралашди отам.

Мен ростдан уялиб кетдим, лекин кечиккан эдим. Кейинги пайтлар отам мени кўп жиғибийрон қилганларини эсладим-у, яна бадтар тутоқиб кетдим.

– Сен мендан ростдан ҳам нафратланишингга шубҳа қилмайман, – деди Шамс. – Лекин сен бир он бўлса ҳам отангни яхши кўрмай қолмайсан-ку! Наҳотки, уни ранжитаётганингни кўрмаётган бўлсанг?

– Сиз эса бизларнинг ҳаммамизни ҳалок қилаётганингни наҳотки кўрмаётган бўлсангиз?

Эвоҳ, шундан кейин отам лабларини маҳкам қисиб ва ўнг қўлини баланд кўтариб менга ташланди. Ҳозир у мени уради, деб ўйладим. Лекин ундай қилмади, мен эса эс-хушимни йўқотдим.

– Сен мени шарманда қилдинг, – деди отам мен томонга қарамай.

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Юзимни бошқа ёққа бурдим ва кутилмаганда Кимё билан юзма-юз бўлиб қолдим. У бурчак ортида қанча турди ва нималарни кўрди экан? Кўзларида кўрқув бор эди. У ҳаммасини эшитганмикин?

Отам уйланмоқчи бўлиб турган қизим олдида мени бундай ерга уришидан орланиб кетдим. Томоғимга нимадир тиқилди, оғзим тахир бўлиб кетди. Атрофимда ҳамма нарса гир айланар, ҳаммаёқ вайрон бўлаётгандай кўринарди.

Уйда бошқа қолгим келмай, тўнимни олдим-у, Шамсни итара солиб, ўзимни ташқарига отдим – Кимёдан ҳам нари, қолган ҳаммадан ҳам нари, узоқ-узоқларга отилдим.

Шамс

1246 йил, июнь, Конья.

Бу мияси йўқ шаҳар аҳли само рақсини шаккоклик деяпти. Уларга қулоқ солсангиз, Худо ҳар бир нарсани ўз мусиқаси билан яратишга яратган, лекин яратгач, Ўзи бу мусиқани эшитишни тақиқлаган бўлиб чиқади. Наҳотки улар табиатдаги ҳар бир нарса куйлаб турганини тушунишмаса? Ахир коинотдаги ҳар бир нарсанинг ўз муайян мақоми бор: юракнинг уришида, қушлар қанотларининг силкинишларида, тунда шамолнинг деразага урилишида, темирчи дастгоҳида металлдан чиққан овозида, булар ҳаммаси ҳали туғилмаган болани она қорнидалигидаёқ қуршаб туради... Бу буюк мусиқанинг яралишида дунёдаги барча нарсалар

бор эҳтирослари ва ўз ихтиёрлари билан қатнашади. Айланувчи дарвишлар рақси – бу чексиз занжирнинг бир бўғими. Бу Уммон сувининг бир томчисида бутун уммон гавдалангани каби гўё.

Томошадан бир неча соат олдин биз Румий билан мушоқаба қилиш учун ҳеч ким йўқ хонага кирдик. Томошада қатнашадиган олти дарвиш ҳам биз билан бирга эди. Ҳаммамиз таҳорат олиб, дуо қилдик. Кейин тайёрлаб қўйилган кийимларимизни кийдик. Биз қандай кийимлар кийишимизни анча олдин келишиб олган, энг оддий матоларни танлаган эдик. Мис рангидаги қалпоқлар қабр тошлари рангини, узун оқ юбкалар кафан рангини, қора ёпинғичлар қабр рангини мажози эди. Бизнинг рақсимиз сўфийларнинг «мен» ҳақидаги тасавурларини ифодалар эди.

Саҳнага чиқишдан олдин Румий деди:

Билувчи йўқ энди

*ва у фақат туйғуларни қолдириб кетди,
Фақат олти йўналишни тушунмоқ бизга қолди.*

Шу тарзда биз тайёр бўлдик. Энг олдин най чалинди. Кейин Румий само азончиси ролини ижро этиш учун саҳнага чиқди. Кейин бирин-кетин дарвишлар ҳам бошларини камтарона эгиб чиқишди. Энг охири шайх чиқиши керак эди. Мен қатъий равишда бу ролни ўйнашдан бош тортдим, Румий эса шу ролни ўйнашимни қаттиқ сўрайверди.

Кейин Ҳофиз Қуръондан ердаги белгилар ҳақида оятлар ўқилди.

Ундан кейин най ва рубоб овозлари остида тавоф оҳанги янгради.

*Тингла найдин, чун ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардин шикоят айлағай.*

*Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.*

Олдин биринчи дарвиш ўзини Худога топшириб, айлана бошлади, либосининг этаклари оҳишта шитирларди. Тез орада биз ҳаммамиз айлана бошладик, нафақат биз ўзимиз, балки томошабинлар ҳам Бир Бутунлик ҳолатига етмагунимизча айландик. Осмонлардан ниманики қабул қилсак, ерга, Худодан олганларимизни одамларга узата бошладик. Бизлар Ошиқни Маъшуқ билан бирлаштирувчи занжир бўлдик. Мусиқа тўхтаганидан кейин ҳаммамиз бир вақтда коинотнинг асосий қувватлари бўлмиш олов, шамол, тупроқ ва сувга, шунингдек, бешинчи унсур бўлмиш бўшлиққа таъзим қилдик.

Томошадан кейин Кайхусрав билан менинг орамда бўлиб ўтган ҳодисадан афсусланмайман. Лекин ҳар ҳолда Румийни қийин аҳволга солиб қўйганимдан ноқулайлик ҳис этаяпман. Дунёвий қудрат эгаларидан тегадиган имтиёзлар ва раҳнамоликларга ўрганган Румий ҳеч қачон ҳукмдордан бунчалик узоқлашмаган эди. Аммо энди у ҳеч бўлмаса, оддий одамлар қандай яшашларини – ҳукмдор табақа билан кўпчилик халқ орасидаги деворнинг нақадар баландлигини ҳис эта олади.

Шунинг билан бирга, англашимча, менинг Коньяда бўлиш муддатим ҳам қисқариб бормоқда.

Ишқ ва дўстлик ҳар сафар кутилмаган ўзгаришларнинг сабабчиси бўлади. Агар биз ишқни туйгунимизга қадар қандай бўлган бўлсак, шундайлигимизча қоладиган бўлсак, демак, бу ишқ етарлича кучли эмас экан.

Поэзия, мусиқа ва рақс сирларига ошно бўлиш Румийнинг шахсида содир бўлган ўзгаришларга хотима бўлди. У илгари шеърятни инкор этган, ўқувчила-

рига дарс бераётганида ёки ҳамшаҳарлари хутбасини тинглаганларида ўз овозидан завқланиб юрган олим ва ваъзхон эди. Энди эса, гарчи ўзи буни ҳали ҳақиқий англаб етмаган бўлса ҳамки, шоирга айланди. Менга келсак, мен ҳам ўзгардим ва ҳамон ўзгараяпман. Мен борлиқдан Ҳеч нимага ўтиш йўлидаман. Бир даврдан бошқасига, ҳаётдан ўлимга.

Бизнинг дўстлигимиз Худонинг лутфи, марҳамати бўлди. Биз бирга мутлоқ тўлиқ ҳаёт бахтидан завқландик, гуллаб-яшнадик, қувончга тўлдик, пишиб етилдик.

Бобо Замоннинг бир вақтлар айтган гаплари эсимда: дунёни ўз ипаги билан қойил қолдириш учун ипак қурти ўлиши керак. Томошабинлар кетишгач, Румий билан тўлиқ сокинликда ўтирар эканмиз, бизнинг Румий билан бирга ўтказаётган вақтимиз ўз ниҳоясига етганини англадим. Биз бирга бўла олдик ва биргаликда борлиқ нақадар гўзал бўлиши мумкинлигини ўз бошимиздан кечирдик; биз икки кўзгу бир-бирини акс эттиргандаги чексизлик нималигини англадик. Аммо «Қалби оғримаганда Ишқ бўлмайди», деган қадимги мақолдан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди.

Элла

2008 йил, 29 июнь, Нортгемптон.

Азизнинг: «Ҳар қандай кутилмаган ҳодиса фақат инсон ўз ичидан тайёр бўлгандагина содир бўлади», деган фикри Эллага баҳс учун ўрин қолдирмайдиган фикр бўлиб туюлган эди. Лекин ҳозир у бу ҳодисага сира тайёр эмас эди: Азиз Элла билан кўришиш учун Бостонга келипти.

Якшанба куни кечқурун Рубинштейнлар оиласи кечки овқат тановули учун стол атрофига ўтирганларида Элла ўз телефонига СМС келганига эътибор берди. Пазандачилик клубидаги танишлардан биронтаси бўлса керак, деб ўйлаб, дарров ўқимади, бунинг ўрнига

столга ўзининг махсус тайёрлаган таоми: қовурилган картошка, пиёз ва жигарранг гуруч билан ичига асал солиб пиширилган ўрдакни тортди. Ўрдакни столга қўйганида, ҳаммалари ҳайратдан бир силкинишди. Ҳатто яқинда Скоттни янги дугонаси билан кўриб қолгани учун руҳий тушкунлик ҳолатида юрган Жанет ҳам.

Кечки овқат чўзилиб кетди. Ювиқсиз идишларни идиш ювгич машинага солганидан ва шоколадли музқаймоқни тортганидан кейингина, Элланнинг миясига хатни ўқиш вақти келгани ҳақидаги фикр келди.

Салом, Элла.

Мен ҳозир «Смитсон» журнали топшириғи билан Бостондаман. Ҳозиргина учиб келдим. Сен билан учрашишни истайман. «Оникс»да бўламан. Кутаман.

Азиз.

Элла телефонни қўйди, ўзини ноқулай ҳис этиб, стол ёнига ўтирди.

– Хабар келдимми? – сўради Дэвид ликопдан бош кўтариб.

– Ҳа, Мишелдан, – осонгина ёлғон тўқиди Элла. Дэвид азоб чекаётган кўриниш олиб, юзини ўғирди, кейин сочиқни яхшилаб тахлай бошлади.

– Тушунарли, – деди у.

Элла эрининг унга ишонмаганини билиб турарди, лекин ўзининг сира шубҳаланмаётгани ва виждони ҳам қийналмаётгани қизиқ эди. У ҳеч тугилмасдан, хотиржам овозда деди:

– Мишель агентликда эртага эрталаб келгуси йил каталоги борасида мажлис бўлишини хабар қилди. У мажлисда мен ҳам бўлишимни хоҳлаяпти.

– Албатта, албатта, – деди Дэвид, Элла унинг яна ишонмаганини тушунди.

– Мен сени эртага эрталаб олиб бориб қўйишим мумкин, – деди Дэвид. – Фақат бир нечта мижозимни бошқа вақтга кўчирсам бўлгани.

Элла ўтакаси ёрилиб эрига қаради. У нима қилмоқчи? Наҳотки, болаларнинг кўз олдида жанжал чиқармоқчи?

– Ёмон бўлмас эди, – жавоб қилди Элла, ўзини табассум қилишга мажбурлаб. – Лекин унда эрталаб соат еттигача уйдан чиқишимизга тўғри келади. Мишель мен билан мажлисга қадар гаплашиб олмоқчи экан.

– Унда бўлмас экан, – хитоб қилди отасининг бундай вақтли уйқудан туришни ёқтирмаслигини яхши билган Орли. – Дадам асло бундай эрта турмайди!

Элла ва Дэвид бир-бирларидан кўз узмай қараб туришарди.

– Тўғри айтдинг, – деди ниҳоят, қизининг гапини маъқуллаб Дэвид.

Гарчи ўзининг қизариб кетганини сезиб турган бўлса ҳам, Элла енгил нафас олди. Лекин шу билан бирга у ўзига қатъият ва қувват қуйилганини ҳис этарди.

– Айтмоқчи, ҳозир эрта-ку! Бугун бориб турсам ҳам бўлади.

Эрталаб Бостонга етиб бориш ва Азиз билан нонушта қилиш ҳақидаги хаёлдан Элланинг юраги тез уриб кетди. Лекин эртагача ҳам кута олмас, уни ҳозироқ кўргиси келарди. Бостонгача икки соатлик йўл, лекин бу уни тўхтата олмас эди. У уни деб Амстердамдан келди, бу ерда эса атиги икки соат – нима деган гап.

– Соат ўнда Бостонда бўламан ва эртага эртароқ туриб, мажлисдан олдин Мишель билан гаплашгани агентликка кираман.

Дэвид гапира бошлаши учун абадий вақт керакдай туюлиб кетди. Элла унинг кўзларини – ўз хотинини бошқа эркакка кетишининг олдини олиш имконияти йўқ бўлган эрнинг кўзларини зимдан кузатиб турар эди.

– Бостондаги уйимизда ётиб қоламан, – деди Элла хушчақчақлик билан болаларга қараб, аслида эса эри-

га мурожаат қилмоқда эди. Учрашаётган кишиси билан ўзи орасида жисмоний боғланиш бўлмаслигини унга билдирмоқчи эди.

Дэвид қўлида вино финжони билан столдан турди ва Эллага жилмайди.

– Майли, азизам, – деди у. – Эртароқ бориб туриш яхши бўлади, деб ўйласанг, борақол.

– Ана холос, ойижон, мен бўлсам бугун математикадан менга ёрдам берасиз, деб ўйловдим, – нолиди Ави.

– Эсимда, болажон, кел, шу ишни эртага кўчирайлик.

– Ойимни ўз ҳолига қўй, – деди масхараомуз Орли. – Бир умр унинг этагига осилиб яшамайсан-ку!

Авининг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди, лекин ҳеч нима демади. Орли онасининг тарафини олиб гапирди. Жанетга эса барибир эди. Элла телефонини ола солиб, ётоқхонасига югурди. Эшикни ёпар-ёпмас, каравотига ётиб олиб, Азизга хабар ёза бошлади.

«Келганингга ишона олмаяпман. Икки соатда «Оникс»да бўламан».

Элла деярли саросимада хабари жўнаб кетишини кузатиб турди. Нима қилаяпти ўзи? Лекин ўйлашга вақт йўқ эди. Бугунги кеча ҳақида афсус чекиш учун ҳали вақти бўлади. Ҳозир эса шошилиш керак. Йигирма дақиқа ичида у душ қабул қилди, сочларини қуритди, тишларини ювди, кўйлак танлади, биринчи, иккинчи, учинчи кўйлаklarни кийиб кўрди, сочини турмаклади, озроқ пардоз қилди, ўн саккиз ёшга тўлганида Рут бувиси совға қилган кичкина зираklarини тақди, яна кўйлак алмаштирди. Кейин чуқур хўрсиниб қўйиб, атир сепди. Яшасин Кельвин Кляйн! Бу шиша шу кунни кутиб неча вақт ваннахонада турганини Худо билади. Дэвидга атир ҳиди ҳеч қачон ёқмаган. У аёлдан ванил ёки аллақандай ўсимлик иси эмас, аёл иси келиши керак, дерди. Лекин Элла европаликлар бу борада бошқача фикрда бўлишса керак, деб ўйлади.

Тайёргарликни тугатгач, Элла ўзини кўзгуда диққат билан кузатди. Нима учун У келишини олдинроқ хабар қилмади? Буни билса эди, гўзаллик салонига, сартарошхонага борарди, балки соч турмагини ўзгартирарди. У Азизга ёқмаса, нима бўлади? Ораларида ҳеч нима бўлмаса ва у Бостонга келганига афсус чекса-чи?

Лекин шу он Эллага ўзининг соғлом фикрлаши қайтди. Нима учун у ўз ташқи қиёфасини ўзгартириши керак? Ораларида бирон нарса пайдо бўладими ё йўқми, бунинг нима фарқи бор? Бу одам билан муносабатлар бўлиши мумкин эмас. Элланинг оиласи бор. Ўз ҳаёти бор. Унинг бутун ҳаёти шу ерда ўтган, келажаги ҳам шу ерда. Ўзининг аҳмоқона фикрларидан жаҳли чиқиб, уларни гўё ўчириб ташлади, бироз енгил тортди.

Соат чорак кам саккизда Элла болаларни ўпиб, уларга хайрли тун тилади ва уйдан чиқди. Дэвид ҳеч қаерда кўринмади.

Ўз машинасига яқинлашганида, бошида биронта ҳам фикр йўқ эди, лекин юраги дукиллаб урарди.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

БЎШЛИҚ

(Йўқ деб ҳисобланадиган бор нарсалар...)

Султон Валад

1246 йил, июль, Конья.

Отам зўрға нафас олиб, йиқилай-йиқилай деган аҳволда ўз хонасига кириб келди. Унинг аввалги кўри-ниши йўқолган, гўё фақат сояси қолган эди. Юзлари кичрайиб кетган, кўзларининг ости салқиган, қора-йиб кетган, кечаси билан ухламаган кўринарди. Лекин мени энг қаттиқ ларзага солган нарса бу соқолининг оппоқ оқариб кетгани эди.

– Ўғлим, менга ёрдам бер, – деди у қандайдир бегона овоз билан.

Мен унинг ёнига отилдим, қўлтиғидан олдим:

– Нима қилай, отажон, айтинг.

У бир муддат жим қолди, гўё юз берган воқеани бор оғирлиги билан кўтаришга кучи етмаётганга ўхшарди.

– Шамс йўқ. У мени ташлаб кетди.

Бир он мен эркинлик ҳиссини туйдим. Бирон сўз айтмадим. Отамга жуда ачиниб кетган бўлсам ҳам, миямга бу яхши бўлди, шекилли, деган фикр келди. Наҳотки ҳаётимиз яна аввалгидай тинч ва сокин бўлса? Кейинги вақтларда шу Шамснинг дастидан отамнинг душманлари кўпайиб кетди. Мен ҳамма нарса ўз аввалги изига тушишини, ҳаёт Шамс Табризий келмаган вақтидагидай бўлишини жуда истардим. Аловиддин ҳам балки ҳақли эди. Ахир Шамссиз бизга яхши бўлмаганмиди?

– У мен учун қанчалар аҳамиятли эканини эсингдан чиқарма, – деди отам худди фикримни ўқигандай. – У ва мен – бир бутунмиз. Ойнинг ёруғ ва қоронғу томонлари бўлганидай, мени Шамсдан ажратиб бўлмайди.

Уялиб кетиб, бошимни силкитдим. Юрагим ачиди. Отамга ортиқ ҳеч нима демаслигим керак. Мен одамнинг кўзида бунчалар кўп азоб жо бўлишини ҳеч қачон кўрмаган эдим. Тилим бирдан ғалати, оғир бўлиб қолди. Бир оғиз сўз айта олмадим.

– Шамсни топ... агар топилишни ўзи истаса, албатта. Бизникига олиб кел. Унга менинг юрагим қаттиқ оғриётганини айт. Унинг йўқлиги мени ўлдираётганини айт.

Охирги гапини у шивирлаб айтди.

Мен унга Шамсни олиб келишга ваъда бердим. Отам қўлларимни ушлаб олиб, шундай миннатдорлик билан қисдики, кўзимни ундан олиб қочишга тўғри келди. Отам кўзларимда қатъиятсизлик борлигини кўриб қолишини истамас эдим.

Шамсни топиш умидида бир ҳафта Конья кўчаларини тит-пит қилиб чиқдим. Бу вақтга келиб шаҳарда ҳамма унинг йўқолганини билиб бўлган эди, бу ҳақида турли гап-сўзлар юрарди. Мен Шамсни жуда яхши кўрадиган мохов билан учрашдим. У мени дарвиш ёрдам берган жуда кўп бахтсиз одамлар билан таништирди. Шамсни шунча одам яхши кўришини билмаган эканман, улар мен кўрмай, эътибор бермай келган одамлар эди.

Бир кун кечқурун уйга жуда чарчаб қайтдим. Нима қилсам, яна қаёққа борсам экан? Кира менга атиргул ёғи солинган бир ликоп шовла олиб келди. Ўзи ёнимда овқатланишимни кузатиб ўтирди. У кулимсираб ўтирарди, лекин юзларида азоб борлигини кўриб турардим. Кейинги йил ичида у қанчалик қариб қолганини кўрмаслик мумкин эмасди.

– Шамсни уйимизга қайтариш учун излаётган эмишсан. У қаердалигини биласанми? – сўради Кира.

– У Дамашққа кетган, деган гаплар бор. Бошқалар эса Исфaxonда, Коҳирада дейишаяпти, ҳатто ўз ватани Табризда, деяётганлар ҳам бор. Отамнинг шогирдлари уни бошқа шаҳарлардан ҳам излашаяпти.

Киранни юзларида хафалик ифодаси пайдо бўлди, у худди ўзига-ўзи гапираётгандай шивирлади:

– Мавлоно шеърлар ёзаяптилар. Гўзал шеърлар. Шамснинг ҳажри уларни шоир қилди.

Кейин худди эрон гиламини томоша қилаётгандай, кўзларини пастга тушириб, бир неча бор хўрсинди, шеър ўқий бошлади:

*Эй, юзимни даҳр аро мисли қамар қилган ўзинг,
Банд-бандим сўйлатиб, аҳли назар қилган кўзинг.
Эй, шамолингдан дарахтим рақс айлаб, ўйнаган,
Номинг айтсам, оғзимни шаҳду шакар қилган сўзинг.*

Мен Кираннинг ўз хаёллари оғушида эканини тушуниб турардим. Унинг юзига бир қарашнинг ўзидаёқ эри чекаётган азоблардан қаттиқ азобда экани аниқ кўри-ниб турарди. У эрининг биргина табассуми учун ҳам-ма нарсага тайёр эди. Шунга қарамай, ниҳоят Шамсдан кутилганидан ўзини енгил ҳис этар, ҳатто хурсанд ҳам эди.

– Агар мен уни топсам, нима бўлади? – деб юбордим беихтиёр ва бундан ўзим ҳайрон бўлдим.

– Нима ҳам қилардик. Қандай яшаган бўлсак, шундай яшайверамиз, – жавоб қилди Кира, унинг кўзларида умид нурлари порларди.

Мен Кира нима истаётганини аниқ тушуниб турардим. Шамс Табризийни изламаслигим керак эди. Дамашққа бормаслигим керак эди. Шаҳардан чиқиб, бирон меҳмонхонада яшаш, бир-икки ҳафта яшаб,

ўзимни Шамсни тинимсиз излагандай кўрсатиб, уйга қайтишим мумкин эди. Отам гапимга балки ишониши мумкин эди, ҳаммаси шу билан барҳам топарди. Бу балки нафақат Кира учун ва Шамсни ҳеч қачон яхши кўрмаган Аловиддин учун, шунингдек, отамнинг шогирдлари ва издошлари учун, ҳатто ўзим учун ҳам энг яхши йўл бўлар эди.

– Кира, мен нима қилишим керак?

Отамни деб исломни қабул қилган, менга ва укамга жуда яхши она бўлган, ўз эрини беҳад севган ва ўзига бағишланмаган шеърни ёд олган бу аёл менга диққат билан қараб қўйди ва ҳеч нима демади.

Жавобни ўзим топишим керак эди.

Румий

1246 йил, август, Конья.

Шамс йўқ, қуёшсиз дунёда қувонч ҳам йўқ. У совуқ ва қайғули, қалбим бўм-бўш. Кечалари ухламайман, кундузи уйда бемақсад сандироқлаб юрган-юрган. Гўё шу ерданман-у, лекин шу ерда эмасман – тириклар орасидаги ўлик. Ҳамма мени асаблантиради. Нима учун ҳамма худди ҳеч нима бўлмагандай, бемалол яшайпти-я? Шамс Табризий бўлмаса, ҳаёт ўзгармаслиги мумкиндай гўё.

Ҳар куни эрта тонгдан то кечгача кутубхонамда Шамсни эслайман. Масалан, бир куни менга ўзининг одатдаги сал хирилдоқ овози билан «Сен бир кунмас бир кун ишқ куйчиси бўласан» деган эди.

Ким билсин, ким билсин... Лекин бу сўзлар қалбимдаги зулматни енгимизга ёрдам бераётганга ўхшайпти. Балки Шамс шуни истагандир. У менинг шоир бўлишимни истаган бўлса керак!

Ҳаёт эзгуликка йўналган. Нимаики содир бўлмасин – каттами ё кичик – биз енгиб ўтадиган барча қийинчиликлар, моҳиятан, Худонинг, биз комил бўлмоғимиз

учун тузган, муқаддас режасига киради. Кураш – бу инсон бўлишни истаган кишининг ички иши.

Шунинг учун Қуръонда «...Бу ён эса мўминларнинг қутулиш йўлидир» дея аломат-белгилар қўйилган. Худонинг чизгисида тасодиф ёки тўғри келиб қолиш деган нарсалар йўқ. Ва Шамс Табризий деярли икки йил олдин ақраб ойининг ўша кунида менинг йўлимдан чиқиб қолгани ҳам тасодиф эмас эди.

– Мени сенинг олдингга шамол учириб келмади, – деган эди Шамс.

Кейин менга ўз ривоятларидан бирини айтган эди:

– Бир сўфий бўлган экан, унга ҳатто Исо нафаслик юксак илми насиб этган экан. Гарчи фақат битта шогирди бўлган эса-да, шунинг ўзига ҳам рози экан. Лекин шогирди бошқачароқ экан. Устозига бошқалар ҳам қойил қолишларини истаб, кўпроқ шогирдлар олишини ундан ҳадеб сўрайверипти.

– Яхши, – рози бўлипти ниҳоят устози. – Шуни истанганг, майли, яна шогирдлар бўлса бўла қолсин.

Ўша куниёқ улар бозорга боришипти. Бир жойда қуш шаклидаги шамлар сотувга қўйилганини кўришипти. Устоз шамларга секингина пуфлаган экан, уларга жон кириб, шамолда учиб кетишипти. Қойил қолган тумонат шаҳар аҳли устоз ёнига тўпланибди. Тез орада шогирдлар шунчалик кўпайиб кетиптики, устознинг биринчи шогирди билан учрашиши учун сира вақти қолмайдиган бўлипти.

– Оҳ, устоз, мен ноҳақ эканман. Авваллари анча яхши яшаган эканмиз, – дебди хафа бўлиб шогирд. – Бирон чора кўринг. Илтимос, уларни ҳайданг.

– Яхши. Сен шуни истасанг, ҳайдай қоламан.

Эртаси куни маъруза ўқиётиб, устоз шамол кўтарипти. Шогирдлар қўрқиб кетишипти ва бирин-кетин унга орқаларини ўгириб кета бошлашипти. Фақат аввалги шогирд қолипти.

– Хўш, сен нима учун бошқалар билан кетмадинг? – сўрапти устоз.

– Мен сенинг ҳузурингга биринчи шамолинг учун келмаган эдим, – жавоб берипти шогирд, – ва бу шамолинг учун сени ташлаб ҳам кетмайман.

Шамс нимаики қилган бўлса, менинг фойдам учун қилди, менга яхши бўлсин учун қилди. Шаҳар аҳли буни тушунмади. Шамс ғийбатлар шамолини атайлаб кўзғатди, одамларнинг жиғига тегди, Конья аҳолиси учун шаккоклик бўлиб кўринадиган гапларни айтди. У ҳатто ўзини яхши кўрадиган одамларни ҳам кўрқитиб, жиғига тегди. Шамс мен ўзимнинг олдинги билимларимни унутмоғим учун китобларимни сувга отди. Гарчи ҳамма унинг шайхлар ва олимларни ёмонлаб гапирганларини эшитган бўлсалар ҳам, аслида ўзи муқаддас матнларни қанчалар чуқур тафсирлай олишини жуда камчилик билади. Шамснинг алкимё, нужум, илоҳиётшунослик, фалсафа ва мантиқдан илми чуқур эди, лекин ўз илмларини жоҳил одамлардан узоқда, яширин сақларди. У фақиҳ эди, лекин ўзини фақирдай тутарди.

У фоҳишага уйимиз эшигини очди, бизни у билан бирга яшашга ва бирга тановуллар қилишга мажбур қилди. У мени қовоқхонага юборди ва у ерда ичкиликбозлар билан суҳбатлашишимга маслаҳат берди. У мени, мохов бўлиш қисмати нималигини билишим учун, ўзим хутба ўқиб келган мачит дарвозаси рўпарасида тиланчилик қилишга мажбур этди. У мени олдин ўз мухлисларим ва издошларимдан, кейин аслзодалардан ажратиб олди ва оддий одамларга яқинлаштирди. Фақат у туфайли мен одатда сира танимай ёнларидан ўтиб кетадиган одамлар билан танишдим. Шамс одамларни Худодан ажратадиган барча бутларни йўқотиш керак, деб ҳисобларди. Унинг учун шон-шараф, бойлик, мартаба, ҳатто диний ақидаларда ҳам бутга айланув-

чи жиҳатлар бор эди. Шамс одатланган ҳаёт тарзимдаги мени боғлайдиган барча алоқаларим исканжасини анча бўшаштирди. Онгимдаги чекланиш ё бидъатни кўриб қолган заҳоти, вақтни зое кетказмай, рақибни дарҳол гумдон қиларди.

Мен уни деб, мени энг ишончли мухлисларимдан ҳам ажратиб юборадиган, барча синов ва текширувлардан, барча даража ва босқичлардан ўтдим. Мухлисларим жуда кўп эди, энди эса менга ҳеч ким керакмас. Шамс кетма-кет зарба беравериб, бутун обрў-эътиборимни чилпарчин қилди. У туфайли мен телбаликнинг қадр-қимматини англадим ва ёлғизлик, ночорлик, ғийбат, таркидунёчилик, ниҳоят, қайғу ва умидсизлик таъмини тотдим.

*Кирим фойдасидан кеч, нари қоч ундан!
Асло Ҳақдан кечма заққум ичсанг ҳам!
Ҳақ излашдан толма, хатардан қочма!
Шонни унутгин-у, виждондан кечма!*

Зеро, Худо ҳар куни, ҳар дақиқа биздан «Сени дунёга юбораётиб, нимага келишганимиз эсингдами? Менинг яширин хазинамни кашф этишдай вазифангни англаб етдингми?» дея сўраб туради. Одатда биз бу саволларга жавоб беришга тайёр бўлмаймиз. Ва бу бизни кўрқитади. Лекин Худо сабр қилгувчи (Собир)дир. У такрор ва такрор бу саволларини бизга бераверади.

Агар қалбимдаги бу азоблар синовнинг бир қисми бўлса, у ҳолда булар ниҳояси менинг ягона тилагим – Шамсни топишдир. Китобларим, масжиддаги хизматларим, оилам, фаровон ҳаётим, номим ва шоним – ҳамма-ҳаммасини уни бир бора кўриш учун беришга тайёрман.

Тунов куни Кира, ўзим истамаган ҳолда, шоирга айланаётганимни айтди. Илгарилари шеърятни

қадрламаганимни бўйнимга оламан, лекин унинг бу гапи ҳозир мени ҳайрон қилмади. Бошқа вақт бўлганида, балки эътироз билдирган бўлардим, энди эса – йўқ.

Ғайриихтиёрий равишда тилимдан шеърини мисралар отилиб чиқаяпти, уни эшитган ҳар қандай одам мени чиндан ҳам шоирга айланаяпти, деб ўйлайди. Лекин, тўғриси айтсам: бу шеърлар меники эмас. Мен фақат кимдир тилимга жойлаётган сўзларни узатиш воситаси бўлаяпман, холос. Мен шеърларни қоғозга тушираётган қалам кабиман ёки басталанган куйга овоз берган най кабиман, ўз вазифамни бажараяпман, холос.

О, Табризнинг мўъжизавий қуёши! Қаердасан?

Шамс

1247 йил, апрель, Дамашқ.

Дамашқда баҳор. Султон Валад мени излаб топганида Коньядан кетганимга ўн ой бўлган эди. Франциск исмли христиан-таркидунёчи билан тиниқ мовий осмон остида шахмат ўйнаб ўтирган эдик. Франциск мўминликка эришган, ички мувозанати мустаҳкам инсон. Ислолда ички сокинлик мўминликдан келиб чиқиши назарда тутилгани учун, менинг наздимда, Франциск ўзини мусулмон деб ҳамма ёққа жар соладиган баъзи бировлардан ортиқроқ мусулмон эди. Қирқинчи қоида бу борада шундай дейди: «Мўмин дегани заифлик ёки итоаткорлик дегани эмас. У фатализм¹ ёки беихтиёр бўйсунувчанликка ҳам олиб келмайди. Аксинча. Мўминликда инсон ички дунёсида ўсиб унадиган ҳақиқий куч мавжуд бўлади. Табиатнинг муқаддас моҳияти олдидан мўминликни касб этган одам, ҳатто бутун олам алғов-далғов бўлиб кетганда ҳам, вазмин, сокинликда ва исён кўтармай яшайди».

¹ Фатализм – тақдирга сўзсиз бўйсунуш кераклигини уқтирувчи қараш.

Мен фарзин билан юриш қилиб, Францискнинг қиролига таҳдид қилдим, у эса шартта филнинг ўрнини алмаштирди. Мен ютқазсам керак деб ўйлаб, бошимни кўтарган эдим, кўзим Султон Валаднинг кўзи билан тўқнашди.

– Сени кўрганимдан хурсандман, – дедим мен. – Демак, ҳарна, мени қидириб топишга қарор қилибсан-да.

Султон Валад истехзоли жилмайди, кейин жиддийлашди: унинг ичида кечган курашни мен билганимдан ҳайрон эди у. Лекин виждони тоза бўлгани учун тўғриси тани олди.

– Бирмунча муддат сизни излаш ўрнига ҳамма ёқда сандироқлаб юрдим. Лекин кейин отамнинг олди-га сизсиз бора олмаслигимни тушундим. Кейин Дамашққа келдим ва изладим. Сизни топиш унча осон бўлмади.

– Сен яхши инсонсан ва яхши ўғилсан, – дедим мен. – Яқин орада сен отангга жуда яхши суҳбатдош бўлишинг мумкин.

Султон Валад хаёлчан бош чайқади:

– Унга фақат сиз кераксиз. Кетдик Коньяга. Сиз отамга кераксиз.

Буни эшитгач, миямдан турли фикрлар ўтди, лекин улардан биронтаси аниқ эмас эди. Нафсим одамлар мени сира кўришни истамайдиган жойга қайтиш ҳақидаги бу таклифга кўрқув билдираётган эди.

«Унга қулоқ солма. Сен ўз бурчингни адо этиб бўлдинг. Коньяга қайтишинг керак эмас. Бобо Замон айтган гапни эсла. Бу жуда хатарли. Агар Коньяга қайтсанг, у ердан бошқа кета олмайсан».

Мен дунё кезишни, турли одамлар билан учрашишни, турли шаҳарларни кўришни яхши кўраман. Менга Дамашқ ёқарди, келгуси қишгача шу ерда қолишни истардим. Янги жойлар одатда одамда ёлғизлик ҳисси-

ни уйғотади, ҳижрон азобига солади. Лекин Худо мен билан бирга экани учун, мен ўзимни ёлғиз ҳис этмас эдим.

Лекин ҳар ҳолда... Ҳар ҳолда юрагим Коньяда қолганини ҳис этар эдим. Румийни шунчалик соғинар эдимки, ҳатто исмини айтиш ҳам юрагимга оғриқ берарди. Ҳамон ёнимда Румий йўқ экан, қайси шаҳарда яшашимнинг нима фарқи бор?

Мен фарзинни юрдим, бу мен учун хавфли эканини тушунган Франциск кўзларини катта очди. Аммо шахматдан фарқли ўлароқ, ҳаётда шундай йўллар бўладики, уларда ютиб чиқмоқ учун эмас, шундай қилиш кераклиги учун юрасиз.

– Илтимос, мен билан юринг, – хаёлимни бўлиб ялинарди Султон Валад. – Сизни ғийбат қилган ва сизга ёмон муносабатда бўлган одамлар ўз қилмишларига пушаймон бўлишган. Ваъда бераман, энди ҳаммаси яхши бўлади.

Мен унга: «Эй, болакай, ваъда бериш сенинг ишинг эмас, бошқаларнинг ҳам иши эмас, киши ўзи устидан чиқа олмайдиган ваъдаларни бериши мумкин эмас» дегим келди.

Лекин бунинг ўрнига бош силкитдим:

– Дамашқда кун ботишини яна бир бор кўргим келяпти. Коньяга эса эртага эрталаб кетамиз.

– Ростми? Раҳмат! – хитоб қилди Султон Валад. – Бу отам учун нима эканини бир тасаввур этсангиз эди!

Кейин мен қачон ўйинни давом эттиришимни сабр билан кутиб ўтирган Францискка ўгирилдим. Ўзига эътибор қаратганимни кўрган заҳоти унинг лабларига табассум ёйилиб кетди.

– Қара, дўстим! – деди у ғолибона. – Шоҳ ва мот.

Кимё

1247 йил, май, Конья.

Қочоқ Шамс Табризий ҳаётимга қайтиб келди. Лекин у жуда ўзгариб кетипти ва энди мендан нари юрапти. Коньяга қайтиш унга ёқмаган кўринади. Шунга қарамай, у ёшарган ва чиройлироқ кўринади, узун сочлари кўзига тушиб турипти, Дамашқ қуёшида тобланипти. Лекин яна алланима бордай кўринади. Нима? Қандай тушуниш мумкин? Кўзлари дадил чақнапти, лекин қарашлари мен одатда кўриб юрганымдай эмас. Ва Шамснинг қарашлари ҳамма нарса ҳақида ҳаммасини биладиган, лекин ҳеч ким ва ҳеч нима билан курашишни бошқа истамайдиган одамнинг қарашларига ўхшаб қолгани ҳақидаги фикр миямдан чиқмай қолди.

Румийда содир бўлган ўзгариш бундан ҳам жиддийроқ эди. Мен, Шамс қайтиб келса, бас – устознинг азоблари ўтиб кетади, деб ўйлаган эдим, бундай бўлмади. Румий Шамсни шаҳар девори ташқарисида гуллар билан кутиб олди. Лекин биринчи қувончли кунлар ўтиб кетди, Румий яна ўз қобиғига ўралиб олди, яна нотаниш безовталиқ қайтиб келди. Мен бунинг сабабини биламан, деб ўйлайман. У бир марта Шамсни йўқотди, энди яна йўқотиш мумкинлигидан қўрқаяпти. Уни мендан бошқа ким тушунарди, чунки мен ҳам уни йўқотишдан қўрқаётган эдим.

Менинг ўз ҳиссиётларим билан бўлишадиган ягона инсоним Румийнинг марҳума хотини Гавҳар эди. Уни инсон деб бўлмайди-ку-я, лекин мен уни арвоҳ дегим ҳам келмайди. Румийларникига келган биринчи кунимдан буён у ҳамиша мен билан бирга. Авваллари у билан ҳамма нарсалар ҳақида гаплашар эдик, энди эса фақат Шамс ҳақида гаплашамиз.

– Румий жуда қийналаяпти, мен унга ёрдам беришни истайман, – дедим бугун Гавҳарга ўз ташвишларим билан бўлишиб.

– Балки, бу қўлингдан келар. Эрталаб унинг миясига бир фикр келди, ҳали буни ҳеч кимга айтгани йўқ, – гапимга жумбоқли қилиб жавоб берди Гавҳар.

– Қандай фикр экан?

– Румий, агар Шамс уйланса, шаҳарликлар унга нисбатан анча хайрихоҳроқ бўлишлари мумкин, деб ҳисоблаяпти. Ғийбатлар камаярди, Шамс Коньядан бошқа қочиб кетмаслиги ҳам мумкин бўларди.

Менинг юрагим қинидан чиқай деди. Шамс уйланади! Кимга?

Гавҳар менга оҳиста қараб қўйди ва деди:

– Румий сени Шамсга тегишга рози бўлармикансан, деб ўйлаяпти.

Мен қаттиқ хаяжонга тушдим. Ва гап турмушга чиқишим ҳақидаги фикр ҳозирча миямга келмаганида эмас эди. Мен ўн бешга тўлганман, демак, турмушга чиқадиган ёшдаман, лекин, биламанки, қизлар турмушга чиққанларидан кейин ҳаётлари ўзгаради ва ўзлари ҳам ўзгаришади. Атрофдагилар уларга бошқача муносабатда бўлишади, ҳатто болалар ҳам турмушга чиққан аёл билан қиз боланинг фарқига боришади.

Гавҳар меҳр билан жилмайди ва қўлимни ушлади. Мени Шамс билан бирга бўлишим эмас, фақат эрга тегиш фикрининг ўзи безовта қилаётганини у яхши тушунарди, албатта.

Эртаси кун тушга яқин Румийни ахтариб топдим, у Ибн Рушднинг «Тахофотут-Тахофут» номли китобини ўқиб ўтирган экан.

– Ҳа, Кимё, – деди у меҳрибоник билан, – мендан нима истайсан?

– Эсингиздами, отам мени Коньяга олиб келганларида, сиз қиз бола яхши ўқувчи бўла олмайди, чунки у

турмушга чиқиб кетади ва болаларни парвариш қилиши керак бўлади, деган эдингиз.

– Албатта, эсимда, – жавоб берди Румий ва кўзларида қизиқиш аломати пайдо бўлди.

– Ўша кун мен ўзимга ҳеч қачон турмуш қурмайман ва доимо ўқувчи бўлиб қоламан, деб ваъда берган эдим. – Шундай дегач, жим бўлиб қолдим, чунки айтмоқчи бўлган гапимни айтишдан қўрқаётгандим. – Балки турмушга чиқсам ҳам, сизнинг уйингизда қолишим мумкинми? Шу уйда яшайдиган одамга турмушга чиқсам, демоқчи эдим.

– Сен Аловуддинга турмушга чиқишни истайсанми? – сўради Румий.

– Аловуддинга? – сўрадим мен, нима учун бу суҳбатга Аловуддин араллашиб қолганини тушунмай. Нима учун у Аловуддин ҳақида гап кетаяпти деб ўйлади? Аловуддин ўз туғишган акамдай-ку!

Чамаси, Румий ҳайрон бўлганимни пайқади.

– Яқинда Аловуддин сени унга никоҳлаб беришимни мендан сўраган эди.

Мен гунг бўлиб қолдим. Яхшики, турмушга чиқиш масаласида қиз бола ортиқча гапирмаслиги керак деган қоида бор. Лекин мен кўпроқ билишим керак эди.

– Сиз унга нима деб жавоб бердингиз, устоз?

– Мен олдин сендан сўрашим кераклигини айтдим.

– Устоз... – Мен жим бўлиб қолдим, чунки овозим чиқмай қолди. – Мен олдингизга Шамс Табризийга турмушга чиқишни ишташимни айтгани келган эдим.

Румий ишонқирамай менга қаради.

– Ишончинг қатъийми?

– Бу ҳар томонлама яхши бўларди, – қийналиб дедим мен. – Шамс оиламиз аъзосига айланарди, яна бу ердан қочиб кетишига ҳам тўғри келмасди.

– Сен шунинг учун унга турмушга чиқмоқчимисан? У Коньяда қолсин учунми?

– Йўқ, – жавоб бердим мен. – Яъни, ҳа, лекин фақат шу учун эмас... Шамс – менинг тақдирим эканига ишонман.

Аслида бу Шамс Табризийни севишимни бўйнимга олганим эди.

Тўй ҳақида биринчи бўлиб Кира билди. У тўсатдан пайдо бўлган бу янгиликни ҳайрат билан, мутлақо сукут сақлаб эшитди ва фақат таажжубда жилмайиб қўйди. Кейин менга саволлар ёғдирди:

– Шунга истаётганинг аниқми? Ёки шунчаки Румийга ёрдам берганинг келганидан шундай деяпсанми? Ахир ҳали жуда ёшсан! Ёшингга яқинроқ одамга тегсанг, яхшироқ бўлиши ҳақида ўйлаб кўрдингми?

– Шамс ишқда ҳар қандай чегара йўқолади дейди.

Кира оғир хўрсинди.

– Оҳ, қизалоқ, ҳаммаси шунчалик осон бўлса кошки эди, – деди у ўзининг оқарган соч толаларини рўмоли остига оларкан. – Шамс – дарбадар дарвиш бўлса, у ҳеч қандай қонунга бўйсунмаса. Бундай эркакларга оилавий ҳаёт тўғри келмайди, улар яхши эр бўла олишмайди.

– Ҳечқиси йўқ, у ўзгаради, – дедим мен қатъият билан. – Мен унга шунча кўп муҳаббат ва бахт берайки, албатта, ўзгаради. У яхши эр ва яхши ота бўлишни ўрганади.

Вассалом. У менга диққат билан қаради ва бошқа эътироз билдирмади.

Ўша тун мен жуда яхши ухладим. Ўзимга ишончим қатъий эди ва ғалаба кайфини сурардим. Ахир аёлларнинг азалдан соддадиллик билан асрлар бўйи, ўз муҳаббатим билан севган инсонимни ўзгартира оламан, деб йўл қўйиб келадиган энг оддий ва энг оғриқли хатони такрорлаётганимни қаёқдан билибман?..

Кира

1247 йил, май, Конья.

Ишқдай нозик мавзу устида гап кетганда эътироз билдириш жуда қийин. Бу худди шамолни тўхтатишга уринишдай иш. Гарчи шамол вайронгарчилик олиб келишини билиб турсанг ҳамки, тўхтатолмайсан. Шунинг учун Кимёни кўп ҳам саволга тутмадим, лекин буни Кимё мени ишонтиргани учун эмас, балки унинг кўзларида ишқ борлиги учун қилдим. Сўраб-суриштиришдан не фойда? Кучим етмайдиган бошқа ҳодисаларни ҳам қабул қилган каби бу тўйни ҳам қабул қилишга тўғри келди.

Рамазон ойи тайёргарлик ишлари билан тез ўтиб кетди. Бўладиган тўй оқибатлари ҳақида ўйлашга бир дақиқа ҳам бўш вақт бўлмади. Ийд байрами якшанбага тўғри келди, тўрт кундан кейин эса Кимёни Шамсга узатдик.

Кеча никоҳ арафасида менинг кайфиятимни буткул ўзгартирадиган бир ҳодиса бўлди. Ошхонада меҳмонларга нон ёпиш учун хамир қораётган эдим. Ўзимдан ўзим хамирдан кичик зувала узиб олиб, шакл ясай бошладим. Биби Марямнинг, Илоҳ Онасининг шакли ҳосил бўлди. Пичоқда узун кўйлак қирқдим ва юзига сокинлик, меҳрибонлик ифодасини бердим. Бу машғулотга қаттиқ берилиб кетганимдан, орқада кимдир келиб, қараб турганини сезмабман.

– Нима қилаяпсан, Кира?

Юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Ўгирилиб, эшик олдида мени қизиқсиниб кузатаётган Шамсни кўрдим. Энг олдин кўлимдаги шаклни беркитмоқчи бўлдим, лекин жуда кеч бўлган эди. Шамс яқинроқ келди ва мен ясаган нарсага қаради.

– Бу Биби Марямми? – сўради у, мен жавоб бермагач, ўзининг нурланиб турган юзини менга бурди. – Гўзал чиқипти. Сен уни қўмсаб турсанми?

– Мен мусулмонликни қабул қилганимга кўп бўлган. Ва мен мусулмонман, – дедим шашт билан.

Лекин Шамс худди мени эшитмагандай гапида давом этди:

– Исломда Марям каби аёллар нима учун йўқ, деб ўйласанг керак? Албатта, Биби Ойша, Биби Фотималар борликларини биласан, лекин улар сенинг наздингда сен ўйлагандай ўринда эмас, бошқачароқ.

Мен ўзимни ноқулай ҳис этардим ва нима дейишни ҳам билмасдим.

– Рухсат этсанг, бир ривоят айтаман.

Турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши – турк, араб, форс ва юнон иттифоқо бозор ёнидаги чорраҳада учрашиб қоладилар. Бир олийжаноб киши уларга бир дирҳам садақа қилиб ўтиб кетади. Дирҳам ўртада, чунки унда ҳар бирининг ҳаққи бор. Бу пулга бирор егулик сотиб олмоқчи бўладилар. Шунда форс – ангур, турк – узум, юнон – истафил, араб – эйнаб емоқчилигини айтади. Орада жанжал кўтарилади. Тўрталалари ҳам айни бир нарса – узумни хоҳлаётган бўлсалар-да, бир-бирининг тилини тушунмаганлари учун ёқа бўғишиб кетадилар. Шу орада тасодифан ёнларидан сўфий ўтиб қолипти. Сўфий уларнинг пулларига узум сотиб олипти. Кейин уни идишга солиб эзипти ва уларга узумнинг фақат шарбатини ичишни, қолган нарсаларни эса чиқариб ташлашни тавсия этипти. Бу билан у асосийси меванинг ташқи шакли эмас, таъми эканини уқтирипти.

Ривоят бугунги кун учун ҳам актуал. Тўрт киши тушунмай турган битта сўзни, тўрттовининг тилини тушунадиган бошқа бир инсон ораларидаги низони ҳал қилади. Бугунги ҳаётда ҳам одамлар (миллатлар, турли дин вакиллари) бир-бирларини тушунмоқлари учун фақатгина зоҳиран тил билмак етарли эмас, балки ботин тилини ҳам билмак, англамак керак. Айниқса,

бугунги глобаллашув ва глобал кризислар даврида бу жуда зарур).

– Христианлар, яхудийлар, мусулмонлар одатда меванинг ташқи шакли борасида баҳс юритадилар, сўфий учун эса моҳият муҳим, – деди Шамс қувноқ табассум билан.

– Мен... мен буни тўғри деб ўйламайман, – дедим тутилиб.

– Нима учун? Динлар мисоли дарёлар. Ҳаммаси бир уммонга қараб оқади. Худо Онаси инсонларга юпанч, ҳамдардлик, беминнат муҳаббат бахш этади. У ҳаммамизга ва ҳар биримизга тегишли. Мусулмон бўлгач, сен барибир уни яхши кўришда давом этишинг мумкин ва ҳатто қизингни Марям деб аташинг мумкин.

– Менинг қизим йўқ.

– Бўлади.

– Қаёқдан биласиз?

– Биламанда.

Буни эшитгач, ҳаяжоним кучайди, лекин кейин ҳаяжон ўрнига сокин хотиржамлик келди. Сокинлик ва аллақандай уйғунлик ҳислари таъсирида биргаликда Биби Марям шаклига қараб турдик. Юрагимдаги муз эриди, Шамс уйимизга келганидан буён биринчи марта мен унда Румий ҳамиша кўрадиган инсонни – катта қалбли инсонни кўрдим.

Шунга қарамай, унинг Кимёга яхши эр бўлишига шубҳам тарқалмади.

Элла

2008 йил, 29 июнь, Бостон.

Бостон отелигача яқин, жуда яқин қолди. Бу вақт ичида қаттиқ асабийлашганидан Элланинг фикрлари тамоман чалкашиб кетди. Меҳмонхонанинг кутиш жойига кирганида, япониялик туристлар юрганани

кўрди. У деворлардаги расмларни гўё диққат билан кузатаётгандай, аслида эса – атрофдаги одамларнинг кўзига ташланмаслик учун – у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин қизиқувчанлиги уни тезгина енгди. Кўзларини девордан олган заҳоти, у ўзини кузатиб турганини кўрди.

У, барча тугмалари тақилган хаки (мош) рангидаги кўйлак ва вельвет шим кийган эди.

У икки кун соқол олмаган кўринади, лекин бу унга ярашган эди. Қизғиш-кўнғир жингалак сочлари яшил кўзлари устига тушиб турар, бу эса унга ўзига ишонганлик билан бирга, ажабланарлиси, шўхчан тус бериб турарди. Қотмадан келган ва озғин, енгил ва навдадек эгилувчан бу одам буюртма бериб тиктириладиган қимматбаҳо кийимлардаги Дэвиднинг буткул акси эди. Элла унинг нутқида ўзини мафтун этган шотландча талаффуз борлигини сизди, боз устига кулгуси самимий эди. У қувончи ва ҳаяжонини яширмас эди. Шунда Элланинг кўнглидан, «у билан бирга ўтириб, бир финжондан қаҳва ичса, бунинг нимаси ёмон?» деган хаёл ўтди.

Кейинроқ эса бу бир финжон қандай қилиб бир қанча финжонга айланиб кетганини, нима учун у бармоқларини ўпа бошлаганини ва нима учун ўзи уни тўхтатмаганини ҳам эслай олмади. Бироз вақтдан кейин эса ҳеч ниманинг аҳамияти йўқ бўлиб қолди. У гапирар, Элла эса унинг лаблари атрофидаги чуқурчалардан кўз узмай, агар мен уни ўпсам қандай бўларкин, деган хаёлда унга қулоқ солиб ўтирарди. Соат ўн бир ярим бўлди. У фақат ёзган электрон хатларида ўзи ҳақида маълумот берган, ёзган романидан бошқа ҳеч нимани билмайдиган эркак билан отелда ўтирар эди.

– Демак, журнал топшириғи билан бу ерга келдингми? – сўради Элла.

– Аслида сени деб келдим, – деди Азиз. – Хатингни олдим-у, сени жуда кўргим келди.

Элла ҳали қайтиш учун вақт борлигини тушуниб турарди. Маълум муддатгача ораларидаги муносабатни фақат дўстона-виртуал – хатлар, телефондаги гаплашишлардангина иборат қилиб кўрсатиб туриш мумкин эди. Бирозгина ноз-карашма қилган бўлса нима бўлипти? Ҳа, буни тўхтатиш мумкин эди. Токи Азиз: «Элла, менинг номеримга чиқишга қарши эмасмисан?» деб сўрамагунича бу мумкин эди.

Агар бу ўйин бўлган бўлса, улар иккиси ҳам бу ўйинни шунга қадар ўйнашди. Лекин бу саволдан кейин ҳаммаси ўз ўрнини топди, гўё бу савол ҳар иккиси ҳам билиб турган, лекин тан олмасликка уринаётган ҳақиқатни очиб қўйган эди. Элланинг ҳуши бошидан учди, саросимага тушди, лекин рози бўлди. У ҳаётда ҳеч қачон бунчалик тез қарор қабул қилмаган эди; лекин бу тақдирдан эканини англаб турарди.

Олти юз саккизинчи номер қора, қизил ва новотрангларда чиройли бежалган эди. Хона кенг ва илиқ эди. Элла охирги марта қачон отелда бўлганини эслашга уринди. Эри ва болалари билан анча илгари Монреалга боргани эсига тушиб кетди. Ундан кейин эса ёзни Родосда, ўз уйларида ўтказадиган бўлишган эди, ҳар куни сочиқларни алмаштирадиган, кимдир бегона одам овқат пиширадиган жойларда юришга ҳожат қолмаган эди. Отел номерида Элла ўзини бегона юртда бўлиб қолгандай ҳис этарди.

Балки, чиндан ҳам шундай бўлса керак. Сени ҳеч ким билмайдиган ва сен ҳам ҳеч кимни билмайдиган жойдагина бўлиши мумкин бўлган эркинликдан завқланиш ҳиссини у айнан шу ерда туймаяптими, ахир.

Элла хонага кирган заҳоти асабийлашмай қўйди. Энди ҳеч ниманинг аҳамияти ҳам қолмаган эди, зеро хона марказида қиролларникидай ҳажмли каравот турарди. Каравот ёнида Элла ўзини ноқулай сезар ва

айбдорлик ҳиссини туярди. У ҳозир ўзига-ўзи бериши ҳам кераксиз бўлган, ҳеч қандай натижа бермайдиган саволларни беришга қарши кураш олиб борарди. Улар шунча тез қовушадиларми? Шундай бўлиши керакми ўзи? Агар шундай бўлса, эрининг кўзларига қандай қарайди? Дэвид ўзининг саноқсиз юришларидан кейин унинг юзига қарамаган. Азиз унинг қомати ҳақида қандай хаёлларга бораркан? Унга мен ёқмасам-чи? Энди болалар ҳақида ўйлашим мумкинмикин? Нима бўлса ҳам, улар ҳозир нима қилишаётган экан, ухлашаётганмикин ё телевизор кўришаётганмикин? Агар улар унинг ҳозир қиладиган ишини билсалар, кечирармикинлар?

Унинг ҳолатини тушунган Азиз Элланнинг қўлтиғидан олди ва каравотдан узоқ, бурчакда турган креслога ўтқазиб қўйди.

– Тинчлан, – шивирлади у. – Ҳозир бошингда овозлар ҳаддан ташқари кўп. Овозлар гувуллаяпти.

– Афсуски, биз анча илгари бир-биримизни учратмаган эканмиз, – ўз овозини эшитди Элла.

– Ҳеч нима ҳаддан зиёд эрта ёки ҳаддан зиёд кеч бўлмайди, – эътироз билдирди Азиз. – Барча ҳодисалар ўз вақтида содир бўлади.

– Сен ростдан бунга ишонасанми?

Азиз жилмайди ва пешонасидаги сочларини нари қилиш учун бошини силкитди. Кейин жомадон очиб, Гватемалада сотиб олган рўмолни, ичида ферузаранг маржон ва айланувчи кумушранг дарвишлар тасвири туширилган қизил рангли думалоқ маржонлари бор кичкина қутичани олди.

Элла Азизга маржонни бўйнига тақиб қўйиши учун изн берди. Унинг бармоқлари теккан жойдаги териси билан уларнинг илиқлигини сизди.

– Сен мени сева оласанми?

– Мен аллақачон сени севаман, – деди жилмайиб Азиз.

- Лекин сен мени сира билмайсан-ку!
- Сени севиш учун мен сени билишим керак ҳам эмас. Элла хўрсинди:
- Бу телбалик.

Азиз кўллари унатди ва Элланнинг сочларидаги тўғноғичларни суғуриб олди, кейин меҳр билан уни етаклаб бориб, каравотга ўтқазди, сочларини оҳиста силай бошлади. Шу алфозда у тинмай нималарнидир пичирлар эди. Элла бирдан тушунди: у дуо ўқиётган эди. Элла ҳеч қачон бундан юксак руҳиятни ҳис этмаган эди. Уларнинг ҳаракатларида сезгига тегишли ҳеч нима йўқ эди, шунга қарамай у ўз ҳаётида бундан эҳтирослироқ туйғуни бошидан кечирмаган эди.

Кафтлари, кўллари, елкалари, бутун вужуди қандайдир номаълум қувватга тўлиб борарди. Элла ўзини худди тўлқинланиб турган қоронғу сувда сузиб юрган-дек ҳис этарди ва ундан фақатгина икки нарса талаб қилинарди: таслим бўлиш ва табассум қилиш. Олдин Элла унинг вужуди атрофида, кейин ўз вужуди атрофида алланечук жонли жараён борлигини ҳис этди, гўё иккиси ҳам чўмилаётган эдилар.

Элла кўзларини юмиб олди ва тўлқинланиб турган сувда, бирон нарсани тутиб туришга ҳам ҳаракат қилмасдан сузиб кетди. Олдинда шаршара келиши тайин, лекин у тўхтамоқчи эмас.

Ҳаёт қувончи нелигини ҳис этган Элла телбаларча шод эди. Ва у айни шу эркакни сева олишини, жуда қаттиқ сева олишини англади.

Шуни англаarkan, Азизни кучоқлади ва уни ўзига тортди. Лекин Азиз кўзларини очди, унинг бурнидан ўпиб қўйди ва нари сурилди.

– Сен мени хоҳламаяпсанми? – ўз овози қанчалар заиф чиққанидан ҳайрон бўлганча сўради Элла.

– Мен сенинг кейинчалик ўзингни ўзинг жазолаб юрадиган ҳеч нима қилишни истамайман.

Элла бу гапдан кейин, бир томондан, йиғлагиси келди, иккинчи томондан – у жуда мамнун бўлди. Юрагини аллақандай нурли туйғу тўлдирган эди. У хижолатда эди, лекин нимагалигини тушунмаса ҳам, ўз хижолатидан лаззатланарди.

Соат тунги бир яримларда Элла Бостондаги ўз уйининг эшигини очди. У оилавий каравотда ётишни истамай, диванга ўрин солиб ётди. Буни у эри бу жойда бошқа аёллар билан ётгани учун эмас, шундай қилиш тўғри бўлади деб қилди: бу уй отелдаги номер каби Элланики эмас эди, Элла бу ерда меҳмон эди, холос. Унинг ҳақиқий «мен»и уни қаердадир бошқа ёқда кутарди.

Шамс

1247 йил, май, Конья

*Эй, хулқи хуш келинчак, йиғламагин, ёр-ёр,
Ота-онангдан сени олиб кетар, ёр, ёр,
Тонгда қушлар сайраши ўзга энди, ёр-ёр,
Ўзга ҳаётнинг куйи жўр бўлади, ёр-ёр.*

Тўй куни кечқурун секин ҳовлига чиқдим ва кимларнингдир хитоблари, кулгулари, гаплари орасида уйдан ташқарига эшитилиб турган Онадўлининг қадимий ёр-ёрини тинглаб, бироз муддат ўтирдим. Аёллар ўзларига ажратилган томонда куйлашарди. Мен ашула сўзларини қизиқиб эшитдим. Нима учун аёллар тўй куни ҳамиша қайғули ашула айтишади?

Сўфийлар тўйни ўлимга қиёслашади ва ўлимни эса Худонинг васлига етиш куни сифатида байрам қилишади. Аёллар ҳам тўйни ўлим билан боғлашади, лекин бунинг сабаби бутунлай бошқача. Гарчи улар учун тўй бахтли ҳодиса эса-да, барибир, хафа бўлишади. Тўй маросимида қизлик даври билан видолашаётган, тез орада аёл ва она бўладиган шахснинг ноласи куйланади.

Меҳмонлар кетишгач, уйга қайтдим ва ёлғизликда мууроқаба қилдим. Кейин мени кутаётган Кимёнинг хонасига кирдим. У тўшакда, зарли нақшлар билан бежаб тикилган оқ либосда ўтирарди. Сочлари майда ўрилган, ҳар ўрамига маржон тақилган. Юзи кўринмади, чунки юзига қизил рўмол ёпилган эди. Ойна ёнида ёниб турган шамдан бошқа чироқ йўқ. Девордаги ойна устига духоба мато тушириб қўйилган, чунки ёш аёл тунда ўз аксини кўриши ёмон белги ҳисобланар экан. Тўшак ёнига анор ва пичоқ қўйилган, биз уни серфарзанд бўлиш ниятида ейишимиз керак экан.

Кира мени бу ернинг барча урф-одатларидан хабардор қилган, ҳатто келиннинг бошига ёпилган тўрни олишдан олдин келинга тилла тангалардан терилган маржон тақишим кераклигини айтган эди. Лекин умримда тилла тангаларим бўлмаган, бировдан насияга олинган «маржон»ни эса тақишни хоҳламадим. Шунинг учун Кимёнинг юзини очиб, унга фақат тошбақанусха тароқ совға қилдим ва лабларидан бўса олдим. У табассум қилди. Бир он журъатсизликка таслим бўлдим, гўё ёш бола бўлиб қолгандай эдим.

– Гўзалсан, – дедим мен.

Кимёнинг юзи қизариб кетди. Кейин бор кучи билан ўзини аслидан фарқли ўлароқ, хотиржамроқ ва тажрибалироқ кўрсатишга уриниб, қаддини ростлади.

– Энди мен хотинингизман.

У ерга тўшалган, сепининг бир қисмини ташкил этган, ўзи катта диққат-эътибор билан тўқиган гиламини менга кўрсатди. Ажойиб ранг-баранг жилолар. Кўрган заҳотим, ундаги ҳар бир тугун мен ҳақимда сўзлаётганини ҳис этдим. Кимё унда ўз орзусини тўқиган эди.

Уни яна бир марта ўпиб қўйдим. Унинг илиқ лабларидан вужудимни ларзага соладиган истак тараларди. Кимёдан ясмин ва бошқа гиёҳларнинг исси келарди.

Ёнига ётиб шу ифордан нафас олдим. Шу топда мен фақат унинг ичига кириб ғойиб бўлишни ва ўзимни буткул унутишни истардим. У эса менга ёмғирдан олдин атиргул ғунчаси қандай очилса, шундай очилаётган эди.

Мен ундан ўзимни тез тортиб олдим:

– Кечир, Кимё, мен бундай қила олмайман.

У нафас олишдан тўхтаб, жим қотди. Унинг кўзларидаги узилган илинж ифодасини кўтара олмай, ўрнимдан туриб кетдим:

– Мен кетишим керак.

– Сиз ҳозир кета олмайсиз, – деди Кимё ҳазин овозда. – Агар ҳозир кетсангиз одамлар нима дейди? Улар никоҳ бузилди дейишади. Ва бунда мени айбдор қилишади.

– Нима учун? – сўрадим мен, гарчи жавобини билиб турган бўлсам ҳам. Кимё нигоҳини четга олиб, тушунарсиз бир нималар деди, лекин кейин ўзини қўлга олиб, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб деди:

– Улар мени қиз эмас экан, деб ўйлашади. Ва мен бу номусни бир умр кўтариб юришим керак бўлади.

Худо яратган уйғунлик билан сира умумияти йўқ бу инсоний адолатсизликдан томирларимда қоним қайнаб кетди.

– Бемаънилик. Одамлар ўзларининг ишларини қилишсин, – эътироз билдирдим мен, гарчи Кимёнинг ҳақлигини яхши тушуниб турган бўлсам ҳам.

Мен анор ёнида турган пичоқни тезгина олдим. Кимёнинг юзида ваҳима пайдо бўлди, лекин кейин қайғули аҳволни тушунгандек бўлиб, ўзига келди. Мен тезгина чап қўлимни кесдим, ярадан чойшабга қон томчилади, оқиб тўқ қизил доғга айланди.

– Чойшабни уларга бер. Шу билан оғзиларини ёпарсан, номинг қандай тоза бўлган бўлса, шундай тозалигича қолади.

– Илтимос, шошманг. Кетманг, – ёлборарди Кимё. – Ахир мен хотинингизман-ку!

Шу дам мен унга уйланиб қанчалар катта хато қилганимни ҳис этдим. Тунда хонадан ва ҳовлидан ҳам чиқиб кетар эканман, бошимда ёрилгудай оғриқ турган эди. Менинг вазиятимдаги эркак уйланмаслиги керак. Мен оилавий мажбуриятлар учун яралган эмасман. Менга энди бу ҳар қачонгидан ҳам равшан эди. Ва энди бунинг бадали ҳам беҳад катта бўлади.

Менда нафақат бу уйдан, бу шаҳардан, бу никоҳдан, балки ўз вужудимдан ҳам қочишга беҳад кучли истак туғилган эди. Лекин эрталаб Румий билан кўришишим ҳақидаги фикр мени тўхтатди. Мен уни яна ташлаб кета олмасдим.

Мен тузоққа тушибман.

Аловуддин

1247 йил, май, Конья.

Мен бирон марта ҳам бу тўйга қарши эътироз билдирмадим. Лекин Кимё Шамснинг хотинига айланадиган куни шундай оғриқ билан уйғондимки, бунақаси сира бўлмаган. Нафасим худди сувда чўкиб кетаётган одамнинг нафасидай қисилиб, ҳаво қаттиқ етишмаётган бир алфозда тўшакда ўтириб қолдим. Ниҳоят, бироздан кейин, одатдагидай нафас олабошладим-у, энди отамга ўғил бўла олмаслигимни англадим.

Онам-ку йўқ эди – энди отам йўқ бўлди. Акам ҳам. Кимё ҳам йўқ бўлди. Ёруғ дунёда бир ўзим қолдим. Бир кечада ўғилнинг отасига бўлган ҳурматидан сақланиб қолган бир тутами ҳам йўқ бўлди-қолди. Кимё унинг туғишган қизидай эди. У Кимёни яхши кўради деб ўйлардим. Лекин энди у фақат Шамс Табризийни яхши кўриши маълум бўлди. Қандай қилиб у Кимёни шу одамга берди-я? Шамсдан яхши эр чиқмаслиги

ҳаммага маълум-ку! Бу ҳақида ўйлаган сарим, Шамсни Кимёга уйлантириш шунчаки бу одамнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бўлганини тушунаяпман, шуни деб отам Кимёнинг бахтини – менинг ҳам бахтимни қурбон қилди.

Бугунги муҳим ҳодисага тайёрланиш жараёнини кузатар эканман, кун бўйи ўзимдан бу фикрларни ҳайдашга ҳаракат қилдим. Мана уй ярақлатиб тозалаб чиқилди, ёвуз кучларни ҳайдаш учун келин-куёв ётоқ-хонасига атиргул суви пуркалди. Асосий ёвуз куч-чи? Шамсни қачон ҳайдашар экан?

Кечга яқин бу тантанани кузатишга бошқа тоқатим қолмади. Менга азоб бераётган бу ишларда бошқа қатнашмаслик учун уйдан чиқаётганимда акам тўхтатди.

– Тўхта, Аловуддин! Қаёққа кетаяпсан? – деди у баланд, жарангдор овозда.

– Ҳозирча Иршодникига, – дедим орқамга ҳам қарамасдан.

– Жиннимисан? Тўй нима бўлади? Отам билса, қаттиқ хафа бўлади! Юраги эзилади!

Мен ичимда ғазаб тўлқинлари қандай кўтарилаётганини ҳис этардим.

– Унинг ўзи бировларнинг юрагини эзса майлими?

– Кимни айтаяпсан?

– Тушунмаяпсизми? Отамиз Шамснинг кўнглини олиш учун ва у яна кетиб қолмаслиги учун бу тўйни қиляпти. Кимёни унга кумуш идишга солиб, икки қўллаб ҳадя этаяпти.

Акамнинг қаттиқ жаҳли чиқди, лабларини маҳкам қимтиб олди.

– Нима демоқчилигингни тушундим, лекин сен ноҳақсан. Сенингча, Кимёни мажбурлаб узатишяптими, лекин унинг ўзи Шамсга тегишни истади-ку!

– Гўё унда ўз ихтиёри бордек, – эътироз этдим мен.

– Ё Худойим-ей! Тушунсанг-чи! – хитоб қилди акам

худди Худодан мадад сўраётгандай икки қўлини осмонга кўтариб. – У Шамсни яхши кўради.

– Бўлиши мумкин эмас.

Овозим бўғилиб қолди.

– Ука, – деди кейин Султон Валад, – ҳиссиётларинг онгингни хиралаштиришига йўл қўйма. Сен рашк қилаяпсан. Лекин ҳатто рашк ҳам фойда бериши ва олий мақсадга хизмат қилиши мумкин. Ҳатто ишончсизлик ҳам ишончга айланиши мумкин. Қоидалардан бири шундай. Ўттиз бешинчи қоида шундай дейди: «Бу дунёда яқдиллик ҳам, тўғрилиқ ҳам олға юришимизга ёрдам бермайди, қарама-қаршилиқлар ёрдам беради. Ҳар биримизда бутун коинот қарама-қаршилиқлари мавжуд. Шунга кўра ҳар бир эъдиқодли одамнинг ичида эътиқодсиз одами ҳам бор. Эътиқодсиз одам ҳам ўз ичида эътиқодли одам борлигини эртами-кечми топади. Инсони комил, яъни мукаммал инсон бўлиш йўлида эътиқод аста-секинлик билан содир бўладиган жараён ва у ўз қарама-қаршисини – эътиқодсизликни тақозо этади».

Бу гаплар менинг сабр косамни тошириб юборган сўнгги томчи бўлди.

– Сизларнинг сўфиёна гапларингиз жонимга тегиб кетди! Сизга қулоқ солишим шартми? Ўзи ҳаммасига сиз айбдорсиз! Шамсни Дамашқда қолдириб келсангиз яхши бўларди ва ҳеч нима бўлмас эди. Нимага уни қайтариб келдингиз? Агар бирон ёмон иш содир бўлса ва бу бўлади ҳам, айбдори сиз бўласиз.

Акам қўрқиб, тилини тишлаб қолди, ўшанда мен ҳаётимда биринчи марта акам мендан ҳам, менинг қўлимдан келиши мумкин бўлган ишдан ҳам қўрқаётганини тушундим.

Иршодни уйига йўл олаётиб, танишларни ҳам, нотанишларни ҳам учратиб қолмаслик учун атайлаб тор ва айланма, сассиқ кўчаларни танладим, чунки кўзла-

римдаги ёшни тўхтата олмас эдим. Бошимда фақат бир фикр айланарди: Шамс билан Кимёнинг бир тўшакда...

Мен ҳаддимдан ошаётганимни билардим. Кимдир ҳал қилувчи қадам қўйиши керак эди.

Кимё

1247 йил, декабрь, Конья.

Ҳамма одамларнинг кўзида биз эр-хотин эдик. Тўйимиздан кейин етти ой ўтди. Бу вақт ичида Шамс мен билан бирон марта ҳам эрдек яшамади. Мен одамлардан ҳақиқий аҳволни яширишга уринардим, лекин улар тўғриси билишади деб ўйлардим. Назаримда, бу шармандали ҳолат пешанамга ёзиб қўйилгандай кўриниб турарди, унга қараб ҳамма тушуниб олаётгандай туюлаверарди...

Шамс менинг хонамга кирмас эди демайман. Кирарди, албатта. Лекин ҳар сафар кечқурун кирмоқчи бўлса, олдиндан мендан рухсат сўрарди. Ва ҳар сафар мен унга:

– Ҳа, албатта. Ахир эримсиз-ку! – деб жавоб қилардим.

Кейин кун бўйи дуолар ўқиб, нафасимни ичимга ютиб, қачон никоҳимиз ҳақиқий ҳодиса бўлишини кутардим. Лекин у эшигимни фақат бирга гаплашиб ўтириш учун тақиллатарди. У мен билан бирга китоб ўқишни яхши кўрарди. Биз у билан бир нечта китобни – «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Юсуф ва Зулайҳо», «Атиргул ва булбул»ни ўқидик. Уларнинг ҳаммасида ҳам, бошларига не савдолар тушса ҳам, севишганлар ўз севгиларидан кечмайдилар. Бу китоблар мени ғуссага солади. Бу балки мен ўзим ҳеч қачон бундай муҳаббат таъмини тотиб кўра олмаслигимни билганим учундир.

Китоб ўқимаган вақтларимизда Шамс ислом сўфий дарвишларининг қирқ асосий қондаси ҳақида ҳикоялар қилади. Бир марта қайсидир қондани тушунтира туриб, бошини тиззамга қўйди. Кейин секин кўзларини юмди ва жим бўлиб қолди. Ухлаб қолди, мен унинг узун сочларини силадим, пешонасидан ўпдим. У кўзини очгунича бир умр ўтгандек бўлди. Кейин у мени ўзига тортди ва оҳиста ўпиб қўйди. Бу энг бахтли онлар эди.

Ўтган етти ой мобайнида мен ҳам бир неча марта унинг хонасига бордим. Ва ҳар сафар уни огоҳлантирмасдан борганимда, кўрққанимдан юрагим сиқилади, чунки у мени қандай қарши олишини билмайман. Шамснинг кайфиятини олдиндан билиб бўлмайди. Баъзан у шундай меҳрибон ва мулойим бўлардики, мен барча кечмишларим учун уни кечиришга тайёр бўлардим, баъзан эса жуда инжиқ бўлиб қоларди. Бир марта уни ёлғиз қолишига қўймаётганимни айтиб, эшигини қаттиқ ёпиб олди. Шу тарзда мен ундан ранжимасликка одатландим, шу билан бирга, мен ҳам у мулоқабат (медитация) қилаётганида унга халал бермайдиган бўлдим. Бир неча ой мобайнида мен ўзимни нафақат бошқалар кўзи учун, ўзим учун ҳам жуда мамнундек кўрсатиб юрдим. Ўзимни Шамс қиёфасида ҳамфикр, устоз, суҳбатдош, ҳатто ўз ўғлимни кўришга мажбур этдим, аммо фақатгина эрни кўра олмас эдим. Ўзим ёки унинг кайфиятидан келиб чиқиб мен унга ҳар хил қиёфалар берардим.

Маълум вақтга қадар бу мени қаноатлантириб келди. Ортиғини кутмасдан, фақат суҳбатлашишни кутадиган бўлдим. Унинг фикр-мулоҳазаларимни қадрлаши ва рағбатлантириши мени беҳад шодлантирарди. Мен ундан кўп янги нарсалар ўргандим, кейинроқ эса ўзим ҳам уни нималарнидир ўргатишим мумкинлигини, масалан, у тушунчага эга бўлмаган оилавий ҳаётга ўргатишим мумкинлигини англадим. Шунингдек, ҳеч ким унинг кулгисини менчалик келтира олмас эди.

Лекин бу менга етарли эмас эди. Қанча уринмай, у мени севмайди, деган фикрдан қутула олмас эдим. Тўғри, мен унга ёқардим, у мени қадрларди. Лекин булар севги эмас эди. Бу фикр эса менга азоб берарди, жисму жонимга тинчлик бермай, ич-ичимдан кемирарди. Мен дўстлардан ҳам, қўшнилардан ҳам нари юрардим. Ўз хонамда ёлғиз қолишни ва мархумлар билан гаплашишни афзал кўрадиган бўлдим. Зеро, тириклардан фарқлашиб, мархумлар ҳеч қачон ҳеч кимни айблашмайди.

Тириклардан эса фақат Чўл атиргули менинг энг яқин дугонамга айланди.

Иккимиз ҳам одамлардан узоқ бўлишни истаганимиз учун ўзаро тез яқинлашиб олдик. У ҳам сўфий бўлди. Чўл атиргули ишратхонадан қочиб келиб, хилватда янги ҳаёт бошлаган. Бир куни мен унга жасурлиги ва қатъиятлилигига ҳавас қилишимни айтдим.

У бош чайқаб деди:

– Мен янги ҳаёт бошлаганим йўқ. Шунчаки, қилган ишим – ўлмай туриб ўлдим, холос.

Бугун Чўл атиргулининг олдида буткул бошқа, одатдагидан ташқари сабаб билан бордим. Мен у билан ўзимни қўлга олиб ва жуда хотиржам гаплашмоқчи эдим, лекин уйига кирган заҳотим ўкириб йиғлай бошладим.

– Кимё, нима бўлди, ишларинг яхшими?

– Унчалик эмас, – иқрор бўлдим мен. – Менга ёрдамнингиз керак.

– Ҳа, албатта. Айт, нима қилишим керак?

– Шамс туфайли ... У менга яқинлашмаяпти. Яъни... – ғўлдирадим мен. – Мен унга ёқишни истайман. Менга ўргатинг.

Чўл атиргули оғир хўрсинди.

– Кимё, мен қасам ичганман, – деди у деярли аччиқланиб. – Мен Худога мусаффолигимни сақлашга ва эркакларга ёқиш тўғрисида ўйламасликка қасам ичганман.

– Лекин сиз қасамингизни бузмайсиз-ку, фақат менга озгина ёрдам берасиз, холос, – ялиндим мен. – Мен Шамсни бахтли қилишни истайман.

– Шамс маърифатли инсон, – худди биров эшитиб қолишидан хавфсирагандай пичирлаб деди Чўл атиргули. – Сен тўғри иш қилмаяпсан, менимча.

– Лекин у эркак-ку! – эътироз билдирдим мен. – Ахир ҳамма эркаклар Одам Атонинг ўғиллари эмасми? Маърифатлими ёки маърифатсизми, ҳаммасида ҳам жисм ва қон бор-ку! Шамсда ҳам, тўғрими?

– Ҳа, тўғри, лекин...

Чўл атиргули шошиб тасбеҳини олди ва хаёлчан бошини эгиб, уни ўгира бошлади.

– Илтимос, – гапимдан қайтмай туриб олдим мен. – Мен фақат сизга ишониб айта оламан. Етти ой ўтди. Ҳар куни эрталаб юрагимда оғир юк билан уйғонаман, ҳар куни кечкурун кўзларимда ёш билан ухлайман. Бошқа чидай олмайман. Мен эрим билан яқинлашим керак!

Чўл атиргули жавоб бермади. Мен рўмолимни ечдим, уни бошидан ушлаб ўзимга қаратдим.

– Тўғрисини айтинг. Мен хунукманми?

– Йўқ, албатта, Кимё. Сен чиройли аёлсан.

– Шундай бўлса менга ёрдам беринг. Менга эркак юрагига қандай киришни ўргатинг.

– Азизам, билсанг эди, эркак юрагига кириш аёлни йўлдан оздиради, уни ўзини унутишга олиб келади.

– Барибир, – жавоб бердим мен. – Мен орқага қайта олмайман.

Чўл атиргули

1247 йил, декабрь, Конья.

Кимё йиғлаб, мендан ёрдам беришимни сўради. Юзлари бужмайиб, нафаслари қисилиб қолди, охири, майли, ёрдам бераман дедим унга. Ичимда бу иш бефойдалигини ва ялинишларига қулоқ солмаслигим

кераклигини тушуниб турардим. Бу фожиага олиб келишини негадир олдиндан била олмадим. Айбдорлик ҳиссидан азоб чекар эканман, наҳотки шунчалар соддалик қилдим, бу ишнинг даҳшатли оқибатини кўра олмадим, деб ҳамон ўзимдан такрор-такрор сўрайман.

Ўша куни у мендан ёрдам сўраб келганда мен қаршилиқ қила олмадим.

– Илтимос, ёрдам беринг, ўргатинг, – ёлборарди у шивирлаб.

Қизалоққа ачинганимдан юрагим юм-юм йиғларди, «Балки безарардир», деб ўйлагандим ўшанда. Нима бўларди, ахир у ўз эри билан қовушмоқчи. Бегона эркак билан эмас-ку! Сабаби: фақат севги. Бу қандай ёмон оқибатга олиб келиши мумкин? Унда кучли эҳтирос бор, лекин бу гуноҳ эмас. Бу тоза эҳтирос!

Қалбим ич-ичидан бу тузоқ, деб турарди, аммо Худонинг режаси шундай эканки, мен бунинг зарарли оқибатини кўра олмадим. Шунинг учун аёл латофати борасида қўлларидаги хинадан бошқасини билмайдиган бу қишлоқ қизи Кимёга ёрдам беришга қарор қилдим.

Мен унга пардоз-андоз қилишни ўргатдим, у укувли шогирд чиқди. Унга хушбўй сувда чўмилиш, терисига хушбўй мойлар суриб ишқалаш, юзига асал ва сутли ниқоблар қилиш кераклиги ҳақида гапиришимга тўғри келди. Мен унга эркак эҳтиросини қўзғатадиган турли мойлар ҳақида айтдим. Тишни оқартириш, тирноқларини хина билан бўяш, ўсма ва сурмалар қўйиш, яноқлар ва лабларни бўяш, сочларни турмаклаш кабиларни ўргатдим. Кейин у билан бозор айланиб, ипак либослар сотиб олдик...

Кейин рақс тушишни ва Худо ато этган гўзал вужудини эрига кўз-кўз қилишни ўргатиш навбати келди. Икки ҳафта ўтиб, Кимё ўз эрини асир эта оладиган даражага етди.

Ўша куни худди чўпон қурбонликка кўзичоқни қандай тайёрласа, мен ҳам Кимёни Шамс Табризий учун шундай тайёрладим. Хушбўй сувда чўмилтирдим, сочларига мой суртдим, чиройли кўйлагини кийдирдим. Пардоз қилдирдим. Охирида Кимё кўз узиб бўлмас даражада чиройли бўлиб кетди.

Бу ишларни тугатганимизда Кимё энди тажрибасиз ёш қизалоққа ўхшамас, у вужудини тўлдириб тошираётган эҳтиросларда ёнаётган аёл эди. У севгилиси томон қадам ташлай оладиган ва керак бўлса бунинг учун қиммат бадал тўлашга ҳам тайёр аёлга айланди. Мен ўз гўзалимни томоша қилиб турар эканман, Қуръондаги Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги оятлар ёдимга тушди.

Худди Кимё каби Зулайҳо ҳам ўз эҳтиросига эҳтирос билан жавоб бермаган эркакка кўнгил кўйган эди. Бутун шаҳар аҳли ғийбат қилавергач, Зулайҳо уларни меҳмонга чақирган. Ҳар бирининг кўлига пичоқ бериб, Юсуфга: «Бу ёққа кел», деб буюрган. Уни кўрган меҳмонлар ҳайратдан қўлларини кесиб, «Худойим, ўзинг асра бизни! Бу инсон бўлиши мумкин эмас! Бу фаришта!» дейишган. Шундан кейин ҳеч ким Зулайҳони Юсуфни севгани учун айбламайдиган бўлган.

– Кўринишим қандай? – ҳаяжон билан сўради Кимё хонамдан чиқишидан олдин.

– Ажойиб, – жавоб бердим мен. – Энди эринг сени эртага ва индинга ҳам эркалайди.

Кимё қизариб кетди. Мен эса кулиб юбордим ва у ҳам ўша заҳоти менга кўшилиб кулди, унинг кулгуси мени худди куёш нурларидай илитди.

Мен ўзим айтган гапимга ишонардим, унда Шамс-ни ўзига жалб этиш қобилияти борлигига шубҳа қилмагандим. Шунга қарамай, кўзларимиз учрашганда, унинг кўзида иккиланиш сояси борлигини пайқадим, менинг кўнглим ғаш бўлиб қолди. Ёмон аломатни ҳис этдим.

Лекин Кимёни тўхтатолмадим. Тўхтатишим керак эди. Ахир кўриб турган эдим-ку! Уни тўхтатмаганим учун умримнинг охиригача ўзимни кечирмайман.

Кимё

1247 йил, декабрь, Конья.

Бу асов, жасур, зукко Шамс ишқ ҳақида жуда кўп нарса билади. Лекин бир нимани билмаслиги аниқ: рад этилган севги азобини.

Чўл атиргули мени пардоз-андозлар қилиб, кийинтириб қўйган куни жуда тўлқинланиб кетдим ва эсу ҳушим жойида эмас эди. Ўзимда шундай ўзгариш бўлиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Вужудимга тегиб турган нафис ипак мато, атир иси, тилимдаги гулоб таъми ва бошқалар ҳаммаси, бир томондан, мени асаблантирар, иккинчи томондан, менга кутилмаган жасорат ҳам бахш этган эди. Уйга қайтиб, биринчи галда ўзимни кўзгуга солдим. Сулувгина эдим.

Уйда ҳамма ухлашини кутиб, кейин катта рўмолни елкамга ташлаб, оёқ учида Шамснинг хонасига равона бўлдим.

– Кимё, мен сени кутмаган эдим, – деди у эшикни очаркан.

– Мен сизни кўришим керак эди. – Шундай дедим-у, таклифини кутмасданоқ остонадан ўтдим. – Илтимос, эшикни ёпиб қўйинг.

Шамс ҳайрон бўлганини яширмай, илтимосимга бўйсунди.

Иккимиз унинг хонасида ёлғиз эдик, менга диққатимни тўплаб олишим учун вақт керак эди. Мен унга орқа ўгирдим, чуқур хўрсиндим-да, рўмолни ташлаб, қўйлагимни еча бошладим. Ўша заҳоти орқамда эримнинг оғир нигоҳини ҳис этдим. Хонага совуқ жимжитлик чўкди. Нафасим тиқилиб қолди, турли ёмон хаёл-

лар миямда гир айланарди, лекин мен Шамс қаршисида худди жаннатдаги хур каби... туравердим.

Ёқимсиз сукут ҳукм суларди, фақат ташқарида эсаётган шамолнинг увиллашини эшитиб турардик.

– Бу нима қилиқ? – совуқ оҳангда сўради Шамс.

Мен бирдан овоздан қолдим, шунга қарамай ўзимни мажбурлаб дедим:

– Сизни истайман.

Шамс атрофимда ярим айланиб, қаршимда тўхтади ва мени кўзларига қарашга мажбур этди. Тиззаларим букилай-букилай деб турарди, лекин мен бунга сўз бермасликка ҳаракат қилардим. Аксинча, унинг томонига бир қадам қўйдим ва Чўл атиргули ўргатгандай, унга тақалдим, кулоқларига нафис севги сўзларини шивирладим.

Шамс худди чўғ теккандай сакраб ўзини нари олди.

– Сен ўзингча мени истаяпман, деб ўйлайсан, аслида ўзингнинг камситилган «мен»ингни юпатмоқчисан.

Мен Чўл атиргули айтгандай қилиб, қўлларим билан унинг бўйнидан кучоқладим ва қаттиқ ўпдим... Атиги бир дақиқа ҳар иккимизни ҳам эҳтиросли истак ўз гирдобига тортаётганини ҳис этдим, лекин Шамс юлқиниб қўлимдан чиқиб кетди.

– Кимё, сен менинг ҳафсаламни пир қилдинг, – деди у. – Энди эса, илтимос, хонамдан чиқ.

Шамс мени қаттиқ хафа қиладиган бу сўзларни юзида ҳеч қандай ифодасиз – на ғазаб ва на жаҳлсиз айтди. Ва мен уларнинг қайси биридан – айтган сўзларининг маъносиданми ёки юзида ҳеч қандай ҳиссиёт йўқлигиданми – кўпроқ хафа бўлишим кераклигини ҳам билолмай қолдим.

Ҳаётимда бундан ортиқ хўрликка дуч келмаган эдим. Мен ерда ётган кўйлагимни олишга эгилдим, лекин қўлларим қалтираганидан сирпанчиқ кўйлагимни

ушлаб ололмасдим. Шунинг учун рўмолнинг ўзига ўралиб олдим.

Йиғлаганча, оғир нафас олиб, ярим яланғоч хонасидан чиқдим, ундан ҳам, унинг муҳаббатидан ҳам қочиб кетдим, тушундимки, бу муҳаббат фақат менинг тасаввуримда экан. Шундан буён Шамсни бирон марта ҳам кўрмадим. Ўша кундан бошлаб ўз хонамдан ташқарига бошқа чиқмадим. Эртаю кеч тўшақдан туришга мажолим етмай, ётиб қолдим. Бир ҳафта ўтди, яна бир ҳафта ўтди ва мен кунларни ҳам бошқа санамай қўйдим. Менда буткул мадор қолмади.

Ўлимнинг иси борлиги ҳақида ҳеч ўйламаган эканман. Бу ис тузланган занжабил ёки қарағайнинг игналари каби, лекин анча ўткир ва аччиқ, бироқ бадбўй эмас. Мен ўлимни хонамга кириб келганида, у мени қалин ва нам туманга чулғаб олаётганида ҳис этдим. Мени безгак тутди, ҳушимни йўқота бошладим ва ҳатто алаҳладим ҳам. Мени жуда кўп дўстлар ва қўшнилари кўргани келишди... Кира ёнимдан нари кетмади. Унинг ранги синиққан, кўзлари ичига чўккан эди. Гавҳар ҳам ёнимда, иккинчи томонимда, юзларида кулгичлар пайдо бўладиган ўзининг ёқимли табассуми билан кулимсираб турарди.

– Лаънати бидъатчи! – дерди София. – Бечора қизнинг юрагини чилпарчин қилди. Ҳаммаси ўша туфайли бўлди.

Мен унга эътироз билдирмоқчи бўлдим, лекин овозим чиқмади.

– Нимага ундай дейсан? – эътироз билдирди Кира. – Ҳаммаси Худонинг қўлида. Одамнинг иродаси Худоникига тенг келармиди?

Лекин Кирага ҳеч ким қулоқ солмас, мен ўзим-ку, ҳеч кимни ишонтирадиган ҳолатда эмас эдим. Лекин нимаики дея олганимда ҳам, натижа бир хил бўлиб чиқишини тез илғаб олгандим. Шамсни ёмон кўрган одамлар менинг касалимда ундан нафратланиш учун

яна бир сабаб топишди, лекин мен уни ҳеч нимага қарамай севардим.

Мана, ниҳоят, мен барча ранглар бир рангга, ҳамма овозлар бир гувиллашга айланадиган ҳолатга тушдим. Одамларни танимайдиган ва сўзларни ажратмайдиган ҳолга.

Шамс мени кўргани келдими, келмадими, билмайман. Келмаган бўлса керак. Келганида ҳам хотинлар уни ёнимга йўлатмаган бўлишарди. Балки келгандир ҳам, тўшагим ёнида ўтириб, қўлимдан тутиб ёки соатлаб най чалиб ёки дуо ўқиб ўтиргандир. Шунга ишонгим келади.

Нима бўлса ҳам, энди бунинг аҳамияти йўқ. Менинг ундан жаҳлим чиқмади ва хафа ҳам бўлмадим. Бу менга Худонинг марҳамати ва юпанчи бўлди. Шамснинг олдига пардоз-андоз қилиб, ипак кўйлақлар кийиб кириб, касал бўлиб қолганимдан кейин ўн кун ўтгач, мен йўқлик дарёсига шўнғидим ва ўз юрагимга тўлиқ мувофиқлашган ҳолда сузиб кетдим.

Бу оқим мени ҳаётдан ўлим сари оқизиб кетди.

Элла

2008 йил, 3 июль, Бостон.

Бостон ҳеч қачон ҳозиргидек жонли ва чиройли бўлмаган, ўйларди Элла. Наҳотки, кўзларим кўр бўлган-у, шу пайтгача бу чиройни кўрмаган бўлсам?

Азиз Бостонга беш кунга келган эди. Ва Элла ҳар куни Азиз билан учрашиш учун Нортгемптондан Бостонга келарди. «Кичик Италия»да оддийгина нонушта қилишарди, нафис санъат Музейида бўлишди, Бостон-Коммон ва Уотерфрант боғларида сайр қилиб юришди, аквариумда китларни кузатишди, Гарвард-сквердаги кичкина кафедра қаҳва ичишди. Шу билан бирга улар тинмай кўп нарсаларни, масалан, турли мамлакатларнинг таомларини, медитация услубларини, аборегенлар санъатини, готик

асарларни, табиатдаги қушларни ўрганишни, боғдорчиликни, помидор етиштиришни, тушлар таъбирини муҳокама қилишар, тинимсиз бир-бирларининг гапларини бўлишарди. Элла қачон бунчалик кўп гапирганини эслай олмайди ҳам.

Кўчада бир-бирларига тегмасдан юришга ҳаракат қилишарди, лекин доим ноқулай аҳволга тушиб қолаверишарди. Элла, қўл ушлашиб олсак яхши бўлармиди, деб ўйлаб қўярди. Ниҳоят, бирдан Эллада ўзи ҳеч қачон кутмаган жасорат пайдо бўлди. У ресторанларда ва кўчаларда Азизни қўлтиқлаб олар, ҳатто уни ўпар эди. У бошқалар уни кўришига нафақат бефарқ эди, ҳаттоки кўришларини ИСТАР эди ҳам.

Азиз Амстердамга қайтиб кетадиган куни эрталаб номерига киришди. У ерда тез орада бошланадиган ҳижрондан дарак бериб, жомадон хомуш турарди.

– Мен сенга бир нимани айтишим керак, – деди Элла. – Назаримда, буни айтиш учун жуда узоқ тараддуд кўрдим.

Азиз бир қошини кўтарди.

– Мен ҳам сенга бир нимани айтишим керак, – деди овозида безовта оҳанг билан у.

– Унда сен биринчи айтақол.

– Йўқ, сен биринчи айтавер.

Ним табассумини сақлаганча Элла фикрларини тўплаб олиш учун кўзларини ерга олди.

– Ҳали сен Бостонга келмасингдан олдин бир куни биз Дэвид билан узоқ гаплашган эдик. У сен ҳақингда сўраган эди. Чунки у мендан берухсат почтамни ўқиган экан. Ундан қаттиқ жаҳлим чиқди, лекин ҳақиқатни ундан яширмадим. Яъни сен билан менинг орамиздаги бор ҳақиқатни.

Элла ўзининг энди айтадиган гапига Азиз қандай қарашини билмай, кўрқувда кўзларини ердан олди.

– Қисқаси, мен эримга бошқа инсонни севишимни айтдим.

Кўчадан барча овозларни босиб кетадиган ўт ўчирувчилар машинасининг чинқириғи эшитиларди. Элла хатар борлигини ҳис этди, лекин ярим йўлда тўхтамади.

– Айтадиган гапим унча соғлом кўринмаслиги мумкин. Мен бу ҳақида жуда кўп ўйлаганман. Лекин мен сен билан Амстердамга кетишни истайман.

Азиз дераза ёнига борди ва кўчада нималар бўлаётганини билмоқчи бўлиб қаради. Яқинроқдаги бир уйдан осмонга қалин қора тутун буриқсаётган эди. Азиз жимгина шу уйда яшовчиларни дуо қилди, кейин шошилмай нималарнидир гапирди, унинг гаплари Эллада худди бутун шаҳарга қаратилгандек тасаввур уйғотди.

– Мен сени жон деб Амстердамга олиб кетган бўлардим, лекин сенга бахтли келажак ваъда қила олмайман.

– Нима демоқчисан? – деди кўрқа-писа Элла. У келиб ёнига ўтирди, қўлларини ўз қўлларига олди, паршон ҳолда уларни силаб туриб деди:

– Сен менга биринчи марта хат ёзганинда, бу ҳаётимдаги энг ёмон давр эди.

– Ҳаётимда бошқа аёл бор, демоқчимисан?..

– Йўқ, севгилим, йўқ, – Азиз истехзоли кулди, лекин тез орада юзи яна жиддийлашди. – Асло бундай эмас. Мен сенга ўз ҳаётимнинг уч даври ҳақида гапирганим эсингдами?

«Сўфий» сўзининг биринчи уч ҳарфи. Лекин сен бир марта ҳам тўртинчи давр ҳақида сўрамагансан, мен сенга бу ҳақида айтишни жуда истаган бўлсам ҳам, негадир сира мавриди келмаган эди. Лекин «и» ҳарфи билан ҳам учрашув бўлган эди. Нима бўлгани ҳақида билишни истайсанми?

– Ҳа, – деди Элла, эшитиши мумкин бўлган нарсадан кўрққани ҳолда. – Ҳа, истайман.

Азиз Эллага июль ойининг кундузида, отелда, Амстердамга учадиган рейсга бир неча соат вақт қолганда, ўзининг 1977 йил қандай қилиб янги исм олиб, сўфий бўлгани, шу билан бирга, ўзининг айтишича, янги тақдир ҳам қабул қилгани ҳақида гапириб берди.

Шундан буён у касбига кўра фотограф ва қалб амрига кўра дарбадар дарвиш сифатида дунё кезиб юрган экан. У олтига қитъада чин дўстлар орттирипти, у уларга худди ўз оила аъзосидай яқин экан. Азиз гарчи бошқа оила қурмаган эса-да, Шарқий Европада икки етимнинг отаси бўлипти. Шамс Табризийни ҳамиша хотирасида сақлаш учун бўйнига қуёш шакли бор маржон тақиб юрар, сўфий дарвишлар анъаналарига кўра саёҳатлар қилар, маърузалар ўқир ва тарғиботлар қилар экан.

Икки йил олдин эса унга касал экани маълум бўлипти.

Касаллик қўлтиғи остидаги шишни сезишдан бошланипти, афсуски, у буни кеч пайқапти. Қабарик меланом, яъни раkning ўлимга олиб келувчи шакли экан. Шифокорлар текшириб, метастаз ички органларга ҳам тарқаб кетганини айтишипти.

Ўшанда Азиз эллик икки ёшда бўлган. Унга кўпи билан эллик беш ёшга қадар яшаши мумкинлигини айтишган.

Элланинг лаблари бир нима дейишга чоғланган каби қимирлади, лекин тили калимага келмади, оғзи худди чўлда қақраб қолгандай қуруқ эди. Юзларидан икки томчи ёш думалади, лекин у тезгина артиб ташлади.

Азиз ҳар бир сўзини дона-дона айтиб, гапида давом этди. Шундан кейин ҳаётида янги ва муайян маънода маҳсулдор давр бошланган экан. Ерда ҳали у кўришни истаган кўпгина ерлар бор экан, у биринчи навбатда ўша ерларга бориш йўлларини излаб топипти. Амстер-

дамда бутун дунёда филиаллари бор бўлган сўфийлик жамоасига асос солипти. Индонезия, Миср сўфийлари билан бирга концертларда ҳаваскор сифатида най чалипти ва ҳатто Кордова, Испаниядаги яҳудий ва мусулмон мистиклари гуруҳи билан бирга альбомлар чиқарипти. Кейин Мароккога қайтипти ва йўлининг бошида учратган биринчи сўфийлар такка¹сини зиёрат қилипти. Устоз Саммид аллақачонлар вафот этган экан, Азиз унинг қабрини зиёрат қилипти, дуолар ўқипти ва медитация қилипти.

– Шундан кейин ўзим ҳамиша ёзишни истаган, лекин дангасалик қилибми ёки журъат қила олмаганим учунми, ҳамиша орқага суриб келган романни ёзиш учун фаол ҳаётдан чекиндим. – Азиз Эллага кўз қисиб қўйди. – Мен буни жуда ҳам истаган эдим. Асарни «Ширин шаккоклик» деб атадим ва ҳеч қандай ижобий натижа кутмаган ва ҳар қандай натижага тайёр ҳолда уни америка агентлигига юбордим. Бирмунча вақтдан кейин эса Бостондаги сирли бир аёлдан ғалати электрон хат олдим.

Элла жилмайишдан ўзини тия олмади. Бу тавозели ҳамдардлик табассуми эди, у оғриқли ва меҳрли эди.

Азиз ўша дақиқалардан буён аввалгидек бўла олмаганини айтди. Энг тўғри келмайдиган вақтда, у ўлимга тайёрланаётган одамдан севувчи одамга айланди. Шунга қадар муҳим ва ўзгармас бўлиб туюлган нарсалар бирдан кўзғолиб, чархпалакдай айланиб кетди. Руҳ, ҳаёт, ўлим, эътиқод ва ишқ – шулардан барчасининг маъноларини у қайтадан англаб чиқди. Унинг асло ўлгиси келмас эди.

Ўз ҳаётининг финал босқичини у «Сўфий» сўзидаги «и» ҳарфи билан атади. У бу босқични энг қийин босқич эканига иқрор бўлди, чунки у ўзини барча ички конфликтларни бошдан кечириб бўлган деб ўйлаган, ўзини руҳан етук ва мақсадига эришган инсон деб ҳисоблаганди.

¹ Такка – сўфийлар қароргоҳи.

– Сўфийлар ўлишдан олдин ўлишни ўрганадилар. Ва мен қадам-бақадам барча босқичлардан ўтиб келгандим. Кейин эса, ҳаммасини аниқлаб бўлдим, деб ўйлай бошлаганимда, йўқ ердан бир аёл пайдо бўлди. У менга ёзади, мен унга жавоб ёзаман. Ҳар битта электрон хатидан кейин, нафасимни ичимга ютиб, унинг хатини кутаман. Сўзлар қиммати ҳар қачонгидан баланд бўлиб кетди. Ҳамма нарса буткул бўм-бўш экранга айланди, мен унда ҳарфлар пайдо бўлишини интизор кутаман. Кейин бирдан бу аёлни яхшироқ билгим келаётганини англайман. У билан кўпроқ вақт бирга бўлгим келади. Менга бу ҳаёт камлик қилаяпти. Мен энди ўлимдан кўрқаётганимни ва мендаги қайсидир қисм шу вақтгача мен ҳурмат қилиб келган ва мен бош эгиб келган Худога қарши исён кўтармоқчи бўлаётганини англайман.

– Лекин ҳали вақтимиз бор... – деди Элла қайта тилга кириб.

– Шифокорлар ўн олти ой дейишган, – гарчи ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилаётган эса-да, қатъий қилиб деди Азиз. – Улар хато қилишлари мумкин. Тўғри айтган бўлишлари ҳам мумкин. Билмайман. Қулоқ сол, Элла, мен сенга фақат ҲОЗИРни таклиф эта оламан. Менда бори шу, холос. Аслида ҳаммада ҳам шундай, ҳамма ҳам кеча ҳам эмас, келажак ҳам эмас, фақат ҳозир бор. Биз шунчаки тасаввур этишни ёқтираамиз...

Элла ерга қаради ва худди тўғри ўтиришга кучи етмаётгандай букчайиб қолди. Ожизликка қаршилик кўрсатмоқчи бўлди, лекин кучи етмади, йиғлаб юборди.

– Илтимос, йиғлама. Сен мен билан Амстердамга учиб кетишингни дунёдаги ҳамма нарсадан кўпроқ истайман. Мен сенга: «Юр, дунё кезайлик. Олис мамлакатларни кўрайлик, ҳар хил одамлар билан танишайлик ва биргаликда Раббимиз яратмишларидан завқланайлик» дегим келади.

– Бу менга ёқади, – табассум қилди Элла ва худди йиғламасин деб қўлига қўғирчоқ берилган болага ўхшаб кетди.

Азизнинг қовоғи солинди, ойна томонга ўгирилиб олди.

– Мен эса қўрқаман. Мен ҳатто сенга тегинишга ҳам қўрқаман, бошқа нарсаларни эса қўяверасан. Мен ўз келажагим йўқ бўлатуриб, қандай қилиб сендан мен билан бирга бўлишингни, оилангни ташлашингни сўрай оламан?

Элла елкаларини қисди, лекин барибир деди:

– Тушкун бўлишнинг нима кераги бор? Ахир сен хасталикка қарши кураша оласан-ку! Сен мен учун шундай қилишинг керак. Биз учун.

– Нима учун курашишимиз керак экан? – эътироз қилди Азиз. – Биз ҳамиша кураш ҳақида гапирамыз – инфляцияга, ОИТСга, ракка, коррупцияга, терроризмга, ҳатто ортиқча килограммларга қарши кураш ҳақида...

– Мен сўфий эмасман, – деди бетоқатлик билан қандайдир хириллаган бегона овозда Элла.

Хаёлидан ўзини-ўзи ўлдириб, ҳаётдан кўз юмган отаси, ундан кейинги жудолик азоблари, агар вазият бошқача бўлганда ҳаёт қандай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги аччиқ ва надоматли ўйлар ғизиллаб ўтди.

– Сен сўфий эмаслигингни биламан, – истехзоли кулди Азиз. – Бўлишинг керак ҳам эмас. Румий бўлсанг бас. Сендан фақат шуни сўрайман.

– Нимани назарда тутаяпсан?

– Яқинда мендан, сен ўзингни Шамс деб ҳисоблайсанми, деб сўраган эдинг. Эсингдами? Сен мени унга ўхшайсан, деган эдинг. Буни эшитишдан қанчалар бахтиёр бўлсам ҳамки, лекин мен Шамс эмасман. Ўйлашимча, у анча буюк бўлган. Лекин сен Румий бўла оласан. Агар ишқ сени ишғол этишига ва сени ўзгартиришига им-

кон берсанг – аввал ўз борлигинг билан, кейин эса йўқлигинг билан...

– Мен шоир эмасман, – деди Элла.

– Румий ҳам шоир эмас эди. Лекин кейин бўлди.

– Тушунмаяпсан. Худо ҳақи, мен оддий уй бекасиман, уч фарзанднинг онаси! – хитоб қилди Элла ва қийналиб тин олди.

– Аслиятимиз қандай бўлса, биз шундаймиз, – шивирлади Азиз. – Ва биз ҳаммамиз ўзгарамиз. Бу бир саёҳат. Сен шу саёҳатни амалга ошира оласан. Агар жасоратли бўлсанг ва мен ҳам жасоратли бўлсам, биз ниҳоят Коньяга бора олардик. Мен ўша ерда ўлишни истайман.

Элла хўрсинди:

– Бас қил.

Азиз Эллага узоқ қараб қолди, кейин ерга қаради. Юзида бошқа ифода пайдо бўлди, овозида эса бегоналик бор эди, бу овоз худди шамол учирган япроқ каби узоқдан келаётгандай эди.

– Шунингдек, Элла, – шошмасдан деди у, – сен уйга қайтишинг мумкин. Болаларинг олдига – уйингга бор. Ўзинг ҳал қил, севгилим. Сен қайси бирини танласанг ҳам, бу менинг туйғуларимга таъсир қилмайди. Мен сени ҳамма вақт яхши кўравераман.

Ичкиликбоз Сулаймон

1248 йил, март, Конья.

Ичкилик ичмайдиганлар ичувчилар бошқа қиладиган ишлари йўқлигидан, дангасалиқдан ичишади, деб ҳисоблашади. Улар ҳеч нимани тушунишмайди! Қанча кўп ичсангиз, шунча оғирлашасиз, ўзингизни ҳаракатланишга мажбурлай олмайдиган бўлиб қоласиз. Биз бутун дунё юкени ўз елкаларимизда кўтарамиз.

Қаттиқ ҳолдан тойган ва ҳамма нарсадан норозилик туйган ҳолда бошимни столга қўйиб, мудраб қо-

либман. Ўшанда унча нохуш бир туш кўрибман. Қандайдир нотаниш кўчаларда каттакон қора буқа мени ғазаб билан қувлаётганмиш. Ундан қочиб, бозорга кирибман, бозордаги дўконлар, пештахталар ошиб, савдо қилаётганларга уриниб-суриниб, ҳамманинг жаҳлини чиқариб чопаетганмишман. Чопаетиб қандайдир ўтиш жойига дуч келдим, ўзимни ўшанга урдим, лекин у боши берк кўча экан. У ерда мамонтнинг тухуми бор экан, жуда катта, уйдек келади. Тухум бирдан майдалана бошлади, ичидан бир хунук хўл қуш чиқипти. Мен боши берк кўчадан чиқиб кетмоқчи бўлибман, лекин шу тоб осмонда қушнинг онаси пайдо бўлипти, гўё жўжасининг исқиртлигига мени айбдор санаб, қараб турганмиш. Кейин у осмондан пастлай бошлапти ва менга ўткир тумшуғини тақапти... Шундан кейин уйғониб кетдим.

Кўзимни очиб, стол олдида ухлаб қолганимни тушундим. Оғзим худди занглаган михнинг таъмига ўхшаган мазадан тахир бўлиб кетипти, чанқаб, ўлай деб қолибман-у, лекин қимирлагим келмас эди. Бошимни кўтармаган ҳолда қовоқхонадаги шовқинга қулоқ тутганча, яна йўқликка чўкиб кетдим.

Шу орада орқамда кимлардир баҳслашаётганини эшитдим; шовқин худди асалари инидан чиқадиغان овозларга ўхшаб гоҳ яқинлашар, гоҳ узоқлашарди. Ниҳоят бу кўшни столда баҳслашиб ўтирган одамларнинг овозлари эканини илғадим. Энди уларнинг юзига қарамоқчи бўлиб тургандим, қулоғимга «қатл этиш» деган овоз эшитилиб қолди.

Аввалига бунни маст одамнинг алаҳлаши бўлса керак, деб ўйладим. Қовоқхонада нималарни эшитмайсан киши, кейин эса, ўрганиб кетилганидан кейин ҳамма нарсани ҳам жиддий қабул қилавермаслик кераклигини тушунасиз. Лекин кўшни столдагилар овозларидаги алланима мени хушёр тортиб, тузукроқ қулоқ солишга мажбур этди. Улар ҳазиллашмаётганларини

ва гап Шамс Табризийни ўлдириш ҳақида кетаётганини тушунгач, чакагим узилай деб осилиб қолди.

Улар чиқиб кетган заҳоти ўзимни ухлаётганга солишдан тўхтаб, столдан ирғиб турдим.

– Христос, бу ёққа кел! Келсанг-чи тезроқ! – бақирдим мен.

– Сенга яна нима керак? – сўради чопиб келган Христос. – Нимага бақирасан?

Мен эса ҳеч нима дея олмадим. Ҳатто унга ҳам айта олмадим. Қовоқхонада ўтирганларнинг ҳаммаси менга шубҳали кўринарди. Бу Шамсга қарши уюштирилаётган суиқасд бўлса-чи? Йўқ, оғизни қулфлаб, кўзни каттароқ очиш керак.

– Шунчаки, ўзим! Қорним очди, – дедим. – Менга шўрвангдан олиб кел. Саримсоқдан кўпроқ сол. Хушимга келиб олай!

Менинг кайфиятимдаги тез ўзгаришларга одатланиб қолган Христос менга ҳайрон қараб қўйди, ортиқча савол бермади. Бирпасдан кейин яхши қайнаган ва хушбўй товуқ шўрва олиб келди. Ва мен уни шошиб ича бошладим. Бироз ўзимга келиб олгач, Шамс Табризийни излаб топиш учун кўчага отилдим.

Энг олдин Румийларникига бордим. Шамс у ерда йўқ экан. Кейин мачит, мадраса, чойхона, новвойхона, ҳаммомга бордим... Хунармандлар кўчасининг барча бурчакларига қириб чиқдим. Ҳатто мабодо тиши оғриб қолган бўлса, кирмадимикин деб лўлининг чайласига ҳам бош суқдим. Ҳаммаёқни изладим ва вақт ўтган сайин кўркувим ортиб борди. Ваҳимага тушиб қолдим. Кеч қолдиммикан? Ўлдириб бўлишганмикин?

Бир неча соат шу зайлда юриб, энди қаёққа боришни билмай карвонсарой томонга бурилдим, юрагим алғов-далғов бўлиб ётарди. Шунда бирдан, худди мўъжиза рўй бергандай, эшикдан икки қадам нарида Шамсга дуч келдим.

– Ассалому алайкум, Сулаймон. Сен жуда банд кўри-насан? – кулимсираб сўради Шамс.

– Худога шукур! Тирик экансан! – хитоб қилдим мен ва уни кучоқлаб олдим.

Шамс қўлларимдан бўшаб олгач, менга ҳайрон қараб қолди:

– Тирикман, албатта! Ё арвоҳни кўрдим деб ўйладингми?

Мен жилмайиб қўйдим. Бошим оғриётган эди, бошқа вақт бўлганда-ку, тезроқ чанқовбосди қилиш ва ташвишдан нари бўлиш учун икки кўза ичган бўлардим.

– Дўстим, нима бўлди? Тузукмисан? – хавотирланиб сўради Шамс.

Мен зўрға ютиниб олдим. Мен суиқасд ҳақида айтсам, у ишонмаса-чи? Балки кайфи ошганидан шундай тушунган, деб ўйлар? Бу тўғри бўлиши ҳам мумкин. Ҳозир ўзим ҳам ўзимга ишонмас эдим.

– Сени ўлдирмоқчи бўлишаяпти, – дедим мен. – Бу одамлар кимлигини билмайман, чунки уларнинг юзларини кўрмадим. Ухлаётгандим, биласан-ку... Лекин бу туш эмас эди. Яъни туш ҳам кўраётган эдим, лекин бу туш эмас эди. Мен маст эмас эдим. Атиги икки финжон, нима деган гап...

Шамс қўлини елкамга қўйди:

– Хотиржам бўл, дўстим. Мен тушунаман.

– Тушунасан?

– Ҳа. Энди жойингга қайтиб боргин-да, мен ҳақимда бошқа ташвиш қилма.

– Йўқ, йўқ! Ҳеч қаёққа бормайман. Сен ҳам бормайсан, – қаршилиқ қилдим мен. – Бу жиддий одамлар эди. Сен эҳтиёт бўлишинг зарур. Румийларникига борма. Сени энг олдин ўша ердан излашади.

Шамс менинг ҳолатимга эътибор бермай, жим турарди.

– Менга қулоқ сол, дарвиш, менинг уйим кичкина, лекин агар истасанг меникида қанча тургинг келса, шунча туришинг мумкин.

– Мени ўйлаганинг учун катта раҳмат, – деди Шамс. – Лекин ҳаммамиз ҳам Худонинг даргоҳидамиз. Қоидалардан бирида айтилишича:

«Дунё ҳамма нарсаларнинг ҳамма нарсаларга боғлиқлиги қонунига бўйсунди. Эзгуликнинг ҳар бир томчиси, ёмонликнинг ҳар бир бўлаги – ҳамма-ҳаммаси ўзаро боғланган. Суиқасдлардан, алданишлардан, айёрликлардан кўрмаслик керак. Кимдир сенга қопқон қўяётган бўлса, билгинки, у Худонинг иродаси билан шундай қиляпти. Энг зўр қопқонни Унинг Ўзи қўяди. Худонинг измисиз дарахтнинг япроғи ҳам қилт этмайди. Худога тўлиқ ишон. Нимаики содир бўлмасин, унинг изнисиз бўлмайди».

Шамс шу сўзларни айтиб менга кўзини қисиб қўйди ва хайрлашиб, менга қўл силкитди. Мен унинг лой кўчадан юриб, Румийларнинг уйи томон қадам ташлаб тез кетаётганини кузатиб қолдим. Менинг огоҳлантиришимга эътибор бермади ҳам.

Қотил

1248 йил, март, Конья.

Калтафаҳмлар! Овсарлар! Уларга мен билан бирга борманглар, деб айтгандим-а. Мен доим бир ўзим ишлайман, буюртмачилар ишимга аралашишини жуда ёмон кўраман. Лекин улар дарвишнинг ғайритабиий қуввати борлигини менга пеш қилиб, ўлганини ўз кўзимиз билан кўришимиз керак, деб туриб олишди.

– Майли, – дедим охири. – Лекин дарвишингизнинг ишини тугатмагунимча, нарида турасиз.

Улар «хўп» дейишди. Энди улар учта бўлишди. Иккитасини мен олдин ҳам кўрган эдим, кейинги учраш-

ганимизда эса яна биттаси уларга кўшилипти – у ҳам ўшалардай ёш ва асабий йигит экан. Учаласи ҳам юзларини қора рўмол билан беркитиб олишганди. Менга барибир эмасдай гўё!

Ярим кечадан кейин Румийларникига келдим. Тош девордан сакраб ўтиб, ҳовлига тушдим. Буталар орасига яшириндим. Буюртма берганлар Шамс Табризий ҳар куни таҳорат олишдан олдин ҳовлида муроқабача (медитация) қилиш одати борлигини айтишган эди. Мен фақат кутиб туришим керак эди.

Ҳаво одатдагидан совуқроқ, шамол ҳам бўлаётган эди. Қўлимда ушлаб турган қиличим оғир ва совуқ, сопидаги икки қоратга сотиб олган маржон беазаги қўлимга қаттиқ ботарди. Ҳар эҳтимолга қарши деб ханжар ва пичоқ ҳам олганман.

Ой оч ҳаворанг парда ичида. Узоқлардан тунги ҳайвонларнинг қичқириқлари ва увиллашлари эшитилди. Шамол эсиб димоғимга атиргулнинг ширин исини уфурди. Не ажабки, мен бундан ўзимни ёмон ҳис этдим. Бу ерга келишимдан олдин ҳам кайфиятим яхши эмас эди, энди эса жудаям ёмон бўлиб кетдим.

Ширин, хушбўй атиргулнинг орқасида турар эканман, қотиллик ҳақида унутишга ва узоқ ерларга қочиб кетишга бўлган хоҳишимни сира бостира олмасдим.

Лекин берган ваъдамга содиқ қолдим. Шу алфозда қанча вақт ўтганини билмайман. Қовоқларим оғирлашган, нуқул эсноқ келади. Шамол кучайди, қандайдир номаълум сабабга кўра мен ўлдирган барча одамлар ҳақидаги қоронғу ва оғриқли хотиралар ёпирилиб кела бошлади. Ҳеч қачон бундай туйғуни бошдан кечирмагандим. Ҳеч қачон ўтмишни эслаганимда бунақа асабийлашмас эдим. Тўғри, менда ўқтин-ўқтин хаёлларга бериладиган кунлар бўлиб турарди, лекин асабийлашиш?..

Ўзимга далда бериш учун ҳуштак чала бошладим, лекин бу ёрдам бермади. Орқа эшикка қараб пичирла-

дим: «Чиқақол, Шамс. Мени узоқ кутишга мажбур қилма. Ҳовлига чиқ».

Лекин бирон овоз йўқ. Бирон ҳаракат йўқ. Ҳеч нима йўқ.

Тўсатдан майдалаб ёмғир томчилай бошлади. Мен турган жойдан девор ортидаги ерлар яхши кўриниб турарди. Тез орада кучли ёмғир ёға бошлади, кўчаларда сув дарё бўлди, мен суякларимгача ҳўл бўлдим.

– Лаънат бўлсин! – дедим чидамсизлик билан. – Лаънат бўлсин! Лаънати!

Мен энди қатлини бошқа кунга кўчирмоқчи бўлиб турган эдим ҳамки, шу он томлар ва йўлларга қаттиқ урилаётган ёмғир томчиларини босиб кетадиган кескин овоз эшитилиб қолди. Кимдир ҳовлига чиқди.

Бу Шамс эди. У қўлида мойчиरोқ кўтарганча, мен томонга юриб келарди, у мен яширинган буталардан бир неча қадам нарида тўхтади.

– Гўзал кеча, – деди у.

Мен саросимага тушдим, ўзимни зўрға босиб, хўрсиндим. Наҳотки ёлғиз бўлса? Ким биландир гаплашаяптими? Ё ўзига-ўзи гапираяптими? Ёки мен уни ҳовлида кутаётганимни билдимикин? Лекин қандай қилиб мени билиши мумкин? Бу фикрлардан бошим ёрилай дерди.

Кейин миямга яна бир даҳшат фикр келиб қолди: кучли шамол ва ёмғирга қарамасдан қўлидаги чироқ қандай қилиб ёниб турипти?! Шунини ўйлаган заҳотим этим жимирлаб кетди. Шамс ҳақида тарқалган ҳар хил гап-сўзларни эсладим. Одамлар уни сеҳр-жоду қилади; шунчаки ўз кийимидаги бир нечта ипни боғлаб, одамни ҳанграйдиган эшакка ёки кўршапалакка айлантириб кўйиши мумкин, дейишарди. Тўғриси, мен ҳеч қачон бу бемаъни гапларга ишонмаганман ва ишонишни истаган ҳам эмасман, лекин Шамснинг қўлидаги ўчмайдиган чироқни кўриб, бошимдан оёғимгача титроқ турди.

– Бир вақтлар Табризда устозим бор эди, – деди Шамс чироқни ерга қўяр экан. У менга «ҳамма нарса-нинг вақту соати бор», деб ўргатган эди. Бу охирги қоидалардан бири.

Бу қандай қоидалар бўлди? Бу қандай жумбоқ? Мен бу жумбоқни тез ечишим керак, ё яширинган жойимдан шартта чиқишим, ёки у менга орқасини ўгиришини кутиб туришим, лекин бу кейингиси бўлиши амри-маҳол. Агар у менинг шундоққина ёнида эканимни билса, беркинишдан маъно йўқ. Агар билмаса, қандай чиқишни аниқ ҳисобга олиш керак.

Шу он ҳовли девори ортига яширинган уч кишининг сояларини илғадим. Улар мен нима учун дарвишни ўлдирмаётганимни тушуна олмаётган бўлсалар керак.

– Ўттиз еттинчи сонли қоида, – гапида давом этарди Шамс. – «Худо вақтни жуда аниқ ҳисоблайди. Унинг тартиботи шунчалар аниқки, ер юзидаги барча ҳодисалар айнан ўз вақту соатида содир бўлади. Бир дақиқа олдин ҳам, бир дақиқа кейин ҳам эмас. Соат ҳамма учун бирдай юради. Ҳар бир инсоннинг севгиси ва ўлими учун аниқ вақт ажратилган».

Шундагина у айнан мен билан гаплашаётгани менга етиб борди. У шу ерда турганимни билади. У буни мен ҳовлига кирмасимдан олдиноқ билган. Юрагим баланд овозда уриб кетди ва атрофимда ҳаво қолмагандай бўлди. Энди беркинишда маъно йўқ эди. Гавдамни тиклаб, буталар орасидан чиқдим. Ёмғир қандай бирдан бошланган бўлса, шундай бирдан тўхтади ва сукунат чўкди. Биз – қотил ва қурбон – юзма-юз турардик, вазиятнинг даҳшатига қарамасдан, ҳаммаёқ тинч ва табиий эди.

Мен қиличимни суғурдим ва қулочкашлаб урдим, лекин дарвиш кутилмаганда қилични осон қайтарди. Яна уришга чоғландим, лекин қандайдир шовқин эши-

тилди, қаёқдандир тўқмоқ ва найзалар билан қуролланган олтита эркак пайдо бўлди ва дарвишга хужум қила кетишди.

Ҳаммаси аралаш-қуралаш, ерга думалашди, кейин яна ўринларидан туриб, ҳаммаси ҳар қаёққа урила бошлади. Мен буни ҳайрат ва ғазаб билан кузатиб турдим. Ҳеч қачон менга бировни ўлдиришга пул тўлаб, ўзлари ўлдираётганларининг гувоҳи бўлмагандим. Бу уч ёш йигитнинг сурбетлигидан шунчалар жаҳлим чиқдики, ҳатто уларни яхшилаб дўппослаб, дарвишни қутқаришга ҳам тайёр эдим.

Лекин шу вақт хужум қилаётганлардан бири жонҳолатда бақира бошлади:

– Ёрдамга! Шоқол Бош, тез! У бизни ўлдиради!

Мен яшин тезлигида қиличимни отиб, ханжарни қинидан чиқардим ва уришаётганлар томонга отилдим. Етти киши дарвишни ерга босиб туришарди, мен ханжарни унинг юрагига урдим. Фақат биргина хириллаш отилиб чиқди, дарвиш ҳатто силкинмади ҳам.

Ҳаммамиз биргаликда ажабланарли даражадаги енгил жасадни кўтардик, олиб бориб қудуққа ташладик ва шалоплаш эшитилишини кутиб турдик.

Лекин ҳеч нима эшитилмади...

– Бу нимаси? – чидай олмай деди қотиллардан бири. – У қудуқда эмасми?

– Қудуқда, қудуқда, – уни юпатишга уринди бошқа қотил. – У бу ёққа чиқа олмайди-ку!

Ҳамма кўрқиб кетди. Мен ҳам.

– Балки у қудуқ деворидаги бирон илгакка илиниб қолгандир? – тахмин қилди учинчиси.

Бу ҳақиқатга бироз яқинроқ эди. Бўлган ҳодисага бирон бир тушунтириш бўлиши керак-ку, ахир, гарчи қудуқ деворида ҳеч қачон ҳеч қандай илгак бўлмаслигини билсак ҳам, барибир, хурсанд, бир-биримизни қучоқлаб қўйдик.

Бир-биримизнинг кўзларимизга қарамасликка ҳаракат қилиб, қанча вақт ўша ерда турганимизни билмайман. Совуқ шамол ҳовлида жигарранг япроқларни учириб юрарди. Баланд осмондаги тўқ кўк зулмат чиқаётган қуёшга ўз ўрнини бўшатаётган чоғ эди. Биз ҳовлида узоқ қолган бўлсак керак, ҳар ҳолда орқа эшик очилиб, бўсағада одам кўринмагунича турдик. Мен уни дарҳол танидим. Бу Мавлоно эди.

– Бу ким?! – қичқирди у, овозида безовталиқ бор эди. – Шу ердамисан, Шамс?

Дарвишнинг исмини эшитган заҳотимиз, еттовимиз тум-тарақай қочдик. Олти киши девор ошиб ғойиб бўлди, мен эса буталар орасидан ханжаримни ахтарардим. Мен бир он ҳам тўхтамаслик кераклигини билардим, лекин бир қайрилиб қарамасликдан ўзимни тия олмадим.

Румий ҳовлига чиқаётганини, кейин чапга, қудуқ томонга бурилганини кўрдим. У кўтарилиб, қудуққа қарай бошлади ва то кўзлари қоронғуликка ўргангунича бир неча дақиқа кутиб турди. Кейин у ердан сакраб тушди, тиззалаб ўтириб қолди, кўкракларига муштлаб кетди ва қулоқни тешгудек чинқирди:

– Улар уни ўлдиришипти! Улар менинг Шамсимни ўлдиришипти!

Мен девор оша сакрадим, дарвишнинг қонига беланган ханжарни ҳам унутиб шундай чопдимки, умримда бунчалик чопмаганман.

Элла

2008 йил, август, Нортгемптон.

Августнинг муаттар ва қуёшли куни. Бошқа кунларига ўхшаш кун. Элла эрта уйғониб, эри ва болалари учун нонушта тайёрлади, ҳар бирини борадиган жойларига – кимнидир ишига, кимнидир шахмат ва теннис клубига – ўз вақтида етиб боришларини назорати

остига олди, кейин ошхонага қайтиб, ошпазлик китобини очди ва оиланинг кундузги овқатлари нималар бўлишини танлашга киришди.

Исмалоқли ва кўзиқоринли пюре-шўрва.

Горчица майонези билан тортиладиган чиғаноқлар.

Устига эстрагонли сариқ ёғ қуйилган қоврилган гребешоклар.

Клюквали сабзавот салати.

Гуручли ва қирғичда майдаланган пишлоқли цукини.

Ровочли ва ванил кремли очиқ пирог.

Ярим кун Элла тўғраш, буғлаш, қовуриш ишлари билан машғул бўлди. Ҳаммасини тайёрлаб бўлгач, энг яхши идишларни олди. Ликоплар ва салфеткаларни қўйиб чиқди, столга гул қўйди. Кейин крутонларни қовурди, салатга Ави яхши кўрганидай ёғлиқ қаймоқдан кўпроқ қўшди. Шамлар ҳам ёқиб қўймоқчи эди, лекин кейин айниди. Шундоқ яхши деб ўйлади.

Шу ишлардан кейин Элла аввалроқ тайёрлаб қўйган жомадонини олди ва уйдан чиқди. Йўлда Шамс қодаларидан бирини шивирларди.

Ўзингдан бир нарсани сўрашнинг асло кечи йўқ: «Ҳаётимни ўзгартиришга тайёрманми? Ўзимни ўзгартиришга тайёрманми? Ҳаётнинг ҳатто бир куни олдингисига ўхшаса, бунинг асло яхши томони йўқ. Инсон ҳар он, ҳар нафас янгиланиши керак. Янги ҳаёт бошланинг фақат бир усули бор: ўлимдан олдин ўлиш».

Аловиддин

1248 йил, апрель, Конья.

Шамс ҳалок бўлгандан уч ҳафта кейингина мен ўзимда жасорат топиб отам билан гаплашгани бордим. У ёлғиз ўзи кутубхонасида ҳайкалдек қимирламай қолиб ўтирарди. Фақат юзида соялар ҳаракатланарди.

– Ота, сиз билан гаплашишимга изн берасизми?

У худди хаёлот уммонидан сузиб чиқаётгандай, оҳиста кўзларини юқори кўтарди, лекин ҳеч нима демади.

– Ота, сиз мени Шамсни қатл этишда қатнашган, деб ўйлаётганингизни биламан, лекин ижозатингиз билан сизни ишонтириб...

Отам бирдан гапимни бўлиб, бармоғини баланд кўтарди.

– Ўғлим, сен билан мени боғлайдиган сўзлар энди куруқ маъносиз бўлиб қолди. Мен сени эшитишни истамайман, менинг ҳам сенга айтар сўзим йўқ, – деди у.

– Илтимос, ундай деманг. Тушунтиришимга изн беринг, – илтижо қилдим мен титроқ овозда. – Худо ҳақи, мен бундай қилмадим. Мен бу ишни қилган одамларни биламан, лекин мен қилмаганман.

– Ўғлим, – яна гапимни бўлди отам, овозидаги қайғу ўрнини совуқ хотиржамлик олган эди, гўё у даҳшатли ҳақиқатни биладигандай эди. – Сен мен қилмадим, деяпсан, лекин энгинг ҳошиясидаги қон қаёқдан пайдо бўлди?

Титраб кетдим ва беихтиёр кийимимга қарадим. Наҳотки рост бўлса? Наҳотки қон теккан бўлса? Мен ҳошияга, кейин иккала энгимга, қўлларим ва тирноқларимга қарадим. Ҳеч қандай қон йўқ эди. Бошимни кўтариб отамнинг кўзларига кўзим тушгач, билдимки, бу қопқон эди. Отам мени усталик билан қўлга туширди.

Эҳтиётсизлик қилиб, ҳошияга қараб ўзимни фош қилиб қўйдим.

Тўғри. Ўша куни мен қовоқхонага борганман. Шамнинг ҳар куни кечкурун муроқаба қилиш одати борлигини қотилга мен айтганман. Кейин мен Шамс қотил билан ёмғирда суҳбатлашаётганда девордан ошиб ўтганлар билан бирга эдим. Мен уларга деворнинг қайси жойидан ўтиш қулайлигини кўрсатдим. Ҳаммамиз қотилга ишониш мумкин эмас деган қарорга келдик. Бор гап шу. Лекин уни ўлдиришда мен қатнашмадим.

Шамсга биринчи бўлиб Бейбарс хужум қилди, кейин унга Иршод қўшилди, кейин қолганлар ҳам қўшилишди. Улар ҳеч нима қила олмай, ваҳимага тушганларидан кейин Шоқол Бош ишни ниҳоясига етказди.

Кейин мен буларнинг ҳаммасини шунча кўп эсладимки, энди аслида нима бўлди ва нимаси ўз тасаввурим маҳсули эканини ҳам билмай қолдим. Бир неча бор Шамс қўлимиздан чиқиб, қоронғулик қаърига сингиб кетди, бу шунчалик аниқ эдики, мен ҳатто бунга деярли ишонган эдим.

Гарчи Шамс ҳозир йўқ бўлса-да, ҳамма ёқда унинг излари бор. Рақсу Само, шеърият, мусиқа – мен уларни у билан бирга йўқолади деб ўйлаган барча нарсалар ҳаётимизда ўрин эгаллаб бўлган экан. Отам шоирга айланди. Шамс ҳақ гапни айтган экан. Кўзалардан бири синдирилса, иккинчиси аввалгича қолмас экан.

Отам ҳамиша меҳрибон. У нафақат мусулмонларга, балки барча дин вакилларига – христианларга, яҳудийларга ва ҳатто мажусийлар (бутпарастлар)га ҳам ҳурмат билан қарайди. Ҳаётига Шамс кириб келганидан кейин эса меҳр доираси шу даража кенгайдикки, ҳатто жамиятнинг энг қуйқа қатлами бўлган фоҳишалар, ичкиликбозлар, гадойлар, жиноятчиларни ҳам қамраб олди.

У ҳатто Шамснинг қотилларини ҳам севиши мумкин дир.

Фақат бир одамни севишга ўзини мажбур қила олмайди – ўз ўғлини.

Султон Валад

1248 йил, сентябрь, Конья.

Камбағал-ночорлар, ичкиликбозлар, фоҳишалар, етим-есирлар, ўғрилар... У олтин ва кумушларни уларга ва жиноятчиларга улашиб берди. Ўша даҳшатли кундан буён отам жуда ўзгарди. Дард-алам уни ақлдан оз

дирипти, деб ўйлаяпти ҳамма. Ундан, нима қилаяпсиз, деб сўраганларга арабларнинг подшоҳи Имр-ул-Қайс тарихини гапириб берарди. Айтишича, у жуда бой ва чиройли бўлган, бир куни буларнинг ҳаммасидан воз кечиб, дарвишлик кийимини кийиб, умрининг охиригача дарбадар дунё кезган. (Имру ал-Қайс асосан араб шеърый метрикаси асосчиси сифатида кенг танилган.)

– Инсон ўз севгилисини йўқотганида шундай бўлади, – дер эди отам. – Шоҳлик унинг учун чангга айланган, дарвишлик моҳияти эса юзага чиққан. Шамс йўқ, энди мен ҳам йўқман. Мен энди устоз ҳам эмасман, имом ҳам эмасман. Мен бўм-бўшман, бўшлиқман. Бу менинг ФАНОйим, БАҚОйим ҳам шу. (Тасаввуфда фано – ўлмайтириб ўлиш; бақо – фанога эришган инсон вужудан ўлгач эришиладиган абадият, Худо билан бирлик ҳолати.)

Бир куни уйимиз эшигини, айёрлиги афтидан шундоқ кўриниб турган, бир малласоч савдогар тақиллатди. У бир вақтлар Бағдодда Шамс Табризий билан танишганини айтди. Кейин овозини пасайтириб Шамсни Ҳиндистонда кўрганини, у, қайтиб келиш учун қулай фурсат кутиб, ҳинд ашрамлари (ибодатгоҳлари)дан бирида яшириниб, муроқаба қилиб юрганини айтиб, қасам ичди.

Бундан отамнинг эси батамом оғиб қолди. У савдогардан бу хушxabар учун нима исташини сўради, у уятсиз эса ўзининг ёш болалик вақтида дарвиш бўлишни истаганини, лекин ҳаёти бошқа йўлдан кетгач, энди Румийдек буюк зотдан ўз устидаги духоба тўнини эсдалик учун олиш истаги борлигини айтди. Отам буни эшитиб, дарҳол духоба тўнини ечиб, савдогарга узатди.

– Ота, нима учун қимматбаҳо тўнингизни бу лўттибозга ечиб бердингиз, ахир ҳар бир сўзининг ёлғонлиги шундоқ кўриниб турган эди-ку? – сўрадим мен малласоч савдогар кетган заҳоти.

Шунда отам менга шундай жавоб қилди:

– Сенингча, бу тўн унинг ёлғони учун жуда қимматми? Йўқ, ўғлим, мен тўнни шу ёлғон учун бердим, агар рост айтса, жонимни берган бўлардим.

Румий

1260 йил, 31 октябрь, Конья.

Вақт чопқиллаб ўтиб бораркан, оғриқли ҳолат ўрнига ҳасрат келди, ҳасрат сукут билан ўрин алмашди, сукут эса ёлғизлик билан бирга қоп-қоронғу чексиз ва чуқур уммон. Бугун Шамс билан учрашган кунимизга ўн олти йил бўлди. Ҳар йили шу санада ёлғиз ўзим қолишга ҳаракат қиламан, ҳар сафарги ёлғизлик аввалгисидан оғирроқ бўлиб бормоқда. Қирқ кунни қирқ қоида ҳақида фикрлаб ўтказдим. Ҳаммасини эсимда сақлайман, миямда ҳамиша Шамс Табризий ҳақидаги хаёллар.

Кутишга бошқа мажол қолмади. Қалб нури сўнди, буткул қоронғуликда қолганим яхшироқ, деб ўйладим. Лекин атрофда ҳаммаёқ зулмат ва кўзлар дунё учун юмилганда қалб учинчи кўзи очилди. Шунда одатдаги кўзлар ички кўз билан зиддиятда эканини тушунар экан киши. Одатдаги кўзимиз ишқ кўзидай аниқ ва ўтқир кўра олмайди. Ҳасратдан кейинги давр бошланди, бошқа инсон пайдо бўлади. Бунда ҳаммаёқдан севган инсонингни излайсан, ҳеч қаёқдан топа олмаётгандай бўласан.

Уни сув томчисида ҳам кўрасан, баланд тўлқинларда ҳам кўрасан, мусаффо тонгги сабода ҳам кўрасан; қум устидаги мажозий чизгиларда, қуёш нурида ялтираган кичик тошларда, янги туғилган чақалоқнинг жилмайишида ва вужудингда эркин айланувчи қонда ҳам кўрасан. Ҳамонки у ҳамма ёқда экан, Шамсни энди йўқ, дейиш мумкинми?

Ҳар кун, ҳар он ҳижрон ва хомушлик оғушида оҳиста айланар эканман, Шамсдан сира ажралмайман. Шамс қалбимга ҳамишаликка кўчиб ўтган. Мен шу ерда

Шамснинг овозини асрайман. Бир вақтлар устоз ва мударрис бўлган мендан асар ҳам қолмаган. Ишқ барча одат ва машғулотларимни ютиб юборган.

Менга энг қийин вақтда икки инсон далда бўлди – тўнғич ўғлим ва уста заргар, авлиё инсон Салоҳиддин. Ўзининг кичкинагина устахонасида тиллани болға билан ура-ура, мукамал шаклга солаётганини кўриб, овозини эшитиб турарканман, не ажабки, айланувчи дарвишлар рақсини эслайман. Салоҳиддиннинг ўз болғаси билан тақиллатиш мароми Шамс айтган муқаддас маром билан бир хил эканини ҳис этаман...

Шу орада тўнғич ўғлим Салоҳиддиннинг қизи Фотимага уйланди. Ҳамиша порлаб турадиган ва қизиқувчан бу қиз менга Кимёни эслатади. Мен уни Қуръон ўқишга ўргатдим. Секин-аста уни яхши кўриб қолдим ва у менинг ўнг кўзимдай бўлиб қолди, синглиси Қадрия эса чап кўзим бўлди. Бир вақтлар Кимёгинам қизлар ҳам ўғил болалар каби яхши шогирд бўлишлари мумкинлигини кўрсатиб, менга муҳим нарсани ўргатган эди. Мен қизлар учун дарвишлар рақсини ўргатадиган мактаб очдим ва сўфий опа-сингилларга шу анъанани давом эттиришларини маслаҳат бердим.

«Маснавий»ларни айтиб туриб ёздираётганимга ҳам тўрт йил бўлди. Унинг биринчи мисраси эрта тонгда, қуёшнинг илк нурларини кузатиб турганимда келган эди. Шундан буён шеърий мисралар тилимдан ўзидан-ўзи ёғилади. Мен уларни ёзмайман. Дастлаб Салоҳиддин ёзиб борди. Ўғлим улардан нусха кўчирди. Улар туфайли шеърлар сақланиб қолди, чунки, тўғриси айтсам, агар мендан уларни ёддан қайта айтишни сўрасалар, мен айта олмаган бўлардим. Насрийми ёки назмийми, сўзлар тўплами менга кутилмаганда келди, кейин эса кутилмаганда яна тўхтади, улар гўё осмонда учиб ўтаётган қушлар кабидир.

Мен поэма ижод қилаётганимда, нима ҳақида бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунчам ҳам бўлмайди. Унинг ҳажми ҳам катта ёки қисқагина бўлиши мумкин. Лекин менда ҳеч қандай режа бўлмас эди. Уни тугатганимдан кейин яна хомуш бўлиб қоламан. Жимгина юравераман. Ва энди тахаллусларимдан бири «Хомуш» бўлди. Иккинчи тахаллусим – Шамс Табризий.

Вақт биз назорат этишга ва англаб етишга улгура олмайдиган даражада тез ўтмоқда. 1258 йил Бағдод мўғулларга таслим бўлди. Мустаҳкам истехкомлари ва гўзаллиги мағрур, ўзини дунёнинг маркази деб эълон қилган бу шаҳар енгилди. Ўша йили Салоҳиддин вафот этди. Мен ўз дарвишларим билан бирга кўчаларда чилдирма ва най садолари остида юриб, жуда яхши маросим ўтказдик. Биз уни қувноқ куй, рақслар билан кузатдик, зеро авлиёлар у дунёга шундай кетишлари жоиз.

1260 йилга келиб мўғулларнинг шашти пасайди. Мамлуклар уларни енгишди. Кечаги ғолиблар бугун мағлуб. Барча ғолиблар ўз ғалабаларини абадий деб ўйлашади. Барча мағлублар эса ўз мағлубиятлари абадий бўлишидан кўрқишади. Ҳар икки томон ҳам бир сабабга кўра ноҳақ. Худодан бошқа ҳамма нарса ўзгаради.

Салоҳиддиннинг вафотидан кейин анчагина вояга етган ва руҳият йўлидан дадил одимлай бошлаган шогирдим Хусомиддин Чалабий шеърларимни қоғозга туширадиган бўлди. Маснавийни у қоғозга туширди. У камтар инсон. Агар ундан, кимсан, деб сўрасангиз, бир он ҳам иккиланмасдан «Мен Шамс Табризийнинг камтарин издошиман», деб жавоб беради.

Ҳаммамиз ҳам қирқ, эллик, олтмиш йилликларни босиб ўтдик, ҳар ўн йиллик ўтгач, ўзимизни мукамалроқ, тўлиқроқ ҳис эта бордик. Гарчи бу йўл ниҳоясиз эса-да, юравериш керак. Коинот ҳамиша ва чарчамай ҳаракатланади, Ер ва Ой доим айланади, уларни ким ҳаракатланишга мажбур этади? Бу сир. Биз

дарвишлар шуни тушунганимиз учун, ҳатто бошқалар биз нима қилаётганимизни ва нима учун қилаётганимизни тушунмасалар ҳам, ҳамиша рақсу само қиламиз. Биз ҳеч нимага қарамасдан – оғриқларимиз ва қайғуларимизга, қувонч ва лаззатларимизга, тезлик ва секинликка қарамасдан, якка ёки кўпчилик бўлиб рақс тушаверамиз, зеро сув оқими шундай. Буюк уйғунлик бизга нима ишора қилса, шундай рақсга тушамиз. Ҳамма ёқ ўзгаришда, аммо доира ўзгармайди. Ўттиз тўққизинчи қоида: «Қисмлар ўзгарса ҳам, бутун ўзгармайди. Бир ярамас инсон дунёдан ўтса, бошқа ярамаси дунёга келади. Бир яхши инсон дунёни тарк этса, ўрнига бошқа яхшиси келади. Шунинг учун нафақат ҳеч нима ўзгармасдан қолмайди, балки ҳеч нима чинакамига ўзгармайди ҳам. Бир сўфий вафот этса, қаердадир бошқа ерда бошқа сўфий дунёга келади».

Бизнинг динимиз – ишқ дини. Бизлар юрак занжирлари билан ўзаро боғланганмиз. Занжирнинг бир бўлаги узилса, унинг ўрнига бошқа жойда яна бир бўлак келади. Шамс Табризий вафот этганидан кейин бошқа жойда, бошқа ёшда, бошқа «Шамс» пайдо бўлади.

Исмлар ўзгаради, одамлар келиб ва кетиб туришади, лекин моҳият ўшандайича қолади.

Элла

2009 йил, 7 сентябрь, Конья.

Уни ноодатий овозлар бирдан уйғотиб юборганида, унинг каравоти ёнига қўйилган креслода ухлаётган эди. Элла кўзларини очиб, қулоқ солди. Қоронғуда кимдир нотаниш сўзларни айтарди. У кўчада одамларни намозга чақиришаётганини (азон айтилаётганини) дарров илғамаган эди. Янги кун бошланмоқда эди. Лекин у бу кун нимагадир барҳам беришини ҳис этарди.

Азонни биринчи марта эшитган ҳар қандай одамдан сўрасангиз, у ҳам айни шу гапни айтади. Бу чақи-

риқ ҳам гўзал, ҳам сирли. Лекин унда одамда қандайдир кўрқув уйғотадиган алланима ҳам бор. Ишққа ўхшаш нимадир.

Элла шу овоздан титраб, уйғониб кетди. Қоронғуда бир неча бор кўзларини тез-тез қисиб, ниҳоят, бу овоз ташқаридан келаётганини англади. Элла ўзининг Массачусетсда эмаслигини дарров англай олмаган эди. У эри ва уч фарзанди билан яшаб келган кенггина уй бошқа ҳаётида – узоқ ва туманли ўтмишида – қолган эди, у гўё умуман бўлмагандай, ҳақиқий ҳаёти эмас, балки эртақдай бўлиб қолган эди.

Ҳа, бу ер Массачусетс эмас. У ҳозир заминнинг бошқа қисмида, Туркияда, Конья шаҳрининг шифохонасида эди. Ва ҳозир у бир текис нафас олишини эшитиб турган эркак унинг йигирма йиллик эри эмас, балки ўтган йилнинг серқуёш ёзида уни деб эридан қочиб кетган севгилиси эди.

«Наҳотки келажаги йўқ эркакни деб эрингни ташлаб кетсанг? – деб унга бир хил савол беришарди ҳамма дугоналари ва қўни-қўшнилари. – Болалар нима бўлади? Улар сени кечеришармикин?»

Элла стол устидаги кечки чироқни ёқди, унинг илиқ ва сарғиш ёруғида ўзи ухлаб қолган бир неча соат ичида ҳеч қандай ўзгариш бўлган-бўлмаганини билиш учун атрофга назар солди. У ўзи кўрган шифохоналар палаталари ичида энг кичкинаси эди; аслида у шифохона палаталарини унча кўп кўрмаган ҳам эди. Каравот хонанинг деярли ҳаммасини эгаллаган эди. Каравотдан ташқари хонада ёғоч шкаф, кичкина квадрат шаклидаги столча, стул, бўш ваза, турли дорилар солинган патнис, ёнида эса шу саёҳатга чиқишларидан олдин Азиз ўқиётган «Мен ва Румий» деган Шамснинг китоби ҳам бор эди.

Улар тўрт кун олдин Коньяга келишган эди ва биринчи кунларини оддий туристлардан ҳеч фарқ қилмай

ўтказишган эди: ёдгорликлар, музейлар, археология қазилмаларини кўришди, миллий таомларни татиб кўришди ва ҳаммасини фотосуратга туширишди. Кечаги кунга қадар ҳаммаси яхши эди. Ресторанда овқатланаётган вақтларида бирдан Азиз йиқилди, уни ўша ердаги энг яқин шифохонага олиб боришга тўғри келди. Шундан буён Элла ундан нари кетмас ва нимани кутаётганини ўзи билмагани ҳолда, гарчи умид бўлмаса ҳам, Ўзи жуда кеч тухфа этган севгилисини ўзидан тортиб олаётган Худо билан қаттиқ баҳслаша-баҳслаша кутарди.

– Севгилим, ухлаяпсанми? – шивирлаб сўради Элла. У Азизни безовта қилишни истамасди, лекин у Эллага ҳушёр ҳолда керак эди.

Жавоб бўлмади, фақат нафас мароми ўзгарди.

– Ухламаяпсанми? – қаттиқроқ шивирлаб яна сўради Элла.

– Ухламаяпман, – секин жавоб берди Азиз. – Сен нимага ухламаяпсан?

– Эрталабки ибодат... – деди секин Элла, гўё бу билан ҳамма нарсани тушунтириш мумкиндай: унинг соғлиғи ёмонлашганини ҳам, ўзининг уни йўқотишдан қўрқётганини ҳам, ўзининг телбаларча севгисини ҳам.

Азиз каравотда Элладан кўз узмай ўтириб олди. Лампанинг энгил ёруғида оқ ёстиқлар фонида унинг чиройли юзи оппоқ оқариб турарди, шунга қарамай, унда қувват, ҳатто абадийлик намоён эди.

– Эрталабки ибодат бошқача, – шивирлади Азиз. – Мусулмонлар ҳар куни адо этадиган беш вақт намоз орасида тонгги намоз энг асосийлиги ва энг самимийлигини биласанми?

– Нима учун?

– Чунки, менимча, одамнинг уйқуси бўлинади, бу эса унга ёқмайди. Биз ухлашни афзал кўрамыз. Шунинг учун эрталабки намозда бошқа намозларда бўлмаган «Ухлашдан ибодат афзал» деган сатр бор.

«Лекин, барибир, иккаламизга ҳам бироз ухлаган яхшироқмиди, – ўйлади Элла. – Агар биз бирга ухлай олсак эди». У енгилгина, осуда уйқуни – ўзидаги оғриқни босадиган кўп йиллик буткул донг қотирадиган уйқуни орзу қилаётган эди.

Бирмунча вақтдан кейин азон тугади. Охирги сас тўхтагач, дунёга чидаб бўлмас жимжитлик чўкди. Улар бир йил бирга бўлишган эди. Бир йиллик ишқ. Бу вақтнинг катта қисмида Азиз саёҳат учун етарлича куч-қувватга эга бўлган эди, лекин кейинги икки ҳафта аҳволи ёмонлашди.

Элла унинг яна уйқуга кетаётганини кузатиб турди, унинг сокин ва жуда қадрли чехрасига термулди. Уни кўрқув қамраб олди. Оғир хўрсиниб, палатадан чиқди. Деворлари яшилга бўялган йўлаклардан юриб, қари ва ёш, эркак ва аёл ҳар турли одамлар тузалаётган ва вафот этаётган палаталар, бўлимлардан ўтиб, йўлак бўйлаб юриб кетди. Элла ўзига қизиқсиниб қараётганларни эътибор бермасликка ҳаракат қиларди, лекин оқиш сочлари ва мовий кўзлари унинг бегоналигини кўрсатиб турарди. У ҳеч қачон ўзини бунчалик ёт ҳис этмаган эди.

Бир неча дақиқадан кейин Элла шиfoxона боғида фонтан ёнида ўтирарди. Бу ерда фариштанинг кичик ҳайкалчаси бор эди ва сув остида бир нечта кумуш танга – кимларнингдир орзу-истаклари нишонаси бўлиб – йилтираб ётарди. Элла чўнтақларини кавлади, лекин алланималар ёзилган қоғозчалардан бошқа ҳеч нима топмади. У ёқ-бу ёққа қараб, яқин орада бир неча текис қора тошчаларга кўзи тушди. Улардан бирини олди ва кўзларини юмиб, орзусини, гарчи ушалмаслигини билса ҳамки, овоз чиқармай айтиб, тошни фонтанга отди. Тошча фонтан деворига урилди, четга, тўппа-тўғри фариштанинг тиззасига бориб тушди.

«Азиз шу ерда бўлганида эди, – хаёл қилди Элла, – бу бир ниманинг белгиси эканини билган бўлар эди».

Ярим соатлардан кейин палатага қайтиб, у ерда шифокор ва ҳамшира борлигини кўрди. Азиз боши билан чойшабга ўраб қўйилган... У кетди...

Азизни ўзининг севимли инсони Румий каби Коньяга дафн этишди.

У бирон бир икир-чикирни унутмасликка ҳаракат қилиб, дафн маросимини ўтказишга эътибор қаратди. Эски қабристонда катта магнолия дарахти остида қабр учун жой топди. Кейин дафн маросимида най чалишга розилик берган сўфий машшоқларни излаб топди, Азизнинг барча мамлакатларидаги дўстларига, дафн маросимига таклиф этиб, электрон хабарлар ёзди. Элла узоқ мамлакатлардан, хаттоки Кейптаун, Санкт-Петербург, Муршидобад, Сан-Паулудан кўпчилик одамлар келганидан мамнун бўлди. Улар орасида Азизнинг фотограф ҳамкасблари, асранди фарзандлари, шунингдек, олимлар, журналистлар, ёзувчилар, раққослар, ҳайкалтарошлар, бизнесменлар, фермерлар, уй бекалари бор эди.

Маросим илиқ ва хушқайфиятлар билан ўтди, унда барча дин, мазҳаб вакиллари қатнашди. Улар, унинг ўз истагига биноан, маросимни байрам қилиб ўтказишди. Болалар беташвиш ўйинлар қилишди. Мексикалик шоир ўзларининг урфларига биноан ҳаммага «*ran de los muertos*» (ўлганлар учун нон деб аталган ейладиган нарса) улашиб чиқди, Азизнинг шотландиялик дўсти эса ҳеч ким ўлимга кўрқиш керак бўлган ҳодиса, деб ҳисобламаслиги учун ҳамманинг устидан гул япроқларини сочиб чиқди. Маросимни кузатган кўзлари синовчан ва самимий табассумли шу ерлик қари букчайган чол бу маросимни, кўп асрлар аввал Конья-

да Мавлоно учун ўтказилган дафн маросимини ҳисобга олмаганда, энг девонавор маросим деб айтди.

Дафн маросимидан кейин икки кун ўтгач, ниҳоят ёлғиз қолган Элла ёнидан ўтаётган оилавий жуфтликларни, унга нимадир тиқиштиришни истаган дўкондорлар ва кўчалардаги сотувчиларни кузатиб юриб шаҳарни айланди. Ҳамма одамлар кўзлари йиғидан қизариб кетган америкалик аёлга тикилиб қарашарди. У бу ерда бегона эди. Тўғриси, у ҳамма ёқда ҳам бегона эди.

Номерга қайтиб, отелдан чиқиш ва аэропортга йўл олишдан олдин Элла жакетини ечиб, шафтолиранг ангор жунидан тикилган свитерини кийди. Болалари орасида фақат биттасига, унинг ўз туйғуларига бўйсуниб истагини қўллаб-қувватлаган Жанетга телефон қилди. Орли билан Ави ҳамон у билан гаплашишни истамас эдилар.

– Ойи! Аҳволингиз қандай? – самимий жонкуярлик билан сўради Жанет.

Элла гўё қизи уни кўриб тургандек жилмайди. Кейин зўрға эшитиладиган қилиб деди:

– Азиз вафот этди.

– Оҳ, ойижон, сиз билан ҳамдардман.

Қисқа жимлик чўқди, ҳар иккиси ҳам яна нима дейиш кераклигини ўйлашарди. Жимликни Жанет бузди.

– Ойижон, уйга қайтасизми?

Элла ўйга толди. Қизининг сўзларида айтилмаган саволлар бор эди: у ўзаро бир-бирларини айблаш ва хафалашувлар тугунига айланиб бўлган никоҳни бекор қилиш жараёнидан воз кечиб, Нортгемптонга, эрига қайтадими? У нима қилмоқчи?

Унинг пули ҳам, иши ҳам йўқ эди. Лекин у инглиз тилидан дарс бериши, журналда ишлаши, ҳатто омади келса, албатта, бирон жойда яхши муҳаррир бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Элла бир зумгина кўзини юмиб, яқин орада ўзини шоду хуррам ва ўзига ишонган қиёфада бўла олишини

тасаввур этди. Унинг ҳали шу вақтга қадар фақат ўз кучига ишониб яшашига тўғри келмаган эди, лекин, не ажабки, у ўзини ёлғиз қолган деб ҳис этмаётган эди.

– Қизалоғим, сени жуда соғиндим, – деди у. – Уканг ва синглингни ҳам соғиндим. Мени кўргани келасанми?

– Албатта, ойижон... биз борамиз... Лекин сиз нима қилмоқчисиз? Ростдан ҳам бу ерга қайтишни истамай-сизми?

– Мен Амстердамга бораман, – жавоб қилди Элла. – У ерда деразалари каналларга қараган кичик-кичик квартиралар ижарага берилади. Пулим бунга етади. Яна велосипедда учишни ўрганишим керак. Бошқасини ҳали билмайман... Режалаштиришни истамайман, азизам. Бир кун билан, ҳозирнинг ўзи билан яшамоқчиман. Кўрайлик-чи, нима бўлар экан? Бу Қоидалардан бири, агар тушунсанг?

– Ойи, бу қанақа қоида? Нима деяпсиз?

Элла дераза ёнига келди ва ажабтовур тиниқ кўм-кўк ложувард осмонга қаради.

– Бу қирқинчи қоида, – деди секин Элла. – «Ишқ бўлмаса, ҳаёт ҳам керак эмас. Ишқнинг қай хилини изласам экан – руҳийсиними ё жисмонийсиними, илоҳийсиними ёки дунёвийсиними, ғарбга хосиними ёки шарққа хосиними, деб ўзингдан сўрама... Ажратишлар яна бошқа ажратишларга олиб келади. ... Ишқнинг хос номи йўқ. У қандай бор бўлса, шундайича бор – оддий ва соф туйғу. Ишқ оби ҳаётдир. Ошиқлик эса олов. Олов сувга ошиқ бўлган чоғда бутун коинот буткул бошқача айлана бошлайди».

Мундарижа

Муқаддима	3
Биринчи қисм. ЕР	29
Иккинчи қисм. СУВ	105
Учинчи қисм. ШАМОЛ.....	165
Тўртинчи қисм. ОЛОВ	206
Бешинчи қисм. БЎШЛИҚ.....	220

Адабий-бадиий нашр

Элиф ШАФАҚ

ИШҚҚА ОИД 40 ҚОИДА

Роман

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусахҳиҳ *Камола Болтабоева*
Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № АИ 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2019 йил 11 июлда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 9,24. Нашриёт босма табоғи 11,0.
Адади 1000 нусха. Буюртма рақами 252.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп қилинди.
100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳжўчаси, 44.

Шахноза
ҚАҲҲОРОВА
таржимон




1944 йил Тошкент
шаҳрида туғилган.
Фалсафа фанлари
номзоди, доцент.

Элиф
ШАФАҚ

ИШҚКА ОИД
40 қонда
роман

1971 йил 25 октябрда
Францияда дипломат оиласида
туғилган. Сўнгра Туркия
фуқаролигини олиб, инглиз ва
турк тилларида ижод
қила бошлаган.

Унинг "Ишқ", "Қора сут",
"Искандар" асарлари ва ўнлаб
роман, эсселари бутун дунё
бўйлаб шуҳрат қозонган.
Бестселлерга айланган китоб-
лари туйфайли Франция ва
Туркиянинг фахрли
мукофотларига сазовор бўлган.



«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-5672-0-7



9 789943 567207